

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ СТАТИСТИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Х.НАБИЕВ, М.А.АБДУРАҲМОНОВ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ  
СТАТИСТИКАСИ**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлариаро илмий-устубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан  
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари  
талабалари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.


THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

H.NABIEV, M.A.ABDURAKHMONOV

STATISTICS OF BRANCHES OF  
MANUFACTURE

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,  
Тошкент 2004.

**Набиев Х., Абдурахмонов М.А. Ишлаб чиқариш тармоқла-  
ри статистикаси - (Ўқув кўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004 - 240 бет.**

Ўқув кўлланмада ишлаб чиқариш тармоқлари статисти-  
касининг предмети, усувлари ва вазифалари, унинг ўзига хос  
технологик хусусиятлари, шу тармоқларни маҳсулоти статис-  
тикаси ёритилган. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ишги  
кучи, асосий капитал, айланма капитал ва тадбиркорлик каби  
омилларни статистик ўрганиши усувлари, кўрсаткичлар тизими,  
уларнинг услубияти батафсил ёритилган ва таҳдил қилинган.  
Маҳсулот таннархи ва молиявий натижага кўрсаткичларига ало-  
ҳида эътибор берилган. Қишлоқ хўжалиги статистикасининг  
ердан фойдаланиш ва яроқли ерлар статистикаси, ҳосил ва ҳо-  
силдорлик, чорвачилик статистикаси, қишлоқ хўжалиги маҳсу-  
лотининг таннархи ҳақида тушунчалар инвестиция бозори ста-  
тистикаси, инвестиция самараодорлигининг статистик кўрсаткич-  
лари, меҳнат унумдорлиги статистикаси, курилиш маҳсулоти  
статистикаси каби бир қатор муҳим мавзулар ҳақида тушунча-  
лар берилган.

Ушбу қўлланма олий ва ўрга маҳсус ўқув юргларининг  
«Статистика» таълим йўналиши бакалаврлари ва магистрлари  
учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов**

**Тақризчилар: и.ф.н., проф. М. Ҳамроев;**

**и.ф.н., доц. А.Х. Аюбжонов;**

**и.ф.н., доц. М. Мухрумбоева**

Nabiiev Kh., Abdurahmonov V.A. "Statistics of branches of manufacture"-(manual)-TSEU, 2004 240 pages.

In the manual is about subject, methods and tasks of the course "statistics of branches of manufacture", its technological features, product statistics of these branches are covered. Methods of statistic research of factor of production such as manpower, main assets, circulation capital and entrepreneurship, system of indicators, their methodology are fully covered and analyzed. Paid a special attention to the cost price of a product and indicators of financial results.

Concepts of cost price of agricultural products, statistics of animal breeding, crop and productivity, statistics of land use and useful lands, statistics of investment markets, statistics indicators of efficiency of investment, statistics of productivity of labor, statistics of products of construction are given.

The present manual is designed for bachelors and masters of the direction of statistics of higher and secondary special schools.

Responsible editor: doctor of economic science,  
prof. Sh.R. Holmuininov

References: candidate of economic science,  
prof. M. Hamraev;

candidate of economic science A.H. Ayubjanov;  
candidate of economic science M. Markhumboeva

## КИРИШ

Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси бозор муносабатлари шароитида тармоқлардаги воқеа ходисаларнинг миқдорини сифатидан ажралмаган ҳолда ўрганади. Тармоқларнинг ишлаб чиқариш, бошқариш, сотиш, ташқи иқтисодий алоқалари моҳияти асосида уларнинг кўрсаткичлар тизими услубияти ўрганилади. Шунинг билан бирга бу кўрсаткичлар орасидаги боғланышларни ўрганиб, улардан иқтисодий статистик таҳлилда фойдаланиш лозимлигини уқтиради.

Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси предмети ва усули ҳамда статистикадаги бошқа тармоқлар билан алоқадорлиги, фаолиятини акс этувчи кўрсаткичларни тузиш, уларнинг таркиби ва ўзаро боғлиқдиги, кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти, фирмаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, уларда ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ва молиявий натижалар, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳақида кўрсаткичларини аниқлашдан изборат.

Алоҳида саноат тармоғи бўйича ҳам статистик кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш, улар асосида худосалар чиқарип, амалий счимларни топиш, бозор муносабатлари шароитида фирмалар, корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари иқтисодистини хар томонлама тадқиқ қилиши.

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг озиқовкат маҳсулотлари ва саноат хомашёсига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг зарур давлат манбаларини яратиш учун дехқончилик ва чорвачилик самарадорлигини ҳар томонлама ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалиги статистикаси ҳам бошқа тармоқлар статистикаси каби ижтимоий-иқтисодий статистиканинг ажралмас қисмидир.

Бошқа тармоқлар сингари қишлоқ хўжалигидага ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганиш, янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати каби муҳим категорияларни статистиканинг мавжуд усуллари ёрдамида ўрганиш алоҳида аҳамиятта эгадир.

Қишлоқ хўжалигининг хусусияти дехқончилик ва бошига тармоқларда ишлаб чиқаришининг мавсумий характерга эга бўлишидир. Демак, хўжалиқда меҳнат тақсимоти ва маблағ харажатларининг мавсумий тарзда ташкил этилиши табиийдир.

Қишлоқ хўжалиги статистикаси тадқиқотларида ўрганиласттган ҳодисаларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳар бир ҳодисанинг ўзгариши ва ривожланишида текширади, ўрганади.

Янги шароитда замонавий техника воситасида қурилиш ишлаб чиқаришини ягона жараёнга айлантириш, лойиҳалаш, қурилиш ишларини жадаллаштириш, сарф-харажатлар қийматини пасайтириш, объектлар қуриш ва ишлаб чиқариш кувватини ўзлаштириш муддатларини қисқартириш лозим.

Инвестицияларнинг ҳажми, таркиби ва динамикасини тасифлаш, муайян қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган маблаг манбалари ва ўлчамини ўрганиш, фаолиятни амалга ошириш шакллари ва услубларини таҳлил қилиш, инвестициянинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва статистик кўрсаткичлар орқали инвестициялар хавф-хатарини баҳошлаш лозим.

Инвестициялар, унинг алоҳида турлари, ҳосил бўлиш манбалари, фойдаланиш йўналишлари, қоплаш шакллари ва муддатлари статистика объекти сифатида ўрганилади.

Статистикада маҳаллий ва хорижий, асосий капитал, айланма маблағлар, яхлит капитал қурилишга, уй-жой, ижтимоий-маданий қурилишга, мулк шакллари бўйича, худудий субъектлар, вазирлик ва бошқармалар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар алоҳида ҳолда ўрганилади.

Статистика ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ривожининг ўзаро алоқаларини рақамлар воситасида таърифлар экан, бу билан у ривожланиш суръати, алоқанинг нақадар зичлигини кўрсатади. Ижтимоий ҳодисаларни ана шу тарзда таърифлаш учун статистик тадқиқот талаб қилинади: мальумотлар тўплаш, уларни ишлаб, таҳлил қилиб чиқиш лозим бўлади.

## I боб

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ СТАТИСТИКАСИННИГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, УСУЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

#### I.1. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси ва унинг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси

Ҳар қандай ҳодиса ва жараёнлар, миқдор ва сифат тарафига эга бўлиб, унинг сифат тарафини табиий фанлар, миқдор тарафини эса ижтимоий-иқтисодий статистика фани ўрганади. Ижтимоий-иқтисодий статистика фани икки қисм: жамиятдаги жараёнларни ўрганувчи ижтимоий статистика ва иқтисодий жараёнларни ўрганувчи иқтисодий статистикадан иборат.

Иқтисодий статистиканинг ҳам нафбатида икки қисм: ҳалқ хўжалигини бутунлигичча ўрганувчи макроиқтисодий статистика ва айрим тармоқлар микroiқтисодий статистикасидан иборат. Микroiқтисодий статистикада айрим тармоқларга кирувчи корхоналарнинг ривожланиши ўрганилади.

Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси ижтимоий-иқтисодий статистиканинг муҳим тармоғи бўлиб, юз берасттан жараёнлар, қонуниятлар ва боғланышларни ўрганади.

У фалсафа, иқтисодиёт назарияси ва статистика фанининг умумий қоидалари асосида бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланиш, жараёнини таърифлайдиган кўреаткичлар ва белгилар тизимини ишлаб чиқади. Бу кўрсаткичларнинг иқтисодий моҳиятини аниқлайди яъни статистик ҳисобот ва таҳдилтнинг назарияси ҳамда устубини яратади, статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳдил қилиш қоидаларини равшанлаштиради, гурӯхлаштиради.

#### I.2. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикасининг ўрганиш объекти ва кузатиш бирликлари

Ҳар қандай жамиятнинг яцаш асоси моддий исьматларни ишлаб чиқариш ҳисобланади. Улар ҳалқ хўжалигини моддий исьмат ишлаб чиқарадиган соҳа тармоғида (саноат, қишлоқ хўжалиги, курилиш ва ҳоказолар) яратилади. Моддий исьматлар яратадиган соҳа тармоқлари ичиди асосий ўринни саноат, қишлоқ хўжалиги, курилиш тармоқлари эгаллайди. Унда ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқарилади, хомашё, ёқилти қазиб олинади, электр энэр-

гияси, химиявий, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари меҳнат предместварининг асосий қисми ҳамда мамлакат мудофааси жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғида корхоналарнинг қуидаги турлари мавжуд:

Корхона юридик шахс хукуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. У ўзига мулкчилик хукуки сифатида тегиши бўлган мулкдан фойдаланиш ёки тўлиқ хўжалик юритиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади схуд маҳсулот айрбоплайди, иш бажаради, хизмат кўрсатади.

Ҳиссадорлик жамияти устав капитали тенг номинал қўйиматга эга бўлган маълум миқдордаги акциялар (пай)га бўлинган жамиятдир. Ҳиссадорлик жамияти акцияларни сотиши, шунингдек жамиятнинг хўжалик юритилиши фаолияти, қонуний йўл билан кўлга киритиш ҳисобидан вужудга келган мулк эгаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ширкати жамоат тадбиркорлигининг ташкилий - хукуқий шаклидир. Унинг ҳар бир аъзоси унга қўшган ҳиссасининг миқдоридан қатъиназар, битта овозга эга бўлиб, унинг қарзлари бўйича жавобгарлик қабул қилинган устав коида ҳолатлари билан чекланган бўлади.

Ижара корхонаси жами мулкни изжарага олиш асосида тадбиркорлик фаолияти кўрсатадиган корхона.

Давлат корхонасининг меҳнат жамоаси ёки бирлашма таркибий бирлиги юридик шахс асосида изжара корхонасини барпо этиш учун мустақил юридик шахс сифатида изжарачилар ташкилотини тузишга ҳақли.

Уюшма (ассоциация) иқтисодий мустақил хўжалик юритувчи субъектлар ёки бошقا турли молия ташкилотларининг кўпчилиги бирлашгандир. Уюшма ўз таъсиси тасдиқлаган устав асосида иш юритади.

Корпорация бирор бир фаолият кўрсатиш учун бирлашган юридик ёки жисмоний шахслар бирлашуви ва хукуқ субъектини ташкил этувчи юридик шахсдир.

Юқоридаги корхоналар тузилишини ўрганишда унинг бўлимларини таснифлаш мухим аҳамият касб этади. Улар корхона фаолиятида бажараётган вазифаларига қараб ишлаб чиқариш билан банд бўлган ва бўлмаган гурӯҳлар, транспорт, қурилиш, умумий овқатланиш ва ҳоказолар бўлинади.

Кузатиш бирлиги ўрганишда олдиндан қўйилган максадга қараб ўзгариб туради. Масалан: маҳсулот сифатини ўрганишда ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотлар гурӯҳи, ишчи кучини ўрганишда ҳар бир ходим ёки ходимлар гурӯҳи кузатиш бирлиги бўлиши мумкин.

### **I.3. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикасининг предмети, усули ва вазифалари**

Тармоқлар статистикасининг предмети, саноатда юз берастган оммавий ижтимоий воқеалар ва жараёнларнинг миқдор томони, сифат томонидан ажралмаган ҳолда ўрганишдир. (маҳсулот, маҳсулот ишлаб чиқариш омиллари, маҳсулот танинархи ва молиявий натижалар).

Қишлоқ хўжалигининг бошқа халқ хўжалиги тармоқларидан фарқ қиласидиган яна бир хусусияти қишлоқ хўжалигининг иш даври билан ишлаб чиқариш давридаги тафовутдир. Илгариги давр шундай даврки, бу давр давомида олинадиган маҳсулот меҳнат таъсири остида бўлади. Ишлаб чиқариш даври эса шундай даврки, унда олинадиган маҳсулот табиат таъсирида стилади ва мавсумийликка эга бўлади.

Унинг объектини ўрганишда ўзига хос усуллардан фойдаланилади:

1) Умумназарий усул дунёвий фалсафанинг умумий коидалари; а) воқсаларни ўзаро бобганиши ва ривожланишда, деб қараш; б) воқсаларнинг ижтимоий-иқтисодий турлари мавжудлигини тан олиш; в) сон ўзгаришларининг сифат ўзгаришига олиб келишини тан олиш ва ҳоказолар.

2) Бевосита статистик усуллар; а) статистик кузатиш; б) сводкалаш ва гурухлаш; в) мутлақ ва нисбий миқдорлар; г) ўртача миқдорлар ва вариация кўрсаткичлари; д) индекслар ва ҳоказолар.

Статистиканинг вазифаси халқ хўжалигини ривожлантириш режасини бажаришнинг боришини кўрсатиш, шунингдек, халқ хўжалиги режаларини бажариш учун зарур статистик маълумотларни ишлаб чиқишидан иборат, яъни хўжаликда меҳнат унумдорлигини оширишга, ёрдам берадиган янги ҳодисаларни очиб бериш; халқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ишларда юз берган камчиликларни (йуқотиш учун) очиб бериш; жамиятда эришилган муваффақиятларни (меҳнат унумдорлиги, ижтимоий фонdlар, моддий техника базаси, аҳоли мадданий савиясининг ўсишини) кўрсатувчи статистик маълумотларни меҳнаткашлар оммасига кенг сийишдан иборат.

Ижтимоий-иқтисодий статистиканинг вазифалари ҳам қисман тармоқлар статистикасига ҳам таалтуқлидир.

Қишлоқ хўжалиги статистикасининг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу борада ишлаб чиқиладиган

қўрсаткичлар тизими ширкат хўжалиги ва бошقا қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолияти натижаларини объектив равишда тўла ва аниқ ёритиб берадиган бўлиши лозим.

Бутунги кун вазифаси ишлаб чиқариш захиралари, машина ва жиҳозлар ҳамда капитал кўйилтманинг ҳар бир сўмидан тўлиқ ва имконияти борича мақсадга мувофиқ фойдаланишдир.

Курилиш статистикасининг вазифаларига асосан ишлаб чиқариш самарадорлгини ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг ички манбаларини аниқлаш, ишлаб чиқаришда эришилган ютуқ ва камчиликсларни аниқ маътумотларда кўрсатиш, ишлаб чиқариш бўйича олинган натижаларни тақдослаш ва бошқалар киради.

## **Қысқача холосалар**

Иқтисодий статистика ҳам ўз навбатида икки қисм: ҳалқ хўжалигини бутунлигича ўрганувчи макроиқтисодий ва айрим тармоқлар микроиқтисодий статистикаларидан иборат. Микроиқтисодий статистикада айрим олинган тармоқлар, унга кирувчи корхоналар ва уларнинг ривожланиши ўрганилади.

Тармоқлар статистикаси - ижтимоий-иқтисодий статистиканинг муҳим қисми бўлиб, юз бераётган жараёслар, қонуниятлар ва боғланишларниң ўрганади ва статистика фанининг муҳим қисми бўлиб, ҳалқ хўжалигининг йирик стакчи тармоқларини ҳар томонлама ўрганади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат статистикасининг ўрганиши объекти нима?
2. Саноат статистикасининг предмети, усули ва вазифалари?
3. Ер қишлоқ хўжалигида асосий восита сифатида эканлиги?
4. Қишлоқ хўжалиги статистикасининг вазифаси нималардан иборат?
5. Курилиш статистикасининг вазифалари нималардан иборат?

### **Асосий адабиётлар**

1. Набиев Х.М., Абдураҳмонов М.А. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси. Маъруза матнлари. ТДИУ - Т., 2000.
2. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма - Т., 2003.
3. Абдураҳмонов М.А. Курилиш статистикаси. Ўқув қўлланма - Т., 2003.
4. Набиев Х. Саноат статистикаси. Ўқув қўлланма. Т., 2003.

## II боб

### Саноат маҳсулоти статистикаси

#### II.1. Саноат маҳсулоти ҳақида тушунча ва унинг тайёр бўлиш жараёни

Жамият аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган истеъмол қийматлари маҳсулот, деб аталади. Жумладан, саноат корхоналари маҳсулоти икки хил кўринишда юзага келади:

Маҳсулот технологик усул ёрдамида хомашё ва материаллардан олинадиган буюм бўлиб, истеъмол қийматта эга бўлади ва у ёки бу талабни қондиради.

Хизмат - маҳсулотнинг натурал буюм шаклини ўзgartирмайди, унинг бирламчи қийматига қиймат кўшмайди, лекин истеъмолчи шу хизматни амалга оширишдан манфаатдор ва унинг қийматини тўйлади. Масалан товарни ташиш, жойлаш, таъмирилаш ва айрим маҳсулот истеъмол қийматининг ортиши (текислаш, хромлаш ва ҳ.к.) товарни реклама қилиш; уни сотишни ташкил этиш ва ҳ.к.

Саноат тармоғида яратилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар йигиндиси саноат маҳсулотини ташкил этади. Аммо саноат корхонасидаги ҳар қандай моддий несъмат ва кўрсатилган хизмат ҳам корхона маҳсулоти ҳисобланмайди.

Фақатгина корхонанинг тўғри, фойдали фаолияти натижасига саноат маҳсулоти деб аталади. Шунинг учун саноат маҳсулотига қуйидагилар киритилмайди:

- А) ишлаб чиқариш чиқиндилари;
- Б) ишлаб чиқаришдаги брак;
- В) капитал қурилиш бўлими, умумий овқатланиш, ёрдами чиқшоқ хўжалиги маҳсулотлари;
- Г) корхонада сотилган ортиқча асосий ва айланма фонdlари;

Саноат ишлаб чиқариш жараёни маълум даврни ўз ичига олади. Маҳсулотлар тайёр бўлиш даражасига қараб қуйидаги ча бўлади.

Тайёр маҳсулот деб қайта ишловни талаб этмайдиган, қадоқланган, стандартга мос, тайёр маҳсулотлар омборига юборилган, сотишга ёки ўзини ёрдамчи хўжаликларига юборишга мўлжалланган маҳсулотга айтилади.

Ярим тайёр маҳсулотлар деб тайёрлов устахоналарининг бирида техник жиҳатдан ишлаб бўлинган, лекин келажакда

шу заводнинг бошқа цехларида ишлатилиши ёки четта сотилиши мумкин бўлган маҳсулотларга айтилади. Масалан, металургия заводидаги чўян.

1958 йилдан бошлаб тугалланмаган ишлаб чиқариш фасат ишлаб чиқариш даври 2 йилдан кам бўлмаган корхоналарда ҳисобга олинади.

Тугалланмаган маҳсулот ишлаб чиқаришга киритилган, лекин қайта ишлаш ҳали тугалланмаган маҳсулотларга айтилади. Масалан, йиғув цехидаги машина.

## II.2. Саноат маҳсулоти ҳажмини аниқлаш усуллари

Маҳсулот статистикаси аввало ишлаб чиқариш маҳсулотининг умумий ҳажмини ҳисобга олиши керак. Бўнинг учун берилган маълумотлар ёки қўйилган вазифага қараб, маҳсулот ҳажми куйидаги усулларда ўлчанади:

- А) натурал усул;
- Б) шартли натурал усул;
- В) меҳнат усули;
- Г) қиймат усули.

Маҳсулот ҳажми натурал усулда ҳисобланганда у натурал кўрсаткичларда ифодаланади. Масалан: тонна, метр ва ҳ.к. Бу усулда фақат бир корхона ёки тармоқ маҳсулоти сифатини ҳисобга олмаган ҳолда миқдорини аниқлаш мумкин.

Маҳсулотни қиймат усулида ифодалаша ҳар хил турдаги маҳсулотлар бўйигча умумий кўрсаткични аниқлаш имконини беради. Қийматни пулда ифодалашда баҳо тизимидан фойдаланилади.

## II.3. Саноат маҳсулоти ҳажмини аниқловчи қиймат кўрсаткичлар тизими

Ҳозирги даврда саноат маҳсулоти корхоналар ва хонадон шароитида ишлаб чиқарилади. Улар 2 қисмга бўлинади:

1) Бозорда сотишга мўлжалланган маҳсулот.

2) Жамғариш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот (маҳсус ускуналар, асбоблар ишлаб чиқариш, ўз кучи билан машина ва ускуналарни тўлиқ таъмирлаш), хонадонларнинг бозор ва ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлари.

Бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулот деб, уни сотилинатижасида харажатлари қопланадиган ҳамда маълум миқдорда фойда келтирадиган маҳсулотга айтилади. Маҳсулот саноат корхоналари ва хонадонларда ишлаб чиқарилади (хунарманцлар

маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хўжалик техникалари, мебель, оёқ кийимларни таъмирлаш).

Саноат маҳсулоти қиймат усулида куйидагича ифодаланади:

$$Q = p \times q$$

Бунда:  $p$  - маҳсулот бирлиги баҳоси

$q$  маҳсулот ҳажми.

Саноат маҳсулоти ҳажми ва улар динамикаси индекс усул ёрдамида аниқланади:

1) Маҳсулот қиймати индекси:

$$I_q = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0}$$

Бунда:

$p_0, p_1$  - маҳсулотнинг базис ва жорий даврдаги баҳоси;

$q_0, q_1$  маҳсулотнинг базис ва жорий даврдаги натурал кўринишдаги ҳажми.

2) Ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳоси индекси:

$$I_q = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0}$$

3) Ишлаб чиқарилган маҳсулот физик ҳажм индекси:

$$I_q = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$$

Бу индекслар орасида куйидагича боғланиш мавжуд:

$$I_q = \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0}$$

1993 йилдаги қишлоқ хўжалик МХТ нинг учинчи халқаро стандарти бўйича ЯИМ ва айrim тармоқлар маҳсулотлари (ялпи ишлаб чиқариш) кўрсаткичини аниқлаш учун статистика амалиётида куйидаги баҳолар кўлланилади:

а) омилли баҳо;

- б) асосий баҳо;
- в) ишлаб чиқариш баҳоси;
- г) харидор баҳоси.

Баҳоларнинг ҳосил бўлишини қўйидаги тартибда ифода-лаш мумкин:

- 1) Омилли баҳо = меҳнат ҳақи + оралиқ истеъмол + ялпи фойда.
- 2) Асосий баҳо = омил баҳо + ишлаб чиқариш соф солиги.
- 3) Ишлаб чиқариш баҳоси = асосий баҳо + маҳсулот соф со-лиги.

4) Харидор баҳоси = ишлаб чиқариш баҳоси + савдо транс-порт устамаси.

Омилли баҳо - ишлаб чиқаришдаги 4 омилнинг қиймати-ни ўзида акс эттиради (ишчи кучи, асосий ва айланма фонdlар, тадбиркорлик).

Асосий баҳо - бозор баҳоси бўлиб, омил баҳога ишлаб чи-қариш соф солиги кўшилади. У ўз навбатида ишлаб чиқарув-чилар ва харидорлар баҳосига бўлинади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор баҳоси - ишлаб чиқарув-чи томонидан маҳсулот бирлигини сотган баҳоси ҳисобланади. Бунда асосий баҳога маҳсулотларга бўлган солиқ қўшилади (кўшимча қиймат ва импорт солигидан ташқари) ва маҳсу-лотларга бўлган субсидиялар айрилади. Субсидиялардан таш-қари солиқлар - соф солиқлар деб аталади.

Харидорлар бозор баҳоси харидор томонидан маҳсулот ва хизматларга тўланган тўловдир. Бунда маҳсулотларга бўл-ган соф солиқлар ва савдо-транспорт устамалари кўшилади.

ЯИЧ (ялпи ишлаб чиқариш) омил баҳо (асосий баҳода) ва харидорларнинг бозор баҳосида баҳоланиши мумкин. Омил баҳода хисоблаш юқорида қайд қилинганидек, фақат ишлаб чиқариш харажатларини, яъни асосий фонdlар амортизацияси, айланма фонdlар қиймати, иш ҳақи ва фойданни ўз ичига олади. Бозор баҳосида буларга соф ва тескари солиқлар кўшилади.

Ялпи ишлаб чиқариш жорий даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар йиғинидиси бўлиб, қўйидаги элементлардан таркиб топади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот
- бозор хизматини кўрсатиш;
- нобозор хизматини кўрсатиш;
- тескари ўлчанадиган молиявий воситачилик хизмати.

1) Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жорий бозор баҳосида баҳоланади ва қўйидаги элементлардан ташкил топади:

- тайёр маҳсулот;
- ярим тайёр маҳсулот;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш.

2) Бозор (тўловли) хизматларини кўрсатиш (коммунал хўжалик, майший хизмат кўрсатиш, тўловли илм олиш ва соғлиқни сақлаш, маданий муассасалар хизмати ва ҳ.к.) Бу хизматларни кўрсатиш қиймати тўловлар суммаси йигиндишига тенг.

3) Нобозор (тўловсиз) хизматларини кўрсатиш (тўловсиз илм олиш ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъят ва ҳ.к.). Бу хизматларни кўрсатиш учун сарфланган хизматлар суммалари йигиндишига тенг.

4) Тескари ўлчанадиган молиявий воситачилик хизмати - кредит бериб олинган фоиз билан пул маблағларини тўплаб, уларнинг эгаларига берилган фоизлар орасидаги фарқ.

Юқоридаги 4 та элементнинг йигиндиси ялпи ишлаб чиқаришни ифодалайди.

Оралиқ истеъмол -ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товар ва хизматнинг (ишлаб чиқаришга киритилиш вақтида мавжуд бўлган баҳолардаги) қиймати ҳисобланади.

Оралиқ истеъмол қуидидаги элементлардан ташкил топади:

- моддий харажат;
- номоддий хизмат учун тўлов;
- сафар ва меҳмонхона харажатлари;
- оралиқ истеъмолнинг бошقا харажатлари.

Моддий харажатлар товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун сарфланган қуийидаги меҳнат буюмлари:

- a) хомашё ва материаллар;
- b) ярим тайёр маҳсулот ва дсталлар;
- c) ёқилғи ва энергиянинг барча турлари;
- d) маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар;
- e) маҳаллий ва чет корхоналарининг транспорт хизматлари; алоқа ва ҳисоблаш марказлари хизматлари.
- f) ўраш материалларининг қиймати;
- g) ходимлар учун зарурий ускуналар, иш кийимларга харажатлар ва ҳ.к.

Номоддий хизматлар учун тўловларга қуийидагилар киради:

- a) товар сифатини текшириш учун тўловлар;
- b) илмий текшириш ва экспериментал ишлар учун тўловлар;
- c) молиявий воситачиларнинг хизматлари учун тўловлар; сугурта хизматлари;
- d) корхона учун зарур мутахассислар тайёрлаш ва ходимларни қайта тайёрлаш учун ўқув муассасаларига тўловлар;
- e) бино, иншоот, машина ва асбоб-ускуналар изяраси учун тўловлар, реклама харажатлари.

с) товар ишлаб чиқариш учун рухсатномага түловлар;  
ж) ёнгіндан сақлаш ва қоровулык хизматлари учун түловлар;  
Сарф - харажатларга қуйидагилар киради:  
а) ійл харажатлари;  
б) мәсұмона харажатлари (овқатланиш ва майший хизматлар мәхнат ҳақыға киритилади).

Саноат харakterидаги хизматта қуйидагилар киритилади: ускуна ва транспорт воситалари меканизм (№\_\_\_\_\_) модернизация ва капитал таъмираш қыймати, маңсулоттинг башқа корхонада тайёрланған айрим элементларини тайёр ҳолга келтиришдеги хизматлар, буортмачи ускуналарини монтаж қилиш, ишга тушириш ва созлаш каби хизматлар. Үмуман, саноат маңсулоти таркиби қуйидагилардан ташкил топади:


- сотилған маңсулот ҳажми;
- сотиш учун жүннатилған маңсулот ва хизматлар ҳажми; шу корхонаның саноат бұлмаган бўлимларига (болалар боғчаси, дам олиш уйлари ва ҳ.к.) берилған маңсулотлар;
- корхона ходимларига иш ҳақи сифатида берилған маңсулот;
- одамийлик нуктаси назаридан башқа ташкилотларга берилған маңсулотлар;
- захиралар ҳажми ортиши;
- туталланмаган ишлаб чиқариш.

Саноат корхонаси маңсулоти ҳажми қуйидаги қыймат кўрсаткічлар ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткічларнинг ҳар бири аниқ вазифа ва иқтисодий маънога эга.

А) Ялпи айланма - маълум давр ичида корхонанинг барча цехлари, бўлимлари, участкаларида ишлаб чиқарилған маңсулотлар йиғиндишига тенг бўлиб, у хозирги вақтда корхона ялпи маңсулотини хисоблашда асос ҳисобланади.

Б) Ялпи маңсулот корхона фаолиятининг сўнгти натижасидир. У ҳамма цехлардаги ишлаб чиқарилған тайёр маңсулотлар, асосий ва ёрдамчи цехларда ишлаб чиқарилған, ташкәрига сотилған ярим тайёр маңсулотлар, саноат харakterидаги хизматлар қыйматлари йиғиндишига тенг ялпи маңсулотга узоқ даврли (2 ойдан ортиқ) корхоналарда эса туталланмаган ишлаб чиқариш қыймати ҳам кўшилади.

В) Товар маңсулот деб, маълум даврда ишлаб чиқарилған, корхонадан ташкәрига чиқаришта мўлжалланған ёки чиқарилған маңсулотга айтилади. Унинг таркиби тайёр маңсулотлар (- ўзида ишлаб чиқарилғандан ташкәри), ташкәрига чиқарилған ярим тайёр маңсулотлар, саноат харakterидаги хизматлар қыймати киради. Буортмачи материали баҳоси ҳам киради ва аксинча. Туталланмаган ишлаб чиқариш қыймати товар маңсулотга киритилмайди.



## Қисқача холосалар

Саноат тармоғыда яратылған маҳсулотлар ва күрсатылған хизматлар йигиндиси саноат маҳсулотини ташкыл этади. Аммо саноат корхонасындағы ҳар қандай моддий нысъмат ва күрсатылған хизмат ҳам корхона маҳсулоти ҳисобланмайды.

Фақаттана корхонанинг түгри, фойдалы фаяниятты натижасига саноат маҳсулоти деб аталағы. Шунинг учун саноат маҳсулотига қуидагилар киритилмайды:

- А) ишлаб чиқариш чиқындилари;
  - Б) ишлаб чиқаришдағы брак;
  - В) капитал қурилиш бўлими, умумий овқатланишининг, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;
  - Г) корхонада сотилған ортиқча, асосий ва айланма фондлари;
- Саноат ишлаб чиқариш жараёни маълум даврни ўз ишга олади. Шу маҳсулотлар тайёр бўлиш даражасига қараб, бу жарасиң қуидагича бўлади:
- Тайёр маҳсулотлар деб ҳеч қандай қайта ишловни талаб этмайдиган, бутунлай комплектланган, стандартта мос, тайёр - маҳсулотлар омборига юборылған, сотини угуни мўлжалланган ёки шахсий ёрдамчи хўжаликларига юборишга мўлжалланган маҳсулотларга айтилади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Саноат маҳсулоти нима?
2. Саноат маҳсулоти тайёр бўлиш күрсаткичларига қараб, қандай элементларга бўлинади?
3. Саноат маҳсулоти ҳажмини қандай усуслар ёрдамида аниқланади?
4. Саноат маҳсулоти ҳажмини ифодаловчи қиймат күрсаткичлари тизимиға нималар киради?

## Асосий адабиётлар

1. Ревенко А.Ф. Промышленная статистика в США. Учебник.- М.: Статистика, 1991.
2. Адамов В.Е. Статистика промышленности, Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Экономическая статистика. Учебник. Под ред. Проскурянова В.М., Фреймунд М.Н., Этдельман М.Р.. 3-е изд. - М.: Финансы и статистика, 1983.

### III боб

#### Саноат мөхнат ресурслари статистикаси

##### III.1. Корхона ходимларининг сони ва таркиби статистикаси

Давлат, нодавлат корхоналари ва ташкилотлар ходимларининг маълум вактдаги сонини характерловчи кўрсаткичлар қуидагилар ҳисобланади:

Рўйхатдаги ходимлар, ишга келганлар ва амалда ишлаганлар сони.

Рўйхатдаги ходимлар сонига доимий, мавсумий ва вақтинча ишга қабул қўтилган кишилар киради. Унга ишга келганлардан ташвари дам олиш кунларида ишлаб одатий иш кунларида ишга келмаган, беморлар, хизмат сафарида бўлганлар ва бошқа сабабларга кўра вақтинча ишга келмаган ходимлар ҳам киради. Турси ишларни бажариши учун чистдан ёланганлар (тазмиричи, юк ташувчи) ва амалийдаги талабалар рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайдилар.

Ишга келган ходимлар сони, рўйхатдагилардан қанчаси ишга келганини кўрсатади.

Амалда ишлаган ходимлар сони- ишга келган ходимларниң қанчаси ишга тушганини кўрсатади. Ишга келганлар билан амалда ишлаганлар ўртасидаги фарқ ҳар хил сабабларга кўра ишламаган ходимлар сонини кўрсатади. Масалан, хомаше бўлмаслиги ёки элекстр энергияси йўқлиги туфайли. Булар бўш турғанлар, дейилади.

Маълум даврдаги ходимлар сонини аниқлаш учун уларнинг шу даврдаги ўртача сонини аниқлаш керак бўлади. Бу кўрсаткичдан ўртача мөхнат унумдорлиги дарајаси ва ўртача иш ҳақини аниқлаша фойдаланади.

Рўйхатдаги ходимларининг ўртача суткадаги сонини аниқлаш учун ҳар кунги ходимлар сонини қўшиб (байрам ва дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинади) улар календарь кунлар сонига бўлинади.

$$T = \frac{\Sigma T \cdot T^i}{D}$$

Бунда:  $T$ - ходимлар сони;

$T^i$ - декрет таътил ёки асосий ўқиши даври тутагач, ўз ҳисобидан таътил олган ходим ва талабалар сони.

$D$ - календарь кунлар сони.

Статистика корхона ходимлари таркибини ўрганиш учун улар бир қанча бслгиларга асосан гурухланади.

1) Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар. Унга асосий, ёрдамчи ва транспорт шехларидағи ҳамда бошқа ишлаб чиқариш билан боелиқ бўлган ходимлар киради.

2) Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита алоқаси бўлмаган ходимлар. Буларга корхонанинг болалар боғчаси, тиббий пункт, клуб ва ошхонаси ходимлари киради.

Статистика саноат ишлаб чиқариши билан банд бўлган ходимларни чукур ўрганади ва уларнинг бажараётган вазифасига қараб қўйидаги гурухларга ажратади: ишчилар, хизматчиликар, мутахассислар ва раҳбарлар. Бунда статистика асосий эътиборни ишчилар категориясига қаратади.

### III.2. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси

Ишчи кучининг ишдан бўшатилиши ва янги ишчиларни қабул қилиш натижасида корхона ишчи кучи таркиби ва сонида ўзгаришлар бўлиб туради. Ишчи кучи сонининг ўзгариб туриши иш кучининг айланмаси деб аталади. Айланма икки хил бўлади:

1) Ташқи айланма (ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш)

2) Ички айланма (ишчиларнинг бир цехдан иккинчлисига ёки, бир категориядан иккинчлисига ўтиши ва х.).

Мехнат ресурслари статистикаси статистик матдумотларга асосан ишчи кучи айланмасини характерлаш учун қўйидаги кўрсаткичларни ҳисоблади:

1. Ишчи кучининг умумий айланмаси;

2. Ишчи кучининг ишга қабул қилиши айланмаси;

3. Ишчи кучининг ишдан бўшаш айланмаси;

4. Ишчи кучининг кўнимсизлик айланмаси.

Бу кўрсаткичлар мутлақ ва нисбий миқдорларда ҳисобланади.

Ишчи кучининг мутлақ айланма кўрсаткичи жорий даврда ишчиларни ишга қабул қилиши ва ишдан бўшаш миқдори билан характерланади. Шу айланманинг нисбий миқдори эса коэффициент ва % да ифодаланади.

1. Ишчи кучининг умумий айланмаси қўйидагича ҳисобланади: корхонага ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатилганлар сони шу ҳисобот давридаги ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади.

2. Ишга қабул қилиш айланмаси. Бу кўрсаткич ҳисобланганда ҳисобот даврда ишга қабул қилинган ходимлар сони ни ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади.

3. Ишдан бўшатилганлар айланмаси коэффиценти. Бу

кўрсаткични ҳисоблаганда корхонада ҳисобот даврида ишдан бўшаганлар сонини ўртacha рўйхатдаги ишчилар сонига бўлинади.

Ишчилар ишдан бўшапи 2 хил бўлади:

1. Зарурий ишдан бўшаш
2. Ортиқча ишдан бўшаш

Зарурий ишдан бўшашга қонунда белгиланган ишлаб чиқариш зарурияти ва табиий сабабларга кўра ишдан бўшовчилар киради.

Ортиқча ишдан бўшаганларга корхона манфаатига мос бўлмаган сабабларга кўра ишдан бўшаганлар киради. Масалан, ўз хохиши билан ишдан бўшаганлар ёки меҳнат интизомини бузганилиги учун ишдан хайдалганлар. Ишчи кучининг бундай айланмаси қонунсизлик деб, аталади.

Кўнимсизлик меҳнатнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқаришнинг рисоладагидек бориши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бажарилиши ва маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Булар ўз нафбатида корхона иқтисодига таъсир этади. Кўнимсизлик коэффиценти ҳисобланганда юқорицаги айтилган сабаблар билан бўшаганлар сонини ҳисобот давридаги ўртacha рўйхатдаги ишчилар сонига бўлинади.

Бозор иқтисодисти шароитида ишсизликни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ишсизликни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ишлаб турган жойидан, меҳнат даромадидан ажралган, иш қидириувчи шахслар сифатида рўйхатга олинган, меҳнатга, касбий тайсёр гарликка тайёр 16 ёшдан нафақа ёшига қадар бўлган фуқаролар ишсизлар сирасига киради.

Статистика ишсизлик даражасини характерлаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланади. Маълум худуд бўйича маълум давр ёки маълум вақт учун ишсизларнинг мутлақ сони аниқланади. Лекин унинг интенсивлик даражасини аниқлаш учун ишсизлик коэффиценти ҳисобланади. Бунинг учун ишсизлар сони меҳнат ресурслари сонига бўлинади ва фоизда ифодаланади. Бозор иқтисодисти шароитида 5%-7% ишсизлик месъёри ҳолат ҳисобланади.

### III.3. Иш вақти баланси ва унинг статистик таҳлили

Иш вақтининг ўлчов бирлиги бўлиб, киши куни ва соати ҳисобланади. Ишланган киши куни деб, ишчининг ишга келиб неча соат ишлашидан қатъи назар ишлаган кўнга айтилади. Ишчи бир иш куни давомида сменада тўла ишламаса ҳам бир киши куни ҳисобланади.

Ишланган киши кунлари ишлаб чиқаришга сарф қилинган иш вақтини аниқ күрсатмайды. Шунинг учун ҳам киши куни ҳисоблаганда иш куни орасыда бўлган иш вақти йўқолишини аниқлаб бўлмайди. Иш вақтининг аниқ ўлчови ишланган киши соати ҳисобланади яъни ҳақиқатда ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақти ҳисобланади. Иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишчи вақтининг календарь, табель ва энг юқори имкониятли вақт фонdlари аниқланади.

Иш вақтининг календарь вақт фонди ўртача суткада рўйхатда бўлган ишчилар сонини календарь кунига юпайтириш йўли билан аниқланади. Бу фонд ҳисобот даврида барча ишга келган ва ишга келмаган киши кунлари йигиндисига тенг.

Унинг элементлари:

- 1) Байрам ва дам олиш кунлари,
- 2) Навбатдаги меҳнат таътиллари,
- 3) Амалда ишланган киши-кунлари,
- 4) Кун давомида бўш туришлар,
- 5) Декрст таътиллари,
- 6) Касаллик сабабли ишга келмаслик,
- 7) Конун бўйича ишга келмаслик,
- 8) Матъмуряят рухсати билан ишга келмаслиги,
- 9) Қолдирилган кун.

3 ва 9 элементлар йигиндиси бирғаликда юқори имкониятли иш вақти фондини ташкил этади. Шу фондга навбатдаги таътиллар кўшилса, табель иш вақти фонди ҳосил бўлади. Бу фондга байрам ва дам олиш кунлари кўшилиб, тўлиқ календарь иш вақти фонди ташкил этилади.

Календарь ва юқори имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш коэффицентлари қуйидагича ҳисобланади.

1. Календарь иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти.

2. Юқори имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти.

3. Юқори имкониятли иш вақти фонди.

Иш вақтидан фойдаланиш даражасини ўрганишда иш вақти балансини тузиш ва уни таҳдил қилиш муҳим аҳамият касб этади. У икки қисмдан иборат бўлиб, чап қисмида иш вақти ресурслари, ўнг қисмида эса календарь иш вақти фонди тизими келтирилади. Шуни таҳдил қилиб иш вақтидан фойдаланиш ҳақида фикр юритиш мумкин.

## I-жадвал

### Иш вақти баланси

Жорий ыл бүйнчылаш вақти ресурслары	Киши- күннери	Иш вақти ресурслардан фойдаланиш			
		Жама киши- күнни	Үргача бир ходячыга	Жамага нисбетан % %	
Ходимларнинг календарь иш вақти фонди (Үргача рўйхатдаги ходимлар сонининг йигидиги календарь култтар сонига куйгайтири- лади 1000 365)	365000	Байрам ва дам олиш култвари Мехнат таътиллари Ўқув таътиллари Декрет таътиллари Бетоблиги туфайли ишга келимаслик Бошқа қонулда белгисалганни ишга келимаслик Маъмурлар руҳсати билин ишга келмаслик Йўқотишлар Амалда ишланган	111000 18000 3000 36000 5000 1000 2700 200 178100	11.0 18.0 3.0 36.0 5.0 1.0 2.7 0.2 178.1	30.4 4.9 0.8 9.9 1.4 0.3 0.7 0.1 51.5
Баланс	365000	Баланс	365000	365,0	100,0

Цемак, календарь иш вақти фондининг 51,5 % амалда фойдаланилган, 47,7 % узрли сабаблар билан, 0,8 % эса узрсиз сабаблар билан йўқотилган.

## **Қисқача хуросалар**

Саноат мөхнат ресурслари статистикасида давлат ва но- давлат корхоналари ва ташкилотлари ходимларининг маълум вактдаги сонини характерловчи кўрсаткичлар бўлиб, улар куйидагилар ҳисобланади: рўйхатдаги ходимлар сони, ишга келгандар сони ва амалда ишлагандар сони. Рўйхатдаги ходимлар сонига доимий, мавсумий, ва вақтинча ишга қабул қилинган кишилар киради. Ўнга ишга келгандардан ташқари дам олиш кунларида, касаллиги сабабли, хизмат сафарида бўлган ва бошқа сабабларга кўра вақтингча ишга келмаган ходимлар ҳам киради. Турли ишларни бажариш учун чётдан слланганлар (тъмирловчи, юк ташувчилар) ва амалиётдагилар рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайдилар.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Саноат мөхнат ресурслари статистикасининг ўрганиш объекtlарига нималар киради?
2. Корхона ходимлари сони ва таркиби қандаи ташкил этилади?
3. Иш вақти балансини статистик таҳлил қилинг.

## **Асосий адабиётлар**

1. Гальперин В.М., Игнатьев С.М., Моргунов В.И.. Микроэкономика. Том I, - Санкт-Петербург: Экономическая школа, 1994.
2. Экономика и статистика фирм. Учебное пособие. Под. Ред. Проф. Ильиной С.Д. - М.: Финансы и статистика, 1996.
3. Ревенко А.Ф. Промышленная статистика в США. Учебник. - М.: Статистика, 1991.
4. Адамов В.Е. Статистика промышленности, Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1987.

## IV боб

### САНОАТДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ

#### IV.1. Мехнат унумдорлиги ва уни ўстириш омиллари

Мехнат унумдорлиги - киши меҳнати орқали маълум вақт бирлиги ичида маълум миқдордаги истеъмол қиймати яратилишидир. Истеъмол қиймати ҳажмини оширишни икки хил йўл билан амалга ошириш мумкин.

1) Кўп киши меҳнатини сарфлаш билан.

2) Мехнат унумдорлиги даражасини ошириш билан.

Биринчى кўрсаткич сарфланган меҳнат ҳажмини ифодаласа, иккинчиси унинг сифатини ифодалайди. Булар корхоналар хўжалик фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигини кўтариш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосий энг самарали усул ҳисобланади.

Саноатда меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб боришини кўйидаги ҳолатлар тақозо қиласди:

1) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш;

2) меҳнат ресурсларининг чегараланганлиги;

3) моддий исьмат яратадиган ва яратмайдиган соҳа тармоқларини ривожлантириш;

4) иш куни қисқарилиши, дам олиш қунларининг ортиши натижасида максимал имкониятли иш вақтининг қисқариши.

Мехнат унумдорлиги статистикаси меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши қонунини мавжуд шароитда корхона, тармоқ ва бутун саноатда ўрганади. У меҳнат унумдорлигининг даражаси, унинг динамикаси ва унга таъсир этувчи омилларни текширади.

Умуман статистикада меҳнат унумдорлигига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

1) Умумий иқтисодий омиллар (ишлаб чиқариш усуллари характеристи)

2) Табиий- иқлим шароити

3) Техника тараққиётининг йўналиши

4) Ишлаб чиқаришнинг ташкилий омиллари (ишчининг маълумоти, малакаси, меҳнати ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат интизоми)

Айрим тармоқ ва корхоналарда бу омиллар мавжуд шароитта қараб янада майдалашиб кетади.

## IV.2. Мехнат унумдорлигини аниқлаш усуллари

Мехнат унумдорлиги даражаси турли усуллар ёрдамида аниқланади. У ёки бу усулни кўллаши қўйилган аниқ вазифа ва берилган маълумотларга боғлиқ бўлади.

Амалда меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг кўйидаги усуллари мавжуд.

1) Бевосита натурал усул. ( $Y=C/T$ ) - маҳсулот ҳажми бевосита натурал усулда ўтчанади. У ходимлар сони ёки ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлиниши натижасида 1 ходим ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади. Бу усул бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарида кенг кўлланилади. (кўмири қазиб чиқариш, чўян куйиш, газлама тўқиши ва ҳ.к)

Бу усулни кўллаш маълум чегарага эта, чунки:

1) ишлаб чиқарилган маҳсулот бир хил бўлиши ва унинг умумий ҳажми бир хил натурал кўрсаткичда ўтчаниши керак.

2) ишлаб чиқариш оммавий ёки серияли бўлиши ва технологик жараён узоқ бўлмаслиги керак.

Шулардан маълум бўладики, бу усулни асосан иш жойи - бригада, цех ёки корхонадагина кўллаш мумкин. Бу усулнинг камчилиги шундаки, унда маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинмайди.

2) Шартли натурал усул. ( $OY=C*K/T$ ) маҳсулот ҳажми шартли натурал усулда ўтчанади. У ходимлар сони ёки маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтга бўлинади.

3) Мехнат усули. а) ( $I=T/()$  муайян ҳажмидаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт соатлари ва киши минутларида ўтчанади сўнгра у ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлинади. Натижада бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфлангани аниқланади. Бу усулни фақатгина бир корхона чегарасида кўллаш мумкин.

б)  $I = y * I/T$  меъёр/соат бинобарин юқоридаги учала усулни кўллаш алоҳида корхона ёки тармоқ билан чегараланган.

4) Қиймат усули  $OY=(q * Pp / T)$  меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашнинг энг кенг тарқалган ва универсал усулидир. Саноат маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар учун белгиланган баҳони маҳсулот ҳажмига кўпайтириб, маҳсулотнинг қиймат шаклдаги ҳажми аниқланади ва ходимлар сони ёки сарфланган вақтга нисбатан олинади. Натижада 1 ходим ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши аниқланади.

### IV.3. Мәхнат унумдорлиги индекслари

Статистика мәхнат унумдорлигининг даражасини аниқтабына қолмай, унинг динамикасини ҳам текширади.

Мәхнат унумдорлиги индексси дейилганды унинг динамикаси ёки унинг ўзгаришига таъсир этувчи, омиллар кучини характерловчы нисбий күрсаткычлар түшүнилади. Шунга асосан мәхнат унумдорлиги индексларининг бутун бошлы тизими мавжуд. Бинобарин амалда күлланилиши жиһатидан асосий индекслар сифатида күйидагилар мавжуд:

- 1) Ўзгарувчи таркибли индексс.
- 2) Доимий таркибли индексс (Ўргача тортилган индекслар)
- 3) Таркибий ўзгаришлари таъсирини күрсатувчи индекс.
- 4) Мәхнат усули билан аниқланган доимий таркибли агрегат индекслар.

Маҳсулот, мәхнат унумдорлиги ва ишчилар сони индекслари орасындағы боғланиши.

Маҳсулот ҳажми ишчилар сони ва мәхнат унумдорлиги даражасын күпайтмасыга тенг.

Ана шундай боғланиш күрсаткычлари индекслари орасыда ҳам мавжуд.

#### 2-жадвал

Күрсаткычлар	Режа	Амалда	Режани бажарыш %
1. Ялпи маҳсулот (миниг сүм, солититрма баҳоларда)	8000	8360	104.5
2. Ишчилар сони ўргача рүйхіттегі	2000	1900	95.0
3. Бир ишчиппинг ўргача мәхнат унумдорлиги (сүм).	4000	4400	110.0

Ялпи маҳсулот бүйича режанинг 104.5 %га бажарилиши ишчилар сони ва мәхнат унумдорлиги бүйича режанинг бажарилишига боғылған.

Статистика олдида ялпи маҳсулот динамикасида бу омилларнинг мутлақ миқдорини аниқлаш ҳам туради. Ялпи маҳсулотнинг умумий мутлақ үсиши:

Шу жумладан:

- а) ишчилар сони бүйича режанинг бажарилмаслыги
- б) мәхнат унумдорлиги бүйича режанинг ортиқча бажарилиши.

#### IV.4. Мехнат унумдорлиги ва иш вақти

Мехнат унумдорлиги маълум вақт бирлиги учун аниқланади, вақт бирлиги эса ҳар хил бўлади: йиллик, кварталлик, ойлик ўргача ходимлар сони, ишланган киши-кунлари, киши-соатлари сони. Ана шу бирликларга нисбатан аниқланган меҳнат унумдорлиги даражаси ва сарфланган иш вақти орасида чамбарчас боғланиш мавжуд. Бу боғланиш шундандиборатки, маҳсулот ҳажмига МХТни ишлаб чиқаришдаги меҳнат таълаб қилишигина эмас, балки иш вақтидан самарали фойдаланиши даражаси ҳам таъсир қиласи. Бу боғланишини ойлик ўргача меҳнат унумдорлиги, кунлик ўргача меҳнат унумдорлиги ва соатлик ўргача маҳсулот унумдорлигини солиштириб ўрганиш мумкин.

#### 3-жадвал

**Меҳнат унумдорлиги ва сарфланган иш вақти орасидаги боғланишини ҳисоблаш**

Кўрсаткичлар	БД	ЖД	Индекслар
Ойлик язни маҳсулот (мс)	4262	4407	103,4
Ничнининг ўргача сони	1200	1250	104,2
Ойдаги иш кунлар сони	24	23	96,0
Сменадаги иш соатлари	7,4	7,3	98,7
1.Иничнининг ўргача ойлик меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм) 1:2	3552	3526	99,5
Ўргача кунлик меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм) 1:3	148	153	103,6
Ўргача соатлик меҳнат унумдорлиги даражаси 1:4 (мс)	20	21	105,0

Жадвалда кўринишича, ҳар хил вақт бирлиги учун аниқланган меҳнат унумдорлигининг динамикасида тафовут мавжуд (99,5%; 103,6%; 105,0%). Ўргача кунлик ва йилни меҳнат унумдорлигининг динамикасига иш вақтидан фойдаланиши даражаси таъсир кўрсатган. М., Ўргача кунлик меҳнат унумдорлиги динамикасининг ўргача соатлик меҳнат унумдорлиги динамикасидан қолиб кеттани сабаб иш сменасининг жорий даврдан даврга қисқаришидир.(7.3 соат ва 7.4 соат) Бунда кунлик меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаш мумкин.  $1 = 105 \times 98,7 / 100 = 103,6\%$ .

Ўргача ойлик меҳнат унумдорлигининг ўргача кунлик меҳнат унумдорлигидан қолиб кетсанлиги сабаб, ойдаги иш кунлари камайиб кетади. (23-24 иш кунлари). Бундан ойлик меҳнат унумдорлигининг динамикасини аниқлаш мумкин

$$1 = 103,6 \times 96,0 / 100 = 99,5\%.$$

Бу ҳисобларнинг кўрсатишича меҳнат унумдорлигини бир вақт учун эмас, балки ҳар хил вақт бирликлари учун аниқлаш лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигидан иш вақтидан фойдаланиши даражасини аниқлаш имконинини беради.

## **Қисқача хуросалар**

Меҳнат унумдорлиги киши меҳнатини маълум вақт бирлиги ичидаги миқдордаги истеъмол қиймати яратади олиш ўзобилиятидир. Маълумки, истеъмол қиймати ҳажмини иккита хил йўл билан амалга ошириш мумкин. Кўп киши меҳнатини сарфлаш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш билан. Биринчи кўрсаткич сарфланган меҳнат ҳажмини ифодаласа, иккичиси унинг сифатини ифодалайди.

Шу ҳам меҳнат унумдорлиги корхоналар хўжалик фаролиятини муҳим сифат кўрсаткич ҳисобланади. Бозор иқтисолдиёти шароитида меҳнат унумдорлигини кўтариш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосий интенсив усул ҳисобланади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат унумдорлигини ўстириш омилларига нималар киради?
2. Меҳнат унумдорлиги даражасини аниqlаш усулларига нималар киради?
3. Меҳнат унумдорлиги индексларини тавсифланг.
4. Меҳнат унумдорлиги ва иш вақти ўртасидаги боғланышлар.

## **Асосий адабиётлар**

1. Финансовые законодательство Республики Узбекистан. - Т., Т-10 1994-96гг.
2. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Учебник. Перевод с нем. Издатель: Федеральное статистическое управление. - Германия, 1995.
3. Гальперин В.М., Игнатьев С.М., Моргунов В.И. Микроэкономика. Том I, - Санк-Петербург: Экономическая школа, 1994.

## V боб

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОКЛАРИ АСОСИЙ ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ

#### V.1. Асосий фондлар ҳақида түшүнчө ва статистика вазифалари

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши учун маңтум миқдордаги ишлаб чиқариш воситаларига эта бўлишлари керак.

Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, хомашё, ёқилғи ва ҳ.к.). Ишлаб чиқаришда қайта ишланиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг охирида тайёр маҳсулот ўзагини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш фондлари (қуроллар, асбоб-ускуналар, транспорт, ўтказувчи қурилмалар ва ҳ.к.) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш предметларини тайёр маҳсулотга айлантиради.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча босқигчалирида иштирок этади ва вақт ўтиши билан аста-сскин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари эса ишлаб чиқариш жараёнининг бир босқигчидаги бутунлай ишлатилиб ўз маҳсулотига айланниб кетади.

Демак, тайёр маҳсулотга ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бутунлай ўтказади. Ишлаб чиқариш фондлари эса аста-сскин эскириб боришига қараб ўтказади ва ишлаб чиқаришнинг бир неча босқигчидаги қатнашади.

Шундай қилиб, асосий фондлар-қиймат (пул) шаклида ифодаланган, хизмат муддати 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат воситалари йиғиндиси бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнинда узоқ вақт қатнашади ва қийматини тайёр маҳсулотга аста сскин, эскиришига қараб ўтказа боради.

Бу борада статистиканинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- 1) Асосий фондлар ҳажми ва тузилишини ўрганиш.
- 2) Асосий фондлар динамикасини ўрганиш.
- 3) Асосий фондлар ҳолатини характерлаш.
- 4) Асосий фондлар ишлаш даражасини ўрганиш.

#### V.2. Асосий фондларнинг туркумланиши

Саноат корхонасининг асосий фондлари бажарадиган хар хил вазифаларига биноан турли-туман шаклларда учрайди. Шунинг учун уларни тўғри туркумлаш мухим аҳамиятга эта.

Иқтисодий статистика ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фонdlарни ишлаб чиқаришдаги вазифасига қараб туркмайлайды. Ишлаб чиқариш куроллари ишлаб чиқаришдаги вазифасига қараб, 3 қисмга ажратиласы:

1) Ишлаб чиқариш сүйк ва мускул тизими (дастгоchlар, машиналар, аппаратлар ва ҳ.к.)

2) Ишлаб чиқариш томонидан қуриладиган тизимлар (омборлар, ўтказувчи қурилмалар, транспортёрлар ва ҳ.к.)

3) Ишлаб чиқариш жарағасын мсьёрида ўтиши учун шароит яратувчилар (иншоотлар, иморатлар ва ҳ.к.)

4) Шунга асосланып, статистика ресжалаштириш ва ҳисбода асосий фонdlарнинг натурал кўриниши ва технологик вазифасига қараб 9 та гурӯхга ажралади:

1. Иморатлар.

2. Иншоотлар.

3. Ўтказувчи қурилмалар.

4. Машина ва ускуналар.

Шу жумладан:

а) қувватли машина ва ускуналар;

б) ишчи машина ва ускуналар;

Улардан:

а) автоматик машина ва ускуналар;

б) ўтилайдиган ва тўғрилайдиган асбоблар;

в) ЭХМлар.

5. Транспорт воситалари.

6. Асбоб ва ускуналар.

7. Ишлаб чиқариш ашё ва анжомлари

8. Хўжалик ашё - анжомлари.

9. Бошқа асосий фонdlар.

Бу туркмлаш, асосий фонdlар таркиби бўйича маълумот олиш, техник ўзгаришларни билish, асосий фонdlар эскириши ва амортизацияни тўғри аниқлаш ҳамда уларни яратувчи тармоқларни ресжалаштириш имконини беради.

Бу туркмлаш, асосий фонdlарнинг фаол қисмини(мсхнат предметига таъсир этувчи қисми) ажратиш имконини беради. Саноатда уларга қувватли машина ва ускуналар, ишчи машина ва ускуналар, ўлчов асбоблари, лаборатория ускуналари ва асбоб ускуналари киради. Мамлакатимизда техника тараққиёти натижасида асосий фонdlар ичida фаол қисмининг саломги тобора ортиб бормоқда.

### V.3. Асосий фондларни баҳолаш

Асосий фондларнинг ҳар бири ёки уларнинг бир гурӯхи натурал кўрсаткичда ҳисобга олинади. Масалан: печлар- фойдаланиши майдони  $m^2$ , яшайдиган иморатлар-сонда ва фойдаланиши майдони  $m^2$  да.

Асосий фондларни бундай кўрсаткичларда ҳисобга олиш кўп иктиносиди масалаларни ҳисобга олишда ишлатилади.

Шунга қарамай, асосий фондларнинг ҳолати ва ишлатилиши ҳақидағи умумий кўрсаткичларни аниқлашда, уларни гурӯхлашда, тармоқ ёки бутун саноатнинг асосий фондлари ҳажминини аниқлашда қиймат (пул) шаклида баҳолаш мұхим ахамиятта эга. Бу шакл асосида йиллик амортизация месъері ва суммаси аниқланади, асосий фондлар баланси тузилади.

Амалиётда асосий фондларни күйидагича баҳолаш усуллари қўлланилади:

1. Тўлиқ қиймати бўйича:
  - а) биринчи-бош ҳолатдаги;
  - б) тикланишдаги.
2. Эскирган қисмими ажратиш қиймати бўйича:
  - а) биринчи-бош ҳолатдаги;
  - б) тикланишдаги.
3. Йўқотишдаги қиймати.

Асосий фондларни сотиб олиш, олиб келиш, ўрнатишдаги амалий харажатлар йигиндиси асосий фондларнинг тўлиқ бирламчи қиймати, деб аталади. У асосий фондларни баҳолашнинг асосий тури ҳисобланади.

Тиклаш қиймати эса шу қийматнинг ҳозирги баҳоларда ифодаланишидир. Қурилиш материалларининг ҳозирги баҳосида, ҳозирги вақт транспорт харажатларида ва х.к. Бу баҳо асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида кўйилади.

Эскирган қисмими ажратиш қиймати деб, тўлиқ бирламчи қиймат ёки тиклаш қийматидан эскирган қисм қиймати айриб ташлангандан кейин қоладиган қийматта айтилади. Эскириб ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлашдаги қиймати йўқотиш қиймати дейилади.

Ҳар хил иктиносиди ҳисоботлар учун асосий фондларни тўғри баҳолаш мұхим ахамиятта эга. Бундай баҳони асосий фондларни инвентаризация қилиб ва қайта баҳолаб билиш мумкин.

### V.4. Асосий фондлар эскириши, амортизация суммаси ва месъери

Асосий фондлар амартизацияси уларнинг жисмоний ва

маънавий томондан эскиришининг пул шаклида ифодалашдир. Шу билан биргага амортизация асосий фондлар қийматини тайёр маҳсулотга ўтказган қисмини белгилайди. Маънавий эскиришнинг 2 тури мавжуд:

- 1) Мавжуд асосий фондларга нисбатан унумлироғи ишлаб чиқарилганда
- 2) Мавжуд асосий фондларга нисбатан арzonроғи ишлаб чиқарилганда.

Жисмоний ва маънавий эскиришнинг амортизация ажратмалари аста-сскин йилига бориб амортизация фондини ташкил этади. Бу фонд хисобидан асосий фондлар бутунлай ёки қисман тикланиб борилади. Статистика асосий фондлар амортизациясини ўрганишда йиллик амортизация суммаси ва амортизация месъёрини ажратиш керак.

Йиллик амортизация суммаси йил давомида ажратилган амортизация суммалари йигиндишидир. Бу фонд суммаси - асосий фондлар ишлаб турган вақтда уларни капитал таъмирлаша модернизация қилиш учун, ишдан чиққан вақтда эса уларниң қийматини бутунлай қоплаш учун ишлатилади ва у қўйидаги формула сўрдамида аниқланади.

$$A = \frac{\Pi(B) = KP = M - L}{T} \quad \text{ёки} \quad A = (\Pi - L) : T$$

Бунда:

$\Pi(B)$  - асосий фондларнинг бирламчи ўртача йиллик қиймати;

$KP$  капитал ўртача йиллик қиймати;

$M$  модернизация қиймати;

$L$  йўқотишдаги қиймат;

$T$  хизмат даври.

Масалан: Дастгоҳнинг бирламчи баҳоси - 2000 м. с.

Унинг капитал таъмирлаш баҳоси - 400 м. с.

Эскирган қисмларини янгилаш - 300 м.с.

Йўқотишдаги қиймати - 40 м. с.

Унинг хизмат даври 10 йил.

Йиллик амортизация суммаси қўйидагича аниқланади:

$$A = \frac{2000+400+300-40}{10} = 266 \text{ минг сўм.}$$

Амортизация месъёси деб, йиллик амортизация суммаси нинг асосий фондлар бирламчи баҳосига нисбатан % да ифодаланишига айтилади.

$$H_A = \frac{A * 100}{\Pi(B)} = \frac{266 * 100}{2000} = 13,2 \%$$

Шу жумладан:

$$H_A = \frac{(KP=M)}{\Pi=XT} = \frac{700 : T}{A \cdot 10} = 3,4 \%$$

$$H_A = \frac{(PC - L)}{PXT} = \frac{100}{2000 \cdot 10} = \frac{(2000 - 40 = 20)}{2000 \cdot 10} = 9,8 \%$$

Асосий фондлар 10 йилдан кейин ҳам ишлаб чиқаришда иштирок етаверса, унда фақат капитал таъмири учун амортизация ажратиласди.

Амортизация ажратмалари асосий фондлар учун янги капитал маблағларни молиялаштиришга ёки қурилиш материаллари, ускуналар ёки номатериал активларни сотиб олиш учун узоқ муддатли молиявий қўйилмаларга сарфланади.

Узоқ муддат фойдаланиладиган асосий фондларни яратиш ва сотиб олиш учун қилинган харажатлар узоқ муддатли инвестициялар деб аталади. Бу харажатлар жорий йил харажатларига киритилмайди.

Инвестициялашнинг моҳияти шундаки, кейинроқ фойда олиш учун маълум лойиҳаларга капитал қўйилади. Инвестиция лойиҳалари шакслари ва мазмунни янги корхонани қуришини ресжалаштиришдан тортиб, то асосий капиталнинг янги элементларини сотиб олишгача бўлиши мумкин.

Корхоналардаги асосий фондлар қиймати тинмай ўзгариб туради. Уларнинг кўпайишига қўйидаги омиллар таъсир этади:

- сотиб олиш;
- қуриш;
- инвентаризация давридаги баҳолашнинг ортиши.

Камайиши эса:

- эскирган сабабли йўқотиш;
- бошқа корхоналарга сотиш;
- табиий оғат натижасида йўқотилиш;
- инвентаризация даврида баҳоси камайиши.

Асосий фондлар ҳақидаги маълумотларга асосан корхона ва тармоқлар бўйича, уларнинг тўлиқ қиймати бўйича баланси тузилади.

$$O\Phi_0 + \Pi - B = O\Phi_1$$

Бунда: Оф - асосий фондларнинг йил бошидаги қолдиги.

Оф - асосий фондларнинг йил охиридаги қолдиги.

П - асосий фондларнинг келиши.

В - асосий фондларнинг чиқиши.

Масалан: Тармоқда йил бошида 6000 м. с. асосий фонд мавжуд эди. Йил давомида ишлаб чиқаришга 1200 м.с. асосий фонд киритилди ва 200 м.с. асосий фонддан чиқарилди. Асосий фондларнинг баланси аниқлансин:

$$6000 + 1200 - 200 = 7000$$

$$7200 - 7200$$

5. Асосий фондларнинг тақрор ишлаб чиқариш жараёсни- ни таҳдил қилиши учун унинг эксплуатация ҳолати, эскириш даражаси ва улардан фойдаланишини характерлаш борасида маълумотга эга бўлмоқ керак.

Асосий фондларнинг эскириш даражасини мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Масалан: Қайсиdir тармоқнинг асосий фондлар қиймати 10 млрд.с. Унинг қолдик қиймати эса 8 млрд.с. Бундай ҳолда унинг эскирганлари суммаси 2 млрд.с. бўлади. Эскириш коэффициенти кўпидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$\mathcal{E}_k = \frac{O_{\phi} - O_{\phi}'}{O_{\phi}}$$

Бу сарда: Эк. - эскириш коэффициенти

О<sub>Ф</sub> - асосий фондларнинг бошлангич қиймати;

О<sub>Ф'</sub> - қолдиқ қиймат.

Эскириш коэффициенти яроқлилик коэффициенти билан узвий бөғлиқдир. Эскириш коэффициенти қанча кичик бўлса, яроқлилик коэффициенти шунча катта бўлади ва аксинча. Агар коэффициент «1» дан эскириш коэффициентини айриб ташласақ, яроқлилик коэффициентига эга бўламиз.

Масалан:

Эк. = 10 - 8 = 0,2 ёки 20%.

Яроқлилик коэффициенти = 1 - 0,2 = 0,8 ёки 80%.

Асосий фондларнинг тақрор ишлаб чиқариш темпини характерлаш учун уларнинг жисмоний ва техник ҳолатини ўрганишда янгилаш коэффициенти кўлланилади.

Бундан ташҳари чиқиши коэффициенти ҳам кўлланилади.

Чк. = EB / Ф<sub>0</sub>.

Бунда: Чк. чиқиши коэффициенти

ЕВ - ишдан чиқарилган асосий фондлар қиймати;

$\Phi_0$  - асосий фондлар йил бошидаги қиймати.

Янгиланиш коэффициенти = ЕВ /  $\Phi_0$ ,

Бунда: ЕВ - ишлаб чиқаришдаги янги киритилган асосий фондлар қиймати;

$\Phi_1$  - асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражасини характерлаш учун ҳар бир сўмлик асосий фондларга ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги (фонд қайтими кўлланилади). Уларнинг динамикасини ўрганишда асосий фондлар ҳам, маҳсулотлар ҳам ўзгармас баҳоларда белгиланади.

Масалан:

	2001 йил	2002 йил
Асосий фондларнинг йиллик ўртача баҳоси (м.с.)	6000	8000
Янги маҳсулот (м.с.)	9000	14400

Аниқлансан:

1. 2001 ва 2002 йилларда асосий фондлардан фойдаланиш даражаси.

2. 2002 йилларда қийидаги омиллар қуввати.

а) асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиш натижасида.

б) асосий фондларнинг кўпайиши натижасида.

1) 2001 й. = 9000 / 6000 = 1,5 сўм.

2002 й. = 14400 / 8000 = 1,8 сўм.

2) 14400 - 9000 = 5400 м. с.

а)  $0,3 \cdot 8000 = 2400$

$1,5 \cdot 2000 = 3000 / 5400$ .

Демак, 5400 м. с. кўёшимча маҳсулотдан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига 3000 м. с. асосий фондларни кўпайтириш ҳисобга олинган. Жамиятнинг моддий техник базаси яратилган сари меҳнатнинг асосий фондлар билан қуролланishi ортиб боради. Бу кўрсаткич асосий фондлар қиймати корхонадаги ходимлар сонига ёки энг кўп ишчи ишлаган сменадаги ишчилар сони бўлиб аниқланади.

Масалан: Корхона асосий фондлар қиймати - 12 млн. с. Энг кўп ишчилар ишлаган сменадаги ишчилар сони 12000 киши

Меҳнат фонд билан қуролланганligti =  $12000 / 12 = 10$  м. с.

Демак, ҳар бир ишчи 10000 минг сўмлик асосий фондлар билан қуролланган экан, бу кўрсаткичининг ортиши меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш суръати ҳамда уларнинг жисмоний ва техник ҳолатларидаги ўзгариш суръатла-

рини характерлаши мақсадида янгиланиш ва ишлаб чиқаришдан чиқарып ташланган фондлар коэффициентлари ҳисобланади.

$$K_{\text{ин}} = \frac{\Phi_{\kappa}^1}{\Phi_1}; \quad K_T = \frac{\Phi_u}{\Phi_0};$$

Ҳар иккала коэффициентларнинг бир-бираига яқынлашуви эски фондларнинг янги фондлар билан алмашинувини, янгиланиш коэффициентининг жуда катта бўлиши эса фондларнинг конгайган такрор ишлаб чиқарилётганини характерлайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичлари куйидагилар.

а) фонддан ксладиган самара ёки маҳсулотнинг фоизга бўлган талаблик даражаси;

б) меҳнатнинг асосий фонд билан куролланганлик даражаси;

в) маҳсулотнинг қўшимча ўсишида асосий фондларнинг мутлақ қиймати ва улардан фойдаланиш коэффициенти омилларининг салмоғи.

Фонддан ксладиган самара, яъни фонднинг бир сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш одатда бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари йиллик ўртача қийматига нисбати билан аниқланади.

$$\Phi_C = \frac{M}{\bar{\Phi}};$$

$M$  - корхонанинг улгуржи баҳолардаги ялпи маҳсулоти;

$\bar{\Phi}$  - фондларнинг ўртача қиймати.

Фонднинг самарадорлик даражасига тескари бўлган кўрсаткич маҳсулотнинг фондга бўлган талаблик даражасини характерлайди.

$$\Phi_T = \frac{\bar{\Phi}}{M};$$

Халқ хўжалигига асосий фондлардан самарали фойдаланишни умумлаштирувчи кўрсаткичи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ўсиши суръатларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиш суръатларидан устун бўлишидан иборат.

$$MY = \frac{M}{T};$$

**Мехнат унумдорлиги аввало меҳнатнинг фонд билан куролланишига боғлиқ.**

$$\Phi_K = \frac{\bar{\Phi}}{T};$$

Бу икки кўрсаткичнинг нисбати

$$\Phi_C = \frac{M}{T} + \frac{\bar{\Phi}}{T};$$

фонддан олинадиган самарани тавсифлайди.

Фондларнинг самараדורлик даражаси уларнинг маҳсулот кўшимча ўсишидаги ҳиссаси билан аниқланади.

Маҳсулотнинг кўшимча ўсиши бир томондан фондлар мутлақ йиғинидисининг ўзгариши эвазинга

$$\Delta M_\phi = (\bar{\Phi}_1 - \bar{\Phi}_0) \Phi_{C_0};$$

ва иккичи томондан фондлардан фойдаланиш даражаси эвазинга амалга ошган бўлиши мумкин.

$$\Delta M_{\phi_C} = (\bar{\Phi}_{C_1} - \bar{\Phi}_{C_0}) \cdot \bar{\Phi}_1;$$

Маҳсулотнинг умумий кўшимча ўсиши хар искала кўрсаткич натижаларини кўшиш ёрдамида ҳисоблапиши мумкин.

$$\Delta M = \Delta M_\phi + \Delta M_{\phi_C};$$

Ишлаб турган фондлардан фойдаланиш даражасини ошириш янги-янги корхоналарни ишга тушириш, уларни ўзлаштириш учун сарфланадиган каттагина капитал маблағлар ва ижтимоий иш вакътининг тежалиши билан тенгдир.

Асосий фондлар динамикаси тарқиби ўзгаришларини таҳлил қилинча, уларнинг тўла бошланғич ва колдиқ баҳоларига асосланиб баланслар тузилади. Тўла бошланғич баҳода асосий фондлар баланси қуидаги (4-жадвал) кўрсаткичлардан ташкил топади.

#### 4-жадвал

Йил бошыда фондлар қийматы	Жорий Ыйда ишлаб чиқаришга кириллган фондлар		Жорий Ыйда ишлаб чиқаришдан чыкыб кеттеган фондлар		Йил охирда фондлар қийматы
	Жами	Шу жумладан анти кириллган фондлар	Жами	Шу жумладан тутатылган фондлар	
1	2	3	4	5	6

Қайид қыллингандар күрсаткичлар ўртасида қуийдагича баланс берувчи бағланиш мавжуд.

$$\Phi_0 + \Phi_K - \Phi_T = \Phi_1$$

Баланс усулидан ташқари, асосий фондлар динамикаси индекс усули ёрдамыда ҳам таҳдил қыллинади. Шу маңсадда қиймат, фондларнинг физик ҳажми ва улардаги баҳонинг ўзгаришини таърифловчы индекселар ҳисобланади. Қиймат индекси қуийдагича:

$$S_{qp} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0};$$

$q_0$  ва  $q_1$  базис ва жорий даврлардаги асосий фондларнинг натурал ифодаланиши туради.

$p_0$  ва  $p_1$  - фондларнинг қиймати.

Ушбу индекс фондлар ўша қыллингандар жами харажатлар динамикаси тұла бошланғыч баҳода ифодалайды. Күрініб турибдикі, асосий фондлар қиймати иккита омылға, яның фондларнинг физик ҳажми ва улардаги баҳонинг ўзгаришынан бағылана.

Бириңчи омылнинг таъсирини аниқлаша маңсадида асосий фондларнинг физик ҳажми индекси ҳисобланади.

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0};$$

Бу ерда фондларнинг физик ҳажми ўзгарған ҳолда, уларнинг баҳоси базис даври баҳосида қолади. Асосий фондларнинг тақдослама баҳода бағланишини қуийдагича ҳисобланади.

## Қисқача холосалар

Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, хомашё, ёқилғи ва ҳ.к.). Ишлаб чиқаришда қайта ишланиш натижасыда ишлаб чиқариш жараёнининг охирида тайёр маҳсулот ўзагини ташкил этади. Ишлаб чиқариш фондлари (куроллар, асбоб-ускуналар транспорт, ўтказувчи курилмалар ва ҳ.к.) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш предметларига тайёр маҳсулот олиши учун таъсир этади. Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча актларида иштирок этади ва аста-секин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари эса ишлаб чиқариш жараёнининг бир актида бутунлай ишлатиб ўз маҳсулотига ўтиб кетади.

Демак, тайёр маҳсулотга ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бутунлай ҳеч қолдиқсиз бир ишлаб чиқариш активида ўтказади. Ишлаб чиқариш фондлари эса аста-секин эскириб боришига қараб ўтказади ва ишлаб чиқаришнинг бир неча актида қатнашади.

## Назорат ва мұхокама учун саволлар

1. Асосий фондларининг мөхияти ва статистика вазифалары нималардан иборат?
2. Асосий фондлариниг түркүмсі.
3. Асосий фондларин баҳолаш усууллариниң айтиб беринг?
4. Асосий фондларининг эскириші, суммасы ва месъері ҳақында сүзлаб беринг?

## Асосий адабиётлар

1. Ревенко А.Ф. Промышленная статистика в США. Учебник. - М.: Статистика, 1991.
2. Адамов В.Е. Статистика промышленности. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Эгамбердисев Э. Микроиктисодиёт асослари. Т.: Ўқитувчи, 1995.

## VI боб

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНА ВА УСҚУНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

#### VI.1. Ишлаб чиқариш усқуналари ва уларнинг туркумланиши

Ишлаб чиқариш усқуналари ҳам асосий фондларнинг актив қисми ҳисобланыб, улар ёрдамида кишилар табий бойликларни қазиб оладилар ёки эҳтийёжларини қондирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар (қирқувчи машиналар, күмір комбайнлари ёки домна, мартен печлари металл қирқувчи, йигирив ва тұқув дастгоҳлар ва хоказо). Улар хилма-хил вазифаларни бажарадилар. Уларни статистик жиҳатдан ўрганиш учун түғри туркумлаша мұхим аҳамияттаға ега.

Гурұлашда бириңиң мұхим белгі қылтырылған, уларнинг мәжнат предметтегі таъсир этиши үзілесілген қабул қылғанда да 3 гурұхға ажратылған:

1) механик усқуналар- улар мәжнат предметтегі механик іштеп билан (кесиш, маідалаш) таъсир үткәзады (металл қирқувчи дастгоҳлар, тұқув дастгоҳлари, печать қылувчи машиналар);

2) термик усқуналар- улар мәжнат предметтердегі маңылым температура режимінде таъсир үткәзадилар (домна печлары);

3) химик усқуналар - химиялық реакциялар ёрдамида таъсир этүвчілар (реакторлар, әрітгічлар, электролист ванналар). Бұл белгіден ташқары ишлаб чиқариш усқуналары мәжнат предметтердегі қайта ишлеше, шынисослашиш даражасында қарал ҳам таснифланади.

#### VI.2. Усқуналарни ҳолати ва сонини характерловчи күрсаткышлар

Усқуналардан самарали фойдаланиш мұхим аҳамияттаға ега. Бұл ўз навбатида усқуналар ҳолати мұкамаллашиш даражаси, әши, физик ва маънавий эскириш даражасындағы болғылар. Буни анықлаш учун эксплуатация ва техника ҳолатын тавсиф берилади. Усқуналарнинг фойдаланиш ҳолатини аниқлаш учун улар күйидеги гурұхларға бўлинади:

1. Урнатылган усқуналар.

Шу жумладан:

- a) ҳаракатдагилар;
- б) ҳаракатланмаёттганлар;

в) ишга тушиш олдида турганлар.

2. Үрнатылмаган ускуналар:

а) шу корхонада үрнатыладиган;

б) шу корхона учун ортикча бўлганлар.

Үрнатылган ва үрнатылмаган ускуналар биргаликда мавжуд ускуналар сони ҳисобланади.

Эксплуатация ҳолатини характерлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар кўлланилади:

1) Үрнатылган ускуналардан фойдаланиш коэффицентини аниқлаш учун ҳаракатдаги ускуналар сони үрнатылган ускуналар сонига бўлиниади.

2) Мавжуд ускуналардан фойдаланиш коэффицентини аниқлаш учун ҳаракатдаги ускуналар сони мавжуд ускуналар сонига бўлиниади.

Ускуналар техник ҳолатини аниқлаш учун улар қуйидаги гуруҳларга бўлиниади:

1) ишга яроқли ускуналар.

2) ишга яроқли ёки капитал таъмир талаб ускуналар.

3) ишга яроқсиз, чиқариб юбориш лозим бўлган ускуналар.

Бу гуруҳлашлар ускуналардан фойдаланишини таҳлил қилиш учун ишлатилади. Шунинг учун үрнатылмаган ускуналарга алоҳида эътибор берилади ва ҳар йили 1 январда статистика идоралари узарни ҳисобга оладилар. Бу материаллар тармоқлар ва ускуналар бўйича ишлаб чиқилади.

Маълумки, бაъзи ишлаб чиқариш ускуналари тўхтовсиз ишлайди (домна ва мартен печлари, атом ва химик реакторлари) баъзи ускуналар эса тўхтаб ишлайди. Улардан фойдаланишини билдишда сменали коэффиценти ишлатилади. Бу кўрсаткич бир неча сменада ишлайдиган корхоналарда ишлатилади. У ҳар куни бир дастгоҳнинг ўртача неча сменада ишлаганини ва шу ускуналар билан сменалар сонини ортириб ишлаб чиқариш хажмини қанча ортириш мумкинлигини кўрсатади. У ўртача тортилган арифметик формуладан фойдаланиб аниқланади.

$$C_{\text{сменалик}} K^t = \Sigma X_i P / \Sigma P$$

Бунда:  $x$  - сменалар сони,  $P$  - ускуналар сони.

Масалан, цехда 1 суткада ҳаммаси бўлиб, 60 дастгоҳ ишлайди. Шулардан 1 сменада - 6 таси ишлади.

2 сменада - 10 таси ишлади

3 сменада 44 таси ишлади. Сменали коэффицент ( $P$ ) аниқлансанин?

$$C_{\text{сменалик}} K = (1 * 6 + 2 * 10 + 3 * 44) / (6 + 10 + 44) = 158 / 60 = 2,7$$

Демак, шу куни ҳар бир дастгоҳ ўртача 2,7 сменада ишла-

ган ва сменали режим 90% га ( $2,7 / 3,0 \times 100$ ) фойдаланилган. Натижада 8 дастгох сменаси ( $0,3 * 60$ ) йүқотылган.

Ускуналар сони бүйича күйидаги категорияларга ажратадилар (мәттүм күн ёки товар бүйича).

1) Мавжуд ускуналар - қасерд булиши ва ҳолатига қарамай корхоналарнинг инвентарь рўйхатига киритилган ва балансига ўтказилган ускуналардир.

2) Ўрнатилган ускуналар фойдаланишга топширилган дастгоҳлар, машиналар, механизмлардир. Топшириш вақти актда кўрсатилади.

3) Амалда ишлаган ускуналар - булар ишлаб чиқаришида фойдаланилган дастгоҳлар, машиналар ва ҳоказолардир.

4) Режали таъмирдаги ускуналар - режа бүйича таъмирга кўпилган дастгоҳлар машиналар ва ҳоказолар.

5) Захирадаги ускуналар - ишга яроқли, лекин режа бүйича захирага кўйилган ускуналар.

6) Тўхтаб турган ускуналар - режа бүйича ишлаши лозим, лекин у ёки бу сабаблар бўйига амалда ишламаган ускуналардир.

7) Ишлаб чиқаришга кесарк бўлмаган ускуналар. Бундай категорияларга ажратиш ишлаб чиқариш захираларини аниқлаш имконини беради. Масалан: ҳозирги кунда ўрнатилган ускуналарнинг 80-85 % и амалда ишлайди.

Ускуналардан вақт бўйига фойдаланиши учун улардан фойдаланилган ва фойдаланилмаган вақтни ҳисобга олиш зарур.

Амалийтда ускуналаришинг қўйидаги вақт фонdlари ажратилади. Тўлиқ календарь вақт фонди бир дастгоҳ учун бир ойда 720 соатга ( $24 * 30$ ) тенг бўліб, бир исча дастгоҳлар учун эса уларнинг сонига кўпайтирилиб аниқланади ва уларнинг ишлаган ва ишламаган вақтлари йиғинидисига тенг бўлади.

### VI.3. Ускуналардан фойдаланишни характерловчи сифат кўрсаткичлари тизими

Ҳар қандай корхона мәттүм тартиб асосида ишлайди. Кўпгина корхоналарда умумий дам олиш куни, сменалар узунлиги ва улар орасидаги танафуслар мавжуд. Шунинг учун улар календарь фондидан тўлиқ фойдаланмайдилар. Календарь фонди билан юқориидаги вақтлар орасидаги қолдик режим вақти фондни ташкил этади. Бу дастгоҳ учун бир ойда сменанинг узунлиги, сменалар сони ва иш кунларининг кўпайтмасига тенг. М., Корхонада 2 смена ишлайди, 21 иш куни, смена узунлиги 8,2 соат. Унда режим вақти 344 соатта тенг бўлади ( $8,2 \times 2 \times 21$ ). Агар режим вақтидан режали таъмир ва захира вақти айриб таш-

ланса, фойдаланиш мумкин бўлган вақт фонди келиб чиқади. Бу одатда ускуналар режали вақт фондига тўғри келади.

Фойдаланиш мумкин бўлган фонддан ҳам ҳар хил сабабларга кўра тўлиқ фойдаланилмайди. Шунинг учун ускуналарнинг иш вақти фонди фойдаланиш мумкин бўлган вақт фондидан тўхтаб туриш вақтига камроқ бўлади. Шу билан бирга иш вақтида ҳам ускуналар қисман актив, қисман пассив қатнашадилар. Ускуналарнинг пассив иштироки тайёрланиши, тутатиш ва ёрдамчи вақт билан ўтчанади. Шу вақтларни амалда ишлаган вақтдан айриб ташлаб, ускуналардан амалда фойдаланиш вақти ёки машина вақти фондини аниқлаш мумкин.

Бу вақт фондларини мутлақ микдорда ўрганиши билан бирга статистика улардан фойдаланиш коэффицентларини ҳамда экстенсив фойдаланиш коэффицентларини аниқлади.

Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишининг иккинчи томони улар ёрдамида ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳажми билан ифодаланади.

Улардан интенсив фойдаланишини ифодалаш учун вақт бирлиги ичида ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳажми олинади.

$$Y = Y_1 / T_1 \quad \text{ёки} \quad Y = Y_0 / T_0$$

Бу кўрсаткичларнинг икки давр солиштирилиб бу соҳадаги итоги ёки камчиликлар аниқланади:

$$1 / Y_1 / Y_0$$

Ишлаб чиқариш ускуналаридан тўлиқ фойдаланишини характеристерлаш учун:

$$K_t = K_{\text{экст}} \quad K_{\text{интенсив}}$$

Корхонанинг куввати деб, йил давомида беътиланган но-менклатура бўйича энг кўп ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот ҳажмига айтилади.

Бу кўрсаткични корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари тўлиқ, илгор технологияларни кўллаб, ишлаб чиқариш ва меснат самарали равицда ташкил этилган ҳолда ҳисобланади. Бинобарин, бунда ўлчов сифатида тор жойлар эмас, балки цех ва участкаларда тўлиқ кувватлар ҳисоби олинади ва режада бу тор жойларни йўқотиши кузда тутилади.

Кувват аниқ маҳсулотлар ўлчов бирлигида ўтчанади. Масалан кўумир шахталари учун кўумир ҳажми, эритилган мартен печлари учун эритилган пулат ҳажми ва ҳ.к.

Ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда эса кувват ҳар хил маҳсулотлар ҳажми билан аниқланади. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги заводида кувват ср

хайдаш агрегати, ўрим агрегати, терим агрегати сони билан ўлчанади. Корхонанинг ўртача йиллик қувват баланси қуидаги-ча аниқланади:

$$N_0 + K_n / T_n - M_b / T_b.$$

Бунда:  $N_0$  йил бошидаги қувват;  $K_n$  йил давомида ишлаб чиқаришга киритилган қувват;  $M_b$  йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқсан қувват;  $T_n$ - йил давомида ишлаб чиқаришга киритилган қувватнинг ишлаш даври;  $T_b$ - йил давомида ишлашдан чиқсан қувватнинг ишлаш даври.

## **Қисқача хуосалар**

Ишлаб чиқариш ускуналари ҳам асосий фондларнинг актив қисми ҳисобланыб, улар ёрдамида кишилар табиий бойлик-ларни қазиб оладилар ёки эхтиёжларини қондирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар (қирқувчи машиналар, кўмир комбайнлари ёки домна, мартаң пеchlари металл қирқувчи, йигирув ва тўқув дастгоҳлар ва ҳоказо). Улар хилма-хил вазифаларни бажарадилар. Уларни статистик жиҳатдан ўрганиш учун тўғри туркумлаш мухим аҳамиятта эга.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш ускуналари ва туркумланишига нималар киради?
2. Ускуналар ҳолати ва сонини характерловчи кўрсаткичларга нималар киради?
3. Ускуналардан фойдаланишини характерловчи сифат кўрсаткичлари тизимни нималар ташкил этади?

### **Асосий адабиётлар**

1. «Давлат статистикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонулии. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1993, №7.
2. Адамов В.Е. Статистика промышленности. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Экономическая статистика. Учебник. Под рад. Проскурянова В.М., Фреймунд М.Н., Этдельман М.Р., 3-е изд. - М.: Финансы и статистика, 1983.

## VII боб

### ҚУВВАТЛИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАР СТАТИСТИКАСИ

#### VII.1. Ўзбекистон Республикаси энергетика хўжалиги ва бу соҳадаги статистика вазифалари

Ўзбекистон Республикаси энергетика хўжалиги моддий несъмат ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. У саноат ишлаб чиқаришнинг мустақил тармоғи (энергетика) ва айрим бошқармаларнинг энергетик хўжалиги йигиндисидан ташкил топади. Энергетика хўжалиги ҳажми, унинг ўсиш темпи макроиктисодист ва энергия ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон энергетикаси қўйидаги муҳим хусусиятларга эга:

1. Тез ўсиш суръатига

2. 1958 йилгача ГЭСларни куриш тез суръатларга эга бўлса, уидан кейинги вақтларда ТЭУларни куриш тез суръатларга эга, йирик ГЭСларни куриш б 8 йилни талаб и қ и л с а , йирик ТЭУларни куриш 2-3 йилни талаб қиласди.

3. Йирик ГЭС ва ТЭУлар курилиши

4. ГЭСларда катта қувватли турбогенератор ишлатилади.

Улардаги турбиналар қуввати 125- 300 минг кВт.

5. Ягона энергетик тизим барпо этилиши ва электр энергияни узоқ масофаларга узатиш.

Юқоридаги хусусиятлар энергетик ускуналар аҳамиятини ифодатайди ва шундан статистика вазифалари келиб чиқади. Саноат корхонасидаги энергетик хўжалик бўйича:

1. Энергетик ускуналар сони ва ҳолатини ўрганиш

2. Энергетик ускуналар қувватини характерлаш

3. Энергетик ускуналар иш вақти ва ишлаб чиқарилган энергия ҳажмини аниқлаш

4. Энергетик ускуналардан фойдаланишини характерлаш

5. Энергетик ускуналар фойдали ҳаракати дарражаларини аниқлашдан иборатdir.

#### VII.2. Энергетик ускуналарнинг туркумланиши ва уларнинг йигиндисини аниқлаш

Энергетик машина ва ускуналарнинг вазифаси табиий (сув, шамол, қўёш) энергияни механик энергияга айлантириш ва биртур энергияни иккинчи тур энергияга айлантиришдан иборат. Корхоналарнинг бундай ускуналари жуда кўп ва хилма-хил (пар

ускуналари, двигатель, электр аппарат, трансформатор ва ҳ.к.).

Статистика олдида уларни туркумлаш вазифаси туради, аввало улар ичида двигателлар мұхым ўринни әгалладылар. Статистика уларни икки гурухға бирлаштиради.

1. Бирламчи двигателлар табиий энергияни механик энергияга айлантириб беради (пар машиналари, сув турбинаси ва ҳ.к.).

2. Иккиласынан табиий энергияни иккиси турға айлантириб беради:

- электр генераторлар механик энергияни электр энергиясига;
- электр моторлар - электр энергиясини механик энергияга;
- электр аппаратлар - электр энергиясини иссиқшылк энергиясига.

Булар ҳақидаги маълумотни саноат корхоналарининг йиллик статистик ҳисоботидан олиш мүмкін. (уларнинг сони ва қуввати).

Энергетик ускуналарни характеристикалықтар асосай күрсатылғандан бири корхона ёки корхоналар гурухыда ўрнатылған энергетика ускуналари қуввати йиғиндисіздір.

Буни аниқлаш қўйидаги қатъий талабларга жавоб бериши керак.

1. Такрорий ҳисоблашга йўл қўймаслик.
2. Механик ва электрик ўтказгичлар қувватини алоҳида аниқлаш.

3. Алоҳида энергетик ускуналар қувватланиш манбанинни ҳисобга олиш.

4. Алоҳида корхоналарда ўрнатылған ҳамма қувватларни ҳисобга олиш.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, қувватлар йиғиндиси қўйидагича аниқланади:

$$M_{\text{суммаси}} = M_{\text{бирлик дв.}} + M_{\text{зл. Мот}} + M_{\text{зл. апп.}}$$

Энергетик ускуналарнинг бажарган иши ишлаб чиқарылған ва фойдаланилған энергия ҳажми билан белгиланади ва қўйидаги формула ёрдамида кВт/соатларда аниқланади.

$$\mathcal{E}_{\text{суммаси}} = \mathcal{E}_{\text{бирлик дв.}} + \mathcal{E}_{\text{зл. Мот}} + \mathcal{E}_{\text{зл. апп.}}$$

Станцияларнинг ўртача соатлик қувватини аниқлаш учун барча ишлаб чиқарылған қувватлар йиғиндиси станциянинг иш вақтiga бўлинади. Унинг иш вақти, деб биргина бўлса ҳам двигатель ишлаб турган вақтта айтилади.. Иш вақтини аниқлаш учун

24 соатдан унинг ишламай турган вақти айриб ташланади.

Масалан: Станцияда 4 двигатель ишлаган. Сутка давомида биринчи двигатель соат 2 дан 10 гача ишлади ва 3500 кВт соат энергия ишлаб чиқарди, иккинчи двигатель 3 дан 11 гача ишлади ва 4800 кВт соат энергия ишлаб чиқди, учинчиси 3 дан 12 гача ва 17 дан 24 гача ишлади 9800 кВт соат энергия ишлаб чиқди, тўртинчиси эса 13 дан 21 гача ишлади 2400 кВт соат энергия ишлаб чиқди. Алоҳида двигателлар ва станциянинг умумий бир соатлик куввати қўйидаги тартибида аниқланади.

$$1) \dot{E} = 3500 \text{ кВт / с} * 437,6 \text{ кВт / с.} \quad 8 \text{ соат}$$

$$2) \dot{E}_{ц.д.} = 4800 \text{ кВт / с} = 600 \text{ кВт / с.} \quad 8 \text{ соат}$$

$$3) \dot{E}_{ц1.д.} = 9800 \text{ кВт / с} = 700 \text{ кВт / с.} \quad 14 \text{ соат}$$

$$\dot{E}_{1-д.} = 2400 \text{ кВт / с} = 218 \text{ кВт / с.} \quad 11 \text{ соат}$$

$$\dot{E} = 3500 + 4800 + 9800 + 2400 = 932 \text{ кВт/с 24 - (21).}$$

Энергетик ускуналардан фойдаланишини характерлаш учун қўйидаги сифат кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади: 1. Ускуналардан вақт бўйича фойдаланиш

К энер. фой-ш -- Амалда ишланган вақт/ Календарь вақт  
2. Ускуналардан кувват бўйича фойдаланиш (интенсив K)

$$K_{интен.фой-ш} = \frac{\text{Ўртача соатлик кувват}}{\text{Соатда энг кўп иш/чиқ. мумкини бўлган кувват}}$$

3. Ускуналардан ҳам вақт, ҳам кувват бўйича фойдаланиш:

$$K_{интен.фой-ш} = \frac{\text{Амалда ишлаб чиқарилган кувват}}{\text{Энг кўп иш/чиқ. мумкин бўлган кувват}}$$

Маълумики, электр энергиясини катта электр станцияларида ишлаб чиқариш фойдали. Шунинг учун электр таъминотини марказлаштириши мухим роль ўйнайди ва у умуман ишлатилган электр энергияси ичida марказий тизимдан олинган электр энергияси салмоғини кўрсатади.

Бу коэффициентнинг ўсиши электр энергияси ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағдан самараали фойдаланилганини билдиради.

### VII.3. Энергетик баланслар

Энергетик баланслар икки қисмдан ташкил топади:

Чап қисмида ресурслар: ўнг қисмида ресурслардан фойдаланиш.

Унинг материал балансдан фарқи шундаки, унда давр боши ва охирида қолдик бўлмайди. Бу баланслар энергиянинг келиш манбалари нималарга сарфланишини аниқлаш имконини беради. Унинг маълумотларига асосланиб, ишлаб чиқаришда фойдаланилган ҳар хил энергиялар ичидага элекстр энергияси саломги, йўқотилган энергия ҳажми ва ундан яхшироқ фойдаланиш захирасини аниқлаш мумкин. Энергетик балансларини айрим корхоналар, алоҳида районлар ва бутунлай макроиктисодист бўйича тузиш мумкин.

Масалан: Корхонада февраль ойида қўйидаги энергия ишлаб чиқарилган ва сарфланган (кВт/соат),

1. Бирламчи двигателлар ишлаб чиқарган энергия.
2. Электр генераторлар ишлаб чиқарган энергия.
3. Ташқаридан олинган электр энергияси.
4. Электр энергияси ишлатилди, жами: а) ҳаракатта кептирувчи куч сифатида; б) электр технологик ускунада; в) хўжалик ишлаб чиқариш; г) станциянинг ўз эҳтиёжи учун;
5. Энергия йўқотишлар.

## **Қисқача холосалар**

Республика энергетика хўжалиги моддий неъмат ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. У саноат ишлаб чиқаришнинг мустақил тармоғи (энергетика) ва айрим бошқармаларнинг энергетик хўжалиги йиғиндисидан ташкил топади. Энергетика хўжалиги ҳажми, унинг ўсиш темпи макроиқти sodisht va энсргия ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим роль йўнайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ҳозирги кундаги Республика энергетика хўжалиги ва бу соҳадаги статистиканинг вазифалари нималардан ибрат?
2. Энергетик ускуналар туркумланиши ва уларнинг йиғиндисини аниқлаша усуллари.
3. Энергетика хўжалигидан фойдаланишининг тавсифловчи спифат кўрсаткичларини нималар ташкил этади?
4. Энергетик баланслар.

### **Асосий адабиётлар**

1. Госкомпрогнозстат. Государственная программа перехода Республики Узбекистан на принятую в международной практике систему участа и статистики. Утверждена Каб. Мин. Республики, 14 сентября 1994 г. № 344.
2. Закон Республики Узбекистан: Об иностранных инвестициях, об образовании, о биржах и биржевой деятельности, о дехканском (фермерском) хозяйстве. Новые законы Республики Узбекистан. Вып. 6, - Т., (там же), 1994.
3. Чжен, Основы приватизаций, - Т.: Шарқ, 1996.
4. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Учебник. Перевод с нем. издатель: Федеральное статистическое управление. - Германия, 1995.
5. Макроэкономическая статистика. Учебник. Под ред. Проф. Кулагиной Г.Д. - М.: Финансы и статистика.

## VIII боб

### МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖА КҮРСАТКИЧЛАРИ

#### VIII.1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистиканинг ислоҳоти

Маъмурий буйруқбозликка асосланган тизимдан бозор иштисодистига ўтиши бухгалтерия ҳисоби, аудит ва статистикани қайта ташкил этишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия, Макроиштисодиёт, Статистика вазирликлари ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан F арб мамлакатлари бухгалтерия ҳисоби ва статистикаси чукур ўрганиб чиқилди ва Ўзбекистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари ичигида биринчи бўлиб, қўйидаги қонунлар қабул қилинди:

1. 1992 йил 9 декабрда Аудиторлик фаолияти бўйича қонун қабул қилинди..

2. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида низом, 1 - илова 1994 йил 26 - март.

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари ресжаси ҳақида низом 2 - илова 1994 йил 26 март.

3. Давлат статистикаси ҳақида қонун, 2003 йил 12-декабрь.

Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган юқоридағи меъёрий хужжатларга асосланиб, айни вақтда корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили, ички-ташқи аудит ва статистика ишлари олиб борилмоқда.

Асосий корхоналар бухгалтерия ҳисоби 2 қисмга бўлиниади:

ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисоби;

- молиявий ҳолат бухгалтерия ҳисоби.

Ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобининг вазифаси маҳсулот таннархи бўйича маълумотларни йиғиши ва қайта ишлашдан иборат. Энергетик корхоналар сири ҳисобланади ва у фақаттина бошқариш ходимлари томонидан фойдаланилади ва юқори ташкилотларга ҳисобот берилмайди. Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ўрганиш учун ўзининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маҳсус ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисобини ташкил этади.

Молиявий ҳолат бухгалтерия ҳисобининг вазифалари корхонанинг молиявий ҳолатини характерлайдиган маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва солиқ соҳаси билан ишлаш-

дан иборатдир. Молиявий ҳисобот корхона билан ташқи мухит (мулк эгалари, кредит берувчилар, таъминотчи ва сотиб олувчилар) орасида боғловчи восита чи ролини ўйнайди ва бу маълумотлар корхонанинг рақобат фаолиятига зарар келтирмайди.

Бухгалтерия ҳисобини 2 қисмга ажратиш бозор иқтисодиётига тўла мос келади.

Бухгалтерия ҳисоби ислоҳотининг асосий элементлари куйидагилардан иборат:

- бухгалтерия ҳисоби ҳақида қонун;
- ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг ҳосил бўлиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисоби стандартлари;
- аудит ҳақида қонун;
- бухгалтерия ҳисоби ҳисобламаларининг режаси ва ҳисботнинг янги шакллари.

### VIII.2. Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш ва сотиши бўйича харажатлар таркиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5. 02. 1999 йилда қабул қилинган 54-сонли қарори «Ишлаб чиқариш ва сотиши харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг ташкил топиши» корхоналар маҳсулоти таннархини ва молиявий ҳолати ташкил топишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибини бозор иқтисодиёти шароитига мослаштиради.

2. Харажатлар ва молиявий натижаларни аниқлаш 2 босқичда амалга оширилади:

1-босқичда корхоналарнинг умумий харажатлари ва даромадлари ҳақидаги маълумотлар тўплланади ва қайта ишланади. Бунда факат умумий натижалар аниқланиб, солиқ ва солиққа тортиши ҳақидаги қонун талаблари эътиборга олинмайди.

2-босқичда корхона фойдасининг умумий ҳажмига солиқ ҳақидаги қонунга мос равишда тузатишлар киритилади.

Бу босқичда умумий фойда суммаси солиқ олинадиган базага айлантирилади. Бунинг баъзи харажат маддалари фойдадан ажратиб ташланади, баъзилари эса келаси давр солиқ базасидан айрилади. Фойдани иккига ажратиш (солиқ тўлагунча ва солиқ тўлангандан сўнг) солиқларни қизиқтирувчи ролини ортириади.

3. Маҳсулот таннархи кўрсаткичлари тузилиши мукаммаллашади.

**Маҳсулотларни сотишдан олинган фойдани аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан унинг ишлаб чиқариш таннархи айрилади. Бунда ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.**

**4. Корхоналар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари иккι турга бўлинади:**

**1) Мутлақ кўрсаткичлар: маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи тушум, сотилган маҳсулот таннархи, ялпи фойда, давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган фойда, молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар, фавқулодда фойда ёки зарар, солиқ тўлангунча бўлган фойда, солиқ тўлагандан кейинги соф фойда.**

**2) Нисбий кўрсаткичлар: барча активлар рентабеллиги, корхона капитали рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, бир акция рентабеллиги, корхона барча активларининг айланиш тезлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзи, ишлаб чиқариш материаллари захиралари.**

Бу ҳақдаги маълумотлар «Корхона (ташикілот) сарф харажатлари тўғрисидаги ҳисоботи» (шакл №5-С) дан олинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари туркумланиши такомиллаштирилди ва қўйидаги харажат турлари ажратилди:

- сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи;
- давр харажатлари;
- молиявий харажатлар;
- фавқулодда харажатлар.

Бунда кейинги учала кўрсаткич ҳам фойда ҳисобидан қопланади.

Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи қўйидаги харажатларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш материал харажатлари (чиқиндилар айрилади);  
- ишлаб чиқариш характеристидаги иш ҳақи;  
- ишлаб чиқариш ходимлари бўйича ижтимоий сугурта ажратмалари;  
- номатериал активлар ва асосий фонdlар амортизацияси;  
- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Давр харажатлари - ишлаб чиқаришни бошқариш, сотиш, бошқа операция харажатлари ва ишлаб чиқариш ва бошқаришни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган харажатлар.

Молиявий харажатлар - кредит ресурсларни топиш, қимматбаҳо қоғозлар, валюта операциялари, узок муддатли ижара харажатлари ва ҳ.к.

Фавқулодда харажатлар, табиий оғатлар, урушлар, ва ҳ.к. Янги шароитда корхоналарнинг харажат моддалари куйидагича гурухланади:

1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи:

- а) бевосита ва билвосита мөддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлар;
- в) ишлаб чиқариш йўналишидаги бевосита ва билвосита устама харажатлар.

2. Давр харажатлари (Янги кўрсаткич):

- а) сотиш бўйича харажатлар;
- б) бошқариш харажатлари (маъмурӣ харажатлар);
- в) бошқа қўшимча харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- а) фоизлар бўйича сарфлар;

б) чет эл валюталари курси ўзгариши бўйича кўрилган зарарлар;

в) қимматбаҳо қоғозларга кўйилган маблагларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фоиз ва солик бўйича бошқа сарф-харажатлар;

5. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулот таннархига қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий маблагларни жамлаш ҳақидаги низомга асосан бухгалтерия ҳисобига қўйидаги янгиликлар киритилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатлар иқтисодий моҳиятлари бўйича қўйидаги элементларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш материал харажатлари (чиқинидилар қиймати айириб ташланади);
- ишлаб чиқариш характеристидаги меҳнаттга тўловлар;
- ишлаб чиқарища қатнашувчи ходимларнинг ижтимоий суғурга ажратмалари;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган номатериал активларга амортизация ажратмалари;
- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Шундан кўриниб турибдики, янги шароитда маҳсулот таннархига тижорат, умумхўжалик ва молиявий харажатлар киритилмайди. Балки улар ҳар бир даврнинг ўзида корхонага фойда суммаси ҳисобида қопланади ва бу ҳолат миллий ҳисоблар тизимиға мос келади.

Давр харажатлари- корхоналар фаолиятида янги кўрсаткич ҳисобланади. Бу харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас.

Буларга ишлаб чиқариши бошқариш, тижорат, умумхўжалик харажатлари, шу жумладан, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик харажатлари ҳам киради. Улар умумхўжалик харажатлари бўлиб, уларнинг ҳажми ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан эмас, балки даври, вақт билан борлиқ. Бу харажатлар ўшилиб пайдо бўлган вактда қопланниб юборилади:

- бошқариш харажатлари;
- сотиш харажатлари;
- илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик харажатлари ва ҳоказолар.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

- кредит маблағларини топиш ва бериш;
- қимматбаҳо қоғозлар билан ўтказиладиган операциялар;
- валюталар билан ўтказиладиган операциялар;
- узоқ муддатли ижарага олиш ва беришдан ҳосил бўлган натижага.

Фавқулодда заарлар - буларга кутгилмаган ҳолда юз берадиган заарлар киради.

Маҳсулот таниархи таҳлили қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- корхона харажатлари таркиби таҳлили;
- маҳсулот таниархи қўрсаткичлари даражаси ва уларнинг динамикаси;
- маҳсулот таниархига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Бу ҳақдаги маълумотларни шакл 5-раҳамали Сномли йиллик статистик ҳисоботдан олиш мумкин.

## 5-жадвал

### Корхонанинг умумий харажатлари динамикаси

Харажатлар	20000 й.	20001 й.	Индекс % %
Ҳамма харажатлар	47200	57000	120.8
Шу жумладан:			
а) маҳсулотни ишлаб чиқариш таниархи	35000	42800	122.3
б) давр харажатлари	10600	11400	107.5
в) молиявий харажатлар	1000	2400	240.0
г) фавқулодда заарлар	600	400	66.6

Жадвалдан кўринишича, корхонанинг ҳамма харажат моддалари 2001 йилда 2000 йилга нисбатан ортган, айниқса, молиявий харажатларнинг 2.4 марта ортиши корхонанинг молиявий фаолияти фаоллашганидан дарак беради. Эндиги вазифа ҳар бир модда ичидаги моддачалар динамикасини таҳлил

қилишдан иборат (харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калкуляция моддалари бўйича).

Амалда маҳсулот таннархининг қўйидаги кўрсаткичлар тизими мавжуд:

- айрим олинган маҳсулот бирлиги таннархи;
- ялпи товар ва сотилган маҳсулот таннархи;
- бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат.

#### *6-жадвал*

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	Индекс %
• Ялпи маҳсулот таннархи	127000	131000	103.1
• Товар маҳсулот таннархи	122600	125000	101.9
• Товар маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи	117000	121200	103.4
• Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннирхи	114800	117000	101.9
• Бир сўмлик товар маҳсулотга қилинган харажат (тийин)	92	85	92.4

Жадвалдан кўринишча, ялпи товар, сотилган маҳсулот таннархи ортган. Бир сўмлик товар-маҳсулотта қилинган харажат кўрсаткичи эса 7,6 % га камайган. Бунинг сабаби ултуржи баҳода ҳисобланган товар-маҳсулот ҳажмининг ўсиш даражаси, товар-маҳсулот таннархининг ўсиш даражасидан ортиқ бўлган.

$$i_h = \frac{h_1}{h_0} = \frac{85}{92} = 0,924 \text{ ёки } 92,4 \text{ %}.$$

Маҳсулот таннархига таъсир этувчи омиллар қудратини ўрганиш учун бир сўмлик товар-маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичидан фойдаланиши лозим. Бу кўрсаткич динамикасига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- айрим олинган маҳсулот таннархининг ўзгариши;
- айрим олинган маҳсулот ултуржи баҳосининг ўзгариши;
- товар-маҳсулот таркибида юз берган таркибий ўзгаришлар.

$$I_{\text{умумий}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_1} : \frac{\sum q_0 c_0}{\sum q_0 p_0} \quad \text{шу жумладан}$$

$$I_{\text{таннарх}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_0} : \frac{\sum q_1 c_0}{\sum q_1 p_0};$$

$$I_{\text{бахо}} = \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_1} : \frac{\sum q_1 c_1}{\sum q_1 p_0};$$

$$I_{\text{ассортимент}} = \frac{\sum q_1 c_0}{\sum q_1 p_0} : \frac{\sum q_0 c_0}{\sum q_0 p_0};$$

$$I_{\text{умумий}} = I_{\text{танинх}} \times I_{\text{бахо}} \times I_{\text{ассортимент}}.$$

### 7-жадвал

Бир сүмлик товар-маҳсулотга қилинган харажат  
кўрсаткичларини ҳисоблаш

Маҳсулот турлари	Маҳсулот ҳажми (дона)		1 дона маҳсулот баҳоси (сўм)		1 дона маҳсулот танинхси (сўм)	
	БД	ЖД	БД	ЖД	БД	ЖД
	Q <sub>0</sub>	q <sub>1</sub>	p <sub>0</sub>	p <sub>1</sub>	c <sub>0</sub>	c <sub>1</sub>
A	800	1000	80	100	70	60
B	500	400	80	60	61	50
C	200	300	20	30	10	20

1. Бир сүмлик товар - маҳсулотга қилинган харажат кўрсаткичлари динамикаси:

$$\frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 300 \cdot 20}{1000 \cdot 100 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 30} : \frac{800 \cdot 70 + 500 \cdot 60 + 200 \cdot 10}{800 \cdot 80 + 500 \cdot 80 + 200 \cdot 20} = \dots = 79,4\%$$

Демак, жорий даврда базис даврга нисбатан бир сүмлик товар маҳсулотта қилинган харажат кўрсаткичи 20,6 % га камайган.

Шу жумладан:

2. Маҳсулот танинхининг ўзгариши

$$\frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 0 \cdot 20}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} : \frac{1000 \cdot 70 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 10}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} = \dots = 88,7\%$$

Демак, айрим олинган маҳсулот танинхларининг ўзгариши бир сүмлик товар маҳсулотта бўлган харажат кўрсаткичи ни 11,3 % га пасайтирган.

3. Маҳсулот улгуржи баҳосининг ўзгариши

$$\frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 300 \cdot 20}{1000 \cdot 50 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 30} : \frac{1000 \cdot 60 + 400 \cdot 50 + 300 \cdot 20}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} = \dots = 88,7\%$$

Демак, маҳсулотларга бўлган улгуржи баҳоларнинг ортиши ҳисобига бир сүмлик товар-маҳсулотга бўлган харажат кўрсаткичи 11,3 % га пасайтан.

#### 4. Товар-маҳсулотлар таркибининг ўзгариши

$$\frac{1000 \cdot 70 + 400 \cdot 60 + 300 \cdot 10}{1000 \cdot 80 + 400 \cdot 80 + 300 \cdot 20} \cdot \frac{800 \cdot 70 + 500 \cdot 60 + 200 \cdot 10}{800 \cdot 80 + 500 \cdot 80 + 200 \cdot 20} = \dots = 100,9\%.$$

Товар-маҳсулотлар таркибининг ўзгаришини ҳисобига бир сўмлик товар маҳсулотга бўлган харажат кўрсаткичи 0,9 % га ортган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бир сўмлик товар-маҳсулотта базис даврда 81,5 тийин жорий даврда эса 64,7 тийин сарфланган. Демак, харажатлар 16,8 тийин, яъни 20,6 % пасайган. Бундай ҳолатга маҳсулот таннархининг пасайиши ва ултуржи баҳонинг ортиши сабаб бўлган, ассортимент ўзгаришлари эса салбий таъсири кўрсатган.

$$\frac{88,7}{100} * \frac{88,7}{100} * \frac{100,9}{100} = \dots = 79,4\%$$

Бундай таҳлил ҳар бир омилнинг маҳсулот таннархига бўлган таъсирини аниқлаш имконини беради.

#### VIII.3. Фойда кўрсаткичлари

Бу ҳақдаги маълумотларни “Корхона (ташкилот) лар молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида” ги йиллик ҳисоботи 1-Ф - рақамли шаклдан олинади ва унда фойданинг қўйидаги кўрсаткичлари келтирилган:

1) Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда = (Маҳсулотни сотишдан тушган тушум - Маҳсулот таннархи) - (Қўшилган қиймат солиги + Акциз солиги)

2) Асосий фаолиятдан олинган фойда = Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (Давр харажатлари + Асосий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар)

3) Молиявий фаолиятдан олинган фойда = Акциялардан олинган девиденделлар + Заёмлардан олинган девиденделлар + Бошқа корхоналардан олинган девиденделлар + Бошқа фоизлар + Валюта курсининг ўзгаришидан олинган фойда + қимматбахо қоғозлардан олинган фойда + Ижарага беришдан олинган фойда.

4) Үмумий хўжалик фаолиятдан олинган фойда = Асосий фаолиятдан олинган фойда ± Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар.

5) Солиқ тўлагўнгача бўлган фойда = Үмумий хўжалик фаолиятидан олинган фойда ± Кутилмаган воқеа -ҳодисадан олинган фойда ёки зарар.

6) Солиқ тұланадиган фойда = Солиқ тұлашгача фойда + (Бухгалтерия фойдаси ва солиқ тұланадиган фойда орасыдаги доимий фарқ - Солиқ имтиёзлари).

7) Күтілмagan, лекин айрим ҳоллар туфайли олинган фойда.

8) Соғ фойда = Солиқ тұлашгача бўлган фойда - Тұланадиган солиқ ва тўловлар суммаси.

Солиқ оладиган базани аниқлаш учун қўйидаги шартли мисолдан фойдаланамиз. Молиявий натижалар бўйича ҳисобот 2000 йил охирига:

1) Сотишдан олинган тушум -	100000 сўм
2) Сотилган маҳсулот таннархини ҳисоблаш	
а) материалларга қилинган тўғри харажат -	30000;
б) меҳнатта қилинган тўғри харажат -	20000;
в) қўшимча харажатлар -	5000
3) Ялпи фойда -	45000
4) Давр харажатлари -	10000
5) Умумий хўжалик фаолиятидан	
олинган фойда -	35000
6) Бошқа харажатлар:	
а) фоиз тўлаш -	5000
7) Валюта курсидан ўйқотиш -	2000
2000 йил охирига солиқ ҳисоби	
8) Солиқ тўлашдан оддинги фойда 28000 (35000 - (5000 + 2000)).	
9) Солиқ тұланадиган фойдага қўшиладиган харажатлар:	
а) ижтимоий харажатлар -	7000
б) белгиланган сметадан ташқари	
хизмат сафари харажатлари -	5000.
10) Солиқ тўлаш учун база 40000 (28000 + 7000 + 5000).	
Молиявий харажатлар даражаси 40%.	
У ҳолда: тұланадиган солиқ суммаси	16000
У ҳолда: Соғ фойда = 12000 (28000 - 16000).	
Ялпи фойда ҳажмига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:	
1) Сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;	
2) Сотилган маҳсулот таннархининг ўзгариши;	
3) Сотилган маҳсулот баҳосининг ўзгариши;	
4) Сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши.	
Ялпи фойда ҳажмига бу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қўйидаги индекслардан фойдаланамиз.	

$$I_{\text{умумий}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_1}{\Sigma q_0 p_0 - \Sigma q_0 c_0}; \quad I_{\text{таниарх}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_1}{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_0};$$

$$I_{\text{сотилган маx-т}} = \frac{\Sigma q_1 c_0 \times R_0}{\Sigma q_0 p_0 - \Sigma q_0 c_0}; \quad I_{\text{бахо}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0};$$

$$I_{\text{ассортимент}} = \frac{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 c_0 \times R_0};$$

$$I_{\text{умумий}} = I_{\text{сотилган маx-т}} * I_{\text{таниарх}} * I_{\text{бахо}} * I_{\text{ассортимент}}.$$

Буңда:  $\Sigma q_1 c_0 \times R_0$  Базис давр рентабеллик даражасида жорий даврда сотилган маxсулотдан олинган фойда.

### 8-жадвал

Сотилган маxсулотдан олинган ялпи фойда ҳажмига таъсир этувчи омилларин ҳисоблаш

Күрсактычтар	Сумма	Ҳисоблану үсули	№
1	2	3	4
<b>I. Маxтумот манбалари</b>			
1. Жорий даврда сотилған маxсулот жорий давр баҳосида ( $\Sigma q_1 p_1$ )	800000		
2. Жорий даврда сотилған маxсулот жорий давр ташархида ( $\Sigma q_1 c_1$ )	600000		
3. Жорий даврда сотилған маxсулот базис давр баҳосида ( $\Sigma q_1 p_0$ )	70000		
4. Жорий даврда сотилған маxсулот базис давр ташархида ( $\Sigma q_1 c_0$ )	66000		
5. Базис даврда сотилған маxсулот базис давр баҳосида ( $\Sigma q_0 p_0$ )	50000		
6. Базис даврда сотилған маxсулот базис давр ташархида ( $\Sigma q_0 c_0$ )		(50000-40000) / 40000	0,25 ёки 25 %
7. Базис давр рентабеллик даражаси ( $R_0$ )	40000		

## 8-жадвалнинг давоми

Кўрсаткичлар	Сумма	Ҳисобланган усулни	№
1	2	3	4
II. Омиллар таъсиринга ҳисоблаш			
а) Сотилган маҳсулот рентабеллниги даражасини жорий даврда басис дварига инебатан ўзгариши ((1-2) / (5-6))		(80000-60000) / (50000- 40000)	Ўчиши +10 млн. с. ёки 200%
б) Сотилган маҳсулот ҳаракми ўзгаришининг таъсири ((4*0,25) / (5-6))		(66000*0,25) / (50000- 40000) = 8250 / 10000	+ 6500 минг сўм ёки 165%
в) Сотилган маҳсулот ташархининг ўзгариши таъсири ((1-2) / (1-4))		(80000-60000) / (80000- 66000) = 20000 / 14000	+ 6000 минг сўм ёки 143%
г) Сотилган маҳсулот баҳосининг ўзгариши таъсири ((1-4) / (3-4))		(80000-66000) / (70000- 66000) = 14000 / 4000	+ 1000 минг сўм ёки 350 %
д) Сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши (3-4) / (5 * 0,25))		(70000-66000) / (66000 * 0,25) = 4000 / 16500	-12500 минг сўм ёки 24%

Демак, сотилган маҳсулотдан олинган фойда 10 млн. сўмга ёки 200% га ортгац.

Шу жумладан:  $+ 6,5 + 6,0 + 10,0 - 12,5 = 10,0$  млн.с.  
 $10,0 = 10,0$ . ёки  $((165/100) * (143/100) * (350/100) * (76/100)) * 100 = 200\%$   
 $200,0\% = 200,0\%$

### VIII.4. Рентабеллик кўрсаткичлари

1. Корхонанинг ҳамма активлари рентабелллиги:

$PA = \text{Соф фойда} / A$ ; А - корхона активларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонанинг ҳамма активлари рентабелллиги шу корхона активларига инвесторлар ва кредиторлар томонидан қўйилган ҳар бир сўм неча сўм фойда келтирганлигини ифодалайди.

2. Корхона хусусий капиталининг рентабелллиги:

$RXK = \text{Соф фойда} / XK$ ; XK - хусусий капиталнинг ўртача йиллик суммаси қиймати (устав капитал + қўшимча капитал + захира капитал + жамғарилган фойда).

Корхона хусусий капитал рентабелллиги хусусий мулк эгалари томонидан қўйилган хусусий капиталнинг ҳар бир сўми

нече сүмлик соф фойда көлтирганини ифодалайди.

3. Сотилган маҳсулот рентабеллиги:

СМР = Ялпи фойда / Сотилган маҳсулот ҳажми ёки

Соф фойда / Сотилган маҳсулот ҳажми

Сотилган маҳсулот рентабеллиги ҳар бир сүмлик сотилган маҳсулотдан қанча ялпи ёки соф фойда көлтирганини ифодалайди.

4. Жорий харажатлар рентабеллиги = Соф фойда / Жорий харажатлар суммаси. Қилингандан ҳар бир сүмлик харажатта қанча фойда олинганини ифодалайди.

5. 1 акциянинг рентабеллиги

P/A = Соф фойда / АКо; АКо муюмалага чиқарилган акциялар миқдори.

1 акциянинг рентабеллиги компаниянинг муюмаладаги ҳар бир акцияси қанча сүм соф фойда көлтирганини ифодалайди.

Бизнисдеги юқоридаги миссалимизда: 1) PA = Соф фойда / Активларининг ўртача йиллик қўйимати =  $12000 / 120000 = 0,1$  ёки 10%.

Демак, инвесторлар ва кредиторлар томонидан қўйцилган ҳар бир сүм 10 тийиндан соф фойда көлтирган.

2) РХК = Соф фойда / Хусусий капиталнинг ўртача йиллик қўйимати =  $12000 / 70000 = 0,172$  ёки 17,2%. Демак, хусусий мусул экалари тор/47200 қўйцилган капиталининг ҳар бир сүми 17,2 тийиндан соф фойда көлтирган.

3) СМР = Соф фойда / Сотилган маҳсулот ҳажми =  $12000 / 100000 = 0,125$  ёки 12,5%.

Демак, ҳар сүмлик сотилган маҳсулот 12,5 тийин соф фойда көлтирган.

4) Р / ЖХС = Соф фойда / ЖХС =  $12000 / 55000 = 2,218$  ёки 21,8 %.

Демак, ҳар бир сүмлик қилингандан харажат 21,8 тийин соф фойда көлтирган.

5) Р1А = Соф фойда / Муюмалага чиқарилган акциялар миқдори=  $12000 / 240000 = 0,05$  ёки 5,0.

Демак, корхона томонидан муюмалага чиқарилган акциянинг ҳар бир сүми 5 тийиндан соф фойда көлтирган.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси таҳлили, фойда таҳлили каби унга таъсир этувчи омиллар таҳлили билан охирга стқазилади. Масалан, маҳсулот рентабеллиги даражасига сотилган маҳсулот таннахши ва унинг баҳоси, корхона активлари рентабеллиги даражасига, айланма маблагларининг айланиши тезлиги ва маҳсулот рентабеллиги даражаси, ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги даражасига - фонд талабчанлик дара-

жаси, маҳсулот рентабеллиги таъсир кўрсатади. Корхонананинг жорий харажатлари рентабеллиги даражасига маҳсулот таннахи, баҳоси ва ассортиментининг ўзгариши таъсир кўрсатади.

$$I_{\text{умумий жорий харажат}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_1}{\Sigma q_1 c_1} : \frac{\Sigma q_0 p_0 - \Sigma q_0 c_0}{\Sigma q_0 c_0}$$

Шу жумладан:

$$I_{\text{макс-т таннах}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_1}{\Sigma q_1 c_1} : \frac{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 c_0};$$

$$I_{\text{бахо}} = \frac{\Sigma q_1 p_1 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 c_1} : \frac{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 c_1};$$

$$I_{\text{ассортимент}} = \frac{\Sigma q_1 p_0 - \Sigma q_1 c_0}{\Sigma q_1 c_1} : \frac{\Sigma q_0 p_0 - \Sigma q_0 c_0}{\Sigma q_0 c_0};$$

$$I_{\text{умумий жорий харажатлар}} = I_{\text{макс-т таннах}} * I_{\text{бахо}} * I_{\text{ассортимент}};$$

#### 9-жадвал

Жорий харажатлар рентабеллигига таъсир этувчи омиллар таъсирини ҳисоблаш (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Белги	Сумма
Жорий даврда сотилган маҳсулотта тушум	$\Sigma q_1 p_1$	800
Жорий даврда сотилган маҳсулот таннахи	$\Sigma q_1 c_1$	640
Базис даврда сотилган маҳсулотта тушум	$\Sigma q_0 p_0$	595
Базис даврда сотилган маҳсулот таннахи	$\Sigma q_0 c_0$	490
Жорий даврда сотилган маҳсулотта базис баҳоси бўйича тушум	$\Sigma q_1 p_0$	680
Жорий даврда сотилган маҳсулот базис давр таннахи	$\Sigma q_1 c_0$	560

У ҳолда, жорий харажатлар рентабеллиги индекси

$$I_{\text{жорий (харажатлар рентабеллиги)}} = \frac{800 - 640}{640} : \frac{595 - 490}{490} = (0,250 : 0,214) \cdot 100 = 116,7\%$$

Демак, жорий харажатлар рентабеллиги даражаси ЖД да БД га нисбатан 16,7 % га ортган.

Шу жумладан,

1) Маҳсулот таннархи ўзгариши ҳисобига:

$$\frac{800 - 640}{640} : \frac{800 - 560}{640} = (0.250 : 0.375) \cdot 100 = 66.6\%$$

Демак, жорий харажатлар ҳажмининг ортиши ҳисобига рентабеллик даражаси 33,4 % га камайган.

2) Сотилган маҳсулот баҳоси ўзгариши ҳисобига:

$$\frac{800 - 560}{640} : \frac{680 - 560}{640} = (0.375 : 0.187) \cdot 100 = 200\%$$

Демак, баҳонинг ортиши ҳисобига жорий харажатлар рентабеллиги даражаси 2 марта ортган.

3) Сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши ҳисобига:

$$\frac{680 - 560}{640} : \frac{595 - 490}{490} = (0.187 : 0.214) \cdot 100 = 87,6\%$$

Демак, сотилган маҳсулот таркибининг ўзгариши ҳисобига рентабеллик даражаси 12,4 % пасайган.

Демак, 2 та омил: маҳсулот таннархи ва сотилган маҳсулот таннархи рентабеллик даражасига салбий таъсир кўрсатган ва фақат баҳонинг ортиши ҳисобига рентабеллик даражаси ортган.

$$(25-37,5) + (37,5-18,8) + (18,8-21,4) = -12,5 + 18,8 - 2,7 = +3,6\% \\ 0,666 * 2,0 * 0,876 = 1,16 \text{ ёки } 116\%.$$

### Рентабеллик даражаси кўрсаткичлари

Молия статистикасида мутлақ миқдор фойда суммаси билан бир қаторда, нисбий миқдор - рентабеллик даражаси кўрсаткичи ҳам кенг қўлланилади. Бунда корхона фаолиятини ифодаловчи ҳар хил миқдор ва сифат кўрсаткичлари: маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, фойда суммаси ва бошқалар мужассамлашади.

Амалиётда рентабеллик даражасининг қуйидаги кўрсаткичлари қўлланилади:

1) Корхона ҳамма активларининг рентабеллик даражаси

$$P_a = \frac{\Phi_6}{\Phi} \cdot 100 \%,$$

Бунда:  $\Phi_6$  - балансдаги фойда;

$\Phi$  - асосий ишлаб чиқарып фондлари, номатериал активлар ва материал айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати.

Бу кўрсаткичининг моҳияти шундаки, у шу корхона активларига инвестор ва кредиторлар томонидан қўйилган ҳар бир сўм (аванслаштирилган) қанча фойда келтирганини ифодалайди.

2) Сотилган маҳсулот рентабеллиги даражаси

$$P_{c.m.} = \frac{\Phi_c}{TH} \cdot 100 \%$$

Бунда:  $\Phi_c$  маҳсулот (хизмат) ни сотишдан олинган фойда;

TH - сотилган маҳсулот таннархи.

Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик сотилган маҳсулот қанча фойда келтирганини ифодалайди. Олинган мавжуд маҳсулот тури бўйича рентабеллик даражаси хомашё баҳоси, маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги даражаси, ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги юқоридаги омиллардан ташқари яна ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш даражасига носаноат фаолият натижаларига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, сотилган маҳсулот даражаси кўрсаткичи, умумий рентабеллик даражаси кўрсаткичини тўлдиради.

3) Корхона хусусий капиталининг рентабеллиги даражаси

$$P_{x.k.} = \frac{\Phi_{co\phi}}{XK} \cdot 100 \%$$

Бунда:  $\Phi_{co\phi}$  - соф фойда;

XK - хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати (устав капитални + қўшимча капитал + захира капитал + жамгарилган фойда).

Бу кўрсаткич капитал эгалари томонидан қўйилган хусусий капиталнинг ҳар бир сўми неча сўмлик соф фойда келтирганини ифодалайди.

4) I акциянинг рентабеллиги даражаси

$$P_{ak.} = \frac{\Phi_{co\phi}}{AKM} \cdot 100 \%$$

Бунда:  $\Phi_{co\phi}$  соф фойда;

AKM - муомалага чиқарилган акциялар миқдори.

Бу кўрсаткич компаниянинг муомалага чиқарилган ҳар

бир акцияси неча сўм соғ фойда келтирганини ифодалайди.

Корхона (ташкилот) нинг молиявий томондан ишчан фаоллиги даражасини ифодалаш мақсадида қўйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1) Капиталнинг умумий айланиши кўрсаткичи:

$$K_a = \frac{CT}{KK}$$

Бунда: СТ - маҳсулотни сотишдан тушган тушум;  
KK - корхона капитали; асосий капитал, материал айланма маблағлари, номатериал активлар, муомала фонди.

Капиталнинг умумий айланишини корхона мулкининг доиравий айланишини тезлатиши натижасидагина эмас, балки жорий даврда капиталнинг нисбий камайиши ва инфляция натижасида баҳонинг ортиши натижасида ҳам ортиши мумкин.

Бу кўрсаткич корхона активига кўшилган ҳар бир сўм қанча маҳсулот сотишга имкон берини ифодалайди.

2) Дебиторлик қарзининг айланиши даражаси:

$$DA = 365 : \frac{CT}{DK}$$

Бунда: 365 - йилдаги кунлар сони;

СТ - маҳсулотни сотишдан тушган тушум;

ДК - харидорнинг дебиторлик қарзи.

Бу кўрсаткич харидор корхонага дебиторлик қарзини тўлаш учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

3) Кредиторлик қарзининг айланиши даражаси:

$$KA = 365 : \frac{TH}{KK}$$

Бунда: 365 - йилдаги кунлар сони;

TH - сотилган маҳсулот танинархи;

KK - корхонанинг кредиторлик қарзи.

Бу кўрсаткич корхона ўзининг кредиторлик қарзини тўлаш учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

4) Ишлаб чиқаришдаги материал захираларининг айланishi:

$$M3 = 365 : \frac{TH}{M3}$$

Бунда: 365 - йилдаги кунлар сони;

**ТН** маҳсулот таннархи;  
**МЗ** материал захиралар ҳажми.

Бу кўрсаткич корхонанинг ўз материал захираларини ишлатиб юбориш учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

Юқорида баён этилган кўрсаткичлар менеджерлар учун ҳам, инвесторлар учун ҳам муҳим ҳисобланади. Булар ичida энг муҳими капиталнинг умумий айланиш кўрсаткичи бўлиб, қолган кўрсаткичлар унга боғлиқ бўлади.

Корхона маблағларининг айланиш кўрсаткичлари:

1. Корхона барча активларининг айланиши:

**АА = Сотишдан тушган тушум / А;** А активларнинг ўртacha йиллик қиймати.

Корхона активига қўйилган ҳар бир сўм неча сўмлик маҳсулот сотишига имкон беради.

2. Дебиторлик қарзи айланиш даражаси: **ДА = 365 Сотишдан тушган тушум / ДК;** ДК харидорларнинг дебиторлик қарзи.

Харидорларнинг дебиторлик қарзларини тўлаш учун неча кун кераклигини ифодалайди.

3. Кредиторлик қарзи айланиш даражаси: **ДК = 365 Сотилган маҳсулот таннархи / КК;** КК Корхонанинг жўнатувчиларга қарзи.

Корхонанинг қарзини жўнатувчиларга тўлаш учун неча кун кераклигини ифодалайди.

4. Ишлаб чиқаришнинг материал захиралари айланиши: **МЗ = 365 : Сотилган маҳсулот таннархи / Материал захиралар қиймати.**

Материал захираларини ишлатиб юбориш учун неча кун керак бўлишини ифодалайди.

Юқоридаги кўрсаткичлар менеджерлар учун ҳам, инвесторлар учун ҳам муҳим ҳисобланади. Буларнинг ичida энг муҳими активларнинг 1 - марта айланиши кўрсаткичи бўлиб, бошқалари ўнга боғлиқ бўлади. Масалан: Бизнинг юқоридаги корхонамида:

1. Корхона активларининг айланиши: **АА = Сотишдан тушган тушум / Активларнинг ўртacha йиллик қиймати = 100000 / 120000 = 0,824 ёки 82,4%.** Демак, корхонанинг активига қўйилган ҳар бир сўм 82,4 тийин маҳсулот сотиши имконини беради.

2. Дебиторлик қарзининг айланиш даражаси: **ДА = 365 : Сотишдан тушган тушум / Харидорларнинг дебиторлик қарзи = 365 : 100000 / 350000 = 365 : 0,274 = 365 : 1 / 4 = 91 кун.** Демак, харидорларнинг дебиторлик қарзини тўлаш учун 91 кун керак экан.

3. Кредиторлик қарзи айланиш даражаси:  $ДК = 365$  Сотилган маҳсулот таннархи / Корхонанинг жўнатувчиларга қарзи  $= 365 : 55000 / 150000 = 365 : 0,333 - 365 : 1 / 3 = 122$  кун.

Демак, корхонанинг қарзини жўнатувчиларга тўлаши учун 122 кун керак экан.

4. Ишлаб чиқаришдаги материал захираларининг айланиси:  $МЗ = 365 : \text{Сотилган маҳсулот таннархи} / \text{Материал захираларини қиймати} = 365 : 55000 / 55000 = 365 : 1 = 365$  кун. Демак, корхонада 365 кунлик ёки 1 йиллик материал захиралари мавжуд экан.

### VIII.5. Молиявий коэффицентлар

Корхонанинг молиявий ҳолати, ишончлилиги, капитал кўйилтмалари, акция сотиги олишининг ишончлилиги ва таваккалчилик даражасини ва х.к аниқлаш максадидга молиявий коэффицентлар ҳисобланди. Бунинг учун молиявий ҳисобот маълумотлари асос бўлиб ҳисобланади. Компанияларнинг молиявий ҳисоботларига қўйидагилар киради: компаниялар баланси ва зарарлар ҳақида ҳисобот, капитал ва пул маблаглари ҳақида ҳисоботлар. Молиявий таҳтил икки нуқтаи назардан қаралади:

1. Корхоналар эгалари томонидан.

2. Инвесторлар, банклар ва мамлакат бюджети томонидан.

Шулар асосида аниқланадиган барча молиявий коэффицентлар З гурӯхга бўлинади:

1. Корхоналарнинг маблагларини тўлай олиш қобилиятини аниқловчи коэффициентлар улар корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати ва ишончтилик даражасини ифодалайди. Бу коэффициентлар корхоналарнинг молиявий таваккалчилиги даражасини аниқлаш учун ишлатилади.

2. Корхонанинг жорий тўлай олиш қобилияти, кўрсаткичи, жорий тўловларнинг активлари билан тъзминланиш даражасини ифодалайди. Коэффициент = Жорий активлар суммаси / Жорий тўловлар сўм.

Унинг суръатига: ҳамма пул маблаглари, дебиторлик қарзи, товар, материал, бойликлар захиралари киради. Махражига жса: кредиторлик қарзи, узоқ муддатли қаралар киради.

Коэффициентлар бирдан катта бўлса меъёри ҳисобланади, бирдан кичик бўлса ёмон ҳолат, яъни қобилияти кучсиз ҳисобланади. Коэффициентларнинг суръати билан маҳражи орасидаги айрима капиталнинг соғ айланиши деб аталади.

3. Тезкор активларнинг ўринини қоплаши, коэффициентлар тезкор активларга омборлардаги жорий материал захиралари киради.

Коэф. = Тезкор активлар суммаси / қисқа муддатли мажбуриятлар. Корхонанинг молиявий ҳолатини характерлашда хусусий капитал ва ёлланма капитал нисбати муҳим роль ўйнайди.

Бу кўрсаткичлар узоқ муддатли мажбуриятларнинг лозим бўлган активлар билан таъминланиш даражасини ифодалайди.

Корхона ўз капиталини узоқ муддатли мажбуриятлар салмори:

Коэф. = Хусусий капитал суммаси / (узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси + хусусий капитал суммаси).

Узоқ муддатли мажбуриятларга: жўнатувчилар кредитлари, банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ва ҳ.к.лар киради. Капиталлаштириш коэффиценти = Муддатли қарзлар / (Муддатли қарзлар + хусусий капитал).

Муддатли қарзларга бир йилдан кам бўлмаган муддатта берилган қарзлар(жўнатувчилар кредити ва ҳ.к.).

II. Самарадорлик коэффицентлари - ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ифодалайди ва маблагларнинг ҳаракати устидан назорат қилиб туради:

1) Дебиторлик қарзини қайтариш тезлиги = Йил охиридағи ҳамма дебиторлик қарзи / Кредитта сотиш ҳажми ёки 1 кунлик ўргача нақдга сотиши.

2) Захираларни ўргача сақлаш даври йил охирида товар материал қолдишлари суммаси / 1кунда сотилган маҳсулот таннархи.

3) Захираларнинг айланиш коэф. = Барча сотилган маҳсулотлар таннархи / Товар материал бойликлари захираси (ўргача йиллик қиймат).

4) Белгиланган активларни қоплаш коэффициенти = Соғ белгиланган активлар / Узоқ муддатли қарзлар харажатларини назорат қилиш мақсадида: 1) Бошқариш харажатлари тизими = Бошқариш харажатлари.

Сотиш ҳажми 2) Операцион харажатлар даражаси = Операцион харажатлар суммаси / Сотиш ҳажми.

III. Фойдалилик коэффиценти Тижорат (бозор) самарадорлигини ифодалайди.

1) Сотиш рентабеллиги = Соғ фойда / Сотиш ҳажми;

2) Хусусий капитал фойдалилиги = Соғ фойда / Хусусий капитал (акционер капитали + тақсимланмаган фойда).

3) Барча капитал фойдалилиги = Соғ фойда / Активлар барчаси (жорий ва узоқ муддатли).

4) Баъзи активлар фойдалилиги = Соғ фойда / Активлар барчаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия, Макроиқтисодиёт, Статистика вазириллари ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ривожланган мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби ва статистикаси

чуқур ўрганиб чиқилди ва Ўзбекистонда Ҳамдустлик мамлакатлари ичидаги бўлиб, қуйидаги қонунлар қабул қилинди:

1. Аудиторлик фаолияти бўйича қонун. 1992 йил 9 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида низом, 1- илова, 1994 йил 26-март.
- Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси ҳақида низом. 2-илова 1994 йил 26-март.
3. Давлат статистикаси ҳақида қонун. 1993 йил 2-сентябрь.

## Қисқача хуросалар

Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган юқоридаги меъёрий хужжатларга асосланиб, айни вақтда корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолият таҳлили, ички ва ташқи аудит ва статистик ишлар олиб борилмоқда.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Молиявий коэффициентлар қандай ҳисобланади?
2. Рентабиллик кўрсаткичлари қандай аниқланади?
3. Фойда кўрсаткичларини ҳисоблаш?

## Асосий адабиётлар

1. Ревенко А.Ф. Промышленная статистика в США. Учебник. - М.: Статистика, 1991.
2. Адамов В.Е. Статистика промышленности. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1987.
3. Ҳамдамов Қ., Маҳамадалиев У. Микроиктисодиёт асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Эгамбердиев Э. Микроиктисодиёт асослари. Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Мехнат, 1995.

## IX боб

### ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЯРОҚЛИ ЕРЛАР СТАТИСТИКАСИ

#### 9.1. Ер статистикасининг вазифалари

Ер барча моддий воситалар ва ишлаб чиқариш тармоқла-  
рини ривожлантиришнинг муҳим шарт-шароити ва халқ хўжалиги  
тармоқлари ривожланадиган заминидир. Агар ер саноат  
учун (кон саноатидан ташқари) корхона жойланадиган ўрин  
бўлиб хизмат қиласа, қишлоқ хўжалигига у ишлаб чиқариш  
нинг энг муҳим воситасидир, бусиз қишлоқ хўжалиги ишлаб  
чиқариши жараёнини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Қишлоқ  
хўжалигига киши меҳнати ва ишлаб чиқариш воситалари  
(уруглик, ўғит, машина ва бошқалар) ер ихтиёрига берилади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини илмий асосда олиб  
боришнинг муҳим қоидаларидан бири ердан тўгри фойдаланиш  
ва унинг унумдорлигини ошириб боришидир. Одамлар ерга ишлаб,  
ботқоқликни қутишиб, далани сугориб, унга органик ва ма-  
ҳаллий ўғитлар солиб ҳамда агротехниканинг бошқа усуллари-  
ни кўллаб ернинг унумдорлигини ошириб борадилар.

Асосий вазифа янги ўзлаштирилган ва фойдаланиб келина-  
ётган ернинг ҳар бир гектаридан энг кам меҳнат ва маблағ  
сарфлаб, энг кўп миқдор маҳсулот олишга эришишдан иборат.  
Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари экинлардан юқори ҳосил олиш  
ва чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашақ базасини яратиш учун  
ернинг унумдорлигини ошириб боришилари ва ер ресурсларидан  
тўгри фойдаланишлари лозим. Бу Ўзбекистонда ерларни сугориб  
экиши шароитида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу  
ерда ирригация, мелиорация ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари  
жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфлашни талаб қиласи.

Ер статистикасининг асосий вазифаси - ер фонди унинг  
қишлоқ хўжалигига яроқли қисмларини аниқ ҳисобга олиш, ер  
фонди тақсимланишини кузатиб бориши ҳамда ернинг сифати  
ва ҳосилдорлиги ҳақида тўгри ахборот бериб туришдан ибо-  
рат. Президент фармонларига мувофиқ ерларни яхшилаш юза-  
сидан улкан дастур амалга оширилмоқда. Ана шу дастур қандай  
бажарилабёттанини текшириб туриш ҳам ер статистикаси-  
нинг муҳим вазифасидир. Ердан нақадар самарали фойдалани-  
лаёттанини текшириб бориши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқари-  
шига қандай ерларни кўшиш мумкинligини аниқлаш ҳам ер  
статистикаси зиммасига юкланган.

## IX.2. Яроқли ерлар таснифи

Үмумер фонди қишлоқ хұжалигига тааллукқылы бүлган ва қишлоқ хұжалигига тааллукқылы бүлмаган ерларга бўлинади.

Қишлоқ хұжалигига тааллукқылы ерлар ширкат хұжалиги, фермерлар ва ердан фойдаланувчи бошқа ташкилотларга киритилиб, хұжалик мақсадлари учун берилган ерлардир.

Қишлоқ хұжалигига тааллукқылы бүлмаган ерлар: қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштирмайдиган ўрмон хұжаликлари, шаҳарлар, шаҳарчалар, саноат, транспорт ташкилотлари ва бошқа идоралар ихтиёридаги ерлардир. Давлат ер захира фонди ва давлат ўрмон захира фондлари алоҳида ҳисобга олинади.

Сифатига қараб, ердан экинзор, боф, токзорлар яратиш ёки яйлов сифатида ва бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Хұжаликнинг ер фондида яроқли ерлар бўлади. Муайян ишлаб чиқарыш мақсадида фойдаланиладиган ерлар яроқли ер деб аталади. Ер фонди ҳозирги таснифига кўра қуидаги яроқли ерларга бўлинади: Хайдаладиган ерлар - шудгор, партов ерлар, кўп йилилк дарахтзорлар (боғлар, токзорлар), пичанзорлар, яйловлар ва ўтлоқлар, ўрмонлар, бутазорлар, ботқоқлар, сув остидаги ерлар, йўллар, бинолар остидаги ерлар, кўчалар, ҳовли ва бошқа ерлар.

Шудгор узлуксиз қишлоқ хұжалиги экинлари экиладиган ерлардир.

Портов ер аввал экин экилиб, кейинчалик эса фойдаланмай ташлаб кўйилган ерлардир.

Яйловлар ва ўтлоқлар чорва моллари боқиладиган ерлар.

Бизда яроқли ерлар таркиби ўзгартирилиб, бир хил яроқли ер иккинчи турга айлантирилиб туриласди, партов ерлар агротехника тадбирлари ёрдамида ўзгартирилиб экин майдонига, ботқоқликлар куритилиб шудгорга айлантириласди.

Яроқли ернинг бир хилини бошқа хилга айлантириш яроқли ерлар трансформацияси деб аталади.

Бизнинг мамлакатимизда яроқли ерлар трансформацияси ер фондидан самарали ва тўғри фойдаланиш мақсадида режали равишда ўтказиласди.

## IX.3. Ердан фойдаланиш ва яроқли ерлар ҳақидаги маълумотлар таҳлили

Ерларни ҳисобга олиш иши билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги шуғулланади. Фермер ширкат ва бошқа, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, айrim фуқаролар тассаси

руфидаги ерлар, шунингдек, шаҳар ва қишлоқларнинг барча ерлари ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ерларни ҳисобга олиш учун асосий ҳужжат маҳсус дафтарча бўлади. Жамоа фойдаланишидаги ерлар, шунингдек, ишчилар, хизматчилар ва бошқалар шахсан фойдаланадиган томорқалар ҳам ўша дафтарчада қайд қилинади.

Дафтарча тўрт бўлимдан иборат.

Дафтарчанинг биринчи бўлимидаги ер майдонларидан фойдаланиш муддатлари (муддатсиз, узок муддатга ва қисқа муддат) рўйхатга олинади.

Дафтарчанинг иккинчи бўлимидаги ҳар йил охирида мавжуд яроқли ер майдонлари турларига қараб ҳисобга олинади.

Учинчى бўлимда қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонлари сифат жиҳатидан ҳисобга олинади.

Тўртингчى бўлимда ишчи ва хизматчилар, шунингдек, ширкат хўжалигига яшовчи бошқа фуқароларнинг томорқалари ҳисобга олинади.

Ишчи, хизматчи ва бошқа фуқароларга қарашли ерлар хўжаликлар бўйича ҳисоб дафтарчасида ҳам қайд қилинади. Бу дафтарчада ҳар қайси хўжалик учун шахсий ҳисоб очилиб, жами ер майдони, томорқа, бинолар остидаги ерлар боғлар ва бошқа яроқли ерлар алоҳида кўрсатилади.

Бундан ташқари Давлат рўйхати дафтари ҳам жорий қилинади.

Давлат рўйхати дафтири тўрт бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда жами ер майдони ҳақидаги малумотлар қайд қилинади.

Иккинчи бўлимда турларига қараб яроқли ерлар таркиби ёзилади.

Учинчى бўлимда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар сифати жиҳатидан таърифланиб қайд қилинади.

Тўртингчى бўлимда саноат, транспорт корхоналари ва қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган бошқа ташкилотлар ихтиёридаги яроқли ерлар турлари ва таркиби бўйича қайд қилинади.

Ердан фойдаланиш ҳақидаги Давлат рўйхати дафтирида ги ёзувларга асосланади, ҳар йил охирида йиллик ҳисобот тузилади. Бу ҳисоботда ер майдонларининг яроқли ер турлари бўйича бўлиниши ва бу ерлардан фойдаланиш тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Йиллик ҳисоботлар вилоят бошқармаларига юборилади. Беш йилда бир марта тўлиқ дастур юзасидан беш йиллик ҳисобот тузилади. Очилиши мумкин бўлган ерлар

ва қуритилиши мүмкін бўлган ботқоқликлари мавжуд хўжаликлар ерлардан қандай фойдаланишлари мүмкінлиги ҳақида давлат статистика ходимларига белгиланган муддатда ҳисобот топшириб турадилар. Ер статистикаси яроқли ердан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилганида яроқли ерлар трансформацияси юзасидан жадвал тузади, бундай ерларнинг йиллар бўйича тизимини ҳисоблади, яроқли ерлардан энг ҳисилдор шудгорни алоҳида ҳисобга олиб, уни бошқа яроқли ерлар ҳисобига кенгайтириш чорасини кўради. Ер статистикаси олингандан маълумотларни таҳлил қилишда баланс ва гуруҳлаш усуларидан кенг фойдаланади.

Ерларни ҳисобга олиш ишини тумандаги ер ишлари бўйича катта ходим олиб боради. У тўплаган маълумотлар туман ижроия қўмитасида сақланадиган Давлат рўйхат дафтарида қайд қилинади. Катта ходим дафтардаги маълумотларга қараб ер майдонларининг фойдаланувчиларга бўлиб берилиши ва уларнинг бўлиб берилган далалардан ерлардан қандай фойдаланаётганликлари ҳақида ҳисоботлар тузиб, уларни Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига юборади.

Ердан фойдаланиш ва яроқли ерлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этишда ҳар хил кўрсаткичлар қўлланилади. Бу кўрсаткичлар ер фондининг умумий ҳажми, яроқли ерлар таркиби, яроқли ерларнинг фойдаланувчиларга тақсимланиши, яроқли ерлар ҳажмидаги ўзгаришлар, ерларнинг сифатини таърифлаб беради.

Яроқли ерлар таркибини текширишда қишлоқ хўжалиигига яроқли ерларнинг умумий ер майдонига нисбати, экин майдонининг қишлоқ хўжалиигига яроқли жами ерларга нисбатини аниқлаш мухимдир.

## Қисқача хulosалар

Ернинг унумдорлигини ошириш йўлларини такомиллашибирлиш, янги ерлардан кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш йўлларини қидириш, ернинг туркумланишини аниқлашибирлишни қучайтириш масалалари юзасидан сўз юритилди.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ер статистикасининг вазифалари.
2. Яроқли ерлар таснифи.
3. Қишлоқ хўжалигига тааллукли бўлмаган ерлар.
4. Ердан фойдаланиш усуслари.
5. Яроқли ерлар тўғрисидаги маълумотлар.
6. Яроқли ерлар таркиби.

## Асосий адабиётлар

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. - Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства. 1985.

## X боб

# ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ВА КҮП ЙИЛЛИҚ ЭКИНЛАР СТАТИСТИКАСИ

## X.1. Экин майдонлари статистикаси

Экин майдони бир хил ёки бир неча турдаги қышлоқ хұжалиги әкінлари билан банд бўлган майдондир.

Экин майдонлари дәхқончилиқда энг муҳим ўрин туттанилигидан статистика уларни алоҳида кузатиб боради. Статистика әкин майдонлари ҳажмини аниқлады, тизимни таҳлил қиласи, әкин майдонларининг хўжалик категориялари (ширкат, фермер, дәхқон ва бошқа қышлоқ хўжалиги ташкилотлари) бўйича ҳамда ҳудудий бўлинини аниқлаб, уларнинг самардорлигини ошириш манбаларини топишга ёрдамлашади.

Статистикада әкин майдонлари қуидаги категорияларга бўлинади.

1. Ургу сепилган майдон. Бу категорияга ургу сепилган ҳамма майдон киради. Агар қиши пайтида чириб, ёзда қуриб қолган уруғларни кавлаб ташлаб ўрнига қайтадан ургу экилган бўлса, бу майдон иккинчи марта ҳисобга олинади. Бу ҳолда ургу сепилган майдон миқдори әкин майдонидан кўпроқ бўлади. Айтайлик, кузда буғдой экилган ерга баҳорда беда экилсин, бу ер ҳам буғдой ҳам беда майдони сифатида ҳисобга олинади. Бу категория ҳисобидан уруғлик, иш кучи ва техникага бўлган талабни аниқлашади.

Ургу сепилган майдон ўз навбатида яна икки турга бўлинади: бири жорий йил ҳосили учун ургу сепилган майдонлар, иккincinnиси шу календарь йилда ургу сепилган майдонлардир.

Биринчи турга жорий йил ҳосили учун экилган барча әкин майдони ва келгуси йил ҳосили учун шу йил кузда экилган әкин майдони киради. Иккincinnисига шу йил экилган баҳорги әкинлар майдони ва ўтган йил қузда экилган ерлар киради.

Бундан мақсад, жорий йил ҳосили учун экиш режаси баражиришини назорат қилиш, уруғлик, меҳнат, ёқилғи ва бошқа харажатларни ҳисобга олишади.

II. Баҳорги маҳсулот майдони, яъни баҳорги экиш охирига келиб, әкинлар билан банд бўлган ва шу йили ҳосил олишга мўлжалланган майдондир. Бунга шу йил баҳорда экилган барча ерлар (екилган фалла устига сепилган беда ва ш. к. лар мустасно), қишида совуқ урган фалла ўрнига қайтадан экилган ерлар, шу йил ҳосил олишга мўлжаллаб бултур кузда экилган

ва экиш охиригача сақланиб қолган ерлар ҳамда ўтган йилларда экилган күп йиллик ўтлар майдони киради.

Баҳорги маҳсулот майдони экин майдонининг энг муҳим категориясиadir. Бу категория ҳақидаги маълумотлар қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигини аниқлаш учун зарур маълумотлар беради.

III. Ҳосили йигиб олинадиган майдон. Бу жорий йилда ҳосили йигиб олиниши мўлжалланган майдондир. Бу майдоннинг ҳажмини аниқ белгилаш учун баҳорги маҳсулот майдонидан турли сабаблар билан, яъни сел босиб, дўл уриб, баҳорда нобуд бўлган, йил давомида ўрилмайдиган кўп йиллик ўтлар ва чорва молларга яйловдан ажратилган ўтлоқлар чиқариб ташланади.

Дастлаб экилган экин шу йил йигиб олингандан кейин яна экилган экин майдон, яъни буғдой ўриб олиниб, сўнгра жўхори экилган майдон ҳисобига киради. Ҳосили йигиб олинадиган майдон ҳақидаги маълумотдан экинларни йигиб-териб олиш учун зарур техника, иш кучи ва бошқа ташкилий ишларни режалаштиришда фойдаланилади.

IV. Ҳосил ҳақиқатда йигиб олинган майдон. Ҳосили ҳақиқатда йигиб олинган майдоннинг ҳажми баъзи сабабларга кўра, (об-ҳавонинг ёмон келиши, совуқ уриши ва ҳ.к.) туфайли ҳосили йигилмай қолган ҳосили йигиб олинадиган майдон ҳажмидан фарқ қилиши мумкин.

Экин майдонларини мазкур категорияларга бўлиб ҳисоблашни қўйидаги мисолда кўриш мумкин.

Ўтган йилда жами 2500 гектар майдонга кузги буғдой экилган эди. Шундан 40 гектари қишида чириб кетгани маълум бўлиб, шу йил баҳорда 30 гектарига қайтадан буғдой экилди. Шу йилда 2230 гектар майдонга баҳорда буғдой экилди (ҳалити 30 гектар экилган майдон ҳам шу ҳисобга киради).

Жорий йил баҳорда экилган кўп йиллик ўтнинг 60 гектари келгуси йилларда ўрилади, 80 гектари эса аралаш экилган беда (беда-буғдой, беда-арпа), ўтган йил экилган бедадан шу йил ўриб олинадиган беда майдони 120 гектар. Жорий йил ёзида (буғдой) ўриб олиниб ўрнига ҳосили шу йил йигиб олинадиган бошқа экин (жўхори) экилган майдон 250 гектар.

Жорий йил ёзида ҳар хил экинлардан 15 гектари куриб қолган. Жорий йилнинг куздаги ҳосилини келгуси йил олиш учун 1700 га ерга кузги буғдой экилган. Бу мисолни экин майдонларининг категориялари бўйича жадвалга солиб қўрайлик (жадвал).

## Хўжалик экин майдонлари

Экин турлари	Ургу сенилган майдон				Хўжалик экин майдон
	Шу йили хосили олиш учун	Шу календарь йили	Бахорги маҳсулот майдони	Йилиб олинидан майдон	
Ўтган йил кузда экилгани	2500	X	2500	2500	2500
Шундан қўшида чиригани	X	X	-40	-40	-40
Жорий йилда қайта экилгани	30	30	30	30	30
Жорий йисин беҳорда экилгани	2200	2200	2200	2200	2200
Жорий йилда экилгани кўн йиллик беда	X	60	60	X	X
Аралаш экинлар беда	X	80	X	X	X
Жорий йилда қайта экилгани	250	250	250	250	250
Жорий йили ёнда экилгани	X	X	X	-15	-15
Кўн йиллик бедада ўриб олинадиган майдон	X	X	120	120	120
Жорий йили экилиб, хосили кейинги йилда олинадиган майдон	X	1700	X	X	X
Жами:	4980	4320	4870	5045	5045

Экин майдонлари тез-тез ҳисобга олиб борилади. Экин режаларининг бажарилишини назорат қилиб бориш учун давлат статистика ходимлари ҳар беш кунда (ойларнинг 5, 10, 15, 20, 30 ёки 31 кунларида) хўжаликлардан баҳорги экишнинг бориши тўғрисида ҳисобот олиб туришади.

Кўн йиллик экинлар деб, узоқ йиллар давомида ўстириладиган ва маҳсулот берадиган экинларга айтилади. Бундай экинларнинг турлари ҳар хил. Статистика бу экинларнинг хўжалик аҳамиятига эга бўлган қисмини ҳисобга олади.

Ўрмонлар ва дала тўёқич дараҳтзорлар қишлоқ хўжалигининг кўн йиллик экинлари қаторига кирмайди. Улар ўрмон хўжалигига тааллукли бўлиб, ўрмон хўжалик статистикаси томонидан ҳисобга олинади.

## X.2. Кўн йиллик экинлар хақида тушунча

Кўн йиллик экинлар маълум майдонга зич жойлашган бўлади. Буларнинг кўн қисмини дараҳтлар ташкил этади. Статистика кўн йиллик экинлар банд қилиб турган майдони, экинлар тупи (дараҳтларнинг сонини), навлари ва турлари ҳамда алоҳида питомникларни аниқлаб ҳисобга олади. Кўн йиллик экинлар билан банд бўлган ернинг ҳажми, шароити, экинларнинг ўртача зичлиги, хосилдорлиги ширкатлар бўйича алоҳида ҳисобга олинади.

Кўп йиллик экинларнинг таснифи. Кўп йиллик экинлар маҳсулот бериш характерига қараб қўйидаги асосий турларга бўлиниади:

1. Мевали экинлар. Булар ўз навбатида яна бир неча гурхга бўлиниади: а) уруғли (олма, бехи, нок) ва данакли (олча, олхўри, шафтоли, гилос) мевалар; б) ёнроқлар (ёнроқ, бодом, писта); с) субтропик мевалар (анжир, хурмо, анор); г) цитрус мевалар (лимон, апельсин, мандарин).
2. Юмшоқ мевалар (кулупнай, малина, смородиналар-қизил, қора, оқ).
3. Токлар-узумлар.
4. Тут дараҳтлари.
5. Етимак (Хмель).
6. Чой экинлари.

Кўп йиллик экинлар ёш экинлар ва ҳосил берадиган экинларга ажратилади. Экинларнинг ҳосил бера бошлиши ва улардан хўжалик ҳосили олиниси парваришга боғлиқ.

### X.3. Экин майдонлари ва кўп йиллик экинларнинг статистик таҳлили

Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири экин майдонларнинг ҳажми ва таркибидаги ўзгаришларни аниқлаш, уларга турли баҳо беришдир. Бу маҳсадда экин турлари бўйича экин майдони ҳажми, хўжалик категориялари бўйича тақсим қилиниши, экиш режасини бажариш динамикаси, таркиби ва дарожаси, экинларнинг юқори навли таркиби, географик жойлаштирилишини (хўжалик ичида эса бригада ва бўлимларга жойлаштирилиши) характерловчи мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш, экинлар таркибидаги ўзгаришлар, баҳорда нобуд бўлган экинлар ва бошқаларнинг салмоғига доир кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш таҳлилда муҳим ўрин тутади.

Қишлоқ хўжалигидаги кўп йиллик экинларнинг статистик таҳлили бу хил экинларнинг тури, нави, жинси ва ёшига қараб, улар банд қилган майдон ҳажми, экинларнинг зичлигини аниқлаш ва ҳ.к.дан иборатдир.

Кўп йиллик экин майдонларининг аҳволи, ҳажми ва зичлиги хўжалик категориялари бўйича ўрганилади, хўжаликларда уларнинг турлари бўйича салмоқлари аниқланади. Кўп йиллик мевали дараҳтларни хўжалик категориялари бўйича таҳлил қилиш натижасида бу экинлар майдони, хусусан тоғ этакларидаги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенгайтириш ва маҳ-

сулот ҳосилдорлигини ошириш юзасидан зарур тадбирлар белгилашга имкон туғилади.

Экин майдонлари ва кўп йиллик экинлар ҳақидаги маълумотлар асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг йиллик ҳисоботида кўрсатилади. Шу мәълумотлар асосида кўп йиллик экинларнинг ҳолати ва ривожланишини таърифловчи кўрсатичлар ҳосил қилинади.

Статистика ширкат ва фермер хўжаликларидағи кўп йиллик ўсимликларнинг ривожланишинигина эмас, балки корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликлари, тажриба ва таълим хўжаликлари, илмий ташкилотлар ҳамда ўкув юртлари хўжаликлари, ходимлар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликларидағи кўп йиллик ўсимликларнинг ривожланишини ҳам ўрганади. Шу мақсадда вакт-вақти билан хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича кўп йиллик ўсимликлар ялпи рўйхатта олинади. Рўйхат материалларининг таҳлили бу ўсимликлар ҳолатидаги манзарани янада яхшироқ аниқлаш ҳамда ривожланиш йўлларини белгилашга кенг имконият яратади.

11-жадвал

### Ўзбекистонда экин майдонлари минг га (1994-2000)

Номи	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Пахта	1540	1492,8	1487,3	1513,1	1531,6	1517,4	1443,7
Дон	1522,2	1656,6	1740,5	1837,6	1686,7	1723,1	1611,9
Шоли	167,1	165,9	185,2	195,2	148,4	162,4	129,8
Картошка	53	45,9	44,3	57,6	54,7	48,4	52
Сабзавот	156,9	150	131	128,7	127,3	138,5	130,4

## **Қисқача холосалар**

Қишлоқ хўжалиги статистикаси ширкат ва фермер хўжаликларидағи кўп йиллик ўсимликларнинг ривожланишинигина эмас, балки корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликлари, тажриба ва таълим хўжаликлари, илмий ташкилотлар ҳамда ўкуп юртлари хўжаликлари, ходимлар ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликлирида кўп йиллик ўсимликларнинг ривожланишини ҳам ўрганади. Шу мақсадда вақти-вақти билан хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича кўп йиллик ўсимликлар ялпи рўйхатга олинади. Рўйхат материалтарининг таҳлили бу ўсимликлар ҳолатидаги манзарани янада яхшироқ аниқлаш ҳамда ривожланиш йўлларини белгилашга кенг имконият яратади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Экин майдонлари статистикасининг ўрганиш обьектлари.
2. Кўп йиллик экинзорлар.
3. Кўп йиллик экинларнинг маҳсулот беришига қараб турлари.
4. Экин майдонлари.

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. - Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси. - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства. - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства. 1985.

## XI боб

### ҲОСИЛ ВА ҲОСИЛДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

#### XI.1. Ҳосил ва ҳосилдорлик ҳақида түшүнчә ва бу сохада статистиканың вазифаси

Қышлоқ хўжалиги статистикасида дехқончиликда маълум экин майдонидан олинган бутун маҳсулот ялпи ҳосил деб аталади.

Маълум бир турдаги экиннинг ўрта ҳисобда бир гектар майдонга тўғри келадиган маҳсулот миқдори эса ҳосилдорлик деб аталади.

Экинларнинг ялпи ҳосилини (центнер ёки тонна ўлчовида) экин майдонини кенгайтириши ҳисобига экстенсив равишда ёки экиннинг ҳосилдорлигини ошириши - экин майдонидан интенсив равишда фойдаланиши йўли билан кўпайтириши мумкин. Маълумки, экин майдонларини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди. Кўриқ ерлар очиши, ботқоқларни қуритиш ва бошқалар чегарасиз иш эмас. Шунинг учун экинларнинг ялпи ҳосилини ҳосилдорликни ошириши ҳисобига кўпайтириш энг мухим вазифадир.

Қышлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ва ҳосилдорлиги дехқончилик тармоғинигина эмас, балки, умуман қышлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражасининг кўрсаткичидир.

Экинларнинг ҳосили ва ҳосилдорлиги дехқончиликнинг ҳар томонлама ривожланишига боғлиқ. Хўжаликнинг табиий ва иқтисадий купай шароитидан ташқари унинг ташкилий ишлари яхши йўлга кўйилган бўлса, айтайлик, ернинг самараорлиги оширилса, мелиорация ҳолати яхши бўлса, минерал ва маҳаллий ўйтгилардан тўғри фойдаланилса, техника ўз вақтида кўлланилса, ишда илторларнинг тажрибаларига, илм-фан мувоффиятларига амал қилинса, экинларнинг ҳосилдорлиги ошиди. Демак, ялпи ҳосил ҳам кўпаяди, халқимизнинг қышлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини янада кўпроқ қондириши, саноатни хомашё билан янада яхширок таъминлаш имконияти кенгайди. Пахта-беда алмашлаб экишини ўзлаштириши нийҳоясига етказилиши, пахтанинг касалликларга бардош берадиган сержосил навларини яратиш, гўзани сурориши ва ҳосилни териш механизацияси даражаси оширилиши зарур.

#### XI.2. Ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Маълумки, экинларнинг ҳосил ва ҳосилдорлиги ҳосил тамомила йигиб олингандан сўнг аниқланади. Лекин статистика фани ҳосил ҳажми ва ҳосилдорлик миқдорини терим олдидан ҳам ҳар

бир экиннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб белгилайди. Ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлашнинг уч категорияси бор.

- 1) ўсиб турган экиннинг кўринишига қараб белгилаш;
- 2) терим олдиаги ҳолатига қараб белгилаш;
- 3) ҳақиқий йигилган ва омборга тушган ҳосил. Ўсиб турган экиннинг ҳолатига қараб ҳосил белгилаш, деганда экин етилишидан анча олдин ўсиш даврларида, айтайлик, пахта беш қулоқ бўлганида ёки кўсак олганда, дон эса бош тортганида ёппа ўсимликларнинг ҳолатига қараб кутилган ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлаш кўзда тутилади.

Бу ишни ҳосилот ва бўлим бошлиги кўз билан чамалаб «яхши», «ўртacha», «ёмон» баҳо билан ёки 1, 2, 3, 4, 5 балл баҳоси билан белгилайдилар.

Экиннинг терим олдиаги ҳолатига қараб аниқлаш, деганда пишиб етилган, лекин ҳали териilmagan, омборга тушмаган ҳосил назарда тутилади.

Ўсимликнинг бу ҳолатдаги ҳосил ва ҳосилдорлиги:

а) субъектив усул билан, яъни ҳосилни йиғишдан олдин майдонни дикқат билан қараб чиқиб ҳосил ва ҳосилдорлик кўз билан чамалаб аниқланади;

б) экин пишиб, терим ва ўришга тайёр бўлган вақтда кичик бир жой, айтайлик, 1 м<sup>2</sup> жой ажратаб, унданда ҳосил териб олинади ва тарозида тортиб кўриб, қанчага чиқса шу сон мингта кўпайтирилади ва шу билан 1 га майдондаги ҳосилдорлик аниқланади. Ялпи ҳосилни аниқлаш учун 1 га нинг ҳосили шу экин экилган умумий майдон ҳажмига кўпайтирилади. Бу объектив усуздир. Ҳосилнинг тамомила йигиб олинмасдан олдин терим бошида аниқланиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш, қайта ишлаш, ташиб олиш ва ҳ. к. ларни режалаштириш учун зарурдир;

в) ҳақиқий йигилган (омборга тушган) ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодалайди.

Табиий, ҳосил ва ҳосилдорликнинг аввалги тахминий ҳисоблари билан йигим-терим томонидан қилинган ҳисоблар ўртасида тафовут бўлади.

Кўрсаткичлар орасидаги тафовут қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$W_x = W_t \cdot P$$

Бунда:

$W_t$  - ҳақиқий йигилган ҳосил.

$W_x$  ҳосилни теримга тайёр бўлган ҳолда аниқлаш кўрсаткичи.

P - йигим-терим вақтида ҳосилнинг йўқолган (нобуд бўлган) қисми.

Ҳозир статистика омборга тушган ҳосилга қараб, ҳисобот юритади. Негаки, тахминий белгилаш усули ўзини оқламади, кейин йигим-терим даврида нобудгарчилик учун хўжаликлардан жавобгарлик ҳам талаб қилинmas, аслида нобудгарчилик оддиндан белгиланиб қўйилар эди. Эндиликда ҳақиқий ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткич асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳосилни аниқлаш пайтида айрим экинларни ҳисобга олиши да баъзи хусусиятларни назардан қочирмаслик керак. Масалан, дон учун экилган жўхори дон экини қаторида ҳисоб қилинса, силос ва қўк ҳашак учун экилган жўхори-ҳашак қаторида ҳисоб қилинади, жўхори ҳосили йигиб олингандан кейин сўта ҳолида тортиб ҳисобланади; куруқ донга чиқиб ҳисоб қилиш учун сўтадан ажратилган донларнинг ҳақиқий оғирлиги асос бўлади, донларнинг базис намлиги (22%) чиқариб ташланади.

Сабзавот экинларидан шивит, кашинич, петрушка, редиска каби илдиз мевалиларнинг факат очиқ ерга экилганлари ҳисобга олиниади, кўчириб ўтказилганлари ва уруғлик учун экилганлари сабзавот маҳсулотлари қаторига киритилмайди, улар алоҳида ҳисобланади.

Ширкатлар ва бошқа давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинларининг йигим-терим ҳисоби учун йигим-терим машиналарида ишловчи механизаторларнинг терган ёки ўриб олган маҳсулоти тўғрисидаги кундалик ҳисобот варақалари, маҳсулот қабул қилингандиги ҳақида актлар ва шу каби бошқа бошланғич хўжжатлар асос қилиб олиниади. Йигим-терим тамом бўлганидан кейин ширкат ва бошқа давлат хўжаликлири мазкур хўжжатлар асосида экинларнинг ҳосили ҳақида ҳисобот тузадилар. Бу ҳисоботда экин турлари бўйича олинган ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик ҳақида маълумотлар кўрсатилган бўлади. Маълумки, баъзи хўжаликлар ҳисобот топшириш муддатигача барча ҳосилни йигиб-териб улгурмайдилар. У ҳолда йигиб, улгурмалмаган майдондаги ҳосилни ҳисоб усули билан аниқлаб, йигиб олинган ҳосил миқдорига қўшиб жами ялпи ҳосилни ҳисоботта ёзадилар.

Туманинг экин майдони 12000га тенг бўлиб, шундан 1 ноябргача 10000 гектаридаги ҳосил йигиб олиниб, жами 250000 центнер маҳсулот олинган. Маҳсулотнинг барча ҳосилдорлиги  $250000:10000\text{га}=25$  центнер бўлибди. 2000 гектар майдондаги ҳосил ҳисобот муддатигача йигилмай қолган, ўтган йили ҳисобот муддатига қадар бир гектар майдондан 24 центнер маҳсулот олинган эди. Ҳисобот муддатидан кейин эса бир гектарга

тўғри келган ҳосил 21 центнер бўлди. Бунинг коэффициенти (21:24) 0,875 ц дир. Энди бу коэффициент ёрдамида шу йили ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йигиб олинадиган майдоннинг бир гектарига тўғри келадиган маҳсулотни (ҳосилдорлигини) ҳисобласак,  $25 \text{ ц} \times 0,875 = 21,9 \text{ ц бўлар экан}$ . Ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йигиб олинадиган 2000 га майдоннинг жами маҳсули ( $2000 \times 21,9$ ) = 43800 ц бўлади. Демак, туманнинг бутун экин майдонидан йигиб олинадиган ялпи ҳосил ( $250000 + 43800$ ) = 293800 ц ни, ўртача ҳосилдорлик эса ( $293800 : 12000$ ) = 24500 ц ни ташкил қиласа экан.

### XI.3. Ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик режали бажариш ҳақидаги маълумотларнинг иқтисодий-статистик таҳлили

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ялши ҳосили ва ҳосилдорлиги ҳақидаги маълумотларнинг статистик таҳлили экинларнинг турлари бўйича белгиланган режаларнинг бажарилиши, ҳосил ва ҳосилдорликнинг қатор йиллардаги ўсиш суръати даражасини белгилаш, ҳосил ва ҳосилдорликнинг оширилишига таъсир кўрсатадиган омилларнинг хўжалик категориялари бўйича салмоғини аниқлаш ва ҳажмини ўлчашга ёрдам беради.

Экинларнинг ҳосили ва ҳосилдорлигини хўжалик категориялари бўйича аниқлаш учун хўжаликлар ҳосилдорликларига қараб (юқори, ўрга, паст) гурухларга бўлиб ўрганилади. Гурухларга бўлишда хўжаликларнинг иқтисодий ва табиий шароитлари эътиборга олинади. Шунга қараб колокларни юқори ҳосилли хўжаликлар қаторига кўтариш чоралари кўрилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва ҳосилдорлиги бўйича режа кўрсаткичларининг бажарилишини аниқлаш учун индекс усулидан фойдаланиб қўйидаги формула қўлланилади:

$$I = \frac{\sum X_1 \cdot M_1}{\sum X_p \cdot M_p}$$

Бунда:  $X_i$  - ҳақиқий ҳосилдорлик,  $X_p$  - ҳосилдорликнинг режа кўрсаткичи  $M_1$  - ҳақиқий майдон  $M_p$  - майдоннинг режа кўрсаткичи.

## 12-жадвал

**Хўжаликнинг дон экинлари майдони, экинларнинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги**

Экинлар	Экин майдони, га		Ҳосилдорлик, ц-га		Ялпи ҳосил (ц) да	
	Режа кўрсаткичи	Ҳакиқий	Режа кўрсаткичи	Ҳакиқий	Режа кўрсаткичи	Ҳакиқий
Бутдой	200	200	20	25	4000	5000
Арпа	120	100	16	15	1920	1500
Жўхори	170	200	50	55	8500	11000
Жами	490	500	-	-	14420	17500

$$I = \frac{\sum X_1 \cdot M_1}{\sum X_p \cdot M_p} = \frac{17500}{14420} = 1,144 \text{ ёки } 144,4\%$$

Олинган натижадан кўринадики, дон экинларининг режа кўрсаткичи 14,4 % га бажарилган ёки 3080 ц. (17500-14420) дон ошиги билан бажарилган. Ялпи ҳосил режасининг ошиги билан бажарилишига ҳосилдорликнинг таъсирини ушбу формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$I = \frac{\sum X_1 \cdot M_p}{\sum X_p \cdot M_p}$$

Экин майдонининг кенгайтирилиши натижасида ялпи ҳосил режасининг ортиғи билан бажарилишини қўйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$I = \frac{\sum X_1 \cdot M_1}{\sum X_1 \cdot M_p}$$

Пахта ёки дон ҳосили ва ҳосилдорлигининг динамикасини таҳдил қилиш лозим бўлганида якка индекс формуласи қўлланилади:

$$i = \frac{X_x}{X_0} \quad \text{ёки} \quad i = \frac{X_x}{X_p}$$

бунда:  $i$  - якка индекс,

$X_x$  - ҳисобот йилидаги ҳакиқий ҳосилдорлик  $X_p$  - ҳосилдорликнинг режа кўрсаткичи

$X_0$  - базис йилдаги ҳакиқий ҳосилдорлик.

Агар бир турдаги бир қанча экинларнинг ўртача ҳосил-

дорлигини таҳлил қилиш лозим бўлса, у ҳолда ўртача арифметик формула кўлланилади:

$$\bar{y}_x = \frac{\sum X_i \cdot M}{\sum M}$$

Бунда:  $\bar{y}_x$  ўртача ҳосилдорлик  
 $X_i$  ҳосилдорлик  $M$  - майдон.

Бир хилдаги бир қанча экинларнинг ўртача ҳосилдорлик динамикаси ёки режа бажарилиши таҳлил қилинганда қўйидаги формула ишлатилади:

а) режа бажарилиши бўйича:

$$\bar{y}_x = \frac{\sum X_1 \cdot M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_p \cdot M_p}{\sum M_p} \quad \text{ёки} \quad i = \frac{\Sigma_1}{X_p}$$

б) базис даврига нисбатан:

$$\bar{y}_x = \frac{\sum X_1 \cdot M_1}{\sum M_1} : \frac{\sum X_0 \cdot M_0}{\sum M_0} \quad \text{ёки} \quad i = \frac{\Sigma_1}{\Sigma_0}$$

Бунда:  $\bar{y}_x$  - ўртача ҳосилдорлик,  $X_1$  - хисобот йилидаги ҳосилдорлик  $M_1$ ,  $X_0$  - хисобот йилидаги экин майдони,  $M_0$  - майдоннинг режа кўрстакиичи,  $X_p$  - ҳосилдорликнинг режа кўрсаткиичи,  $Y_1$  - хисобот йилидаги ўртача ҳосилдорлик,  $Y_0$  - базис йилдаги ҳосилдорлик,  $M_1$  - базис йилдаги майдон,  $i$  - якка индекс.

## **Қисқача хуосалар**

Экинларнинг ялпи ҳосилини (центнер ёки тонна ўлчовида), экстенсив равищада экин майдониниң кенгайтириш ҳисобига ёки шу экиннинг ҳосилдорлигини ошириш, яъни экин майдонидан интенсив равища фойдаланиш йўли билан кўпайтириш мумкин. Маълумки, экин майдон-ларини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди, қуриқ ерлар очиш, ботқоқларни қуритиш ва бошқалар чегарасиз иш эмас, шунинг учун экинларнинг ялпи ҳосилини ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш энг муҳим вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ва ҳосилдорлиги дехқончилик тармоғинигина эмас, балки умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даражасининг кўрсаткичидир.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ҳосилдорлик ҳақида тушунча.
2. Ялпи ҳосилни ошириш йўллари.
3. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари.
4. Ҳосил ҳақида ҳисобот даврлари.
5. Режа бажарилишини таҳдил қилиш.

## **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. - Т., 2003.
2. Зохидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси. - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства. - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства, 1985.

## XII боб

### ЧОРВАЧИЛИК СТАТИСТИКАСИ

#### XII.1. Чорва молларининг сони ва таркибий кўрсаткичлари

Республикада чорвачиликни ривожлантириш қандай ахволда эканлигини аниқлаш учун аввало чорва моллари бош сони билан таркибини аниқлаб олиш лозим. Чорва маҳсулотининг ҳажми ҳам шунга боғлиқ.

Чорва моллари сонининг ҳаракатини кузатиш, умуман сон ва таркибини белгилаш уларнинг хўжалик категориялари, туманлар, вилоятлар бўйича тақсимланиши, чорва молларини урчитиш, чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашни режалаштириш, молхоналар куриш, ем-хащак базасини кенгайтириш, иш кучи билан тъминлаш ва чорвачиликдаги иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаптириш соҳасида қатор тадбирларни ҳал этиши учун ҳам зарурдир. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайиб бориши чорва моллари сонининг муттасил ўсиб бориши ҳамда молларнинг маҳсулдор зотлари кўпайтирилишига боғлиқ. Шунинг учун хўжаликларнинг режаларида чорва бошини, айниқса, маҳсулдор зотларни кўпайтиришга муҳим ўрин берилади.

Чорва молларининг сони ва таркиби гуруҳларга бўлиб ўрганилади. Гурухларнинг асосий аломатлари: молларнинг турлари, жинслари, ёшлиари, хўжаликда қай тариқа фойдаланиши, уларнинг зотлари бўлади.

Статистика ҳисобага олиб борадиган молларнинг турлари: қорамол, чўчқа, қўй, эчки, от, тuya, эшак, хўқиз ва бошқалардир. Чорвачилик қаторида паррандачилик, қуёңчилик, мўйна берувчи ҳайвонлар, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик, итчилик ҳам катта ўрин эгаллайди ҳамда ҳисобланади. Статистикада қоракўлчилик ҳам алоҳида ҳисоблаб борилади.

Чорва молларининг ҳисоби эркак ва урғочи моллар асосий подага ўтказиладиган, шу йил туғилган ёт моллар, боқишидаги ва ўтлоқда боқилаётган моллар таркибини аниқлашга имкон беради. Бу ҳисоб воситасида чорвани урчитища иштирок этадиган моллар сони, стиштириладиган чорва маҳсулоти ҳажми аниқланади. Чорва молларини жинси ва ёшига қараб гурухга бўлганда уларнинг биологик хусусиятлари ва хўжаликда қай тариқа фойдаланишлари назарда тутилади. Масалан, тез ўсадиган чўчқа каби ҳайвонларнинг ўш оралари қорамолларга нисбатан албатта тор бўлади.

Чорвачиликни ривожлантиришда она бош сони, яъни урғочи моллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Она бош сони деганимизда тугадиган ёки түгмаган бўлса-да, балоғатта етган моллар ҳамда она чўчқалар, урғочи қўйлар, эчкилар назарда тутилади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш моллар гуруҳига подадаги қисир моллар, сўйилган, ўлан, умуман подадан тамомила чиқиб кетганд моллар ўрнини қоплаш учун ўстириладиган ёш моллар киради.

Йиллик ҳисоботларда чорва моллари сони ёш жиҳатидан гуруҳларга бўлиб кўрсатилади: бир ёшга қадар, бир ёшдан икки ёшга қадар ва икки ёшдан юқори, чўчқалар эса бир ойлик, икки ойлик гуруҳларга бўлинади.

Хўжаликда фойдаланиладиган моллар иккита асосий гуруҳга бўлинади:

- 1) маҳсулот берадиган ҳайвонлар (қорамол, чўчқа, қўй, эчки);
- 2) иш ҳайвонлари (от, хўқиз, эшак, тут ва х. к.).

Яйловда боқиладиган ва бўрдоқига қўйилган моллар алоҳида ҳисобга олинади. Боқиладиган моллар ҳисоби неча бош сўйилиши ва қанча гўшт тайёрланиши мумкинлигини аниқлаш учун зарур.

Зотли моллар ҳам алоҳида ҳисобга олинади. Чорва молларининг иқтисодий-ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тутган ўрнига қараб моллар асосий фонд ва айланма (айланма) фондни ташкил этади. Асосий фондга иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар киради, айланма фондга ўтган йили түғилган ёш моллар, бокувга қўйилган ва яйловда боқиладиган катта ёшдаги моллар киради.

Чорвачиликнинг ҳолатига баҳо бериш учун молларнинг сифат таркибини ҳам ўрганиш керак. Зотли моллар таркиби мухим сифат кўрсаткичидир. Улар ишлаб чиқариш йўналишлага қараб, ҳисобга олинади: қорамоллар - сут берадиган, сутгўшт берадиган, гўшт берадиган; қўйлар - майин жунли, чала майин, узун жунли, дағал жунли қўйлар. Ҳар бир зот алоҳида ҳисобга олинади.

Чорвачиликнинг ахволи ва ривожланишига ҳар томонлама тавсиф берадиган кўрсаткичлардан бири чорва молларининг бош сонидир. Чорвачиликда етиштириладиган маҳсулотларнинг ҳажми ҳам чорва молларининг сони ва унинг таркибига бўғлиқдир.

Чорва молларининг сони ва уларнинг таркиби ҳақидағи маълумотлар чорвачилик бўйича етиштириладиган маҳсулотлар ҳажмини режалаштириш, озуқа базасини кенгайтириш, ем-хашак балансини тузиш, чорва моллари учун зарур бўлган би-

ноларни қуриш, чорвачилик тармогини иш кучи билан таъминлаш, иш жараёнинг механизациялаш ва автоматлаптириш каби қатор масалаларни ҳал этиш учун зарур. Булардан ташқари чорва моллари сони пода айланмасини ўрганиш ва келажак учун чорвачиликни ривожлантириш режаларини тузишда муҳим аҳамиятга эга. Чорвачиликни интенсив ривожлантириш чорва молларининг зотли турлари кўпайишига боғлиқдир.

Статистик ҳисоб ва ҳисоботларда чорва моллари сони (кўпинча йил бошига) ёш ва жинси жиҳатидан гурӯҳларга бўлиб кўрсатилади. Масалан, қорамоллар: бука, сигир, хўқиз, қочирилган гунажин, бир ёшдан катта бўлган (бир ёшдан икки ёшгача, икки ёшдан катта) буқача, танача, қочирилмаган гунажин, бир ёшгача бўлган буқача ва таначалар. Булардан ташқари бокувга қўйилган моллар.

Қўйлар: қўчқорлар, совлиқлар, бир ёпдаги катта қўйлар, бир ёшгача бўлган қўзилар.

Чўчқалар: эркак чўчқалар, она чўчқалар, икки ойлик ва ундан катта чўчқалар, икки ойликкacha бўлган чўчқа болалари.

Чўчқалар подасида ёш моллар салмоғи юқори бўлиши, она чўчқаларнинг юқори маҳсулдорлиги билан изоҳланади.

Табиийки, бир қисм моллар подадан ҳар хил сабабларга кўра (қарилиги, маҳсулдорлиги пастлиги, қисирилги ва шу кабилар) чиқарилади. Асосий подага, умуман, подадан чиқиб кеттан моллар ўрнини қоплаш учун ўстириладиган ёш моллар киради.

Чорва моллари сони хўжаликлар категорияси, худудлари ва шу каби бошқа белгилар бўйича ҳам ўрганилади. Айниқса, маҳсулдор молларнинг хўжалик категориялари бўйича тақсимланишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чорва моллари сони динамикаси асосан йил учун ҳисобланади. Чунки, моллар сони йил ичида, мавсумга қараб ўзгаради. Масалан, моллар кўпроқ эрта баҳорда туғади, кузда моллар сараланади. Хўжалиқда чорва молларнинг бош сони тез-тез ўзгариб туради, яъни ёш моллар туғилади, моллар сотиб олинади ва сотилади, гўштта сўйилади, нобуд бўлади. Шунинг учун чорва молларини маълум вакъта ҳисобга олиш билан бирга, у ёки бу давр (ой, чорак ва йил) учун уларнинг ўртача сони ҳам ҳисобланади. Бунда ўртача арифметик, ўртача хронологик усуслардан фойдаланиш мумкин. Чорва молларини ўртача бош сонини ҳисоблашнинг энг тўлиқ йўли бўлиб, озуқа кунларининг йигиндинисини ҳисобот давридаги календарь кунлари сонига бўлиш орқали топилган кўрсаткич ҳисобланади. Озуқа кун деганде битта чорва мол бош сони хўжаликда бир кун (24 соат) давомида боқилишига тушунилади.

Молларнинг ўртача бош сони ҳисоблашни шартли мисол-

да кўрамиз. Чорвачилик фермер хўжалигида биринчи чорак давомида сигирлар сони қўйидагича бўлган.

1 январдан 16 февралгacha 826 бош

16 февралдан 2 мартача 840 бош

2 марта 1 апрелгacha 900 бош.

I чорак учун сигирларнинг ўртача сонини ҳисоблаймиз. Бунинг учун юқоридаги усулдан фойдаланамиз.

Биринчи усул. Ўртача арифметик усул, яъни чорак боши охиридаги сигирлар сонини қўшиб, йигиндинсини иккига бўлиш йўли билан. Шунга кўра I чорак учун сигирларнинг ўртача сони тенг:

$$(826+900):2=1726:2=863 \text{ бош}$$

Бу ерда ҳисобланган натижা тўғри, лекин у тўлиқ маълумот эмас. Чунки, бундай ҳисоблашада чорак ичидаги сигирлар сонида бўлган ўзгаришлар эътиборга олинади. Имконияти борича бундай ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Иккинчи усул: ўртacha хронологик усулда I чорак учун ўртача сонини ҳисоблаймиз. Ўртача хронологик формула қўйидагича қўринишда ёзилади:

$$\bar{X} = \frac{\frac{1}{2} X_1 + X_2 + \dots + \frac{1}{2} X_n}{n-1}$$

Бунда:  $X_1, X_2, \dots, X_n$  - ҳар қайси ой бошига сигирлар сони п-ойлар сони.

Мисолимиз маълумоти бўйича ҳар қайси ой бошига сигирлар сонини ёзиб чиқамиз.

1,01 - сигирлар сони 826 бош, 1,03 - сигирлар сони 840 бош, 1,02 - сигирлар сони 826 бош, 1,04 - сигирлар сони 900 бош

Энди бу рақамларни формулага қўйиб, 1-чорак учун сигирларнинг ўртача сонини аниқлайдаймиз.

$$\bar{X} = \frac{\frac{1}{2}826 + 826 + 840 + \frac{1}{2}900}{4-1} = \frac{2529}{3} = 843 \text{ бош}$$

Бу ўртача кўрсаткич ҳам тўғри, лекин у олдинги ҳисобланган ўртача кўрсаткичдан (863бош) бироз тўлиқдир. Чунки бу усулда чорак ичидаги ҳар бир ойнинг бошида сигирлар сонида бўлган ўзгаришлар эътиборга олинади. Аммо чорак ойлари ичидаги сигирлар сонида бўлган ўзгаришлар ҳисобга олинмади.

Ўрганилаётган даврнинг ҳар куни бўйича сигирлар сонида бўлган ўзгаришларни тўлиқ ҳисобга олиш учун сигирларнинг

ўртача сони озуқа кунлари асосида ҳисобланыш лозим. Учинчи усул. Озуқа кунлар асосида 1-чорак учун сигирларнинг ўртача сонини ҳисоблаймиз. Бунинг учун аввало 1-чорак бўйича озуқа кунлар сонини ҳисоблаб олиш керак, кейин у чоракдаги кунлар сонига бўлинади. Озуқа кунлари сони куйидагича ҳисобланади.

1) 1 январдан 16 феврагача 46 кун бўлиб, ҳар куни 826 бош сигир боқилган. Демак озуқа кунлар сони  $46 \times 826 = 37996$  га тенг:

2) 16 февралдан 2 мартача 14 кун бўлиб, ҳар куни 840 бош сигир боқилган озуқа кунлар сони  $14 \times 840 = 11760$  га тенг;

3) 2 марта 1 апрелгача 30 кун бўлиб, ҳар куни 900 бош сигир боқилган, озуқа кунлар сони  $30 \times 900 = 27000$  га тенг.

Демак, I чорак учун сигирларнинг ўртача сони.

$$\frac{37996 + 11760 + 27000}{46 + 14 + 30} = \frac{76756}{90} = 853 \text{ бошга тенг}$$

Шундай қилиб, учинчи усулда ҳисобланган сигирнинг ўртача сони тўғри ва тўлиқидир. Бинобарин, статистика амалиётида озуқа кунлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган молларнинг ўртача бош сони тўғрисидаги кўрсаткичдан фойдаланилади.

Чорвачилик статистикасида чорва молларининг ўртача бош сонини аниқлашдан ташқари, уларни шартли бош сонга айлантириб ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай зарурият аввало чорва молларининг ем-хашак базаси билан таъминланганлик даражасини ҳисоблаш вактида туғилади. Алоҳида чорва молларини турлари, уларнинг ёши ва жинси бўйича гурӯҳи бирбиридан вазни, қиймати ва ем-хашакка бўлган талаби билан тубдан фарқ қиласиди. Бундан ташқари турли ихтисослашиш даражасига эга бўлган хўжаликлар бўйича чорва молларининг бош сони кўрсаткичларини ўзаро солиштириш кўпинча нотўғри хуносалар чиқаришга олиб келади.

Чорва молларининг шартли бош сони бирлити сифатида катта ёшдаги қорамол қабул қилинган. Уларнинг қиймати ёки озуқага бўлган талабини катта ёшдаги қорамолнинг қиймати ёки озуқага бўлган талабига бўлиш орқали аниқлаш мумкин. Молларни шартли бош сонига айлантириш коэффициентлари куйидагича.

### 13-жадвал

Чорва молларининг турлари	Молларнинг ем-хашакка талаби бўйича	Молларнинг қиймати бўйича
Катта ёшдаги отлар, сигирлар, буқалар ва ҳўкикалар	1,0	1,0
Бошка қорамоллар	0,6	0,5
Чўқалар	0,3	0,25
Кўй ва эчкилар	0,1	0,1

Чорва молларини шартли бош сонга айлантириш коэффициентидан аввало бош сон индексини хисоблашда фойдаланилади. У қуйидагича аниқланади.

$$I = \frac{\sum Q_1 K}{\sum Q_0 K}$$

Бу ерда:  $Q_1$  ва  $Q_0$  чорва молларининг турлари бўйича хисобот ва базис давридаги бош сони:

К шартли бош сонга айлантириш коэффициенти. Бундан ташқари чорва молларини шартли бош сонга айлантириш бирликлари турли мамлакатларда чорвачиликнинг тараққиёти ва ҳолатига баҳо беришда ҳам кўлланилади.

Чорва молларининг бош сони кўрсаткичи йил давомида ўзгариб туради. Шунинг учун молларнинг бош сони кўрсаткичларини таҳтил қылганда, доимо айни шу давр кўрсаткичларидан фойдаланиши зарур.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга чорва моллари бош сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли қабул қилинган маҳсулот ҳажми билан режадаги, яъни маҳсулот ҳажми таққосланади. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга маҳсулдорлик ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан шартли қабул қилинган маҳсулот ҳажми таққосланади.

## XII.2. Подани тўлдириш кўрсаткичлари ва пода айланмаси

Чорвачиликни ривожлаштиришнинг муҳим шартларидан бири чорва моллари бош сонининг кўпайшидир. Хўжаликларда чорва моллари бош сонининг кўпайтирилиши подани тўлдириб бориш билан боғлиқдир.

Подани тўлдириб бориш молларнинг тўхтовсиз ҳаракатидаги мураккаб жараёндир. Бузоқларнинг туғилиши, уларни ўстириб асосий пода гурухига қушиш, молларнинг гўштта сўйиш учун бўрдоқига бокилиши, поданинг зотли моллар хисобига кенгайтирилиши, молларнинг сотилиши ва ҳоказолар ана шу мураккаб оқимни ташкил этади.

Подани тўлдириш икки хил бўлади:

1) оддий йўл билан- бунда чорва молларнинг бош сони йил охирида кўпаймайди.

2) кенгайтирилган йўл билан- чорва молларнинг бош сони йил охирида кўпаяди.

Чорвачиликни ривожлантириш учун подадаги чорва моллари сони кенгайтирилган йўл билан қўпайтирилиши лозим.

Чорва молларининг бош сони ва таркибида тез-тез рўй берадиган ўзгаришларнинг маълум бир вақтдаги ҳолати пода айланмасида акс этади.

Пода айланмаси маълум бир давр ичida чорва моллари бош сонининг жинс ва ёшлари бўйича ҳаракатидир. Бунга хўжаликка турли манбалардан (туғищ, сотиб олиш ва бошқа йўллар билан) келган ва хўжаликдан кетган (сотилган, сўйилган, нобуд бўлган ва ҳ.к.) ҳайвонлар киради. Пода айланмасини таҳлил қилиш ва назорат қилиб бориш мақсадида молларининг турлари бўйича улар ёш ва жинси жиҳатидан гурухларга бўлиниб, поданинг баланс жадвали тузилади.

Пода айланмаси баланс жадвали қорамоллар юзасидан йилда бир марта, йиллик чўчқалар, паррандалар юзасидан ҳар ойда ойлик жадвал режа ва ҳақиқий кўрсаткичлар асосида тузилади. Баланс жадвалда қуиддаги tengлик таъмин этилиши лозим:

$$M_0 + K = \chi + M_1$$

Бунда:

$M_0$  чорва молларининг йил бошидаги бош сони.

$K$ - келган чорва моллари сони.

$\chi$ - чикиб кетган чорва моллари сони.

$M_1$  чорва молларининг йил охиридаги бош сони маҳсулотлари кўрсаткичлари.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири чорва моллари бош сонининг қўпайишидир. Ҳар бир хўжаликда чорва моллари бош сонининг қўпайтирилиши, шу турдаги ҳайвонлар подасини тўлдириб беришга боғлиқдир.

Ҳар бир хўжаликда чорва молларининг бош сони ва таркибида доимо ўзгариш рўй беради. Бундай ўзгаришлар молларининг туғилиши, уларнинг ўстирилиб асосий подага ўтказилиши, молларнинг гўғит учун давлатга сотилиши, хўжаликдан четта сотилиши, сўйилиши, нобуд бўлиши кабилар натижасида содир бўлади.

Хўжаликлар бўйича чорва молларининг бош сони ва таркибида рўй берадиган ўзгаришлар, яъни молларнинг ҳаракатини маълум давр бўйича яққол кўриш учун пода айланмаси тузилади.

Пода айланмаси бу маълум давр ичida чорва моллари бош сонининг жинси ва йили бўйича юз берадиган ўзгаришларни ифодаловчи баланс жадвалидир. Бу жадвал қуиддаги кўринишида тузилиши мумкин.

## 14-жадвал

### Пода айланмаси жадвали

Моллар гурхари	Йил бошинга навоийдуд моллар сони	Кирим				Чиқим				Йил охирида навоийдуд моллар сони
		Тұтталған моллар	Бошқа гурундан үткен моллар	Четрдан көлтән моллар	Давытта сотильтан моллар	Четта сотильтан моллар	Бошқа гурунда үтказылған	Хұжаликда үтказылған	Нобуд бұлған моллар	

Келтирилған жадвалда чорва молларининг йил бошидағи сони, йил давомидаги кирим ва чиқим ҳамда йил охирида қолған бош сони ақс этади. Жадвалнинг кирим қисміда туғилған моллар сони, четдан сотиб олинған моллар сони ва бошқа гурухлардан асосий подага үтказилған моллар сони күрсатилади. Ҳар бир ҳайвоnlар подаси баланснинг кирим қисміда келтирилған манбалар ҳисобига тұлдирілади ва күпайтирилади.

Баланснинг чиқым қисміда эса йил давомида моллар бош сонининг күпайыш манбалари күрсатилади. Ҳайвоnlарнинг күпайыш манбалари уларнинг давлатта гүшт учун сотиши, хұжаликда сүйилиши, четта сотиши, нобуд бўлиши ва ҳ.к.дан иборатдир. Баланснинг бу қисміда ёш молларни етиштириб, катта гурухларга (асосий подага) үтказиш ҳам камайиши ҳисобланади.

Қишлоқ хұжалиги корхоналарида пода айланмаси жадвал тизимида асосий маълумотлар манбаи бўлиб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Ҳар бир хұжаликда туғилған моллар «Қабул акти» асосида кирим қилинади. Чорва молларни давлатта ва бошқа ташкилотларга сотишида «Сотиши варақаси» тузилади. Ҳайвоnlар хұжаликда сўйилганда ёки нобуд бўлганида акт орқали расмийлаптирилади.

Чорва молларининг кирим ва чиқим ҳаракатлари болшقا манбалари бўйича ҳам тегишли ҳужжатлар орқали расмийлаптирилади.

Хўжаликларда ҳар чорак ва йил охирида чорва моллари турлари ва ёш гурухлари бўйича инвентаризациядан үтказилали, натижада чорва молларининг турлари бўйича таҳлил маълумотлар тўпланади. Бу маълумотлар асосида пода айланмаси жадвали тузилади ва баланс жадвалининг айрим моддалари ўртасидаги боғланишлар ўрганилади.

Пода айланмаси жадвалида келтирилған маълумотлар

чорва моллари ҳаракатини кўрсатиш билан бирга, чорвачиликнинг ривожланнишига тавсиф берадиган бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш учун ҳам асос бўлади.

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида гўптиш ишлаб чиқариш ресурсларини аниқлаш, чорва молларини тақрор етишишириш жараёнига тавсиф берувчи кўрсаткичларни ҳисоблашда кенг фойдаланилади. Шу билан бирга унда кўптина мутлақ маълумотлар келтирилади ва маълумотлар асосида чорва моллари бош сонининг ўзгариши, пода айланмаси ҳаракати интенсивлиги га тавсиф берувчи нисбий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Хўжаликда ҳайвонлар подасини тўлдириш икки хил бўлади:

I) Оддий йўл билан тўлдириш - бунда чорва молларининг бош сони ўзгармайди.

II) Кенгайтирилган йўл билан тўлдириш - бунда чорва молларининг бош сони йил бошидагига кўра йил охирида кўпаяди.

Чорвачиликни ривожлантириш учун бу кенгайтирилган тақрор етиштириш орқали моллар сонини кўпайтириш муҳим аҳамиятта эга.

Чорва молларининг бош сонини тақрор етиштириш деганда туғилган моллар ҳисобига подани янгилаш, ёпи молларни парвариш қилиш, наслни яхшилиш асосида ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган моллар ўрнини тўлдириш ва кенгайтириши тушунилади. Бу ишни ҳар бир хўжаликда ички имкониятларни ишга солиб, асосан моллар наслини яхшилаш ва зотли моллар яратиш ҳисобидан ҳайвонлар подасини тақрор етиштириш ҳисобидан бажариши лозим.

Чорва моллари бош сони ташқаридан олинган моллар ҳисобига кўпайтирилиши мазкур хўжаликда тақрор етиштириши натижаси ҳисобланади. Аммо хўжаликдан чиқиб кетган чорва моллари бош сони шу хўжаликни тақрор етиштириш жараённинг натижаси бўлиши мумкин.

Чорвачилик статистикасида чорва молларини тақрор етиштириш жараёнига тавсиф берадиган қўйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

- Она молларни урчитиш кўрсаткичи;

Она моллар сонидан фойдаланиш ёки бола олиш кўрсаткичи;

Подадаги маҳсулдор моллар ўрнини ёш моллар билан қоплаш кўрсаткичи;

Хайвонларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичи;  
Хайвонларни подадан чиқариш кўрсаткичи кабилар.

Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланади:

Она молларни урчитиш кўрсаткичи. Хўжаликларда подани такрор етиштириш қўп жихатдан она молларни тўлиқ урчитишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда чорвачиликда она молларни сунъий урчитиши кенг қўлланилмоқда. Бу кўрсаткични аниқлаганда умумий она моллар сонидан неча фоиз урчитилгани ҳисобланади, яъни

Урчитиши кўрсаткичи = (ҳақиқатда урчитилган она моллар сони) / (урчитилиши имконида бўлган она моллар сони)

Урчитилиши имкониятида бўлган она молларга, қора моллар бўйича йил бошида мавжуд бўлган сигирлар ва бир ёшдан катта бўлган таначалар; қўй ва эчкилар бўйича она қўй ва эчкилар ва бир ёшдан катта бўлган қўзилар; чўчқалар бўйича она чўчқалар ва тўрт ойликдан катта урғочи чўчқалар киради.

Она моллар сонидан фойдаланиш кўрсаткичи ёки бола олиш кўрсаткичи. Бу ерда урчитилган она моллардан қанча қисми бола берганлиги ўрганилади. Она моллар сонидан фойдаланиш кўрсаткичи аниқланганда, ҳисобот йили ичida тирик туғилган моллар сонини, урчитилган, бола олиш эҳтимолидаги она моллар сонига нисбатан аниқланади.

Қора моллар бўйича бола олиш кўрсаткичи = (тирик туғилган бузоқлар сони)/(сигирлар, икки ёшдан катта таначалар ва бир ёшдан катта урчитилган таначалар сони).

Чўчқалар бўйича бола олиш кўрсаткичи = (тирик туғилган чўчқа болалари)/(асосий ва бир галлик она чўчқалар сони).

Чорвачиликда ҳар 100 бош сигирдан ўрта ҳисобда 95-100 бош бузоқ, ҳар 100 бош она совлиқдан 100-110 бош қўзи, ҳар 100 бош она чўчқадан 1600-2000 бош чўчқа боласи олиш мумкин.

Подадаги маҳсулдор моллар ўрнини ёш моллар билан қоплаш кўрсаткичи орқали ҳар бир хўжаликда асосий подадаги маҳсулот берётган молларнинг кейинчалик ўрнини тўлдириш учун зарур бўлган ёш молларни етиштириш даражаси ўрганилади. Масалан, сигирлар ўрнини келажакда қоплаш учун етиштирилаётган фунажинлар ва бир ёшдан катта қочириладиган таначалар тўлдиради. Хўжаликда асосий подадан чиқиб кетадиган маҳсулдор моллар, масалан, сигирлар сонига нисбатан уларни ўрнини тўлдирадиган фунажинлар сони кўпроқ бўлиши лозим.

Ҳайвонларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичи. Бу салбий кўрсаткичидир ҳар бир хўжаликда молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим. Аммо айтим ҳолларда ҳар хил сабаблар оқибатида ҳайвонлар нобуд бўлади. Бу кўрсаткич қўйидагича хисобланади.

$$\text{Нобуд бўлиш кўрсаткичи} = \frac{\text{хисобот (даври) ичida нобуд бўлган моллар сони}}{\text{хисобот (даври) бўйича моллар айланмасидаги бош сони}}$$

Хисобот даври бўйича молларнинг айланмасидаги бош сонига йил бошида мавжуд бўлган моллар сони ва пода айланмаси кириш қисмидаги моллар сони киради (бошқа гурухдан ўtkазилгандан ташқари).

Ҳайвонларни подадан чиқариш кўрсаткичи аниқланганда, асосан подадан гўшт учун ажратилган моллар сони эътиборга олинади. Бунда давлатга гўшт учун сотилган моллар, хўжаликда сўйилган моллар, четта сотилган моллар киради. Агар моллар хўжаликдаги ишчи, хизматчиларга сотилса, улар ҳайвонларни подадан чиқариш кўрсаткичига кирмайди.

Ҳайвонларни подадан чиқариш кўрсаткичи қўйидагича аниқланади.

$$\text{Подадан чиқариш кўрсаткичи} = \frac{\text{подадан чиқарилган моллар сони}}{\text{хисобот (даври) бўйича молларнинг айланма бош сони}}$$

Чорва молларини такрор етиштириш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини қўйидаги мисол маълумотларидан кўрамиз (жадвалга қаранг). Мисол маълумотларига кўра, хўжаликдаги қора молларнинг бош сони йил ичida 115 бошга (1027-912), ёки 12,6 % ((1027:912)100)га ўстган. Қорамоллар подадана сигирларнинг салмоги қўйидагича ўзгарган. Йил бошига 65,8 % ((600:912)100) ни ташкил этган бўлса, йил охирига сигирлар салмоги 62,0 % бўлган. Демак, сигирлар салмоги 3,8 % га камайган. Энди она моллардан фойдаланиш, бола олиш ва шу каби кўрсаткичларни ҳисоблаймиз.

$$\text{Ҳар 100 бош сигир ва гунажиндан бузоқ олиш кўрсаткичи} = \frac{672 \cdot 100}{600 + 96} = 96 \text{ бош}$$

$$\text{Сигирлар ўрнини гунажинлар билан тўлдириш кўрсаткичи} = \frac{96 \cdot 100}{600} = 16\%$$

$$\text{Ҳайвонларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичи} = \frac{18 \cdot 100}{912 + 675} \approx \frac{1800}{1587} = 1,1\%$$

$$\text{Гўшт учун подадан чиқарилган моллар кўрсаткичи} = \frac{(76 + 78) \cdot 100}{912 + 675} = 9,8\%$$

***15-жадвал***  
**Жамоа хўжалиги бўйича 1999 йил учун қорамоллар,  
подга айланмаси**

Қорамоллар групка	Йыл бошса маъжуд буланган	Карим				Чиром						Йыл олинига маъжуд буланган
		Туғлини моллар	Бошса гурӯдан үрганланган	Четдан солиб соналини	Каримин жами	Далматта солинан	Бошса гурӯда үрганланган	Четта сониши	Хўжалинча сўйланган	Нобуд булан	Чиромининг жами	
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Буқалар	6	-	2	3	5	4	-	-	-	-	4	7
Сигирлар	60		114		114	72		6	6		78	636
Руноқчиоллар	0		68		68		92		6	6	98	66
2 ёшдан кетта тозалар	96		24		24		12				12	24
2 ёшгача бўлган тана	12						102	6	6		108	6
2 ёшгача бўлган букалар	114						2	10	10		84	
Ҳисобот йилледа туттилган	84							54	54	12	384	288
Жами	912	672	208	3	883	76	208	390	76	18	768	1027

### XII.3. Чорва молларининг маҳсулдорлиги кўрсаткичлари

Молларнинг маҳсулдорлигини статистика чорва молларининг турлари ва хўжалик категориялари бўйича ўрганади. Бир бош сигирдан ўргача согилган сут (согим), бир бош қуийдан олингандан ўргача жун, бир чорва мол вазнининг ўргача ошиши, тухум қиласидан бир товуқнинг ўргача хисобда тухум қилиши ва ҳоказолар чорвачилик маҳсулдорлиги кўрсаткичларидир. Бир бош сигирдан ўргача қанча сут согилганини аниқлаш учун йил (ёки бир ой) давомида барча сигирлардан согилган ялпи сут микдори сигирларнинг ўргача сонига бўлинади (бунга бокувга қўйилган ва гўшита топшириладиган сигирлар кирмайди, аммо соғин сигирлар хисобот даврида соғилиш-соғилмаслигидан қатъий назар хисобга киради).

Поданинг сут маҳсулдорлиги қуийдаги кўрсаткичлар билан таърифланади:

- 1) битта соғин сигирга тўғри келадиган ўргача йиллик соғим;
  - 2) умуман бир сигирга тўғри келадиган ўргача йиллик соғим.
- Биринчи кўрсаткич - соғим сигирга тўғри келадиган сут-

даги ёғнинг фоизи билан белгиланади. Сутнинг сифати сигирларнинг зоти, ёши, бокўми ва сақлаш шароитига боғлиқдир.

Иккинчи кўрсаткич - умуман бир сигирга тўғри келадиган йиллик ялпи соғим миқдорини аниқлаш учун олинган ялпи соғим миқдори подадаги барча сигирларнинг йиллик ўртача сонига бўлиниади.

Сигирларнинг маҳсулдорлигини белгиловчи яна бир муҳим кўрсаткич сутнинг сифатидир. Сутнинг сифати сутдаги ёғнинг фоизи билан белгиланади. Сутнинг сифати сигирларнинг зоти, ёши, бокўми ва сақлаш шароитига боғлиқдир.

Ҳар хил сигирлардан соғиб олинган сутнинг ўртача ёғлилиги қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\bar{X} = \frac{\sum f \cdot x}{\sum f}$$

$\bar{X}$  сутнинг ўртача ёғлилиги.  $x$  - сутнинг ёғлилиги. ( $f$ - соғим миқдори).

Чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этганлиги учун асосий кўрсаткичларни жорий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятта эгадир.

Республикада чорва моллари бош сонини кўпайтириш, зотини яхшилаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариши молия режасида мол турлари бўйича қорамолчилик, кўйчилик, йилқичилик, бош сонларини режалаштиради. Мол гуруҳлари бўйича мавжуд бош сони ва уларнинг ўзгариши корхоналар йиллик ҳисоботининг 15 - АСҚ «Чорва молларининг ҳаракати» шаклида кўрсатилади. Чорва моллари тури ва гуруҳи бўйича ҳақиқатдаги мавжуд бош сони режада ва ўтган йиллардаги чорва моллари бош сони билан тақдосланиб, чорва моллари бош сони режасининг бажарилиши ва ўсиши даражаси таҳлил қилиниади.

Чорвачилик тармоғи ривожланишини таъминлаш борасида хўжаликлар мол турларидан бола олиш ишларини талаб даражасига қўйишлари ва шу асосда түёқ сонини оширишга эришишлари лозим. Олинадиган ёш молларнинг кўрсаткичлари юқори бўлиши учун наслчилик ишларини йўлга қўйиш керак.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришини кўпайтишнинг бирдан-бир йўли молларнинг маҳсулдорлигини оширишдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариши молия режасида ҳар бир сигирдан ўртача йиллик соғиб олинган сут, ҳар бир қўйдан қирқиб олинган жун, ёш ва бокувдаги қорамолларнинг бир кунлик ортган вазни, иккى ойдан ошган ва бокувдаги

чүчқаларнинг кўшимча вазни, бир она товуқдан ўртача бир йилда олинадиган тухум сони белгиланган. Чорва молларининг ҳақиқий маҳсулдорлиги кўрсаткичлари корхоналарнинг йилилик ҳисоботининг 13 - АСҚ шаклиниң «Чорва молларининг маҳсулдорлиги» деган иловасидан олинади. Чорва молларининг ҳисобот йилидаги ҳақиқий маҳсулдорлиги билан тақдосланиб, маҳсулдорлик режасининг бажарилиши ва ўсиши таҳлил қилинади.

Бу жадвалдаги маълумотлардан кўринадаки, хўжаликда умуман қора моллар ва икки ойдан ошган ёш чўчқаларнинг бир кунлик ортган вазни ҳақиқатда режадагидан паст бўлган. Бироқ, сут соғиб олиш ва жун қирқиб олиш бўйича маҳсулдорлик режаси ортиғи билан бажарилган.

Хўжаликлар келгусида чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш учун чорвачиликда етарлича ем-хашиб базасига эга бўлиш ва ундан самарали фойдаланиш, чорва молларининг зотини яхшилаш ҳамда чорвачиликни тўлиқ механизациялаштириш зарур.

**16-жадвал**  
**Жорий йилда хўжаликдаги чорва молларининг маҳсулдорлиги режаси бажарилиш даражаси ва ўсишининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Режак бўйича	Ҳақиқиси	Фарқи	Режанинг бажарилиши, %
Бир бос сигирдан йиллик ўртача соғиб олишсан сут, кг	2500	2757	257	110,3
Барча ёшдағи қорамолларнинг бир кунлик ортган вазни, гр.	417	378	-39	90,6
2 ойдан ошган ёш чўчқаларнинг бир кунлик ортган вазни, гр.	348	328	-20	94,2
Бир бос қўйдан йиллик ўртача қирқиб олинган жун, кг.	2,1	2,2	0,1	104,8

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳиссадорлик жамиятлари тузилмоқда. Уларнинг вазифаси давлат, жамоа ва бошқа турдаги хўжаликларнинг маҳсулдорлиги паст бўлган қорамолчилик фермаларининг мулкларини ферма жамоасига акция қилиб сотишдан иборат.

Ҳиссадорлик жамияти банкда ўз номига ҳисоб рақамига эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхонасидир. Ҳиссадорлик жамиятининг вазифаси чорвачилик маҳсулдорлик ва маҳсулот сифатини ошириш, аҳолининг гўшт, сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, биринкирилган ер бошқа манбалардан амалдаги қонунчилик талаబларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга илмфан ютуқлари ва илғор технологияларни жорий қилишdir.

Чорвачилик фермер хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шаклига ўтгандан кейин сезиларли натижаларга эришилган. 2000 йилда 2001 йилга нисбатан ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 1,7% га кўпайган. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шу жумладан, чорвачиликнинг юқори самарали юритилиши иктиносидий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқда мулкчилик шаклларининг ўзгариши ва бозор тузилмаларининг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқдир.

Жун етиштириш режаси ҳисобот йилда 4 ц. га кўп бажарилган. қўйлар бош сонининг 100 бошга кўпайиши натижасида умумий қирқиб олинган жуннинг микдори 2 ц. га ва ҳар бир қўйдан қирқиб олинган жунни 100 г.га юқори бўлиши умумий жун микдорининг 2 ц.га кўпайишига сабаб бўлган.

Чорвачиликнинг озука билан, айниқса, оқсиллар билан таъминланиши республика учун кескин муаммодир. Бу муаммоустуда кўп шугууланилмоқда, лекин шунга қарамай, оқсилга бой озука муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришига асоссан иккى омил таъсир этади. Биринчидан, чорва моллари бош сони ўзгариши; Иккинчидан, бир бош молдан олинадиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши. Чорвачиликдан турли хил маҳсулотлар олинади. Уларниң бир қисми молларни урчтииш ва парвариш қилиш натижасида етилиб, йил давомида тугилган ёпи моллар вазни ўтган йилларда тугилган ёш молларнинг ўсиши натижасида ортган вазни ва бокувдаги молларнинг семирган вазни ҳисобланади.

Маҳсулотнинг иккincinnи қисми эса, чорва молларидан хўжаликда фойдаланиши жараёнида олинган сут, жун, тухум, асал ва бошқа ёрдамчи маҳсулотлардан иборатdir. Чорвачилик маҳсулоти таркибига, қайта ишлов бериш натижасида олинган ёғ, пишлок, қаймоқ ва молларни сўйиши натижасида олинган гўшт, тери мўйна ва шу кабилар киритилмайди. Чунки, улар саноат маҳсулоти ҳисобланади. Чорвачилик статистикасида сут, тухум, жун ишлаб чиқариш ҳажмига тавсиф беришда ялпи соғиб олинган сут, ялпи олинган тухум ва ялпи қирқиб олинган жун кўрсаткичлари ҳисобланади. Ялпи соғиб олинган сут микдорига ҳисобот даврида хўжаликда соғиб олинган барча сут, шу жумладан бузоқларга, чўчқа болаларига ичирилган сут ҳам киритилади. Гўшт етиштиришига ихтисослашган хўжаликларда сигирлар соғилмайди, балки бузоқларга эмиздирилади. Бундай вақтда бузоқларга эмизилган сут ялпи соғиб олинган сут микдорига қўшилмайди.

Одатда хўжаликларда сут микдори тортилмайди, балки ўлчанади. Аммо хўжаликларнинг ҳисоботларида етиштирилган сут оғирлик ўлчов бирликларида келтирилади. Бундан ташқа-

ри давлатта сут топшириш бўйича режаларнинг бажарилиш ҳам оғирлик ўлчов бирликларида хисобланади. Шунинг учун бир литр сут 1,032 кг га тенг деб олинади. Ялпи қирқиб олинган жун миқдорига йил давомида тирик қўй ва эчкилардан қирқиб олинган барча жун миқдори киради.

Ялпи тухум миқдорига хўжаликларда товуқлардан, ўрдак гоз ва куркалардан олинган барча тухумлар киради. Бунга жўз очириш учун фойдаланилган ҳамда жўжаларни боқиши учун фойдаланилган тухум миқдори ҳам қўшилади. Чорвачилик етиштирилган тирик вазн икки усулда хисобланishi мумкин:

Биринчisi, бевосита хисоб усули. Бунда етиштирилган тирик вазн ҳисобот даврида туғилган ёш моллар вазни ўтга йилларда туғилган ёш молларнинг ўсиб қўшилган вазни ва боқувдаги молларнинг семириб ортган вазнини қўшиш орқали топилади.

Иккинчи усулда, етиштирилган тирик вазн пода айланма си жадвали маълумотлари асосида аниқланади. Бунинг учун пода айланмаси жадвалидаги чорва молларининг бош сони виҳаракатини исфодаловчи кўрсаткичлар тирик вазнда берилгай бўлиши зарур. У вактда етиштирилган тирик вазн молларнинг ҳисобот давридаги ортган вазни, давлатта сотилган ва хўжаликда сўйилган ҳамда катта ёщдаги нобуд бўлган моллар вазни йигиндинисидан, ташқаридан сотиб олинган моллар вазнини айни裡 орқали топилади.

У қуйидаги формула ёрдамида хисобланади.

Етиштирилган вазн=  $(B_1 - B_0) + C + X - \dot{C} + H$

Бу ерда:  $B_1$  ва  $B_0$  – чорва молларининг ҳисобот даври охиридаги ва бошидаги вазни;

$C$  - сотилган мол вазни;

$X$  - ўз хўжалигида сўйилган мол вазни;

$\dot{C}$  - ташқаридан сотиб олинган мол вазни;

$H$  - асосий подадаги нобуд бўлган катта ёщдаги маҳсулдо моллар вазни.

Чорвачилик статистикасида гўшт ишлаб чиқаришга сўйиши учун топширилган молларнинг тирик вазни киритилади. Статистика амалиётида сўйиш контингентига давлатта сотилган, ўз хўжалигида сўйилган ва бозорда сотилган молларнинг бош сони киритилади. Шартли равищда, наслчилик пунктига сотилган моллар бош сони, ишчиларга сотилган б өйлиkkacha бўлган бузоқлар, 2 өйлиkkacha бўлган чўчқалар дарҳол сўйип учун эмас, балки парвариши қилиши учун, боқиши учун сотилган деб қабул қилинади. Шунинг учун бу бош сон гўшт ишлаб чиқариш контингентига киритилмайди.

Чорва молларининг тирик вазнини сўйилган вазнга ай-антириш маҳсус коэффициентлар ёрдамида амалга оширила-и. Молларниң тирик вазнига нисбатан гўшт чиқиши фоизи уйидагича: қорамолда 48-50 %; чўчқаларда 65-66 %; қўй ва чкиларда 42-43 % ни ташкил этади.

Чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичи битта ўртабоши сон ҳисобига тўғри келадиган маҳсулот миқдори билан лчанади. Чорвачиликда маҳсулдорликни ифодаловчи кўрсатичлар, ҳар бир сигирдан ўртacha соғиб олинган сут, ҳар бир ўйдан қирқиб олинган жун ва ҳар бир товуқдан ўртacha олинган тухум ҳисобланади. Сигирларниң сут маҳсулдорлигини исоблаш учун ҳисобот даврида соғиб олинган ялпи сут миқдори сигирларниң ўртacha йиллик сонига тақсим қилинади. Игиirlарни ўртacha йиллик бош сонини ҳисоблаш учун эса, хижбот давридаги сигир кунлари сони календарь кунларига бўйиш орқали топилади.

Товуқларниң тухум маҳсулдорлигини ҳисоблаш учун ҳижбот даврида барча товуқлардан олинган тухум миқдори тоғларниң ўртacha йиллик сонига тақсим қилинади. Жун ахсулдорлигини ҳисоблаш учун ҳисобот даврида ялпи қирқиб инган жун миқдорини кўйларни йил бошидаги сонига тақсим қилинади. Бу кўрсаткичининг қатор камчиликлари мавжуд. Бинчидан, ялпи қирқиб олинган жун миқдори кўшилган бўлиши умкин, иккинчидан йил бошидаги кўйлар сонидан бир қисми ун кирқилишигача бошқа хўжаликларга сотилиши мумкин.

Бир қўйдан ўрта ҳисобда қанча жун олинганлигини аниқш учун бир йил ичida қўйлардан қирқилган жуннинг ялпи якори кўйларни йил бошидаги сонига бўлинади. Бир тоқка тўғри келадиган ўрта ҳисобдаги тухум миқдорини аниқш учун хўжалик бўйича товуқлардан олинган барча тухум якори катта товуқларниң (тухум берса-бермаса барибир) тача сонига бўлинади.

Чорва молларининг гўшт маҳсулдорлиги кўрсаткичлари ёр молнинг ўртacha тирик ёки сўйим вазnidан, молларниң сезиз-ориқлиги, ёш моллар ва боксишга қўйилган катта моллар зиннинг бир суткада ўртacha ошиши, битта урғочи молга тўғри лиши ҳисобида ўстирилган моллар сонидан иборат. Чорвачилик маҳсулотларининг умумий ҳажми чорва молларининг бошни ва уларниң маҳсулдорлигига боғлиқдир. Чорва молларининг бош сони қанча кўп, молларниң маҳсулдорлиги қанча юқори лса, чорва маҳсулотлари шунча кўп бўлади.

Чорвачилик маҳсулотлари, маҳсулотларниң турлари бўйя наатурада ва қиймат кўрсаткичидаги ҳисобга олинади. Маҳ-

сулотнинг натура кўрсаткичи етиштирилган шу маҳсулотнинг ҳажми ва таркибига қараб, иштимол қийматини ифодалайди. Қиймат кўрсаткичи эса маҳсулотта умумий иқтисодий баҳо беради. Чорвачилик маҳсулотига чорва моллардан олинадиган (гўштдан бошқа) ҳамма маҳсулот-сут, жун, тухум ва молларни ўстириш маҳсулотлари, яъни урчиш, моллар сони, вазни ва боши-қалар киради.

Гўшт чорвачилик маҳсулоти қаторига кирмайди, у саноат маҳсулоти ҳисобланади. Лекин чорвачилик статистикаси гўшт етиштириши масаласини ўрганади, негаки, бунинг кишлоқ хўжалигидан чиқиб кетадиган ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан амалий аҳамияти каттадир. Саноат статистикаси гўшт етиштиришга доир маълумотларини тўла акс эттира олмайди. Чорвачилик статистикаси саноат статистикасининг бу камчилигини тўлдиради.

Чорвачилик статистикаси гўшт етиштиришни ўрганиш билан бирга уни кузатиб ҳам боради, яъни чорва молларининг гўштга топширилган қисмини алоҳида ҳисобга олиб, молларнинг бош сонидаги ўзгаришларини аниқлади, гўштга топширилган моллар ўринини тўлғазишига ёрдамлашади; молларнинг бир қисми саноатдан ташқари, хўжаликнинг күшхоналарида сўйилади, булур саноат корхоналарида гўшт ҳажмига қўшилмай қолади. Чорвачилик статистикаси шахсий хўжаликлардаги моллар ва паррандаларнинг сўйилишини ҳам кузатиб, мамлакат бўйича етиштирилган гўштнинг умум ҳажмини аниқлаб туради.

Статистикада чорва молларининг гўшт учун сотилиши гўшт етиштириш деб, тушунилади. Гўшт етиштириш деганда чорва молларининг сўйилган вазни назарда тутилади. Сўйим (сўйилган мол) вазни деганда сўйилган мол танасининг вазни тушунилади. Бунга оёқлар, ичак чавоқ, буйрак - юрак, мия, ўпка ва ҳ.к. ҳам қўшиб ҳисобланади, ҳам қўшмай ҳисобланади. Сўйиши вазни ичак қорин ва ҳоказоларни чиқариб ташлаб ҳисобланада тирик вазнга нисбатан қора моллар тахминан 46%, чўчқалар 63% , қўйлар ва эчкилар 43% ни ташкил этади. Ичак, ўпка, жигар, юрак ва ҳ.к. ўшантга нисбатан 54%, 37%, 57%дир. Бир бош сўқимдан олинадиган гўшт миқдори молнинг семиз, ориқлиги ва зотига боғлик. Гўштнинг сўйиши вазни кўрсаткичи хўжаликларнинг гўшт етиштиришда олиб борган ишларининг натижасини ифодалайди.

## **Қисқача хуосалар**

Чорва моллари сонининг ҳаракатини кузатиш, умуман сон ва таркибини белгилаш уларнинг хўжалик категориялари, туман, вилоятлар бўйича тақсимланиши, чорва моллари урчитиш, чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашни режалаштириш, молхоналар қуриш, ем-хащак базасини кенгайтириш, иш кучи билан таъминлаш ва чорвачиликдаги иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида қатор тадбирларни ҳал қилиш учун ҳам зарурдир. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайиб боришига, чорва моллари сонининг мутгасил ўсиб боришига, молларнинг маҳсулдор зотлари қўпайтирилишига боғлиқдир. Шунинг учун хўжаликларнинг режаларида чорва бошини, айниқса, маҳсулдор зотларини кўпайтиришга муҳим ўрин берилади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Чорва молларининг сони.
2. Чорва молларининг таркиби.
3. Чорва молларининг маҳсулдорлиги.
4. Сут маҳсулдорлиги.
5. Чорва молларини жинси ва ёпига қараб гурухлапи.

## **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўкув қўлланма. - Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства, 1985.

## XIII боб

### ЕМ-ХАШАК МАНБАИ СТАТИСТИКАСИ

#### XIII.1. Ем-хашак манбай статистикасининг вазифалари

Ем-хашак тадбирларининг бажарилишини ҳисобга олиш уларнинг етиштирилиши, мавжуд миқдори ва улардан фойдала нишнинг ҳисобини олиб бориш, табиий ем-хашакнинг ўз вақти да ўриб, териб тайёрланиши, ем-хашакнинг хўжаликларда қан дай сақланашётгани, улардан фойдаланишдаги режа кўрсаткич ларининг бажарилишини таҳлил қилиш, ишлатилмай келаётгай манбаларни топишга ёрдамлашиш ем-хашак статистикасини ниг вазифасидир.

Ем-хашак базасининг ахволини ойдинлаштириб беради ган кўрсаткичлардан чорва молларининг ем-хашак билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичлари мухим ўрин тутади.

Режалаштириш тажрибасида ем-хашак иккита белги, яъни ем-хашак манбалари ва сифат хислатларига қараб тасниф қилинади. Ем-хашак манбалари юзасидан унинг таснифи кўйи даги гурухлардан изборат бўлади: 1) дала алмашлаб экишидек етиштириладиган ем-хашак; 2) табиий ўсадиган ем-хашак; 3) чорва молларига озуқа бўладиган дон экинлари, картошка ва бошқа озиқ-овқат экинлари; 4) яйлов хашаклари; 5) саноатда етиштириладиган озуқалар (омухта озиқалар ҳам шунга киради); 6) қишлоқ хўжалиги берадиган хомашёни ишлатадиган саноат корхоналари ва умумий овқатланиши корхоналарининг чиқитлари.

Чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш режалари ни тузиш ва таъминлаш кўрсаткичларини ҳисоблашда бу манбаларнинг ҳар бирини ўрганиши мухимдир.

#### XIII.2. Ем-хашак манбай ва унинг турлари

Ем-хашакнинг манбай ва турлари жуда кўп. Ҳар қайси тур ем-хашак таркибида химиявий ва тўйимли моддалар ҳар хил бўлади. Ҳайвонларга ем-хашак берилганида уларнинг таркибидаги тўйимли моддаларнинг кўп-озлигига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ем-хашакнинг умумий ҳажмини турли озуқаларнинг шунчаки жами тарзида белгилаб бўлмайди. Ем-хашак ҳисобларида унинг таркибидаги тўйимли моддаларни тенглаштириш учун бир ўлчов белгиси, яъни озуқа бирлиги ишлатилади. Одатда бундай шартли ўлчов белгиси қилиб сулидаги

тўйимли модда олинган. Молга берилган 1 кг сули унинг танасида 150 гр. ёғ ҳосил қиласди. Ем-хашакнинг тўйимлиги оқсил мадданинг тез ҳазм қилинишига ҳам боғлик; сулидаги оқсил модда эса тез ҳазм бўлади. Шунинг учун бошқа хил ем-хашак таркибидаги тўйимли маддалар (протеин, оқсил, витамин ва бишқалар) бир кг сулидаги тўйимли маддага айлантириб ҳисобланади. Ем-хашакни тўйимлилигига қараб тенглантириш учун маҳсус жадвал ишлаб чиқилган. Унинг бир қисми жадвалда келтирилган.

### *17-жадвал*

#### *Озуқаларнинг тўйимлилигига қараб тенглантирилиши*

Озуқа турлари	Бир кг да озуқа бирлиги
Сули	1,00
Нўхат	1,17
Ловия	1,29
Жўхори	1,34
Лавлаги	0,26
Арпа	1,21
Картошка	0,30
Балиқ уни	0,83
Сүяк уни	0,79

Фермер ва ширкат хўжаликларида тайёрланган ем-хашакнинг умумий ҳажми билан бирга улар таркибидаги тўйимли маддалар миқдори ҳам алоҳида ҳисобланади. Таркибида тўйимли маддалар (оқсил, протеин, витамин, минерал маддалар) нўхат, кунгабоқар, жўхори, ловия кўп йиллик ўтлар каби озуқалар майдонини кенгайтириш ширкат ва бошқа давлат хўжаликларининг муҳим вазифасидир.

Ширкат хўжаликлар ва бошига қишлоқ хўжалиги корхоналарида чорва молларининг ем-хашак билан таъминланиши ҳисобида молларнинг бош сони, ёшлари асос қилиб олинади.

Ширкат хўжалиги корхоналарида чорва молларнинг ем-хашак билан қай даражада таъмин этилганлиги ва қандай фойдаланиши лозимлигини аниқлаш учун ем-хашак баланси тузилади. Бундай баланс туман, вилоят, республика миқёсида ҳам тузилади. Баланс кирим ва чиқум қисмидан иборат бўлади.

## 18-жадвал

**Ем-хашак балансининг тахминий чизмаси бундай бўлади:**

Ем-хашак турлари	Кирим, т.				Чиқим, т.			Жами иштаганда озука мавжуд мисдори
	Йил бошида мавжуд мисдори	Хўжаликнинг ўзла тайёрланган	Сиртдан келтирилган	Жами	Давлатга согилган	Суруге фондига ажратилган	Молларга едрилиган	

Ем-хашак баланси режа кўрсаткичлари асосида натурада ёки озука бирлигига айлантирилиб, хисобот йилида тузилади. Ем-хашак баланси асосида ем-хашак тайёрлаш режаси тузилади, унда экиласидиган ем-хашак майдонларининг таркиби ва ҳажми аниқланади ҳамда озука экинларининг маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари белгиланади.

Ем-хашак балансини шундай тузиш лозимки, ундаги кўрсаткичлар ем-хашак тайёрлаш режасининг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлсин. Бу кўрсаткичлар хўжаликдаги мавжуд моллар сонини асосан учртиши йўли билан кўпайтириш, чорвачиликни умуман ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қиласин.

### XIII.3. Ем-хашак тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг иқтисодий статистик таҳлили

Ем-хашак ҳақидаги маълумотларни иқтисодий-статистик таҳлили қилиш учун хўжаликда мавжуд ем-хашак тайёрлашнинг режа кўрсаткичлари қандай бажарилгани аниқланаб, ҳақиқий тайёрланган ем-хашак турларининг физик ҳажми режа кўрсаткичлари билан солиштирилади, ҳамма ем-хашак турларининг режа бўйича бажарилиши шартли озука бирлигига таққослаб кўрсатилади.

Ем-хашак ресурсларини тайёрлаш динамикасини кузатиш, ўрганиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун индекс усулидан фойдаланилади ва қуйидаги формулалар кўлланилади. Маълумки, тур озука тайёрлаш динамикаси индивидуал индекс формуласи ёрдамида аниқланади:

$$i = q_1 / q_0$$

Бунда  $q_1$  ва  $q_0$  - ем-хашакнинг ҳисобот ва базис даврларидаги физик ҳажми.

Бир қанча турдаги ем-хашак тайёрлаш динамикасини аниқлаш учун умумий (агрегат) индекс формуласи қўлланилади:

$$I = \sum q_1 K / \sum q_0 K$$

Бунда  $K$  - ем-хашакнинг озуқа бирлигидаги тўйимлилиги. Ем-хашакнинг харажатларини таҳдил қилишда молларнинг турлари бўйича ҳар бир бош молга сарф қилинган ем-хашак миқдорини ҳамда чорва молларидан олинган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ем-хашак сарфини аниқлаш муҳим ахамиятта эгадир. Молларнинг турлари бўйича ҳар бир бош молга тўғри келадиган ем-хашак сарфи динамикаси индивидуал индекс формуласи ёрдамида аниқланади:

$$i = \frac{\sum q_1}{\sum q_0} \quad \text{ёки} \quad i = \frac{K_1}{K_0}$$

бунда  $Y_1, Y_0$  ёки  $K_1, K_0$  - ҳисобот, базис даврларида ҳар бир бош молга натурада ёки озуқа бирлигига сарфланган ем-хашак.

Чорва молларининг ҳаммасига сарфланган ем-хашакнинг умумий ҳажми умумий индекс формуласи ёрдамида аниқланади:

$$I = \frac{\sum Y_1 \cdot q_1}{\sum Y_0 \cdot q_1} \quad \text{ёки} \quad I = \frac{\sum K_1 \cdot q_1}{\sum K_0 \cdot q_1}$$

$Y_1, Y_0$  ҳисобот ва базис даврларида ҳар бир бош молга сарфланган ем-хашак, - чорва молларининг ҳисобот даврдаги ўртача сони.

Молларнинг турлари бўйича ҳар бир бош молга ем-хашак сарфини умумий индекс формуласи ёрдамидаги таҳдил намунасини қўйидаги жадвалда кўрамиз (19-жадвалга қаранг).

$$I = \frac{\sum K_1 x q_1}{\sum K_0 x q_1} = \frac{73520}{62060} = 1,184 \cdot 100 = 118,4$$

Ҳар бир бош молга сарфланган озуқа ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 118,4 % ошди. Чорва маҳсулотлари бирлигига сарфланган ем-хашак индексини қўйидаги жадвалда кўрамиз (20-жадвалга қаранг).

## 19-жадвал

### Хўжаликларда ем-хашак сарфи

Чорва моллари	Бир бош молга сарфланган озуқа бирлиги, ц.		Молларининг ҳисобот давридаги ўргача сони, бин	Жами сарф қилингани ем-хашак, ц.		Ем-хашак сарфининг индексидаги индекси $i = \frac{K_1}{K_0}$
	Базис даврида	Ҳисобот даврида		Базис даврида ҳисобот давридаги бош сонга	Ҳисобот даврида ҳисобот давридаги бош сонга	
	$K_0$	$K_1$	$q_0$	$K_0xq_1$	$K_1xq_1$	
<b>Букалар</b>	<b>24</b>	<b>38</b>	<b>10</b>	<b>240</b>	<b>380</b>	<b>1,583</b>
<b>Сигирлар</b>	<b>27</b>	<b>32</b>	<b>990</b>	<b>26730</b>	<b>31680</b>	<b>1,185</b>
<b>Катта ёпдаги бузоқлар</b>	<b>15</b>	<b>18</b>	<b>1930</b>	<b>8950</b>	<b>34740</b>	<b>1,200</b>
<b>Шу йилда турилган бузоқлар</b>	<b>11</b>	<b>12</b>	<b>550</b>	<b>6050</b>	<b>6600</b>	<b>1,091</b>
<b>Хўқиқизлар</b>	<b>20</b>	<b>24</b>	<b>5</b>	<b>100</b>	<b>120</b>	<b>1,200</b>
<b>Хаммаси</b>	-	-	<b>3485</b>	<b>62070</b>	<b>73520</b>	-

## 20-жадвал

### Маҳсулот бирлигига ем-хашак сарфи

Маҳсулот турлари	Бир ц маҳсулотга ем-хашак сарфи (озуқа бирлигига)		Ҳисобот даврида олинган маҳсулот, ц
	Базис давр	Ҳисобот давр	
Сут	1,3	1,2	27480
Қорамоллар вазинининг ошиши	8,1	7,9	2707
Чўчкалар вазинининг ошиши	7,2	6,8	3207

Юқоридаги жадвалга кўра маҳсулот бирлигига сарфланган ем-хашакнинг умумий индекси:

$$I = \frac{\sum K_1 x q_1}{\sum K_0 x q_1} = \frac{1,2 \times 27840 + 7,9 \times 2707 + 6,8 \times 3207}{1,3 \times 27840 + 8,1 \times 2707 + 7,2 \times 3207} = \frac{76168,9}{80741,1} = \\ = 0,943 \cdot 100 = 94,3 \% дир$$

Демак, ҳисобот давридаги базис йилига нисбатан ем-хашак кам сарфланаб, кўп маҳсулот олинган ёки озуқа бирлигига = 4572,2(80741,1-76168,9) ц. ем-хашак тежалган.

Ем-хашак тайёрлаш ва уларнинг сарфини ҳисобга олиш-

да, айниқса, бир хўжаликнинг ем-хашак базасини иккинчи бир хўжаликнинг ем-хашак базаси билан солиштиришида хўжаликларнинг табиий ва иқтисодий шароити ҳамда молларни боқиши даврларини ҳисобга олмоқ лозим.

### *21-жадвал*

#### *Туман хўжаликларида ем-хашак таркибидағи тўйимли моддага қараб сарф қилиниши*

Озука бирлигига моллар ҳазм қиладиган протеин моддасининг кўп ва охлиги бўйича хўжалик гуруҳи	Гуруҳдаги хўжаликлар сони	Бир центнер сут маҳсулотига сарф бўлган озука бирлиги
80 га қадар	7	2,3
81дан 90 гача	11	1,25
90 дан ошик	4	1,02
Жами	22	Ўртача 1,54

Жадвалдан кўринишича, биринчи гуруҳдаги хўжаликларда сарфланган ем-хашак таркибида тўйимли (протеин) моддаси кам бўлгани учун ем-хашак учинчи гуруҳдаги хўжаликка қараганда икки баробар кўп сарфланган, натижада биринчи гуруҳдаги хўжаликда олинган сутнинг таннархи бошқа гуруҳларнига қараганда 60-65 % юқори бўлган. Демак, ем-хашак таркибида тўйимли модда кўп бўлса, ем-хашак кам сарф қилиниб, кўп ва арzon маҳсулот олинар экан. Шунинг учун хўжаликлар тўйимли моддаларга бой бўлган ем-хашакни кўпроқ етиширишлари ва тайёрлашлари лозим.

Статистика чорвачиликнинг ем-хашак базаси таҳдилида дехқончиликдан олинган ем-хашакнинг кўпайиши ва бу экинлар майдонининг кенгайиб боришига алоҳида аҳамият беради. Чунки, дехқончиликда етиштирилладиган ем-хашак арzon бўлиши билан бирга уларнинг таркибида тўйимли моддалар кўп бўлади. Шунинг учун бу хил ем-хашакнинг ҳосили, ҳосилдорлиги ва турлари тез-тез таҳдил қилиб турилади.

Маҳсулот бирлигига қилинадиган ем-хашак харажатларини таҳдил қилишда, ем-хашак таркибидағи тўйимли моддаларнинг маҳсулотта таъсирини ўрганиш фоят муҳимdir. Ем-хашак таркибидағи тўйимли моддаларнинг маҳсулот кўпайишига таъсирини аниқлаш учун молларга яхши ва тез ҳазм бўладиган моддага бой ем-хашак бериш натижасида маҳсулот ҳажми кўпайиб таннархи арzonлашганлиги гуруҳлаш усули билан таҳдил қилинади. Бу жадвалда ўз аксини топган.

## Қисқача хуосалар

Ем-хашак статистикаси ва режалаштириш тажрибасида ем-хашак иккита белтига, яъни ем-хашак манбалари ва сифат хислатларига қараб туркумланади. Ем-хашак манбалари юзасидан унинг туркумланиши кўйидаги гуруҳлардан иборат бўлади:

- 1) дала алмашлаб экишда стиштириладиган ем-хашак;
- 2) табиий ўсадиган ем-хашак;
- 3) чорва молларига озуқа бўладиган дон экинлари, картошка ва бошқа озиқ-овқат экинлари;
- 4) яйлов хашаклари;
- 5) саноатда етиштириладиган озуқалар (омухта озуқалар ҳам шунга киради);
- 6) қишлоқ хўжалиги берадиган хомашёни ишлатадиган саноат корхоналарининг ва умумий овқатланиши корхоналарининг чиқитлари.

Чорва молларни ем-хашак билан таъминлаш режаларини тузиш ва таъминлаш қўрсаткичларини ҳисоблашда бу манбаларнинг ҳар бирини ўрганиши муҳимдир.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ем-хашак манбаи.
2. Ем-хашак манбаи статистикасининг вазифалари.
3. Ем-хашакларнинг белгиларга қараб бўлиниши.
4. Озуқа турлари.
5. Озуқа динамикасини ўрганиши.

## Асосий адабиётлар

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув кўлланма. - Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси. - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства. - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства, 1985.

## XIV боб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ СТАТИСТИКАСИ

#### XIV.1. Асосий ишлаб чиқарыш фондлари ҳақида түшүнчө ва статистиканинг вазифалари

Қишлоқ хұжалигининг асосий фонди:

1) ишлаб чиқарышга бевосита хизмат қилувчи воситаларға ишлаб чиқарыш бинолари, иншоотлар, ылдым дараҳтзорлар, қишлоқ хұжалиги машиналари, асбоб-ускуналар, қишлоқ хұжалиги инвентарлари, транспорт воситалари, иш хайвонлари ва махсулдор ҳайвонлар өзінде;

2) ишлаб чиқарыш жараёнида бевосита қатнашмайдыган лекин хұжалик ишлаб чиқарыш фаолиятига шароит яратып берадыган воситалар (үй-жой бинолари, маданий-машиний мұасасалар өзінде) ишлаб чиқарышдан ташқары объектлар) га бўлинади.

Қишлоқ хұжалиги асосий фондлари куйидаги гурӯхларга бўлиб ўрганилади:

а) қишлоқ хұжалигига тўғридан-тўғри тааллукли асосий ишлаб чиқарыш фондлари;

б) қишлоқ хұжалигига тўғридан-тўғри тааллукли бўлмаган асосий ишлаб чиқарыш фондлари;

в) ишлаб чиқарышга тааллукли бўлмаган асосий фондлар.

Статистиканинг асосий вазифаси қишлоқ хұжалигини техника воситалари билан борган сари қўпроқ таъмин этиши, ишлаб чиқарыш жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматнаштириш учун зарур шароит яратып бериш, машиналардан фойдаланишга юқори техникавий-иқтисодий қўрсаткичларга эришиш тўғрисида ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат этиб туришдан иборат.

#### XIV.2. Асосий фондларнинг баҳоланиши

Асосий фондларни пулга чақиб ҳисоблаш муайян хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблагнинг миқдори, шунингдек, асосий фондларнинг етиштирилган ўтган қийматни аниқлаш имконини беради. Асосий фондларни пулга чақиб баҳолашнинг тўрт тури бор:

1. Асосий фондларнинг дастлабки ёки бошланғич тўлиқ қиймати. Бунга фонднинг баҳоси, уни куриш ва келтириб ўрнатиш харажатлари ҳам киради;

2. Тўлиқ тикланган қиймати. Бу шу вақтнинг ўзида фондларнинг такрор ишлаб чиқарилган қийматидир. У асосий фондлар қийматидан баҳолаш пайтида белгиланади. Бу қиймат асосий фондлар таркиби ҳақида аниқ хукм юритишга имкон беради;

3. Дастребаки тўлиқ қийматдан эскирган, ейилган қисм қийматни чиқариб ташлагандан қолган баҳоси. Бу асосий фондларнинг тўлиқ тикланган қиймати билан уларнинг эскирган, қиймати ўртасидаги тафовутдир;

4. Тикланган баҳодан эскирган қисм қийматни чиқариб ташлагандан кейинги қиймати. Бу асосий фондларнинг тўлиқ тикланган қиймати билан эскирган қиймати ўртасидаги тафовутдир. Ҳар бир кўрсаткич мустақил икътисодий аҳамиятта эга бўлиб, мавжуд хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради.

Асосий фондларнинг аста-секин эскириши амортизацияга ажратиладиган маблағда ифодасини топади ва унинг ўрни маҳсулот сотишидан келадиган пуллар ҳисобига тўлдирилади.

Амортизацияга ажратиладиган маблағ асосий фондларнинг бутун хизмат муддатида фақат унинг дастребаки ҳамда тикланган қийматигина эмас, балки бутун ишлап давридаги капитал таъмири ва янгилаш ҳаражатларининг ўрнини ҳам қоплаши лозим. Асосий ишлаб чиқариш фондлари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қийматни маҳсулотга қисман ўтказа бориб, таъомила эскиргандан сўнг ҳаракатдаги фонддан чиқариб ташланади. Асосий фондлар қиймати хизмат муддати охирида эскириб чиқарилгандан сўнг тутатиши қиймати деб аталувчи қийматта қўшилади.

Амортизация учун ажратиладиган маблағнинг бир йиллик миқдори қуийидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A = \frac{T + K - L}{M}$$

Бунда:

А - амортизация маблағининг бир йиллик миқдори;

Т - асосий фондлар тўла, дастребаки қиймати;

К - асосий фондларнинг бутун хизмат давомида капитал таъмири учун бўлган сарфлар;

Л - асосий фондларнинг лом баҳосидаги тутатиши қиймати;

М - асосий фондлар хизмат муддати (йиллар сони).

Мисол. Айтайлик қишлоқ хўжалик машиналарининг тўла қиймати 4 мл сўм, уларнинг хизмат муддати 10 йил, бутун хизмат муддати давомида капитал таъмиrlаш учун 700 минг сўм

сарфланади, машиналарнинг тутатиш қиймати 500 минг сўм.

Бунда амортизация учун ажратилган маблағнинг йиллик миқдори қўйидагича бўлади:

$$A = \frac{4000 + 700 - 500}{10} = 420 \text{ минг сўм}$$

Амортизация учун ажратиладиган йиллик маблағ миқдори аниқлангандан кейин амортизация меъёрини белгилаш ҳам осон бўлади, бу кўрсаткич, амортизация маблағларининг асосий фондлар тўла қийматига муносабатини белгилайди.

$$N = \frac{A \times 100}{T} = \frac{420 \times 100}{4000} = 10,5\%$$

Демак, амортизация меъёри бизнинг мисолда 10,5 %га тенгдир.

Хўжаликнинг йиллик ҳисоботида, шунингдек, асосий фондлар балансида келтирилган матъумотлардан асосий фондларнинг ўсиш даражаси, эскириш даражаси, янгилаши ва ишдан чиқсан қисмини аниқлаш мумкин. Бундай ўзгаришлар асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариши деб аталади.

22-жадвалда хўжаликнинг асосий фондлари дастлабки тўлиқ қийматида берилган.

## 22-жадвал

Асосий фондлар гурӯҳи	Асосий фондлар қиймати, сўм		Йил бошига нисбетан йил охиридаги қиймати, %	Тузилмаси, жамият нисбетан %	
	Йил бошида $\Phi_0$	Йил охирида $\Phi_1$		Йил бошида	Йил охирида
Асосий ишлаб чиқарниш (хайвонлардан ташкари)	2140340	2501220	116,8	57,3	60,0
Иш ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа хайвонлар	216968	214793	99,0	5,8	5,2
Ишлаб чиқаришга бевосита қатнашмайдиган фондлар	110096	110096	100,0	3,0	2,6
Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган фондлар	1268154	1342189	105,8	33,9	32,2
Жами	3735858	4168298	111,6	100,0	100,0

$\Phi_0$  ва  $\Phi_1$  асосий фондларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги тўлиқ қиймати;

$K$  ва  $K'$  - асосий фондларнинг эскириши ва сақланиши;

$\Phi$  ва  $\Phi'$  - асосий фондларнинг йил давомида ишлаб чиқаришга киритилган ва чиқиб кетган қиймати;

$K_{\text{а}}$  ва  $K_{\text{о}}$  - асосий фондларнинг янгиланиш ва чиқиб кетиш коэффициенти.

Юқоридаги жадвалдан кўриништча, асосий фондлар йил охирига келиб 432440 (4168298-3735858) сўмга ўсган. Усиш даражаси (коэффициенти) (432440: 3735858)\*100= 12%.

Асосий фондларнинг эскириш даражасини аниқлаш учун, эскирган қисмининг қиймати асосий фондларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қийматига бўлинади. Хўжаликнинг йиллик ҳисоботида кўрсатилишича, асосий фондларнинг эскирган қисм қиймати йил бошига ва йил охирига 74035 сўм бўлган.

Энди асосий фондларнинг эскирган даражаси (коэффициенти) куйидагича бўлади.

$$K_{\text{а}} = \frac{\Phi_4}{\Phi_0} \quad \text{Йил бошига } \frac{74035}{3735858} \times 100 = 1,98\%$$

$$K_{\text{о}} = \frac{\Phi_3}{\Phi_0} \quad \text{Йил охирига } \frac{71145}{4168298} \times 100 = 1,78\%$$

Хўжаликда асосий фондларнинг эскириш коэффициентини тўла ва аниқ белгилаш учун асосий фондларнинг гурӯхлари бўйича эскирган қисмларни аниқлаш лозим.

Асосий фондларнинг (сақланиш) яроқдиллик коэффициентини аниқлаш учун уни бошлангич қийматидан эскирган қисм қийматни чиқариб ташлаб, қолдиқ қиймати тўлиқ бошлангич қийматига бўлинади. Бизнинг мисолда асосий фонднинг қолдиқ баҳоси

$$\text{Йил бошига } (3735858-71145) = 3661823 \text{ сўм}$$

$$\text{Йил охирига } (4168298-71145) = 4094263 \text{ сўм}$$

Асосий фондларнинг сақланиш коэффициенти

$$\text{Йил охирига } \frac{3664713}{3735858} \times 100 = 98\%$$

$$\text{Йил охирига } \frac{4097253}{4168298} \times 100 = 98,2\% \text{ ни ташкил этади.}$$

Асосий фондларнинг янгиланган қисми коэффициентини ҳисоблаш учун янгидан олинган асосий фондлар қиймати бошлангич қиймат бўйича асосий фондларнинг йил охиридаги қийматига бўлинади. Йил давомида 80000 сўмлик янги машиналар сотиб олинган бўлса, асосий фондларнинг воситаларини янгилаш коэффициенти

$$K_s = \frac{\Phi_s}{\Phi_0} = \text{Йил охирига } \frac{80000}{4168298} \times 100 = 1,92\% \text{ дда иборат бўлади}$$

Асосий фондлар тамомила эскириб ҳисобдан чиқариб юборилган қисми коэффициентини аниқлаш учун йил давомида баъзи бир сабабларга кўра асосий фондлар таркибидан чиқиб кетган қисм қиймати барча асосий фондларнинг йил бошидаги қийматига бўлинади. Агар асосий таркибидан ҳар хил сабабларга кўра 50000 сўмлик машиналар чиқиб кетган бўлса, чиқиб кетган қисм коэффициенти.

$$K_s = \frac{\Phi_s}{\Phi_0} = \frac{50000}{3735858} \times 100 = 1,34\% \text{ бўлади.}$$

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқириш кўрсаткичлари эскирган ва янгиланган қисмлар даражаси асосий фондлар гурӯҳлари бўйича ҳисоблансанса, янада яхшироқ бўларди.

Хўжаликда асосий фондлардан фойдаланиш самараదорлиги меҳнатнинг, (ишчи кучларининг) фондлар билан қуролланганлиқ ва хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланганини ҳисоблаб бориш мухим ишлар. Бунинг учун куйидагилар амалга оширилади:

1) Хўжаликда асосий фондлардан фойдаланиш самараదорлигини аниқлаш учун йил давомида олинган соф даромад ёки ялпи маҳсулот қиймати асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига бўлинади ва 100 ёки 1000 га кўпайтирилиб, ҳар 100 ёки 1000 сўмлик маҳсулотга тўғри келган асосий фондлар қиймати топилади.

2) Ишчи кучларининг (меҳнатнинг) асосий фонд билан қуролланганлигини аниқлаш учун асосий фондларнинг ўртacha қиймати ишчиларнинг ўртacha сони ёки киши-кунларига бўлинади. Айтайлик, одамларнинг ўртacha сони 1005 киши бўлса, уларнинг асосий фонд билан қуролланганлиги  $((3735858+4168298):1005):2=3932,4$  сўмга teng бўлади;

3) Хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланганлигини ҳисоблаш учун асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha қийматни хўжаликнинг ер майдонига бўлиб 100 га кўпайтирилади, натижада ҳар 100 гектарга тўғри келадиган асосий фондларнинг қиймати топилади. Хўжалик ери 5310 га, демак асосий фондларнинг қиймати:  $((3735858+4168298):2):5310*100=744,3$

Асосий фондлар ҳақидаги маълумотлар бошлангич ҳужжатлар, оператив ва бухгалтериянинг ҳисобот дафтари, инвентаризация актлари ҳамда хўжаликларнинг йиллик ҳисобларида кўрсатилган бўлади.

### XIV.3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш статистикаси

Қишлоқ хўжалиги статистикаси қишлоқ хўжалигинин асосий фондларини чукур ўрганиш билан бир қаторда, асосий фонднинг муҳим қисми бўлган меҳнат воситаларига алоҳида аҳамият берилб, унинг таркиби, динамикаси ва улардан хўжаликларда фойдаланишини синчиқлаб кузатиб боради.

Меҳнат воситалари ёки бошқача айтганда қишлоқ хўжалиги жиҳозлари энергетика ва ишлаб чиқариши жиҳозларига бўлиниди. Қишлоқ хўжалигининг энергетика жиҳозлари ҳам ўз навбатида икки асосий гурухда бўлинади: 1) двигателлар; 2)иш ҳайвонлари. Энергетика жиҳозларининг муҳим қисми двигателларда. Двигателлар бирламчи ва иккиласмчи двигателлардан иборат.

Бирламчи двигателлар табиий ресурслар (нефт, қўумир, газ, сув, шамол, қуёш нури) қувватидан фойдаланиб, уларни меҳнат қувватига айлантиради.

Ҳамма бирламчи двигателлар энергия манбаига кўра ёқилғи, сув ва шамол ёрдамида ҳаракатта киради. Ёқилғи ёрдамида ҳаракатта киравчи двигателлар пар двигателлари (локомобиллар, пар машинаси, пар трубиналари) ва ички ёнилғи двигателлар (автомобиллар, тракторлар, комбайнлар ва ҳ.к.лар) дир.

Иккинчи двигателлар энергияни иккинчи бир турга айлантиради, механик энергияни электр энергиясига ёки электр энергиясини механик энергияга айлантиради. Бунга электромоторлар, электрогенераторлар киради. Бир от кучи 75 кг м/с га тенг, яъни 75 кг юкни бир секундда бир метр баландликка кўтариш учун зарур қувватдир.

Иккиласмчи двигателлар қуввати киловатт ёки киловатт ампер билан ўтчанади.

Двигателнинг квт ифодаланган қуввати 1,36 коэффициент ёрдамида от кучига айлантирилади.

Иш ҳайвонларининг қуввати от кучига (о.к.) тенглаб ҳисобланади. От ва түянинг тортиш қуввати халқ хўжалиги ҳисобида шартли қилиб 0,75 от кучи (о.к.)га, хўқизнинг тортиш қуввати 0,5 о.к. га тенгдир. Айрим хўжаликларда иш ҳайвонларининг тортиш қувватини механик от кучи қувватига айлантириб, шунинг коэффициентини аниқроқ белгилаш мумкин. Бунинг учун кўйидаги формула ишлатилади.

$$N = \frac{P \times V \times K}{75}$$

Бунда N-ҳайвоннинг механик от кучи кувватига айлантирилган тортиш куввати;

P- ҳайвоннинг ўртача вазни;

V- юриш тезлиги;

K- тортиш кучининг коэффициенти.

Тирик от кучини механик от кучига айлантириш коэффициентини ҳисоблашнинг қуйидаги мисолида кўрамиз:

Хўжаликда отнинг ўртача тирик вазни 390 кг, унинг вазнига нисбатан тортиш куввати 14% ни ташкил қилади (коэффициенти 0,14), иш вақтида ўртача бир соатда юриш тезлиги 4 см ёки 1,1 м/с (1с да 1,1м юради). Буни формулага солиб ишласак:

$$N = \frac{P \times V \times K}{75} = \frac{390 \times 1,1 \times 0,14}{75} = 0,8 \text{ о.к. (от кучи) бўлади.}$$

Хўжаликдаги энергетика кувватининг умумхажмини аниқлаш учун ҳамма двигателлар (тракторлар, комбайнлар, юк ташиш машиналари, енгил машиналар ва бошқа механик двигателлар) нинг электр энергияси муштарак бирликка, яъни от кучига айлантирилиб жамланади. Шу тариқа жамланган кувват хўжаликнинг умум энергетик куввати деб аталади.

Мисол: Хўжаликдаги ҳамма тракторлар ва автомобилларнинг куввати 2450 от кучига тенг. Электр двигателларнинг куввати 500 квт, бундан ташқари хўжаликда 26 та от ва 14 та сўқиз ишлайди. Уларнинг умумий кувватини хўжалик бўйича сўйидагича ишлаб чиқамиз.

1. Энергетик жиҳозларнинг куввати (о.к. ҳисобида):

а) тракторлар ва автомобиллар 2450

б) электр двигателлари (500\*1,36) ..... 680

Энергетик жиҳозларнинг жами куввати 3130 о.к.

2. Иш ҳайвонларининг тортиш куввати (от кучи ҳисобида)

а) отлар (26\*0,75) 19,5 о.к.га ;

б) хўқизлар (14\*0,5) 7,0 о.к. га баробар.

Иш ҳайвонларининг тортиш куввати 26,5 о.к. га барорадир. Демак, хўжаликдаги барча энергетик жиҳозлар ва иш ҳайвонларининг умумий энергетик куввати (3130+26,5) 3156,5 о.к. га тенг экан.

Шуни айтиб ўтиш керакки, хўжаликларда иккиласмчи двигателларни (айтайлик, электр-генераторларини) ҳаракатлантирувчи бирламчи двигателларнинг куввати умумий кувватдан ишқарib ташланади. Чунки, барча энергия ресурслари жамлаб қисбланганида иккиласмчи двигателларга хизмат қилувчи дви-

гателар қуввати ҳам энергетиканнг умумий қувватлари жамига қўшилади. Электр-генераторларини таъминлаб турадиган бирламчи двигателнинг қуввати чиқариб ташланиб (3156,5-65,5) энергетик жиҳозларнинг умумий қуввати 3091 от кучига тенг бўлади.

Хўжаликнинг ҳамма энергетик қувватини тўла аниқлаш учун, энергетик жиҳозларнинг умумий энергетик қувватига хўжаликда технология мақсадларида ишлатилаётган электр аппаратлари (иссиқхона, жўжахона ва ҳ.к.ларни иситиш, ишлаб чиқариш бинояларини ёритиш учун ишлатиладиган) қуввати ҳам қўшилади. Хўжаликларнинг энергетика қуввати билан таъминланиши ва меҳнатнинг ёки ишчиларнинг энергетика қуввати билан куролланниши аниқлаш ва таърифлаш учун статистика нисбий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг энергетика қуввати билан таъминланганлигини аниқлаш учун хўжаликдаги ҳамма энергетика ресурслари қуввати йигиндиси қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдони ҳажмига бўлинади. Хўжалик энергетика потенциали имконияти деб аталадиган бу кўрсаткич хўжаликнинг ишлаб чиқариш имконияти қандай эканлигини ифодалайди. Агар бу кўрсаткични 100 га кўпайтирсак, ҳар бир 100 гектар яроқли ерга тўгри келадиган энергетика қуввати аниқланиб, хўжаликнинг ҳақиқий энергетик қуввати ва ишлаб чиқариш имконияти равшан бўлади.

Хўжаликнинг энергетика қуввати билан таъминланганлиги:

(Хўжаликдаги жами энергетика қуввати)/(қишлоқ хўжалигига яроқли жами ер майдони)

Хўжаликда ишчиларнинг ёки меҳнатнинг энергетика қуввати билан куролланниши даражасини аниқлаш учун жами энергетика қуввати ишчиларнинг йиллик ўртача сонига бўлинади. Меҳнатнинг энергетика қуввати билан куролланганлигини аниқлаш учун эса жами энергетика қуввати киши-кунларга бўлинади.

Меҳнатнинг энергетика билан куролланганлиги = (ишлаб чиқаришдаги ҳамма энергетика қуввати (о.к. ёки кВт ҳисобида))/(ишлаб чиқаришдаги умуммеҳнат харажатлари (киши-кун ҳисобида))

Бундан ташқари статистика хўжаликни механизациялаш ва электрлаштириш коэффициентларини ҳам аниқлайди. Бунинг учун механик ва электрик двигателлар ҳамда аппаратларнинг қуввати хўжаликдаги барча энергия ресурсларининг умумқувватига бўлинади.

Ишлаб чиқариш қувватлари. Хўжаликдаги дехқончилик

ва чорвачиликка ишлатиладиган ҳар хил машиналар қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларидир. Улар ишлатилишига қараб, уч қисмга бўлиниади:

1) дехқончиликда кўлланиладиган иш машиналари ва жиҳозлари: ерларни ҳайдайдиган, юмшатадиган, ерга гўнг ташлайдиган, уруғлик сепадиган, экадиган, экинларни, ўтларни ўриб, йигиб-териб оладиган машиналар, турли ҳашоратларга қарши дори сепадиган аппаратлар ва машиналар;

2) чорвачиликда иш машиналари ва жиҳозлари: чорва молларига ем-харакат тайёрлайдиган, харакат майдалайдиган, молларга ем-харакат етказиб берадиган, жун қирқадиган, сут софадиган агрегатлар, инкубаторлар, совуткичлар ва ҳ.к.;

3) умумхўжалик ишларига мўлжалланган машиналар ва жиҳозлар: телефон коммутаторлари, радио узеллар, ўт ўчириш машиналари ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги жиҳозларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, меҳнатни энергетика қуввати билан тўла қуроллантириш, хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш устидан назорат қилиб бориш қишлоқ хўжалиги статистикасининг муҳим вазифасидир. Статистика қишлоқ хўжалиги жиҳозлари сони, таркибини аниқлайди, жиҳозларнинг қуввати ва ҳолатини ўрганади, муайян вақтларда жиҳозлардан фойдаланишини аниқлайди, жиҳозларнинг қуввати ва ҳажмини ўтчайди, таҳлил килади ва улардан унумлироқ фойдаланиш манбаларини топишга ёрдам беради.

Хўжаликнинг трактор парки мисолида тракторларнинг умумий сони ва жисмоний ҳажминигина кўрсатиб, тавсифлаб бўлмайди. Негаки, хўжаликнинг трактор парки ҳар хил қувватга эга бўлган тракторлардан иборат бўлади. Шунинг учун трактор паркининг қуввати ҳамма тракторларнинг умум тортиш қуввати билан ўлчанади, ўртача кўрсаткичи эса, бир от кучи ёки шартли этalon тракторга тентглаб ҳисобланади.

Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, хўжалиқдаги тракторлар (комбайнлар, пахта териш машиналари, автомобиллар ҳам) бир даражада сақланиб турмайди-янгилари сотиб олиниди, эскилари синади, ҳисобдан бутунлай чиқарилади. Шунга кўра трактор паркининг ҳақиқий аҳволини аниқ тасвиirlаб бериш учун авво тракторларнинг рўйхатдаги йиллик ўртача сони аниқланади. Йиллик ўртача сони тракторларнинг хўжалик ҳисобида тутган кунларини (трактор-кун) йилдаги кунлар сони (365) га бўлиб аниқланади. Тракторлар (комбайнлар, пахта териш машиналари) нинг мавсумдаги ўртача сони уларнинг мавсумда мавжуд кунларини мавсум ичидаги кунлар сонига бўлиб аниқланади.

ланади. Ана шу тариқа тракторларнинг ўртача йиллик жисмо ний ҳажми келиб чиқади. Тракторларнинг ўртача йиллик физик ҳажми  $1465/365=4$  та бўлган.

Тракторлар сони	Хўжаликда тракторлар бўлган кунлар
1	365
2	365
3	365
4	210
5	160
Жами	1465

Шуни эсда тутиш жоизки, трактор паркининг физик ҳажмини аниқлашда бу усул хўжаликда тракторларнинг келган кетган кунлари аниқ маълум бўлган тақдирдагина қўлланилади. Бошқа механизмлар (пахта териш машиналари, комбайнлар, машиналар ва ҳ.к.) нинг сони ҳам шундай аниқланади. Хўжаликда шу тариқа аниқланган механизмлар куввати жамланиб, ҳосил қилинган маълумот асосида хўжаликнинг механизмлар билан таъмин этилганлик даражаси, ишчи кучи ва меҳнатнинг механизмлар билан қуролланганлик даражасини аниқлаш қийин эмас. Хўжаликнинг куввати билан таъминланиш даражасини аниқлаш учун механизмларнинг умумий куввати (от кучи ифодасида) хўжаликнинг яроқли ер майдони ҳажмига бўлинади ва шу тариқа 1 га майдонга тўғри келадиган механизмлар куввати аниқланади. Ишчи кучининг механизацияланishi даражасини, яъни механизмлар куввати билан қуролланганлигини ҳисоблаш учун барча машиналарнинг о.к. ифодасидаги умумкуввати ишчиларнинг ўртача сонига бўлинади; жами машиналарнинг умумкуввати киши-соат, ёки киши-кунларига бўлинади, меҳнатнинг механизмлар куввати билан қуролланганлик даражаси аниқланади.

Хўжаликда тракторлардан (бошқа машиналардан ҳам) фойдаланишини таҳлил қилиш учун аввало тракторларнинг иш муддати ҳамда улар бажарган иш ҳажми аниқланади. Тракторларнинг иш муддатига тракторларнинг йил ичида ишлаган сатлари, кунлари, сменалари (неча смена ишлаганлиги) киради.

Тракторлар бажарган иш ҳажмини аниқлаш жуда муҳим дир. Чунки, ҳар бир маркадаги ҳар бир шартли тракторнинг бир йил ичида, мавсум давомида ва бир кунда қилган ўрта ҳисобдаги иши тракторлардан қандай фойдаланилаётганини равшан кўрсатиб берадиган муҳим кўрсаткичdir. Тракторлар ҳар хил ишларни бажаради: ер ҳайдайди, уруғ экади, культивация қила-

ди, пичан ўради, ҳосил йигади, юк ташыйди ва ҳ.к. Бас шундай жан, улар қылган ҳамма ишларнинг умумий кўрсаткичи бўлиши керак, бунинг учун эса умумий бир ўлчов талааб қилинади. Шартли бир гектар ана шундай муштарақ бирлиқдир. Қилинганд ҳамма ишлар тегишли коэффициентлар ёрдамида шартли эталон гектарга айлантирилади.

Бир йил ичиди бир тракторга тўғри келадиган ишларнинг ўртача ҳажмини аниқлаш учун йил мобайнида қилинганд ишларни шартли эталон гектар хисобидаги умумий ҳажми рўйхатлаги тракторларнинг (алоҳида маркалари бўйича ёки ялпи ҳамма маркалари бўйича) эталонга айлантирилган йиллик ўртача юнга бўлинади.

Шартли мисол. Хўжалик шартли эталон тракторларнинг йиллик ўртача сони 20 та. Бу тракторлар қўйидаги жадвалда сўрсатилган ишларни бажарган.

Рўйхатдаги шартли ўртача бир тракторга тўғри келадиган ши ҳажми  $1140,5/20 = 55,7$  шартли эталон гектардир.

Тракторлар тортиш қувватига қараб, шартли эталон, ишларига қараб, эталон гектар билан хисобланади. Бир гектар ер ҳайдашга муносиб иш ҳажми олинади.

Эталон шартлар (шартли эталон гектар ер ҳайдалганда упроқни қоршиғи 0,5 кг см<sup>2</sup>, чукурлиги 20-22 см, агрегат дракат тезлиги I соатда 5км, ер текис, шакли тўғри бурчак ўлиши ва ҳ.к.) кўзда тутилади. Мазкур шартларга риоя қилиниб, ҳайдалган бир гектар шартли эталон гектар бўлади.

### 23-жадвал

#### Хўжаликда тракторлар бажарган ишлар

Қилинганд ишлар (масофа узунлиғи 600м, рельеф нишоби 50 гача)	Эталон гектарга айлантириш коэффициенти	Бажарилган иш	
		Физикавий бирлиқда	Шартли эталон гектарда
Мола босиш	0,085	25300 га	2150,5
Дон экши	0,22	5600 га	1232,0
Қатор ораларини культивация ғилиш ва ўйт сепиш	0,26	7800 га	2028,0
Ликита ўрим машинасини улаб алла ўриш	0,13	5300 га	689,0
Зкм келадиган жойда яхши, сурук йўл босиб, механизм билан ўртиб сисло талишил ёопка ишлар	0,05	10500 га	525,0 4516,0
<b>Жами</b>			<b>11140,5</b>

Смена вақтининг бир соатида 1 шартли гектар эталон серни ишлаган трактор шартли эталон бўлади. Қуйида тракторларни шартли эталон тракторларга айлантириш коэффициентлари орқали келтирилади. Бу коэффициентларни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасдиқлайди.

Тракторлар, терим машиналари (комбайнлар) ва автомобилларнинг сони ва шу паркнинг аҳволига доир маълумотлар шу механизмлар динамикасининг, сони ва техникавий аҳволини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ҳамда тур ва маркалари бўйича уларнинг таркибини тавсифловчи кўрсаткичлар асосида таҳдил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш тўғрисидаги маълумотларни таҳдил қилишда деҳқончилик ва чорвачиликдаги айрим ишларни механизациялаштириш даражаси кўрсаткичлари алоҳида ўрганилади. Деҳқончиликдаги бундай кўрсаткичлар ҳайдаш, экиш, чопиш, терим ва бошқа дала ишларнинг машиналар ёрдамида бажарилиш жараёнидир. Бу жараён механизмлар воситасида кичик иш ҳажмининг қилинган бутун иш ҳажмига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Экин турлари бўйича ишларни механизациялаш кўрсаткичини аниқлаш учун, экин бўйича машина ёрдамида бажарилган иш ҳажми унга сарфланган ҳамма иш ҳажмига бўлинади.

Масалан, хўжаликнинг бир бўлимидаги 180 гектар майдондан пахта териб олинади. Шундан 152 гектари машина ёрдамида терилади.

Бу бригадада пахта теримининг механизациялаштирилган даражаси:

$$152/180 \times 100 = 15200/180 = 84,4\% \text{ бўлади.}$$

Комбайн билан бажарилган ишлар даражаси ҳам худди шу усулда аниқланади. Масалан, хўжаликда 600 гектар бўғдой ўриб олинади, шундан 508 гектари комбайн ёрдамида ўрилди. Бўғдой ўримининг механизациялартирилган даражаси =  $508/600 \times 100 = 84,5\%$  бўлади.

Статистика дала ишларининг ҳамма турлари бўйича уларнинг механизациялаштирилган қисми даражасини кузатиб боради, таҳдил қиласи, ҳайдаш, экиш, культивация, экинларни ийғиб-териб олиш каби ишларнинг механизмлар ёрдамида бажарилиши даражасини аниқлайди.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнлари қайдаражада механизациялаштирилганлиги бу ишларнинг ҳажми ёки экин майдонининг ҳажмига қараб эмас, балки маҳсулот микдори - териб олинган пахта микдори, қазиб олинган кар-

тошқа, ўриб олинган галла ва ҳ.к. миқдори билан аниқланади. Бу ҳолда машина билан терилган (ўрилган, қазиб олинган) маҳсулот миқдори, териб, ўриб, қазиб олинган ялпи маҳсулот миқдорига бўлиниади.

**24-жадвал**

**Кишлоқ хўжалиги тракторларининг смена ва унинг  
бир соати ичидаги бажарадиган этalon иши**

Тракторлар маркаси	Айлантириш коэффициенти	Тракторлар маркаси	Айлантириш коэффициенти
К-700	2,10	МТЗ-52, МТЗ-52Л	0,58
Т-4А	1,45	МТЗ-50, МТЗ-50Л, МТЗ-50ПЛ	0,55
Т-10, Т-10М	1,31	МТЗ-5ЛМ, МТЗ-5МС, МТЗ-7,	
Т-4	1,33	МТЗ-7МС	0,53
ДТ-75	1,10	Т-40А	0,50
ДТ-75, ДТ-54А, ДТ-55, ДТ-55А	0,86	Т-40, Т-28Х3	0,48
Т-54Л, Т-54В, Т-54С	0,69	Т-28	0,30
Т-50В	0,64	ДТ-20	0,27
Т-38М	0,60	Т-16М	0,22
КДП-38, Т-38, КД-35, КДП-35	0,57	Т-16, ДВСШ-16	0,20

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги айрим жараёнларнинг электрлаштирилиш даражасини аниқлаш учун электр кувватидаги бажарадиган бутун иш ҳажмига бўлиниади.

Кишлоқ хўжалигининг дехқончилик тармоғидаги ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштириши даражасини аниқлаш билан бирга чорвачиликдаги бир қанча ишларнинг, чунончи, сигир соғиши, молларга сув, ем-хашпак бериш, биноларни тозалаш, кўйларнинг жунуни кирқиши ва бошқа бир қатор ишларнинг электрлаштириш даражаси ҳам аниқланади.

Шундай қилиб, статистика қишлоқ хўжалигининг икки асосий тармоғи бўлган дехқончилик ва чорвачиликни механизациялаштириш, электрлаштириш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши йўналишларини, айниқса оғир ишларни механизациялаштириш ва электрлаштириш натижасида хўжаликларда меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот таннархи арzonлапиб бораётганлигини кузатиб боради, рақамлар тилида таҳдил қиласди ва бу ишларни янада ривожлантириш манбаларини қидириб топишда ёрдамлашади.

## **Қисқача хуносалар**

Қишлоқ хўжалиги статистикасининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан борган сари кўпроқ таъмин этиш, ишлаб чиқариши жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун зарур шароит яратиб бериш, машиналардан фойдаланишида юқори техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиши тўғрисида ҳукумат қарорларининг бажарилишини назорат қилиб туришдан иборат.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигига асосий фонdlар.
2. Қишлоқ хўжалигига асосий фонdlар статистикасининг вазифалари.
3. Асосий фонdlарни баҳолаш турлари.
4. Экин турлари бўйича ишларни механизациялаш.

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўкув кўлланма. - Т., 2003.
2. Зохидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси. - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства. М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства, 1985.

## XV бөб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИҢ МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ, МЕХНАТ ҮНУМДОРЛIGИ ВА МЕХНАТТА ҲАҚ ТҮЛАШ СТАТИСТИКАСЫ

#### XV.1. Қишлоқ хұжалиги мәхнат ресурслари

Қишлоқ хұжалигидә ер асосий ишлаб чиқариш воситаси дәхқончилик ва чорвачилик маңсулотларини етиштириш манбаидир. Ҳар қандай үсімлик ҳам ерда вужудта келади. Аммо кишиларнинг ҳаёти учун зарур бұлған үсімликларнинг жуда күпі, бизнинг түшүнчамиздаги дәхқончилик ва чорвачилик маңсулотлары кишилар мәхнатининг ҳам самарасидир. Халқ хұжалигининг ҳамма тармоқлари сингари, қишлоқ хұжалигидә ҳам моддий бойлекларни кишилар яратади.

Ишлаб чиқариш воситалари қанчалық юксак ривожланmasин, жонли мәхнат таъсир қылмаса, у воситалар ҳаракатсиз қолаверади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда ишчи кучининг ўрни ғоят каттадир. Статистика фани қишлоқ хұжалигидаги ишчи кучи, мәхнат ресурсларини маҳсус ўрганади. Ишчи кучларининг сони таркиби ва ҳаракатини ўрганиш, иш вақтідан фойдаланишини аниқлаш, мәхнатта ҳақ түлаш тартибини, ҳар хил ходимлар мұхандис-техник ходимлар, хизматчилар, ишчилар ва бошқалар оладиган маошлари даражасини ўрганиш, мәхнат ресурсларидан фойдаланишини яхшилаш ва мәхнат үнумдорлигини ошириш манбаларини қидириб топпиш, мәхнат юзасидан түзилған режаларнинг бажарилишини назорат қилиш статистиканың асосий вазифасидир.

Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарылғандагы ҳусусиятлар қишлоқ хұжалигидә мәхнат статистикасининг ҳам үзиге хослигини талаб қылади. Ҳусусан қишлоқ хұжалигидаги ходимларнинг иш билан бандлігін доимий, вақтінча ва мавсумий иш билан банд ходимлар деб ажратып зарурутты түрілади, мәхнат үнумдорлигининг тұла күрсаткычларини йил охиридагина ҳисоблаб аниқлаш мүмкін бўлади. Чunksi, етиштирилған маңсулотнинг тұла міндерди фақат йил охирида маълум бўлади.

Мәхнат ресурсларини тавсифлайдыган энг мұхим күрсаткыч ходимларнинг рўйхатидир. Бу рўйхатта мәхнат шартномаси бўйича ишга қабул қылинған доимий ва мавсумий ишлайдыган ходимларнинг ҳаммаси киради. Рўйхатдаги ходимларнинг ўрганиладыган давр ичидаги ўртача сони олиб ҳисбланади.

Ходимларнинг ўртача сонини аниқлаш учун ҳар бир календарь кун рўйхатидаги ходимларнинг (масалан, ойлик) сони жамланиб шу ойдаги кунлар сонига бўлинади. Айтайлик, апрель ойининг ҳар бир кунида рўйхатдаги ходимларнинг сонини жамлаганимизда 19520 рақами ҳосил бўлди. Шу рақам апрель ойдаги 30 кунга бўлинса, ходимларнинг рўйхатидаги ўртача сони келиб чиқади:

$$19520 : 30 = 656 \text{ киши}$$

Ходимларнинг ўртача чорак сонини жамлаб ҳосил бўлган рақам 3 га бўлинади. Ходимларнинг бир йиллик ўртача сони ҳам шу усул билан аниқланади: ходимларнинг ҳар ойдаги ўртача рўйхат сони жамланиб, 12 га бўлинади; ходимларнинг ўртача сони ҳар чоракда ҳисобланиб борилган бўлса, чораклардаги ўртача сонлар жамланиб чиқсан сон 4 га бўлинади.

Хўжаликда доимий кадрларга эга бўлиш, ишчи ва хизматчилар ўртасидаги қўнимсизликни тутгатиш меҳнат унумдорлиги ни оширишининг муҳим шартидир. Шунни назарга олиб, хўжалик фаолиятни таҳлил қилишида ишчи кучларнинг ҳаракати синчиқлаб ўрганилади. Бунинг учун ишчи кучларнинг айланмаси ва қўнимсизлиги алоҳида ўрганилади. Ишчи кучларнинг кўлланмаси деганимизда ходимлар сонида ходимларнинг ишдан кетиши ва янги ходимларнинг ишга қабул қилиниши натижасида рўй берадиган ўзгаришларни тушунамиз. Ишдан кетиши турличи бўлиши мумкин: ходимнинг ўз хоҳиши билан кетиши, меҳнат интизомини бузиши сабабли бўшатилиши мумкин ва ҳ.к. Ҳамма ишдан бўшаганлар сони ходимларнинг ўртача рўйхат сонига нисбати ишчи кучларнинг қўнимсизлиги деб аталади.

Ишчи кучлар айланмаси тезлиги ишчи кучлар айланмасининг коэффициенти билан ифодаланади. Ишга қабул қилинганлар коэффициенти уларнинг ўрганилаётган даврда ходимларнинг ўртача сонига нисбати билан, ишдан кетганлар коэффициенти эса ишдан кетганларнинг ўрганилаётган даврда ходимларнинг ўртача сонига нисбати аниқланади. Масалан, хўжаликка йил давомида, 40 киши қабул қилиниб, ходимларнинг рўйхатидаги йиллик ўртача сони 650 та бўлди, янгидан қабул қилинган коэффициенти  $(40*100):650=6,15\%$  бўлади. Ишдан кетиб қолганлар коэффициенти ҳам худди шу тарика аниқланади.

Ишчи кучлардан фойдаланиши кўрсаткичлари иш вақти нинг календарь фонди ҳисобланади. Маълумки, ишчилар дам олиш кунлари ва меҳнат таътили вақтида ишда бўлмайдилар, шунинг учун бу кунлар иш вақтининг календарь фондидан чиқариб ташланса, иш вақтининг максимал иш вақти фонди хо-

сил бўлади. Шундай қилиб, максимал иш вақти фонди (ҳақиқий ишлаган куни) иш вақтининг календарь фондига бўлинса, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси келиб чиқади.

$$\frac{\text{Максимал иш вақти фонди}}{\text{Иш вақтининг календарь фонди}} = \text{Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси}$$

Хўжаликда меҳнат ресурсларига доир барча маълумотлар статистика бошқармасига топширадиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг йиллик ҳисоботларида кўрсатилган бўлади.

## XV.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги каби қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ҳам меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги маълум иш вақти бирлигига (киши-кун, киши-соатда) ишлаб чиқарилган маҳсулоти миқдори ёки миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади. Бу қуидагича ифодаланади:

$$МУ = \frac{\text{Маҳсулот}}{\text{Сарфланган иш вақти}}$$

Меҳнат унумдорлигини тўғри ҳисоблаш учун етиштирилган маҳсулот ҳажми билан шу маҳсулотни етиштириш учун сарфланган иш вақтини аниқ белгилаш керак.

Меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисоблаш учун қуидагиларни билмоқ зарур:

- а) етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг натура ва қиймат ифодасидаги ҳажми;
- б) маҳсулот етиштириш учун сарфланган вақт (киши кун, киши-соат) ҳажми.

Бир киши - кун (бир киши — соат) давомида қанча маҳсулот (дон, пахта, сут, жун ва ҳоказо етиштирилганлигини аниқлаш учун ва маҳсулот бирлигига қанча вақт (киши-кун, киши-соат) сарфланганини билиш учун жамоаларининг йиллик ҳисоботидаги маълумотлардан фойдаланилади. Маълумки, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар йил охирида ҳисобга олинади, шунинг учун меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам йил охирида аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги даражаси натура кўрсаткичи билан ҳисобланганда баъзи бир қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулотларининг бир-бирга яқинлиги ҳам эътиборга олинади.

Масалан, дон ўсимликларининг похоли, сомони, чорвачилика, айтайлик, сигирлар сут бериш билан бирга тугади ҳам, туғилган бузоқларнинг вазни ошиб боради ва ҳ.к. Хўш, энди бу асосий ва бир-бирига яқин маҳсулотлар ўртасида меҳнат харажати қандай тақсимланади? Бунинг учун аввало жами меҳнат сарфлари дехқончилик ва чорвачиликдан олинган ҳар бир турдаги маҳсулотда белгиланган коэффициентлари бўйича бўлиб борилади ёки ҳар бир маҳсулотга унинг сотиш баҳосидаги қиймати бўйича пропорционал тақсим қилинади. Кўйчиликда қорақўл-тери, жун ва семиртириб оширилган вазн шу маҳсулотларни сотиш нархига пропорционал тақсим қилинади.

Мисол. Хўжаликда ўтган йил 14878 дона қорақўл тери тайёрланди, 374,1 ц. жун қирқиб олинди, қуйлар семириб ортирилган жонли вазни 1450ц. Бу маҳсулотларнинг сотиш нархидаги қиймати шу тартибда 267,8 минг сум, 243,2 минг сўм ва 174 минг сўмдир. Бу маҳсулотларни етиштиришда бевосита 208800 киши-соат меҳнат сарф қилинган. Маҳсулот бирлигига бевосита сарф қилинган меҳнат салмоини аниқлаймиз.

1. Қорақўл тери етиштиришдаги меҳнат сарфининг салмоини аниқлаймиз.

$$\frac{267,8}{267,8 + 243,2 + 174,0} = \frac{267,8}{685,0} = 0,391;$$

Жуннинг салмоғи  $(243,2:685,0)=0,355$ ; семириш вазнининг салмоғи  $174,0:685,0=0,254$ .

2. Айрим маҳсулотларга нисбат қилинган меҳнат сарфи:  
а) қорақўл териларга  $-208800 \times 0,391=81640,8$  киши-соат;  
б) дона терига ҳисобланганда-  $81640:14878=5,5$  киши-соат  
бўлади,

б) жун етиштиришга  $-208800 \times 0,355=74124$  киши-соат,  
1 ц жунга ҳисобланади-  $74124:374,1=198$  к/с;  
в) қўйларни семиртиришга  $-208800 \times 0,254=53035,2$  к/с, 1 ц. га ҳисобланганда  $53035,2:1450=36,6$  к/с.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг натура кўрсаткичлари анча содда ва тушунарли. Ундан маълум маҳсулот (пахта, ғалла, жун, сут) етиштиришдаги меҳнат унумдорлигини ўлчашда фойдаланиши мумкин.

Меҳнат унумдорлигини натурада ўлчаш усули айрим корхоналар ёки ишлаб чиқариш шароитлари таҳминан бир хил

бўлган корхоналар гуруҳи бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қўлланилади. Бироқ уларни ҳисоблашда факат маҳсулотнинг турини ишлаб чиқариш учун бевосита сарфланган меҳнат олинади, холос. Аммо умумхўжалик харажатлари ва бошқа харажатлар бу ҳисобга мутлақо киритилмайди.

Қишлоқ хўжалигининг мураккаб тармоқларида меҳнат унумдорлиги даражасини кенгроқ характерлаш учун қиймат кўрсаткичлари қўлланилади. Меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичи хўжаликлар ва хўжалик тармоқлари бўйича меҳнат унумдорлиги даражасини таққослашга ёрдам беради.

Хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариши комплекс механизациялаптириш кенгайиб бориши, агротехника тадбирларидан тобора самарали фойдаланилиши, илфор тажрибалар кенг кўламда жорий қилиниши натижасида меҳнат унумдорлиги ошиб боради.

Статистика меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва динамикасини, унга таъсир қиласидаган омилларни ўрганади, таҳлил қиласиди ва меҳнат унумдорлигини оширишининг манбаларини топишда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ёрдам беради.

### XV.3. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг статистик таҳлили

Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш жараёнида маҳсулот турлари бўйича меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилади, меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган режанинг бажарилиши текшириллади, илфор тажрибалар ўрганилади ва уларни тарғиб қилиш, қолоқ хўжаликларга жорий қилиш йўллари аникланади, меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун зарур тадбирларни амалга оширишда хўжаликларга ёрдам берилади.

Меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган режанинг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилишда индекс усуллари – натурал, меҳнат ва қиймат индекслари қўлланилади.

Меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганишда меҳнат умумининг якка, индивидуал ёки умумий йиғма индекси қўлланилади.

Бўлим, фермер хўжалигининг айрим тур маҳсулотлар етиширишдаги меҳнат унумдорлиги даражасида юз берадиган ўзгаришларни характерлаш утун якка индекслардан фойдаланилади. Якка индекс базис даврида етиширилган маҳсулот бирлигига сарфланган иш вақтини ҳисобот даврида сарф қилинган иш вақтига бўлиб аникланади. Бир неча тур маҳсулот етиширишдаги меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганишда уму-

мий йиғма индекс құлланилади.

Якка ва умумий индекс ёрдамида маҳсулот етиштириш-даги мәхнат унумдорлиги динамикасини аниқлаш формулалари күйидагилардир:

а) алохіда миқдор индекс:

$$i = q_1 T_1 : q_0 T_0$$

б) умумий натурад индекс

$$I = \frac{\sum (\frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0}) T_1}{\sum T_1}$$

Бунда:  $q_1$  ва  $q_0$  -хисобот ва базис йилларида етиштирилген маҳсулот пахта, галла, сут ва х.к. миқдори

$T_1, T_0$ -хисобот ва базис йилларда маҳсулот етиштириш учун бевосита сарфланган мәхнат харажатлари. (киши-күн)

## 25-жадвал

### Хўжаликнинг маҳсулоти ва мәхнат харажатлари

Экиплар	Экипларнинг ялпи ҳосили, ц.		Мәхнат харажатлари, киши-күн	
	Базис давр	Жорий давр	Базис давр	Жорий давр
Дон экинлари	3174,0	3325,5	2837,5	2320,2
Пахта	45415	47084	201150	195682
Картошка	357	900	488,8	930,0

Мәхнат унумдорлигининг натурад индекси ёрдамида ҳисоблап йўлини жадвалдаги шартли мисолида кўрамиз.

Жадвалдаги маълумотлар якка индекс формуласига қўйиб ишланса, мәхнат унумдорлигининг индекси экинлар бўйича күйидагича бўлади:

Дон экини:

$$i = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{3325,5}{2320,2} : \frac{3174}{2837,5} = 1,433 : 1,118 = 1,282 \text{ ёки } 128,2 \%$$

$$\text{Пахта : } i = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{47084}{195682} : \frac{45415}{201150} = 0,241 : 0,226 = 1,06 \text{ ёки } 106 \%$$

$$\text{Картошка : } i = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{900}{930} : \frac{357}{488,8} = 0,967 : 0,73 = 1,324 \text{ ёки } 132,4 \%$$

Бу таҳчиликдан кўриниб турибдики, хўжаликда ҳисобот йиляда базис йилга нисбатан дон маҳсулотининг ялпи ҳосили 151,5 ц. га (3325,5-3174,0) кўпайган, мәхнат харажати эса 517,3 киши-

кунга (2837,5-2320,2) камайган, натижада мөхнат унумдорлиги 28,2% ошган. Демак, доннинг ялни ҳосили асосан мөхнат унумдорлигининг оширилиши ҳисобига кўпайган.

Пахта етиштирища мөхнат унумдорлиги ошганлигидан ҳисобот йилида пахтани базис йилга нисбатан 1669 ц кўпайтириб берган (47084-45415) 6% га ошган картошка етиштирища ҳисобот йилида мөхнат харажати базис йилга қараганда қарийб икки баробар кўп бўлган, аммо шунга яраша ҳосил ҳам икки ярим баравардан зиёдроқ опирилган, демак, ҳосилнинг ошишига бошқа сабаблардан ташқари мөхнат унумдорлигининг 32,4% га ошиши ҳам сабаб бўлган.

Мөхнат унумдорлигининг умумий натурал индекси ёрдамида таҳлил қилиш формуласи бундай:

$$I = \frac{\sum \left( \frac{q_1}{T_1} + \frac{q_0}{T_0} \right) \cdot T_1}{\sum T_1} \text{ ёки бу формулани қисқартириб:}$$

$$I = \frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1} \text{ шаклида ҳам ёзиш мумкин.}$$

Бир қанча маҳсулот (пахта, дон, картошка ва бошқалар) етиштириш учун сарф қилинган мөхнат харажати кўрсаткичлари асосида шу экинларни етиштиришдаги умумий мөхнат унумдорлиги умумий индекс ёрдамида аниқланади.

Хўжаликнинг уч хил маҳсулотини битта қилиб уларни етиштиришдаги мөхнат унумдорлиги таҳлилини умумий индекс формуласига қўйиб кўрамиз.

$$I = \frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1} = \frac{1,282 \cdot 2320,0 + 1,06 \cdot 195682 + 1,324 \cdot 930}{2320,2 + 195682 + 930} = \frac{211628,7}{198932,2} = 1,06 \quad \text{ёки } 106\%$$

Умумий индекс шуни кўрсатдики, дон, пахта ва картошка экинларини етиштирища мөхнат унумдорлиги 6,0 % га кўпайган. Энди мөхнат унумдорлигини мөхнат индекси формуласи ёрдамида таҳлил қилиш йўлини кўрсатамиз:

Мөхнат индексининг

$$\text{Якка индекси : } i = \frac{t_0}{t_1}$$

$$\text{Умумий индекси : } I = \frac{\sum t_0 \cdot q_1}{\sum t_1 \cdot q_1}$$

Бунда:

$i$  - меҳнат унумдорлигининг меҳнат якка индекси.

$t_0$  - базис даврида маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат.

$t_1$  - ҳисобот даврида маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат.

$q_1$  - ҳисобот даврида маҳсулот ҳажми.

Меҳнат унумдорлиги индексини маълумотлар асосида қўйидаги жадвалда аниqlаймиз.

Жадвалдаги маълумотларни меҳнат унумдорлигининг меҳнат индекси формуласига қўйиб ишлаймиз.

Якка индекс бўйича:

Экинлар	Экинларнинг ялпи ҳосили, ц.		Бир центнер маҳсулотга сарфланган меҳнат (киши-кун)	
	Базис даври	Жорий даври	Базис даври	Жорий даври
Дон экинлари	3174,0	3325,5	0,89	0,73
Пахта	45415	47084	4,30	4,27
Картошка	357	900	1,37	1,03
Сабзавот	819	1239	1,29	1,30

$$\text{дон экинлари индекси } i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{0,89}{0,73} = 1,216 \quad \text{ёки} \quad 121,6\%$$

$$\text{пахта индекси } i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{4,30}{4,27} = 1,01 \quad \text{ёки} \quad 101\%$$

$$\text{картошка индекси } i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{1,37}{1,03} = 1,330 \quad \text{ёки} \quad 153\%$$

$$\text{сабзавот экинлари } i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{1,29}{1,30} = 0,992 \quad \text{ёки} \quad 99,2\%$$

Умумий агрегат индекси бўйича :

$$I = \frac{\sum t_0 \cdot q_1}{\sum t_1 \cdot q_1} = \frac{0,89 \cdot 3325,5 + 4,30 \cdot 47084 + 1,37 \cdot 900 + 1,29 \cdot 1239}{0,73 \cdot 3325,5 + 4,27 \cdot 47084 + 1,03 \cdot 900 + 1,30 \cdot 1239} = \frac{2081522}{2060140} = 1,01 \quad 101\%$$

Умумий индекс натижаси шуни кўрсатадики, ҳисобот йи-

лида базис йилига нисбатан дон, пахта, картошка ва сабзавот экинлари етиштиришца меҳнат унумдорлиги 101% бўлган ёки 1% га оғлан. Мазкур индекс асосида иш кунларининг тежалган ёки ортиқча харажат қилинганини аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолда

$$\sum t_0 \cdot q_1 - \sum t_1 \cdot q_0 = 208152,2 - 206014,0 = 2138,2 \text{ киши - кун тежалган.}$$

Меҳнат унумдорлигининг биз юқорида ишлатган натурали ва меҳнат индексларини бир хўжаликнинг ёки табиий ва иқтисодий шароити тенг бўлган бир қанча хўжаликнинг маҳсулот етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлашда қўллаш мумкин. Аммо хўжалик гурӯҳларнинг ер суви, об-хавоси ва иқтисодий шароитлари тенг бўлмаган, бу жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласидан хўжаликларга нисбатан у индексларни қўллаб бўлмайди. Табиий ва иқтисодий шароити тенг бўлмаган хўжаликлар, туман, вилоят ва республикаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сарфланган меҳнат харажатлари ва меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаб, таққослаш учун меҳнат унумдорлигининг қиймат индекси қўлланилади.

Меҳнат унумдорлигининг қиймат индекси формуласи мана бундай бўлади:

$$I = \frac{\sum q_1 \cdot P}{\sum T_1} + \frac{\sum q_0 \cdot P}{\sum T_0},$$

Бунда:  $q_1$  ва  $q_0$  ҳисобот ва базис давридаги маҳсулот ҳажми.

$T_1$  ва  $T_0$  ҳисобот ва базис давридаги меҳнат харажати (киши-кун, киши-соат).

$P$  - маҳсулотнинг икки даврга тааллукли ўзгармас баҳоси.

Бу формуладан фойдаланиш учун маҳсулотларнинг ҳажмини унинг шу йилги баҳоси ёки ўзгармас баҳога кўпайтириб, ялини маҳсулот қиймати топилади, сўнгра бу сон шу маҳсулотларни тайёрлаш учун сарфланган ҳамма меҳнат харажатига (киши кунларига) бўлинади. Шу тариқа маҳсулотларнинг қиймати бўйича меҳнат унумдорлиги аниқланади.

Иш ҳаки фонди режанинг бажарилиши амалдаги иш ҳаки фондини режада белгиланган ҳажми билан ҳақиқий фойдаланиши ўргасида тафовут юз берса, бу фарқ ҳодимларнинг режадаги сонини ошириш ёки камайтириши ва режага нисбатан ўртacha иш ҳаки даражасини ошириш ёки камайтириш туфайли содир бўлганилиги аниқланади. Ўртача иш ҳаки меҳнатта ҳак

**тўлашнинг мухим кўрсаткичидир.**

Иш ҳақи фонди режанинг бажаришини таҳтил қилишда барча асосий ходимлар, ишчилар категорияси ходимларининг айrim етакчи касби бўйича иш ҳақининг ўртача кўрсаткичлари хисоблаб чиқилади.

Бу кўрсаткич айrim категория ходимлари ва ишчилар гурӯхига келадиган ўртача иш ҳақини ходимларнинг ўртача сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунда бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақини ҳам, ўртача йиллик иш ҳақини ҳам хисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичларнинг бир неча йиллиги олиб солиштирилса, жамоа ходимларига тўланадиган ўртача меҳнат ҳақининг ўзгариб бориши динамикаси аён бўлади. Ўртача иш ҳақининг йиллар бўйи ўзгариб бориши, яъни динамикаси агре-

гат индекс формуласи ёрдамида аниқланади.

$$I = \frac{\sum X_1 \cdot T_1}{\sum X_0 \cdot T_1}$$

Бунда:  $X_1, X_0$ -хисобот ва базис давридаги ўртача иш ҳаки.  
 $T_1$ -ишчиларнинг хисобот давридаги ўртача сони.

### Қисқача холосалар

Кишилек хўжалигида меҳнат ресурсларини яхши йўлга кўйиш, ходимларнинг иш турлари бўйича банддиллик заруратини аниқлаш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини такомиллаптириши мухим аҳамият касб этади. Қишилек хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етишириши манбаидир. Ҳар қандай ўсимлик ҳам ерда вужудга келади. Аммо кишиларнинг хаёти учун зарур ўсимликларнинг жуда кўпি, бизнинг тушунччамиздаги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кишилар меҳнатининг ҳам самарасидир.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари сингари, қишилек хўжалигида ҳам моддий бойликларни кишилар яратади. Ишлаб чиқариш воситалари қанчалик юксак бўлмасин, жонли меҳнат тарьсири қўймаса, у воситалар ҳаракатсиз қолаверади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарища ишчи кучининг роли foят каттадир. Статистика фани қишилек хўжалигидаги ишчи кучи, меҳнат ресурсларини маҳсус ўрганади. Ишчи кучларининг сони таркиби ва ҳаракатини ўрганиш, иш вақтидан фойдаланиш аниқланади, меҳнатта ҳақ тўлаш тартибини, ҳар хил ходимлар мухандис техник ходимлар, хизматчилар, ишчилар ва бошқалар оладиган маошлиари даражасини ўрганиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишини яхшилашга ва меҳнат унумдорлигини ошириш захираларини қидириб топиш, меҳнат юзасидан тузилган режаларнинг бажарилишини назорат қилиш статистиканинг асосий вазифасидир.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Хўжаликларда меҳнат ресурслари.
2. Ходимларнинг иш билан банддилгини ўрганиш йўллари.
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти.
4. Меҳнат унумдорлиги даражасининг натура кўрсаткичи.
5. Алоҳида индекслардан фойдаланиши.

### Асосий адабиётлар

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси Ўкув кўлланма - Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства, 1985.

## XVI боб

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАННАРХИ СТАТИСТИКАСИ

#### XVI.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи статистикаси

Маҳсулот таннархи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш даги барча харажатларнинг пул ҳисобидаги ифодасидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши ва сотиш жараёнида меҳнат, хомашё материаллари, ёқилғи, электр қуввати сарфланади, тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиради. Пул шаклида ифодаланган ана шу сарфлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи деб аталади.

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш ёки режалаштириш ҳажмини бажариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг умумий микдори ўтган йилги сарфлардан (тамомланган ишлаб чиқариш киймати шаклида ва жорий сарфларидан келгуси йил маҳсулотлари учун бўладиган харожатларни чиқариб ташлаган ҳолда) иборат.

Қишлоқ хўжалигига етиштирилган маҳсулот бирлигинин таннархидан ташқари айрим иш турлари таннархи дехқончиликда бир гектарга, чорвачиликда бир мол түёғига ҳам ҳисобот қилинади. Сарфлар ҳажмига қараб, таннарх ишлаб чиқарип ва тўла таннархга бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш таннархи маълум хўжаликнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча харажатлари ва хўжалик ичидагу маҳсулотларни ташишдаги транспорт харажатларини акс эттиради.

2. Тўла таннарх ишлаб чиқариш харажатларидан ташқари бошқарув, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган (маҳсулотни тайёрлаш пунктига ташиб бориши, бозор тўловлари, товар айланмасини асраш ва ҳ.к.) харажатларни ичига олади. Тўла

танинарх фарқ товар маҳсулотга оиддир.

3. Режада белгиланган ҳажмдаги маҳсулот танинархи.

4. Ҳақынкай танинарх ҳисобот даврида таркиб топган танинархдир. Бу танинарх бухгалтерия дафтарларидағи ёзуалар ва ҳиёблар асосида ҳисоблаб чиқулади, статистика идоралари бу танинархни йиллик ҳисоботлардаги маълумотлар асосида белгилайди.

Барча тармоқлардаги маҳсулот танинархи киши меҳнати арфларидан иборат. Бундай меҳнатнинг бир қисми маҳсулот шлаб чиқаришга бевосита сарфланади ва бу жонли меҳнат деб ғатлади. Меҳнатнинг яна бир қисми шу маҳсулотни ишлаб чиқашда қатнашадиган машина, сарфланадиган материаллар, емашак, уруғлуклардан иборат бўлиб, меҳнатнинг бу қисми ўтган жи моддийлашган меҳнат деб ғатлади. Танинархни ташкил этувчи ҳаражатлар моддий ҳаражатлардан (уруглик, ўғит, ем-хашак қиймати, машина ва инвентарларнинг амортизация қиймати) ва тенхнат ҳаражатларидан (пул билан ифодаланган жонли меҳнат — иш ҳаки, меҳнат таътили пуллари ва ҳ.к. дан) иборат.

Маҳсулот танинархи ширкатлар ишининг асосий сифат ўрсаткичларидан биридир. Маҳсулот бирлигига сарфланадиган ҳаражат камайса, танинарх камаяди. Ҳўжаликнинг иқтисо-иёти юксалади.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари танинархи статистикасининг вазифаси маҳсулот етиширишда меҳнат ва моддий мабағлар ҳаражати тўғрисидаги ҳисобот маълумотларни тўплаш, ларни қайта ишлаб чиқиши ва иқтисодий таҳлил қилишдан борат. Маҳсулот танинархи материалларини таҳлил қилишда аннарх ва рентабеллик даражаси, танинарх юзасидан белгиланан режанинг бажарилиши, танинарх динамикаси, ҳаражатлар арқиби ва ҳ.к. кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиши лозим.

Маҳсулот танинархини камайтириш учун меҳнат унуморлигини ошириш, асосий фонdlардан самарали фойдаланиши ишлек ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, материал сарфларини камайтириши ва ишлаб чиқаришда тежамкорликка қаттиқ риоя қилиши атурдир.

## XVI.2. Маҳсулот танинархининг тизими

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ҳамма маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатлари уч асосий гурухдан ташкил топади:

1) асосий ишлаб чиқариши воситаларининг амортизация жратмалари;

2) хомашё, ёқилғи ва ёрдамчи материаллар уруғлик, ёни-

лғи, ўғит, ем-хашак ва ҳ.к. харажати;

3) қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларига тўланадиган иш ҳақи.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг шу тариқа уч гурухга бўлининиши барча харажатларнинг иқтисодий мазмунига қараб, жонли меҳнат харажатлари билан буюмлашган меҳнат харажатларининг салмоғини белгилаб, соф маҳсулот ҳажмини аниқлашга ёрдам беради.

Маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатлар калькуляция моддалари бўйича гурӯҳларга бўлинади. Бундай гурӯҳларга бўлиш калькуляция ҳисобларини қилиш, маҳсулот таннархининг тузилишини ўрганиш, ҳақиқий харажатлар билан режада кўрсатилган харажатлар ўртасидаги фарқини аниқлаш ва таннархни пасайтириш йўлларини топиш учун зарурдир.

Турли харажатлар маҳсулот таннархига турлича кўшилади.

Бундай қўшилиш таннарх тузилмаси иккига бўлиб ўрганилади:

1) маҳсулотнинг маъдум бир турини етишириш билан боғлиқ ва маҳсулот таннархига батамом кирадиган бевосита харажатлар, масалан, уруғлик, ем-хашак, иш ҳақи ва ҳ.к.

2) маҳсулотнинг бир неча тури ёки барча маҳсулотларни етишириш билан боғлиқ бўлган комплекс бивосита харажатлар.

Бунга маҳсулот таннархига қўймати қисман кирадиган, айтайлик транспорт, таъмиглаш ишхоналарни сақлаш, ҳайвонларини боқиши харажатлари ва ҳ.к. киради. Бу харажатлар битта айrim маҳсулотга юқлатилмай, қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишдаги харажатлар куйидаги калькуляция моддалари бўйича кўрсатилади:

1. Иш ҳақи устамалар, 2. Ёнилғи ва мойлапи материаллар, 3. Уруғлар, 4. Ўғитлар, 5. Асосий фондлар аммартизацияси, 6. Асосий фондларнинг таъмири, 7. Автотранспорт, 8. Бошқа асосий харажатлар, 9. Умумий ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари.

Чорвачилик уруғлклар ва ўғитлар харажатлари йўқ, аммо унда ем-хашак дори-дармон харажатлари бор.

### XVI.3. Маҳсулот таннархининг иқтисодий статистик таҳдили

Маҳсулот таннархини таҳдил қилипда статистиканинг муҳим вазифаси маҳсулот таннархи бўйича режа кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш, таннарх динамикасини кузатиш ва маҳсулот таннархига таъсир қиласидиган омилларни таҳдил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини па-

сайтириш учун манбалар топишда хўжаликларга ёрдам берилади. Маҳсулот таннархининг иқтисодий таҳлилида асосан индекс усули қўлланилади. Агар бир хилдаги маҳсулот, масалан, таннарх юзасидан режада белгиланган кўрсаткичининг бажарилиши ёки динамикасини шу йил кўрсаткичини ўтган йил кўрсаткичи билан таққослаб аниқламоқчи бўлсак, унинг формуласи

$$I = Z_i/Z_0 \text{ шаклда бўлади.}$$

Бунда:  $i$ - алоҳида индекс

$Z_i$ -хисобот йилидаги маҳсулот таннархи

$Z_0$ -базис йилидаги маҳсулот таннархи.

Агар бир эмас, бир қанча маҳсулот таннархини бир йўла битта қилиб аниқламоқчи бўлсак, у холда таннархининг умумий индексидан фойдаланиб қўйидаги формулани ишлатамиз.

$$I = \frac{\sum Z_i \cdot q_p}{\sum Z_p \cdot q_p} \quad \text{ёки} \quad I = \frac{\sum Z_i \cdot q_i}{\sum Z_0 \cdot q_i}$$

Бунда:  $i$ -умумий индекс.

$Z_i$ -хисобот йилидаги маҳсулот таннархи

$Z_0$ -базис йилдаги маҳсулот таннархи.

## **Қисқача хulosалар**

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнида меҳнат, хомашё материаллари, ёқилғи, электр қуввати сарфланади, тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа асосий ишлаб чиқариш фонdlари эскиради. Қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштириш ёки режалаштириш ҳажмини бажариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлариning умумий миқдори ўтган йилги сарфлардан тамомланган ишлаб чиқариш қиймати шаклида ва жорий сарфларидан келгуси йил маҳсулотлари учун бўладиган харажатлар чиқариб ташланишидан иборат. Маҳсулот таннархини камайтириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий фонdlардан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, материал сарфларини камайтириш ва ишлаб чиқаришда тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш зарурдир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи.
2. Маҳсулот таннархининг гуруҳлари.
3. Турли харажатларнинг маҳсулот таннархига қўшилиши.
4. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги харожатлар калькуляцияси.

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма – Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси - Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйства - М., 1990.
4. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства, 1985.

## XVII бөб

### ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

#### XVII.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақида тушунча

Қишлоқ хўжалиги моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган соҳа тармоқлари орасида муҳим ўрин эгаллайди, унинг маҳсулоти хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижасидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти дехқончилик ва чорвачилик тармоқларида етиштирилган маҳсулотлар (фалла, пахта, картошка, сабзавот, мева, сут, жун, тухум, мол, парранда ва бошқа маҳсулот йигиндисидан иборатdir).

Моддий неъматлар яратадиган тармоқларниг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан фарқ килувчи хусусиятларига қўйидагилар киради: қишлоқ хўжалигига иктиносий тақрор ишлаб чиқариш жараёни табии тақрор ишлаб чиқариш жараёни билан қўшилиб кетади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ўзи ривожланувчи, кўпалаовчи тирик биологик организмлар иштирок этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб қатнашади (бошқа тармоқларда ердан майдон, фундамент сифатида фойдаланилди) ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ва бир қатор хусусиятларга эга.

Ердан ташқари барча ишлаб чиқариш воситалари фойдаланиш жараёнида эскиради, ер эса агротехника қоидаларига риоя қилиб фойдаланилса эскирмайди, балки ҳосилдорлиги ошиб боради. Ер кўчмас мулк бўлиб, у фойданинг асосий манбаидир. Бошқа кўргина ишлаб чиқариш воситалари доимий жой билан боғлиқ эмас. Масалан, трактор, комбайн, автомашина ва шу кабиларни турли масофаларга кўчириб, улардан керакли жойда фойдаланиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қишлоқ хўжалик ерлари муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги ерларига ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйлов ва ўтлоқ ерлар киради ва унга хос бўлган хусусиятлар маҳсулот ишлаб чиқаришининг мавсумий бўлишига олиб келади. Агар саноатда бутун йил мобайнида бир текис, тўхтовсиз равишда маҳсулот ишлаб чиқарилса, қишлоқ хўжалигига етиштирилган маҳсулот халқ хўжалигига мавсумий равишда келиб тушади.

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот етиштиришда давлат корхоналари, хўжаликлар билан бир қаторда фермер ва шахсий хўжалиги бўлган кишилар, ишчи ва хизматчилар ҳам иштирок этади.

## XVII.2. Дәхқончилік маңсулотлари статистикаси

Дәхқончилік тармоғи маңсулотларини натурал ҳолида ифодалаша ҳар бир қышлоқ хұжалиғи экинидан йил давомида олинган ялпи ҳосилдан фойдаланилади. Ялпи ҳосил деб, экин майдонига әкілгап экіндан олинган ҳосилнинг умумий ҳажми-га айтиласы. Ҳар бир экин бүйіча ялпи ҳосилнинг умумий ҳажми асосан иккита элементтә, яғни шу экин билан банд бўлган экин майдонининг миқдори ва бир гектар ердан олинган ўртача ҳосилга боғлиқдир.

Қышлоқ хұжалиғи статистикасыда экин майдонлари қуидаги ҳисоб категорияларига бўлинади: уруғ әкілгап майдон, баҳорги ҳосилдор экин майдони, ҳосили ўриб-йигиб олинадиган майдон ва ҳақиқатда ҳосили йиғиштириб олинган экин майдони. Уруғ әкілгап майдон ҳақиқатда қышлоқ хұжалиғи экинларининг уруғи әкілгап майдонлар йиғиндицидан иборатdir. Баҳорги ҳосилдор экин әкиш муддати тутагунгача экинлар билан банд бўлган майдонлардир. Бу майдон таркибига шу йил ҳосили учун ўтган йил кузда әкілгап кузги экинлардан баҳоргача сакланниб қолган майдон, шу йил баҳорида әкілгап баҳорги экинлар майдони ва аввалигі йиғинлардаги кўп йиллик ўтларнинг ўрим майдони киради. Ҳосили йигиб олинадиган майдон ҳосил пишиб етилганда, уни йигиб олиши олдидан аниқланган майдондир. Ҳосили пишиб етилган экинлар айрим ҳолларда об-ҳаво ноқулай келиши сабабли, бир қисми ўриб-йигиб олинмай қолиши мумкин. Шунга кўра ҳақиқатда ҳосили йигиб олинган майдон ҳам аниқланади.

Дәхқончилік статистикасыда экин майдонлари экинларининг турлари бүйіча гуруҳларга бўлиб ўрганилади. Масалан, ғалла ва бошоқли экинлар, экин майдонларини гуруҳларга бўлиб ўрганиш, қышлоқ хұжалиғи корхоналарининг ишлаб чиқариш йўналишини аниқлаш, экин майдонлари тузилишини хисоблаш ва шу каби масалаларни ўрганиш имконини беради.

Иқтисодий статистикада дәхқончилік экинлари бүйіча ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик қўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинганда индекс усулидан фойдаланилади. Ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил индекслари индивидуал ва умумий индексларга бўлинади.

Ҳосилдорликнинг индивидуал индекси алоҳида экин бүйіча ҳосилдорликнинг ўзгаришини нисбий миқдорда ифодалайди ва қуидаги формулада ҳисобланади:

$$i_y = \frac{y_1}{y_0};$$

бу ерда  $i_y$  – экин ҳосилдорлитининг индивидуал индекси,  $Y_1$  ва  $Y_0$  – ҳисобот ва базис йиллари бўйича алоҳида экин ҳосилдорлиги.

Бир турдаги экинлар гурӯҳи бўйича ҳосилдорликнинг ўртача ўзгаришини ўрганиш учун ҳосилдорликнинг ўзгарувчан таркибидаги умумий индекси қўлланилиади. У қўйидаги кўришида бўлади:

$$I_y = \frac{\sum y_1 P_1}{\sum P_1} \div \frac{\sum y_0 P_0}{\sum P_0}$$

Бу ерда  $P_1$  ва  $P_0$  – ҳисобот ва базис йиллари бўйича экин майдонлари.

Бу ўзгарувчан таркибдаги ҳосилдорлик умумий индексининг натижасига иккита омил таъсир этади: биринчиси, шу турдаги алоҳида экинларнинг бевосита ҳосилдорлитининг ўзгариши, иккинчиси, шу турдаги алоҳида экинлар майдони ва тузилмасининг ўзгариши. Агар бу индекс натижасига таъсир этувчи иккинчи омил, яъни экин майдонлари ва унинг тузилма ўзгариши таъсири четлатилса, у ҳолда ҳосилдорликнинг доимий тиркибидаги умумий индекси ҳосил бўлади, унинг формуласи қўйидагича:

$$I_y = \frac{\sum y_1 P_1}{\sum y_0 P_1}$$

Бу индекснинг сурати билан маҳражи орасидаги фарқ  $(\sum y_1 P_1 - \sum y_0 P_1)$  ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ҳосилдорликнинг умумий ўзгариши ҳисобига олинган ялпи ҳосилнинг кўпайиши ёки камайишини кўрсатади.

Агар ўзгарувчан таркибдаги ҳосилдорликнинг умумий индексига таъсир этувчи иккингти омил, яъни экин майдони ва унинг тузилма ўзгариши таъсирини аниqlаш лозим бўлса, у ҳолда ўзгарувчан таркибдаги ҳосилдорлик умумий индекс доимий таркибдаги ҳосилдорлик умумий индексга бўлинади, яъни

$I_y = I_{y_y}$  ўзгарувчан таркибда:  $I_y$  доимий таркибда

Кўшилоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик индексларидан ташқари экинларнинг умумий ҳосили бўйича ялпи ҳосилнинг умумий индекси ҳам ҳисобланади, унинг формуласи қўйидагича:

$$I_{ялпи\ ҳосил} = \frac{\sum Y_1 P_1}{\sum Y_0 P_0}$$

### XVII.3. Чорвачилик маҳсулотлари статистикаси

Чорвачилик маҳсулотининг ҳажми ҳам иккита омил, яъни маҳсулдор ҳайвонлар ва паррандаларнинг бош сони ўзгаришига ҳамда уларнинг маҳсулдорлиги даражасининг ўзгаришига боғлиқдир. Шунга кўра статистика ҳайвонларнинг турлари бўйича бош сонини жинс ва ёши бўйича бўлиниши, уларнинг ҳаракати ва бошқа масалаларни ўрганади.

Чорвачилик маҳсулотларининг натурадл ҳолидаги ҳажм кўрсаткичлари – бу ялпи соғилган сут, ялпи қирқилган жун, жами олинган тухум, етиштирилган мол ва паррандалар (тирик вазндан гўшт) маҳсулоти кабилардир.

Ялпи сут маҳсулоти у ёки бу давр ичида сут олиш учун ажратилган сигир, кўй ва эчкилардан ҳақиқатда соғилган сутларнинг микдоридир. Сигирлардан соғиб олинган сут микдори аниқланганда ҳақиқатда соғиб олинган сутта бузоқлар эмган сут қўшилмаслиги керак. Агар бузоқларга соғиб олинган сутдан ичирилса, у ҳақиқатда соғилган сутдан чиқмаслиги керак.

Ялпи жун маҳсулоти хўжаликдаги қўй, эчки ва туялардан ҳисобот даври ичида ҳақиқатда қирқиб олинган, ювилмаган жун ҳисобида аниқланади.

Етиштирилган мол ва паррандалар маҳсулоти аниқланганда ҳар бир турдаги моллар бўйича ҳисобот даври ичида тугилган молларнинг тирик вазнига ёш молларнинг ўсиб қўшилган вазни ҳамда молларни бокувга қўйиб семиртирганда қўйилган вазнлари қўшилади, кейин ундан шу давр ичида ҳаром ўлган ёш моллар ва ҳаром ўлган бокувдаги молларнинг тирик вазни чиқариб ташланади. Етиштирилган мол ва паррандалар маҳсулотини пода айланмаси жадвали маълумотлари асосида ҳисоблаш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун кўйидагича ҳисоблаш амалга оширилади:

$$\text{Тирик вазндан гўшт маҳсулоти} = (H_1 - H_2) + P + 3 - C + \Pi_B.$$

Бу ерда  $H_1$  ва  $H_2$  – ҳисобот даврининг боши ва охириданги молларнинг тирик вазни,

$P$  – тарқатилган молларнинг тирик вазни,

3 – сўйилган молларнинг тирик вазни,

$C$  – четдан келтирилган молларнинг тирик вазни,

$\Pi_B$  – асосий подадаги катта маҳсулдор моллардан нобуд бўлган ва йўқолгандарнинг тирик вазни.

Мол ва паррандаларни етиштириш маҳсулоти хўжаликлардаги бошлангич ҳисоб маълумотлари ва хўжаликларнинг чорак ёки йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

Чорвачиликда ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинган сут, ҳар бир бош кўйдан ўртача қирқилган жун, ҳар бир бош товуқдан ўртача олинган тухум, бокувдаги молларнинг суткалик ўртача семириши ва шу кабилар маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ҳар бир сигирдан у ёки бу даврда ўртача соғилган сут тегишли даврларда сигирлардан соғиб олинган ялпи сутни шу даврдаги сигирларнинг ўртача бош сонига бўлиш билан аниқланади.

Сигирларнинг ўртача бош сони аниқланганда сут соғишдан четта чиқарилган, яъни гуруҳ усулида бузоқларни эмзиши учун ажратилган сигирлар, бокувга семиртириш учун кўйилган сигирлар бош сони ўртача ҳисобланадиган сигирлар бош сони қаторига кўшилмаслиги лозим. Сигирларнинг ўртача бош сонини тури усуlda ҳисоблаш мумкин.

Ҳар бир кўйдан қирқиб олинган жун йил давомида кирқиб олинган жами қўйлар сонига бўлиши йўли билан аниқланади. Ҳар бир товуқдан олинадиган тухумнинг ўртача сони ҳисобот даври ичидаги товуқлардан олинган жами тухумни шу даврдаги товуқларнинг ўртача бош сонига бўлиши йўли билан топилади.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари бўйича алоҳида ҳисобланган ялпи маҳсулотлар йигиндиндисидан ибораттади.

Дехқончилик ялпи маҳсулотига календарь йилда қишлоқ хўжалиги экинларидан, мева ва бошқа кўп йиллик мевали дарахтлардан олинган ялпи ҳосилнинг қиймати, шу йилда кўп йиллик ёш дарахтларни ўтказиши, ўстириш харажатлари қиймати ва тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг йил охиридаги қолдиқ қиймати билан йил бошидаги қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ (+, -) киради.

Дехқончилик экинлари ялпи ҳосил экинларнинг гуруҳи бўйича: галла экинлари, техникавий экинлар, картошка, сабзавот, полиз экинлари, озуқабоп экинлар ва мева – резаворлар кабилар қийматда аниқланади. Дехқончиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш келаси йил ҳосили учун бажарилган бир қатор ишлар харажатлари қийматидан ташкил топади.

Чорвачилик ялпи маҳсулотига маҳсулдор ҳайвонлар ва паррандалардан хўжалиқда фойдаланиши жараёнида йил давомида олинган сут, жун, тухум, асал ва бошқа маҳсулотларнинг қиймати ва мол ҳамда паррандаларни йил давомида етиштириши маҳсулоти қийматлари киради.

Чорвачилик ялпи маҳсулоти; унинг айрим тармоқлари; қарамолчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик каби-

лар аниқланади. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти фойдаланишишга кўра уч қисмга бўлинади:

- 1) хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланишга;
- 2) ижтимоий ва шахсий истеъмол учун фойдаланишга;
- 3) хўжаликдан ташқарига чиқариладиган ва халқ хўжалиги айланмасига тушадиган маҳсулотларга.

Охирги қисми аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни хомашё билан таъминлашда, шунингдек, давлат манба фондилини ташкил этишда асосий манба ҳисобланади. Ялпи маҳсулотнинг шу қисми қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулотини ташкил этади.

Давлат хўжаликлари бўйича товар маҳсулоти ҳажмига давлатта ишчи ва хизматчиларга сотилган маҳсулотлар ва шунингдек, натурал қарзларни қайтариши киради. Қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулоти йил давомида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида янгидан яратилган қийматdir.

## **Қисқача хulosалар**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш алоҳида аҳамиятта эга. Чунки, бу тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулот саноат корхоналарида яратилган маҳсулотдан фарқ қиласди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини яратишда биологик организмлар ҳам қатнашиб, унда ер, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришда асосий ишлаб чиқариши воситаси ҳисобланади. Ер бошқа ишлаб чиқариши воситалари каби эскириш хусусиятига эга эмас, у агротехник қойдаларига риоя қилинса, яна маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашаверади.

### **Назорат ва муҳокама учун саводлар**

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нималар киради?
2. Чорвачилик маҳсулоти деганда нимани тушунасиз?
3. Қишлоқ хўжалигининг ялпига маҳсулоти.
4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўрсаткичлари.

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма – Т., 2003.
2. Зоҳидов Х. Қишлоқ хўжалик статистикаси. – Т., 1980.
3. Статистика сельского хозяйство М., 1990.

## XVII боб

### ҚУРИЛИШДА ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

#### XVIII.1. Инвестиция түшүнчаси

Инвестиция, деганда иқтисодиётта турли шаклдаги моддий ишлаб чыкарыш ва молиявий активларга бўш турган пул маблагларининг капитал қўйилтаси тушунилади. «Инвестиция» сўзининг ўзи ҳамма турдаги капиталлар, уларга тенглаштирилган қўйилмалар (капитал ҳосил қўлувчи инвестицияларни), истемол (узоқ давр фойдаланадиган предмет ва кўчмас мулкка қўйилмаларни), ишлаб чыкарыш ва ноишлаб чыкариш соҳалари номоддий активлар (интелектуал инвестициялар, мулкчилик хукукий ва шунга ўхшашларни), қимматбаҳо қоғозлар йўналтирилган инвестицияларни (молиявий инвестициялар) билдиради.

Статистиканинг вазифаларига инвестицияларнинг ҳажми, таркиби ва динамикасини характерлаш, инвестиция жараёнарини амалга оширишга йўналтирилган маблағ манбалари ва ўлчамини ўрганиш, фаолиятни амалга ошириш шакллари ва услубларини таҳдил қилиш, инвестициянинг самарадорлигини таҳдил қилиш ва статистика кўрсаткичлари орқали инвестициялар хавф - хатарини баҳолаш кабилар киради.

Статистика объекти сифатида инвестициялар, унинг алоҳида турлари, ҳосил бўлиш манбалари, фойдаланиш йўналишлари, қоплаш шакллари ва муддатлари бир бутун ҳолда ўрганилади.

Статистикада маҳаллий ва хорижий, асосий капитал, айланма маблағлар, яхлит капитал қурилишга, уй-жой, ижтимоий-маданий қурилишга, мулк шакллари бўйича, худудий субъектлар, вазирлик ва бошқармалар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар алоҳида ҳолда ўрганилади.

Шу билан бирга, асосий фондларнинг технологик ва такрор ҳосил қилиниши таркиби, асосий фондларни ва ишлаб чыкариш кувватларини жорий қилиниши ўрганилади ҳамда капитал қурилиш ва қурилиш фаолиятига доир масалалар таҳдил қилинади.

Албаттa, инвестиция статистикаси умумий иқтисодий ўсиш суръатларини уларнинг нисбатлари билан ўзаро боғлиқликда, инвестиция фаолиятининг ижтимоий-иктисодий оқибатларини аниқ замон, макон ва шароитда баҳолашда ўрганади.

#### XVIII.2. Инвестиция статистикаси кўрсаткичлар тизими

Инвестиция фаолиятининг кўрсаткичлар тизимида кали-

тал қўйилмалар ва капитал қурилиш қўрсаткичлари марказий ўринин эгаллайди.

Инвестиция фаолиятинит ҳажмлари, суръатлари, нисбатлари ва ўзаро боғлиқлигини характерловчи қўрсаткичлар тизими қуидаги асосий гурух ва гуруҳчаларга бўлинади:

#### Капитал ҳосил қилувчи инвестициялар

1. Капитал қурилишнинг асосий қўрсаткичлари- асосий фондларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги обьектлар капитал қурилишнинг асосий қўрсаткичлари – асосий фондларни ишлаб чиқаришга жорий қилиши, ишлаб чиқариш қурилишига капитал маблағ қўйилмалари, пудрат ишлари ҳажми.

2. Капитал маблағлар индекслари

3. Капитал маблағларнинг иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларидағи улуши.

4. Капитал маблағларни молиялаштириш манбалари бўйича тақсимлаш.

5. Капитал маблағларнинг иқтисодиёт ва саноат тармоқлари бўйича таркиби.

6. Капитал маблағларнинг ишлаб чиқариш аҳамиятига молик обьектлар бўйича такрор ишлаб чиқариш таркиби.

7. Янги корхоналарни қуриш, ишлаб турганларни кенгайтириш ва қайта қуриш ҳисобига муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиши.

#### Қурилиш фаолияти

1. Қурилиш ташкилотлари сони.

2. Қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган пудрат ишларининг жами, шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича.

3. Пудрат ишлари ҳажми индекслари.

4. Қурилиш ташкилотларининг ихтисослашуви.

5. Қурилиш ташкилотларида ишловчилар сони ва мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши.

6. Турли мулкчилик шаклларининг қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган пудрат ишлари таркиби

7. Қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағлар.

8. Қурилиш ташкилотларидаги машиналарнинг мавжудлиги.

#### Хорижий инвестициялар

1.Хорижий мамлакатлар томонидан, Ўзбекистоннинг ви-

лояллари ва ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларига кири-тилган инвестициялар ҳажми.

2.Ўзбекистон иқтисодиёти салмоқли инвестицияга эга бўл-ган мамлакатлар.

### Молиявий инвестициялар

1. Биржа фонд бозорларидағи фонд қадрияти билан бўла-диган операцияларнинг асосий кўрсаткичлари (фонд қадрият-ларинг ҳамма тури бўйича тузилган битимлар сони, сотиш ай-ланмаси, пул ресурслари).

2. Кисқа муддатли давлат облигациялари (ДҚО) ва фе-дерал заём облигацияларининг(ФЗО) илк бор жойлаштириши асосий кўрсаткичлари- чиқариш, жойлаштириш сотишдан кел-ган даромад ҳажмлари, бюджетта маблағларни жалб қилиш.

3. Корхона ва ташкилотларнинг хорижий мамлакат иқти-содиётига молиявий қўйилмалар ҳажми ва таркиби.

Ҳар бир гурух кўрсаткичларга изоҳ бериб ўтайлик.

Биринчиси - капитал ҳосил қилувчи инвестициялар- капи-тал маблағлар статистикасини ифодалаб, у капитал ҳосил қилувчи инвестициялар, асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш кувватлари-ни жорий этишда ўта катта улушни ташкил этади.

Капитал ҳосил қилувчи инвестициялар ўз ичига қўйидаги кўрсаткичларни олади, капитал маблағлар (асосий капитал инве-стициялар), капитал таъмирлашга сарфлар, ер участкалари ва табиятдан фойдаланиш объектларини сотиб олишига инвестиция-лар, номоддий активларга инвестициялар (патентлар, лицензия-лар, дастурлаш маҳсулотлари, илмий-тадқиқот ав тажриба-кон-струktorлик ишланималар, моддий айланма маблағлар заҳирала-рини тўлдириш учун инвестициялар). Кўрсаткичлар тизими ичи-да асосий ўринни капитал ҳосил қилувчи инвестицияларнинг ҳаж-ми ва таркибини характерловчи капитал маблағлар ташкил қиласди. Капитал маблағларнинг ҳажмига янги курилишга, реконструкци-яга, ишлаб турган саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо ва бошқа корхоналарни кенгайтириш ва техник жихатдан қайта қуроллантиришга сарфланадиган харажатлар, уй-жой ва мада-ний-маиший курилиш харажатлари киради.

Капитал маблағларига ҳамма турдаги курилиши ишларига, ускуналар монтажи, монтажни талаб қилувчи ва талаб қилмай-диган ускуналарни сотиб олиши, ишлаб чиқариш асбоблари ва хўжалик ускуналарини харид қилиши ҳамда бошқа капитал иш-ларига қилинадиган харажатлар киради.

Асосий фонdlарни жорий қилиш кўрсаткичига ишлаб чи-

қариш ва ноишлаб чиқариши аҳамиятига эга бўлган қурилиши тутталланган ва ишлаб чиқаришга киритилаётган корхоналар, бинолар ва қурилмаларнинг қиймати, ишлаб чиқаришга киритилаётган ускуна, машина, ҳамма турдаги транспорт воситаларининг қиймати, асосий фондга киритиладиган асбоб ускуналар ва бошқа предметларнинг қиймати, кўп йиллик кўчатлар қиймати ва бошқалар киради.

Курилиши фаолиятини характерловчи иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар- қурилиш ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мълумотлар, уларнинг ихтисослашуви, пудрат ишларининг ҳажми ва бошқалардан иборат.

Пудрат ишлари қийматига янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуриш ишлари, шунингдек капитал ва таъмирлаш бўйича ишлар ва бошқа пудрат ишлари (ишга туширишга созлаш, маданий техник ва бошқалар) киради.

Учинчи гурухга хорижий инвестициялар ҳақида аҳборот берувчи кўрсаткичлар, яъни хорижий капитал маблағлари, шунингдек республика ҳудудида жойлашган хорижий корхона филиалларига Ўзбекистон юридик шахслари томонидан даромад олиш мақсадида кўйилган капитал киради.

Тўртинчи гурух кўрсаткичлари корхоналарнинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қўйиган узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни тавсифлайди.

### XVIII.3. Инвестиция хатарини баҳолаш

Инвестициялари жараёни ҳар доим капитал кўйишнинг қулай вариантини танлаш билан боғлиқ. Бунда йўқотиш эҳтимолини баҳолаш муҳимдир. У ёки бу муқобил вариантни танлаш ҳали инвестиция аниқ натижага эришилди, дегани эмас. Ҳар қандай вариантда ҳам инвестор мълум даражада таваккал қиласди. Фараз қиласлий, қарздор бўлажак даромаднинг устидан ссуда олди. У ёки бу сабабларга кўра бу даромадлар қарзни узиз учун етарли бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун инвестициялари варианти танланганда хатарнинг у ёки бу даражасини танлашга тўғри келади.

Масалан, банкни оладиган бўлсак, унинг таваккали икки гурухга бўлинади:

1. Ташқи омиллар ёки объектив омиллар. Уларга: мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг ўзгариши, инфляция, солиқ тизимидағи нобарқарорлик, савдо баланси, ишсизлик даражаси, сиёсий нобарқарорлик ва бошқалар киради.

2. Ички омиллар ёки ички таваккал, яъни банкнинг ўзига

боғлиқ бўлган омиллар. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) банк активлари боғлиқ бўлган таваккал- кредитлаш, валюталаш, касса операциялари, лизинг операциялари, молиялаптириш ва инвестиция қилиш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлар;

б) банк пассивлари(қўйилмалари) билан боғлиқ таваккал- даромад операциялари, жалб этилган маблағлар ва бошқалар билан боғлиқ хавф-хатар;

в) банкни бошқариш таваккали- фоиз ставкаларини белгилаш, ликвидлик даражаси банк капиталининг таркиби ва ҳажми, кадрлар таёйлаш ва танлаш, филиаллар ишини ташкил қилиш ва бошқа хавф-хатарлар;

г) молия хизматларига боғлиқ таваккал-операция, технология, инновация, маркетинг, стратегия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит(ички), мансабни сунистемол қилиш, хавфсизлик ва бошқалар билан боғлиқ хавф-хатар.

Шундай қилиб, хавф-хатарнинг тури хилма-хил ва жуда кўп. Шу сабабли ҳам уларни ўрганиш ва олдини олиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб, таваккалчиликни ўрганишнинг турли усуслари яратилган. Таваккалчиқни ўрганишни турли уч гурухга бўлиш мумкин:

- эксперт баҳолаш усули(рейтинг усули ҳам деб юритилади);
- таҳлилий ўрганиш усули;
- статистик усувлар;

Биринчи ва иккинчи туркум усувларнинг қўлланишига тўхталимай, асосий эътиборни статистик усульнинг мазмунини ёритишга қаратамиз.

Мумкин бўлган таваккал ҳажми (масалан, банклар) учун қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$H = \frac{P_1 + P_2 + P_3 + \dots + P_n}{K} * E$$

Бу ерда: Н-мумкин бўлган хавф-хатар ҳажми; Р- асосий хавф-хатарлар ҳажми; К-банкнинг жами капитали; Е- ташки хавф-хатарлар коррективлаш коэффициенти.

Бу кўрсаткич ҳақиқий таваккал миқдори билан тенг бўлмайди ва банк кўриши мумкин бўлган хавф-хатар зарари захира жамғармаси ва хавф-хатар учун ажратма ҳисобидан қопланади.

Хавф-хатар даражасини кутиладиган зарар суммасининг банк шахсий молиявий ресурслар суммасига нисбати билан ҳам аниқ-

лаш мумкин. Бу ҳисобланган кўрсаткич хавф-хатар коэффициенти деб аталади ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_p = \frac{\text{Купилган зарар суммаси}}{\text{шахсий молиявий ресурслар}}$$

Таваккал эҳтимоли баҳолаш усули билан ҳам ўрганилади. Бу усулнинг мазмуни қуйидагича: эҳтимоллар назарияси бўйича биз лойиҳаларни шундай танлаб олишимиз керакки, унга математик кутилишининг энг кўп миқдорий белгилари тўғри келсин. Матъумки, қандайдир бир ҳодисанинг математик кутилиши шу ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли билан мутлақ миқдори кўпайтмасига teng. Масалан, инвестор уч варианти ҳодисага дуч келди. Фараз қўйиллик, биринчи вариант 40 млн. сўм ва фойда олишининг эҳтимоли ( $P$ ) 0,5 га teng. Иккинчи вариантда тегишли равишда- 50; 0,45, учинчи вариантда- 60; 0,35. Бу ердан, биринчи вариант учун кўзланган фойда суммаси- 20 ( $40 \times 0,5$ ) млн. сўмга, иккинчи учун- 22,5; учинчи вариантда- 21,0 млн. сўмга teng. Инвестор учун иккингчи вариант қулигига қўриниб турибди.

Молия хатарини маълум бир эҳтимол орқали ўлчаш ва статистик маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқиши мумкин. Бунда масала у ёки бу ҳодисанинг рўй бериш эҳтимолини аниқлаш ва энг мақбулни танлашга қартилган бўлади. Хатар келтириши мумкин бўлган зарар ҳажмини ҳодисанинг ўртача кутилаётган қиймати, ўртача квадратик четланиши, вариация коэффициенти каби кўрсаткичлар билан характерлаш мумкин.

Ҳодисанинг ўртача кутилаёттан қиймати ҳамма мумкин бўлган натажаларнинг натижалар сони орқали тортиб олинган ўртача арифметигини ҳисоблаш орқали амалга оширилади:

$$\bar{x} = \frac{\sum xf}{\sum f}$$

Лекин, бу ўртача капитал кўйилишининг қандайдир вариантини танлашга имкон бермайди. Чунки, у умумлашган миқдорий характеристикани билдиради ва у белгилар мажмуининг вариацияси ҳақида тўлиқ маълумот бермайди.

Узил-кесил хулоса қилиш учун, вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш лозим. Вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш қуйидаги формула олиб борилади:

$$\text{Үртата квадратик четланиш} - \sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2 f}{\sum f}}$$

$$\text{вариация коэффициенти} - V = \frac{\sigma}{x} \times 100.$$

Бу ерда:  $x$  - белгининг (ҳодисанинг) кутилаётган қиймати;  $\bar{x}$  - белгининг үртата кутилаётган қиймати;  $f$  - учрашиш тезлиги (кузатишлар сони).

Фараз қилайлик, капитал қўйишнинг учта вариантидан бирини танлап зарур бўлсин:

**27-жадвал**

### Капитал қўйилмалар вариантлари

I вариант	II вариант		III вариант	
Олинганд фойданинг миқдори млрд. сўм	Тасодиф лар сони	Олинганд фойданинг миқдори млрд. сўм	Тасодифлар сони	Олинганд фойданинг миқдори млрд. сўм
8.0	17	6.8	8	10.0
12.0	28	8.5	20	12.0
14.0	20	11.0	22	18

Ҳар бир вариант учун ҳодиса белгисининг үртата кутилаётган қийматини, үртата квадратик четланиши ва вариация коэффициентини ҳисоблаймиз:

**28-жадвал**

### I вариант учун вариация кўрсаткичини ҳисоблаш

Ҳодисалар	Фойданинг суммаси, млрд. сўмда ( $x$ )	Тасодифлар сони	$x \cdot f$	$(X - \bar{X})^2 f$
1	8,0	17	136	220,32
2	12,0	28	336	4,48
3	14,0	20	280	115,20
<b>Жами</b>	-	<b>65</b>	<b>752</b>	<b>340,0</b>

### 1. Үртата қиймат тенг:

$$\bar{x} = \frac{\sum xf}{\sum f} = \frac{752}{65} = 11,6 \text{ млрд. сўм}$$

2. Ўртача квадратик четланиши тенг:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2 f}{\sum f}} = \sqrt{\frac{340}{65}} = 2,3$$

3. Вариация коэффициенти:

$$V = \frac{\sigma}{x} \times 100 = \frac{2,3}{11,6} \times 100 = 19,8\%$$

Худди шундай ҳисоблар бошқа қолган вариантилар учун ҳам ҳисобланади. Унинг натижалари жадвалда кўрсатилган.

Учта вариант бўйича олинган натижаларни солиштириб, қўйидаги хуносага келиш мумкин. Буларнинг ичида энг ишончлиси II вариант ҳисобланади, бунда кутилаётган фойданинг миқдори қолган иккита вариантдагига нисбатан кам бўлса ҳам, лекин капитал қўйишнинг хатари кам, яъни бу ҳолатда вариация даражаси (белги қийматининг ўртача катталикдан четланиши), фойданинг суммаси, яъни ўртача квадратик четланишинг қиймати ( $\sigma$ ) ва вариация коэффициенти ( $V$ ) энг пастдир.

Учала вариант учун ҳисобланган вариация кўрсаткичлари

Вариант	$\bar{x}$	$\sigma$	V
I	11.6	2.3	19.8
II	9.3	1.6	17.2
III	12.8	2.9	22.7

Инвестиция таваккалчилигини ўрганишда уларни баҳоланинг чизиқли модели, сценарийлар усули, барқарорликни текширувчи усул, лойиха параметрлари ва иқтисодий меъёrlарни мослаштириши моделлари ва бошқа усулларни кўллаш мумкин. Юқорида санаб ўтилган усуллар махсус фанларда ўрганилади.

## **Қисқача хуосалар**

Капитал қўйилмаларнинг турли йўналишга харажатлари капитал қўйилмалар ҳажмининг асосий фондларга кетган харажатларининг пулдаги ифодасидир. Капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида асосий фонdlарни оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун мўлжалланган молиявий маблағлардир.

Капитал қўйилмаларнинг технологик тизими машина ва ускуналарни (асосий фондларнинг актив қисмини) сотиб олиш хамда қурилиш-монтаж ишларига (асосий фондларнинг пассив қисмига) сарфланадиган харажатлар ўргасидаги ўзаро нисбатни характерлайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инвестиция деганда нимани тушунасиз?
2. Инвестициянинг ўрганиш вазифалари?
3. Капитал ҳосил қўйувчи инвестицияларга нималар киради?
4. Қурилиш фаолиятига кирувчи кўрсаткичлар нима?
5. Молиявий инвестиция қандай гуруҳданади?
6. Инвестиция хатолари қандай танланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қурилиш статистикаси. - Ўқув қўлланма. - Т.: 2003.
2. Шодиев Х., Хамраев М. Молия статистикаси. - Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительства. М., 1998.

## XIX боб

### ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИНГ СТАТИСТИК КҮРСАТКИЧЛАРИ

#### XIX.1. Умумий иқтисодий самарадорлик күрсаткичлари

Ишлаб чиқарип инвестицияларини таҳлил қилишда марказий ўринни муқобил инвестиция лойихалари самарадорлигини баҳолаш ва тақдослаш эгаллайди. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашни бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари асосида олинган маълумотлар асосида, шунингдек, пул оқимларини (кирим ва чиқим) дисконглаш услугларига асосланиб характерлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Маблагларни инвестицияларда хатарни камайтириш учун натижаларнинг ишончлигини ошириш мақсадида таҳлилнинг турли хил услугларида ёндашилади, уларга статистик, иқтисодий-математик услуглар ва бошқалар киради.

Инвестиция самарадорлигининг уёки бу күрсаткичлари тизими ва таҳлил услугларини кўллаш инвестиция жараёнини амалга оширишнинг аниқ шароитларидан келиб чиқади, шунингдек, бу кутилаёттан маблагнинг микдорига, бундай таҳлилни амалга оширмоқчи бўлгандарнинг иқтисодий тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади. Кўпинча инвестиция лойихалари мақбул вариантини танлаб олиш имконияти вужудга келиши учун бир вақтнинг ўзида жуда кўп услублар ва күрсаткичлар тизимларидан фойдаланилади.

Инвестиция самарадорлиги күрсаткичларини ҳисоблаш худуди шундай инвестиция лойихалари бўйича амалда вужудга келган күрсаткичларни тадқиқ қилишга асосланishi керак. Буларга куйидагилар киради: умумий иқтисодий самарадорлик күрсаткичи самарани инвестиция ҳажмига нисбати билан аниқланади:

Халқ хўжалиги бўйича:

$$\mathcal{E}_{\%} = \frac{\Delta M\bar{D}}{\sum IX}$$

иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи бўйича:

$$\mathcal{E}_{map} = \frac{\Delta CM}{\sum IX}$$

алоҳида корхона бўйича:

$$\mathcal{E}_{\text{кор.}} = \frac{\Delta \Phi}{\sum IX}$$

Бу ерда:  $\Delta M\Delta$ - ишлаб чиқарыш миллий даромадининг мутлақ қўшимча ўсиши;  $\Delta CM$ -соғ маҳсулотнинг мутлақ қўшимча ўсиши,  $\Delta \Phi$ - корхона, фирма фойдасининг мутлақ қўшимча ўсиши;  $IX$ - инвестиция ҳажми.

Капитал қўйилмалар ҳиссаси кўрсаткичи инвестиция ҳажмини маҳсулот ёки хизматнинг қўшимча ўсишига нисбати билан ёки қўйидаги формула билан аниқланиши мумкин:

$$K_{\text{хис.}} = \frac{\sum IX}{N} \text{ ёки } \frac{\sum IX}{\Delta q}$$

Бу ерда:  $K_{\text{хис.}}$  - ҳиссали капитал қўйилмалар;  $\Delta_q$  - маҳсулот, иш ёки хизматларнинг мутлақ қўшимча ўсиши;  $N$  - обьектнинг ҳақиқиқий жорий қилинган ишлаб чиқариш куввати.

## XIX.2. Ҳиссали капитал қўйилмаларни ҳисоблаш

Инвестиция самарадорлиги таҳлил қилинганда ҳиссали капитал қўйилмалар даражасига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш муҳим. Бундай омилларга ишлаб турган кувватларнинг ўзгариши, капитал қўйилмаларни такрор ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.

Ҳиссали капитал қўйилмалар алоҳида обьект, ишлаб чиқаришга киритилган кувват, корхона учун аниқланиши мумкин. Шунингдек, улар умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида ишлаб чиқаришнинг бир турига, тармоққа ва ҳоказога... киравчи обьектлар мажмуи учун аниқланиши мумкин. Ҳақиқий ҳиссали капитал қўйилмаларни таҳлили мақсадида уларни лойиҳада кўрсатилган худди шундай кўрсаткич билан таққослаш мумкин. Корхона мажмуи учун ҳиссали капитал қўйилмалар ҳисобини кўриб чиқамиз (дастлабки ахборот қўйидаги жадвалда берилган).

29-жадвал

Курилиш конструкциялари саноати корхоналарида инвестиция

Корхоналар	Инвестиция ҳажми, млрд. сўм	Ҳақиқий йиллик ишлаб чиқариш куввати		Лойиҳа бўйича ҳиссали капитал қўйилмалар. Минг сўм
		Минг тона маҳсулот	млрд. сўм	
I	8.5	10	4.2	80
II	6.9	60	3.6	20
III	15.4	-	7.8	-

### 30-жадвал

#### Хақиқий хиссали капитал күйилмалар ҳисоби қўйидаги жадвалда берилган

Корхоналар	Хақиқий йиллик ишлаб чиқариш куввати		Инвестицияларниң ҳақиқий ҳажми, млрд. сўм	Хиссали капитал күйилмалар, минг сўм		Лойиҳа бўйича инвестиция	Четланиш, минг сўм
	Минг тонна маҳсулот	Млрд. сўм		Ҳажми бўйича	Ҳақиқийси		
A	1	2	3	4	5=3:1	6=1x4	7=5-4
I	100	4,2	8,5	76	85	7,6	9
II	60	3,6	6,9	110	115	6,6	5
Жами	-	7,8	15,4	-	-	14,7	-

Иккала корхона бўйича биргаликда хиссали капитал кўйилмалар йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир минг сўмига қўйидагича тўғри келади.

$$\text{Хақиқий: } K_{\text{хис.хак.}} = \frac{15,4}{7,8} = 1,97 \text{ минг сўм.}$$

Лойиҳа бўйича:

$$K_{\text{вой.хис.}} = \frac{76 \times 100 + 110 \times 60}{7,8} = 1,82 \text{ минг сўм.}$$

Хақиқий хиссали капитал кўйилмалар лойиҳадаги миқдордан йиллик ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳар минг сўмига  $1,97 - 1,82 = 0,15$  минг катталикда фарқ қиласди, бу эса капитал кўйилмалар самарадорлиги пасайланлигини билдиради.

Таҳлил қилиш мақсадида хиссали капитал кўйилмалари ўзгаришини капитал кўйилмалар умумий ҳажмига таъсирини кўрсатиш мумкин. ИХ =  $K_{\text{хис.}} \times N$  энсанлигини ҳисобга олган ҳолда, индекс услугиб асосида ҳар бир омилини таъсирини аниqlаш мумкин, яъни:

$$\Delta IX_N = (N_1 - N_0) \times K_{\text{хис.}}$$

$$\Delta IX_{K_{\text{хис.}}} = N_1 (K_{\text{хис.1}} - K_{\text{хис.0}})$$

бу ерда:  $\Delta IX_N$  - капитал кўйилмаларнинг корхона куввати ўзгариши натижасида мутлақ ўзгариши;  $\Delta IX_{K_{\text{хис.}}}$  - хиссали капитал кўйилмаларининг ўзгариши натижасида капитал кўйилмаларнинг мутлақ ўзгариши;

$N_0, N_1$  - корхонанинг мос равишда лойиҳадаги ва хақиқий йиллик куввати;  $K_{\text{хис.0}}, K_{\text{хис.1}}$  - хиссали капитал кўйилмалар мос

равища ва ҳақиқиғиси. Шундай қилиб, ҳақиқий ҳиссали капитал қўйилмаларни лойиҳадагидан юқори бўлиши натижасида капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг ўсиши 1,32 млрд. сўмни 7,8x (1,97-1,8) ташкил қилди. Якка ҳолдаги ҳиссали капитал маблағлари ва қувватлар таркиби ўзгаришини ( $d_{N_i} = N/\Sigma N$ ) ҳақиқий ўртача ҳиссали капитал қўйилмаларнинг лойиҳадагидан четганиши таъсирини қўйидаги индекслар бўйича аниқлаш мумкин:

$$\frac{\sum K_{\text{исл.1}} d_{N_1}}{\sum K_{\text{исл.0}} d_{N_0}} = \frac{\sum K_{\text{исл.1}} d_{N_1}}{\sum K_{\text{исл.0}} d_{N_1}} \times \frac{\sum K_{\text{исл.0}} d_{N_1}}{\sum K_{\text{исл.0}} d_{N_0}}$$

Келтирилган харажатлар минимуми кўрсаткичи инвестиция лойиҳаси вариантини танлаш учун ишлатилади. Уни капитал қўйилмаларининг солиштирма самарадорлиги кўрсаткичи деб аташади. Келтирилган харажатлар деганда самарадорликнинг ўлчов коэффициенти ёрдамида бир хил йиллик ҳажмига келтирилган жорий харажатлар ва капитал қўйилмалар суммасини тушунамиз. Келтирилган харажатлар энг минимал бўлган инвестиция варианти энг мағбул ҳисобланади.

$$K_x = T_i + C_n \times IX_i$$

Бу ерда:  $K_x$  - келтирилган харажатлар,  $T_i$  -  $i$ - вариантдаги йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи;  $C_n$  - самарадорликнинг меъёрий коэффициенти.

### XIX.3. Капитал қўйилмалар қопланиши муддатини аниқлаш

Ўзини қоплашнинг ҳақиқий муддати маълум бир давр ҳисобланishi мумкин, яъни бу давр мобайнида ҳақиқий олинган фойданинг суммаси инвестиция суммасига tengлашади.

Ўзини қоплаш муддати қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$T_k = T_n + T_r + T_a$$

Бу ерда-  $T_k$  - капитал қўйилмаларнинг муддати;  $T_n$  - ишга туширилган йилда объектнинг ишлаши узунлиги (йилнинг қисмларида). У қўйидаги формула билан аниқланади  $m/12$  ( $m$ -объект ишга туширилган йилдаги ойлар сони);  $T_r$  - қўйилмалар сони;  $T_a$  - қоплаш муддати тугайдиган йилда ишлаши вақти узунлиги. Бўнинг ўзи қўйидаги формула билан аниқланади:

$$T_a = \frac{\sum IX \cdot \sum \Pi_i}{\Pi_n}$$

Бу ерда:  $\Sigma IX$ - инвестициянинг умумий ҳажми;  $\Pi_i$ - объектни ишга туширгандан харажатларни қоплаш тугал-

ланиши йилгача бўлган даврда жамгарилган фойданинг суммаси;

$\Pi_k$ - қоплаш муддати тутайдиган йилдаги фойда миқдори. Қоплаш муддати кўрсаткичи асосида ҳақиқий самарадорлик коэффициенти ҳисобланади.

$$K_{\text{сам.}} = \frac{1}{T}$$

Бу нисбий кўрсаткич бўлиб, капитал қўйилмаларнинг ҳақиқий ўзлаштирилган қисмининг ўртача қандай қисми ҳар йили фойда ҳисобидан қопланишини кўрсатади.

Ҳақиқий қоплаш муддатини ҳисоблаганда инвестициялар ҳажми (капитал қўйилмалар) ва фойда доимий нархларда ифодаланади, чунки бунда нархнинг ўзгариш таъсири бартараф қилинади.

Қоплаш муддатини ҳисоблаш маълумотлари қўйидаги жадвалда берилган.

### 31-жадвал

#### Инвестицияни амалга ошириш варианtlари

Корхоналар	Ишга тушириш вақти	Курилш ва жорий қилиш харажатлари (ИХ), млн.сўм	Лойиҳадаги куввати (маҳсулотнинг йиллик ишлаб чиқ.), минг тона (N)	Ҳиссали капитал қўйилмалар, минг сўм (K <sub>дис.</sub> )
1	30.03.99й	6800	100	68,0
2	30.11.99й	5200	80	65,0
3	28.10.98й	7400	110	67,3

Йиллар бўйича доимий нархларда ҳисобланган фойда қўйидаги жадвал маълумотларида характерланган (млн. сўм).

### 32-жадвал

#### Корхоналарда йиллар бўйича олинган фойда тўғрисидаги маълумотлар (доимий нархларда, млн.сўм)

Йил	1- корхона		2- корхона		3-корхона	
	Бир йиллик фойда	Ўсиб борувчи якуний фойда	Бир йиллик фойда	Ўсиб борувчи якуний фойда	Бир йиллик фойда	Ўсиб борувчи якуний фойда
1998	-	-	-	-	200	200
1999	600	600	500	500	1600	1400
2000	1500	2100	1600	2100	2400	3800
2001	1800	3900	1900	4000	2600	6400
2002	2200	6100	2000	6000	2800	9200
2003	2500	8600	2220	8600	3000	12200

Инвестицияларниң қолланиш мүддатлари:

$$1 - \text{корхонада} : T_K = \frac{9}{12} + 3 + \frac{6800 - 6100}{2500} = 4,03 \text{йил}$$

$$2 - \text{корхонада} : T_K = \frac{1}{12} + 2 + \frac{5200 - 4000}{2000} = 2,68 \text{йил}$$

$$3 - \text{корхонада} : T_K = \frac{2}{12} + 3 + \frac{7400 - 6400}{2800} = 3,824 \text{йил}$$

Ҳақиқий самарадорлик кофициентлари корхона бүйича күйидагича бўлади:

$$1 - \text{корхона} : K_{\text{сам}} = \frac{1}{4,03} = 0,248$$

$$2 - \text{корхона} : K_{\text{сам}} = \frac{1}{2,68} = 0,373$$

$$3 - \text{корхона} : K_{\text{сам}} = \frac{1}{3,524} = 0,284$$

Аниқланган кўрсаткичлар асосида күйидаги холосага келиш мумкин: маблағ қўйишнинг самарали варианти иккинчи корхона-нинг қурилиши бўлиб, унда капитал қўйилмаларининг қолланиши тезроқ амалга ошаётги, ҳиссали капитал маблағлари эса энг кам.

Статистиканинг вазифаларига фақат алоҳида обьектларни барча харажатлар самарадорлигини характерлашнинг ўзигина кирмай, балки бу жараённи уларнинг мажмуй бўйича ҳам амалга ошириш киради.

Самарадорликнинг бундай умумлашган тавсифини капитал қўйилмаларни қоллашнинг ўргача ҳақиқий муддати кўрсаткичи беради ва күйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\bar{T}_k = \frac{\sum T_k N}{\sum N}$$

Бу ерда:  $T$  - алоҳида обьект, корхонанинг капитал қўйилмаларни қоллаш муддати;  $N$  - алоҳида обьектнинг ишлаб чиқариш куввати.

Капитал қўйилмаларнинг ўргача ҳақиқий муддатини қўйидаги формула билан ҳам аниқлаш мумкин:

$$\bar{T}_k = \frac{\sum IX}{\sum \frac{IX}{T_k}} = \frac{\sum IX}{\sum \bar{P}}$$

Бу ерда: IX- корхонадаги капитал қўйилмалар; П- корхона бўйича капитал қўйилмалар қопланиши давридаги ўртacha йиллик фойда.

Биринчи кўрсаткич ўртacha арифметик тортилган формуласи билан хисобланган бўлиб, ў бир турдаги корхоналар гурухи ҳамда маҳсулотнинг умумий ҳажми учун мўлжалланган, иккинчи эса ўртacha гармоник тортилган формуласи бўйича топилган бўлиб, у анча кенг объектлар бўйича ва капитал қўйилмалари нинг умумий ҳажмига мўлжалланган.

Олдинги мисолимизнинг маълумотлари асосида ўртacha қоплаш муддати кўрсаткичлари ҳисобини келтирамиз.

### 33-жадвал

Корхоналар	Қоплаш муддати (йил), $T_k$	Ишлаб чиқариш кувати (минг т.) $N$	$T_k \times N$
1	4,030	100	403,0
2	2,680	80	214,40
3	3,524	110	387,64
Жами	-	290	1005,04

$$\bar{T}_k = \frac{\sum T_k N}{\sum N} = \frac{1005,04}{290} = 3,5 \text{йил}$$

### 34-жадвал

Ўртacha қоплаш муддатининг ҳисоби (иккинчи усул)

Корхоналар	Капитал қўйилмалар, млн. сўм (IX)	Қоплаш муддати йил. ( $T_k$ )	$\sum \frac{IX}{T_k}$
1	6800	4,030	1687,3
2	5200	2,680	1940,3
3	7400	3,524	2099,9
Жами	19400	10,234	5727,5

$$\bar{T}_k = \frac{\sum IX}{\sum \frac{IX}{T_k}} = \frac{19400}{5727,5} = 3,4 \text{йил}$$

## **Қысқача хуросалар**

Қурилишни ривожлантиришда иқтисодий самарадорлик йүлини ошириш, қурилишда самара ва харажатларни ҳисоблашни таъминлайдиган күрсаткичларни аниклаш, қурилишда капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлитини опириш мухим аҳамият касб этади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлари**

1. Инвестиция самарадорлиги кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
2. Ҳиссали капитал қўйилмалар даражасига қандай омиллар таъсир этади?
3. Капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати қандай аникланади?
4. Кохоналарда инвестицияларни қопланиш муддати қай тарзда аникланади?
5. Ҳақиқий самарадорлик коэффициентлари қандай ҳисобланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қурилиш статистикаси. - Ўқув қўлланма Т.: 2003.
2. Шодиев Х., Хамраев М. Молия статистикаси. - Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительства. М., 1998.

## ХХ боб

### ҚУРИЛИШДА ИШЧИ КУЧИ ВА ИШ ВАҚТИ СТАТИСТИКАСИ

#### 20.1. Қурилишда меҳнат ресурсларининг сони ва тузилишини характерлаш

Иш жойларига қараб, ҳамма ходимлар қўйидагича таксимланади:

- асосий ишлаб чиқариш соҳасидагилар;
- ёрдамчи хўжаликлардагилар;
- уларга хизмат кўрсатувчи хўжаликлар.

Кузатувчилар, ишлаб чиқарицида раҳбарлик қўлувчи ва бошқа маҳсус техник-иктисодий билимларни талаб қўлувчи вазифалар; ходимлар-иш юритувчи ҳисоб-китоб, таъминот вазифаларини бажарувчи шахслар; кичик хизматчилар-хоналарни иситиши, йигингтириши ва бошқа ишларни бажарувчилар; қўриқловчи ходимлар-қоровуцлик, ёнғиндан сақловчи ходимлар киради.

Биринчи гурӯхга асосий ишлаб чиқаришда бевосита ва қисман иштирок этувчилар киритилади. Бунга қурилиш-монтаж ишчилари, яъни бино ва иншоотларни тикловчи ишчилар, қурилиш корхоналарининг, КҚБ (капитал қурилиш бўлими) ларининг, КҚБ (капитал қурилиш бошқарма) ларининг раҳбар ходимлари, хизмат кўрсатувчи хўжалик ходимлари ва бошқалар киради.

Иккинчи гурӯхга ёрдамчи хўжалик ходимлари киради. Бу хўжаликлар мустақил балансга эга бўлмаган корхона ҳисобида бўлиб, саноат-қурилиш хомашёларини ишлаб чиқарувчилардир (карьерлар, бетон-қоришиша нукталари, ёроч арраловчи, электр станциялар ва бошқалар).

Учунчи гурӯхга кўп микдордаги хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш хўжаликлари (транспорт корхоналари, йигувчи бошқармалар, лойиха-смета гурӯхлари ва бошқалар) ва ишлаб чиқариш характеристидаги объектлар киради (уй-жой коммунал хўжаликлари, поликлиникалар, клублар, болалар боғчалари ва бошқалар).

Малакали ходимлар ишлаб чиқариш вазифаларига қараб, қўйидаги категорияларга бўлинади: ишчилар- маҳсулот ишлаб чиқарувчи шахслар; техник-муҳандис ходимлар-технологик жараённи тайёрловчи ва бошқа хизматчилар.

Қурилиш статистикаси асосий ўтиборни ходимларга қаратади. Ходимлар таркибини касби ва малакасига қараб ўрганиш

ва уларни ўзгартириш, қурилиш ташкилотларининг иш тартибини режалаштириш ва текшириш ҳамда ишчи кадрларни таёлашда катта ахамият касб этади. Ишчи кадрларнинг касбий ва малака таркибини яратишда илмий-техника тараққиётги бевосита таъсир этади. Ушбу жараённи ўрганиш режалаштиришда зарур бўлиб, ишчилар таркибининг ўсиб етишишидаги муҳим омиллардан биридир.

Ишчилар малакасини статистик ўрганиш уларнинг ўз маҳорат ва билимларини турли ишлаб чиқаришда қай даражада ишлата билиш бўйича зарурый маълумотлар беради. Малака даражасининг статистик ўрни кўрсатмада ходимлар сони ёки уларнинг нисбий микдори шу даражадаги ёки разряддаги ходимлар умумий сонининг тариф турида намоён бўлади.

## XX.2. Қурилишда ходимлар сони ва қурилиш ишлаб чиқарилишининг ишчилар билан таъминланишини статистик ўрганиш

Ходимлар таркибини ўрганиш уларнинг сонини аниқлаш билан узвий боғлиқ. Ходимлар сони қуйидаги категориялар бўйича ажратилади: рўйхатдаги ишчилар сони, ишга келганлар сони, амалда ишлаган ишчилар сони. Охирги икки категория кўпинча ишчилар учун кўлланилади.

Рўйхатдаги ишчилар сонига шу кунгача ва бир неча кунга ишга қабул қилинган ҳамма доимий, вақтингчалик, мавсумий ишчилар киради. Ишчиларнинг рўйхати, уларнинг ишга чиқсан ва ишлаган, ишламаганидан қатъни назар тузилади. Ташкилотда асосий иш жойидан ташқари ишлайдиганлар рўйхат сонига киритилмайди, сабаби ишчилар икки марта ҳисобга олинади.

Ишга келганлар сони ишга чиқсан ходимлар сонини кўрсатади. Амалдаги ишлаган ишчилар сони уларнинг ишга чиқиб ишларини бажарганликларини билдиради. Охирги икки категория орасидаги фарқ, қурилишлардаги кунлик тўхтаб туришлардан дарак беради. Ишлар сони категориялари бўйича ҳисобга ҳар куни табел асосида олиб борилади. Байрам ва дам олиш кунларида эса рўйхатдаги ишчилар сони бир кун олдинги кун ҳисобига тенг қилиб олинади.

Ишчи кучларини ўрганишда ҳар хил малакадаги ишчилар даражасини иш жойи кабилар бўйича солиштириши қизиқарлидир. Ишчиларни бажарадиган вазифаси ва малакаси даражасига қараб, ажратишда комбинацион жадвал ёки матрица чукурроқ тасаввур беради, бундай ажратиш 284 ишчилар мисолида келтирилган.

**35-жадвал**

Корхона ишчиларининг малака ва иш разрядлари бўйича тақсимланиши

Ишчилар разряди	Ишлар разряди						жами
	1	2	3	4	5	6	
1	18						18
2	3	17	11				31
3		10	64	12	1		87
4			8	58	9		75
5			1	13	24		38
6					13	22	35
<b>Жами</b>	<b>21</b>	<b>27</b>	<b>84</b>	<b>83</b>	<b>47</b>	<b>22</b>	<b>284</b>

35-жадвалдаги маълумотларга кўра:

$$R_{ишчилар} = \frac{1 \cdot 18 + 2 \cdot 31 + 3 \cdot 87 + 4 \cdot 75 + 5 \cdot 38 + 6 \cdot 35}{284} = 3,67$$

$$R_{ишчилар} = \frac{1 \cdot 21 + 2 \cdot 27 + 3 \cdot 84 + 4 \cdot 83 + 5 \cdot 47 + 6 \cdot 22}{284} = 3,61$$

Яъни ўртача ишчилар малака даражаси улар бажарадиган ишларининг ўртача даражасидан юқоридир. Уларнинг бажарган иш разрядларининг малакаларига нисбатан юқори салмоғи:

$$\frac{(11+12+9)}{284} \cdot 100 = \frac{33 \cdot 100}{284} = 11,61.$$

Бажарган иш разрядларининг ишчиларга нисбатан қўйи салмоғи:

$$\frac{3+10+8+1+13+13}{284} \cdot 100 = 16,9\%$$

Бажарган ишчиларнинг малакаларига тўгри келмаслигининг ишчиларга нисбатан умумий салмоғи:

$$\frac{33+48}{284} \cdot 100 = 28,5\%$$

Ишчиларнинг малакаси ва бажарган ишларнинг малакасининг умумий нисбатини корреляция ёки корреляция коэффициенти, деб аташ мумкин. Бу кўрсаткичлар натурал сонлар сифатида келтирилган, яъни улар бир каторлашган. Мисолимизда корреляция коэффициенти Спирмен формуласи орқали аниқланган:

$$P = 1 - \frac{6 \sum d}{n(n^2 - 1)} = 0,916$$

Бу ерда  $d$ - ишчилар малакаси даражаси ва бажарган иши орасидаги фарқи;

п- ўхща什 жуфтлар сони.

Корреляция коеффициенти ишчилар малакаси ва улар бажарган ишлар даражасининг қанчалик юқори эканлигини кўрсатади. Ходимлар малакасининг умумий кўринишини ўтгача тариф разрядига қараб, уларнинг касби ва иш жойлари асосида топиш мумкин, яъни

$$R = \frac{\sum R_n}{\sum n}$$

Бу ерда:  $R$ -тариф разряди;

п-ушбу разрядли ходимлари сони.

Ходимларнинг маълум даврдаги сонини аниқлап учун ўтгача рўйхатдаги ходимлар сонидан фойдаланамиз (ой, квартал, йил). Ойлик уртача ходимлар сони қўйидагича аниқланади:

$$C = \frac{\sum C_i}{\sum T_k}$$

Бу ерда:  $C_i$ -ҳар кунги рўйхатдаги ишчилар сони,  
Т<sub>k</sub>-календарь кунлар сони.

Рўйхатдаги ходимлар сони ишга чиққанлар ( $C_{ch}$ ) ва чиқмаганлар сони ( $C_{x}$ ) сонининг йигиндисига тенг бўлгани учун ўт. Рўйхатдаги ходимлар сони қўйидагича бўлади:

$$C = \frac{\sum C_{ch} + C_x}{\sum T_k}$$

Узокроқ давр учун (квартал, йил) ўт. Рўйхатдаги ходимлар сони қўйидагича аниқланади:

$$C_i = \frac{\sum C_i T_i}{\sum T_i}$$

Бу ерда: Т<sub>i</sub>- даврнинг календарь сони.

Иш кучининг узунлигини ҳисоблаш учун корхонада ишланган барча киши/соат сонини ишланган киши/кунлар сонига бўлинади.

### ХХ.3. Иш вақти ҳисоби ва ундан фойдаланиш күрсаткычларини аниклаш

Иш вақти ва ундан фойдаланишин статистик ўрганишда меңнат сарфи ҳисоби зарурдир. Бажарилган меңнат мөкдори түгридан-түгри сарф қилинган иш вақти билан үлчанади. Иш вақти асосан ходимлар категорияси учун күлланилади ва у иш-куни ва иш-соатларида ифодаланади.

Иш-куни энг аввал ходимларнинг ишга чиққан ёки чиқмаганликларини билдиради. Ишга чиқмаган ишчилар сабаблари (навбатдаги дам олиш, касаллик ва бошиқалар) ҳисобга олиб борилади. Ишланган иш куни деб, ходимнинг ишга келиб вазифасини бажариши ёки хизмат сафарида бўлишига айтилади. Ходимнинг ишга келиб, лекин унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вазифасини бажара олмаслиги бекор турган иш кунлари дейилади.

Иш ойи узунлигини ҳисоблаш учун корхонада ишлаган барча иш кунлар сони ўртача рўйхатдаги ишчилар сонига бўлинади. Иш кунининг узунлигини ҳисоблаш учун корхонада ишлаган барча киши-соатлар сони ишланган киши-кунлар сонига бўлинади. Иш вақтини ишчи-куни асосида ҳисоблаш сабаби берилишига қараб ҳар хил иш вақти фондларига бўлинади. Уларнинг бир-бири билан алоқаси ва мазмунини ушбу чизмадан кўриш мумкин. Ҳар хил сабабларга кўра ишга чиққанлиги ва чиқмаганлигининг йиғиндиси ишчиларнинг календарь иш вақти фондини ташкил этади.

Мисол, корхона бўйича кварталда 64246 ишчи-куни, дам олиш ва байрам кунлари-20104 ишчи-куни, навбатдаги дам олишлар-4683 ишчи-кунини, бошқа ишга чиқильмаган кунлар-1168 ишчи-кунини, кун бўйича туриб қолишлар-34 ишчи-кунини ташкил этган. Корхонанинг чораклик жами иш вақти фоизда:  $64246+20104+4683+1168+34=90235$  ишчи куни,

Ишланган ишчи-куни	Тўхтаб туришлар	МИФҳисобидан ишга келмаслик	Навбатдаги дам олиш	Байрам ва дам олиш кунлари
Ишга келишлар				
Максимал имкониятли иш вақти фонди (МИФ)				Kалендарь иш вақти фонди
Табель иш вақти фонди				

Календарь иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти:

$$\frac{64246}{90235} = 0,712$$

Чоракдаги максимал имкониятли иш вақти фонди:

90235-20104-4683=65448 ишчи куни максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти:

$$\frac{64246}{65448} = 0,98$$

Юқоридаги мисолдан келиб чиққан ҳолда фоизлардан фойдаланиш коэффициентини күриб чиқамиз:

Иш вақтидан тұлық фойдаланишини ифодалаш учун эса шу иккі күрсаткыч бир-бирига күпайтырилади.

Қурилиш статистикасида иш вақтидан фойдаланишини ўрганишда иш вақти фонди тузилмаси таҳлил қилинади. Шу мақсадда умумий календарь вақт фонди ичида қуйидаги элементлар ажратылади:

- байрам ва дам олиш күнлари;
- навбатдаги дам олиш;
- амалда ишланған иш күнлари;
- декрет таътиллари;
- касаллиги туфайлы ишга келмаслик;
- Қонунга биноан ишга келмаслик;
- маъмурият рухсати билан ишга келмаслик;
- ишга сабабсиз келмаслик;
- фонdlардан фойдаланиш коэффициентлари.

1. Календарь иш вақти фондиdan фойдаланиш коэффициенти;

- амалдаги ишлаган иш вақти фонди
- календарь иш вақти фонди

2. Табель иш вақти фондидан фойдаланиши коэффициенти;

- амалдаги ишлаган иш вақти фонди
- табель иш вақти фонди

3. Максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиши коэффициенти;

- амалда ишлаган иш вақти
- максимал имкониятли иш вақти фонди.

### **Кисқача хуосалар**

Курилиш статистикаси асосий эътиборни энг кўп сонли курилишда катта роль ўйнайдиган ходимларга қаратади.

Ишчилар малакасини статистик ўрганиш уларни маҳорат ва билимларини турли ишлаб чиқариши жаоаёнларида қай дара-жада ишлата билишлари ўргасида зарурий мавзумотлар беради.

Ходимлар малакаси таркибини яратишда янги технологиянинг таъсири, иш вақти фондидан самарали фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Қурилиш статистикасида ходимлар қай тарзда тақсимланади?
2. Ходимлар нима учун касб ва малакасига қараб бўлинади?
3. Ходимларнинг ўртача таъриф разрядлари қандай аниқланади?
4. Машъум даврдаги ходимлар сони қандай аниқланади?
5. Узоқ давр учун рўйхатдаги ходимлар сонини аниқлаш тамойиллари нималардан иборат?
6. Иш вақти фонди таркиби қандай тузилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Курилиш статистикаси - Ўқув кўлланма. - Т.: 2003.
2. Шодиев X., Хамраев М. Молия статистикаси. - Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительство. М., 1998.

## XXI боб

### ҚУРИЛИШДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ

#### 21.1. Қурилишда меҳнат унумдорлигининг аҳамияти ва уни ўрганишда статистикасиңг вазифалари

Меҳнат унумдорлиги аниқ жонли меҳнатнинг самародорлик даражасини, яъни вақт бирлиги ичидаги маҳсулот яратиш қобилиятини билдиради. Статистика меҳнат унумдорлигини икки йўналишда :

- 1) тирик, аниқ меҳнатнинг унумдорлиги;
- 2) жонли ва буюмлашган меҳнатларнинг унумдорлиги тарзида ўрганиди.

Қурилиш амалиётида асосан биринчи йўналиш мухимдир, чунки қурилиш ташкилотлари ва унинг бўлимларида жонли меҳнатнинг унумдорлиги аниқланади. Бугорталарнинг бажарилиши ва меҳнат унумдорлиги динамикаси ҳам шу йўналишда аниқланади.

Меҳнат унумдорлигини статистик ўрганиши бутун халқ хўжалиги тармоқлари, шунингдек, қурилиш учун катта аҳамиятта эга. Шунга кўра, қурилишнинг меҳнат унумдорлиги статистикасининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлаш усусларини та-комилаштириш; меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганиш;
- қурилиш ишлаб чиқаришининг натижавий кўрсаткичларига меҳнат унумдорлигининг таъсирини таҳдил қилиш ва уни опириш захираларини аниқлаш.

#### 21.2. Меҳнат унумдорлиги даражаларини хисоблаш усуслари

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва уни ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақти кўрсаткичларининг нисбатидан ҳосил бўлади. Амалиётда меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг икки кўрсаткичи мавжуд:

- 1) меҳнат унумдорлигининг тўғри кўрсаткичи:

$$W=q/T(t)$$

Бунда,  $q$ -қурилиш маҳсулотининг ҳажми;  $T$  - уни и/ч учун сарфланган вақт.

2) тескари кўрсаткич маҳсулот бирлигининг меҳнат талабчанлиги, яъни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт ҳажми;

$$t=T/q$$

Бу кўрсаткичлар орасида ўзаро тескари боғланиш мавжуд;  
 $W=I/t$ .  $T=I/W$

Курилиш статистикасида меҳнат унумдорлиги даражасини хисоблашда куйидаги усуллардан фойдаланади.

1. Натурал усул, бунда бажарилган курилиш-мантаж ишларининг ҳажми натурал ўлчов бирликларида берилган бўлади. Масалан, бир ишланган кишилар кунда монтаж қилинган конструкцияларнинг ҳажми (тонна). Бу усул фақат алоҳида ишларни бажарганда қўлланади (сувоқ ишлари, ер қазипи ишлари).

$$W_n = \frac{Q}{T}$$

q-натурал ўлчов бирлигидаги ишлар ҳажми.

2. Меҳнат усули. Бунда ишлаб чиқаришга сарфланган вақт курилиш маҳсулотининг ҳажмига бўлинади. Бу усулнинг муҳим хусусияти шундаки, бунда сарфланган иш вақтининг хисоботи яхши йўлга қўйилган бўлиши лозим ва уни фақаттина бир курилиш ташкилоти миқёсида қўллаш мумкин. Умумий курилиш тармоғи бўйича бу кўрсаткичларни қўллаб бўлмайди.

3. Қиймат усули. Бу усул билан меҳнат унумдорлигининг даражаси ўзгармас смета баҳоларида олинган курилиш-монтаж ишлари ҳажмини курилишца банд бўлган ходимлар сони ёки сарф қилинган иш вақтига бўлиши йўли билан топилади.

$$W_p = \frac{q \cdot P_{cm}}{T}$$

$P_{cm}$ - бажарилган ишларнинг смета баҳоси.

Булардан ташқари сарф қилинган иш вақтининг ўлчов бирлигига қараб; ўргача соатлик, кунлик, ойлик меҳнат унумдорлигини хисоблаш мумкин.

$$W = \frac{q}{\text{сарфланган}} \text{ к/соат}$$

Бу кўрсаткич- кун бўйи тўхтаб туришларсиз ва смена ичида иш вақтини йўқотмасдан ишлаган ишчининг меҳнат унумдорлиги даражасини билдиради.

$$\overline{W}_{кун} = \frac{q}{\text{сарфланган}} \text{ киши / ку илар}$$

Бу күрсаткыч иш кунининг узунлигидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

$$\overline{W}_{кун} = \frac{q}{\text{даврдаги ходимларинг уртача сони}}$$

Бу күрсаткыч эса ўртача кунлик меҳнат унумдорлиги даражасига боғлиқ ва иш ойининг узунлигидан фойдаланиш даражасини күрсатади.

Бу ўртача меҳнат унумдорлиги даражалари ўртасида ўза-ро боғланиши мавжуд.

$$\overline{W}_{аи.} = W_{сoам} \times \overline{T}_{иш кунн} \times \overline{T}_{сум} = W_{кун} \times \overline{T}_{кун}$$

$\overline{T}_{иш кунн}$  - иш кунининг ўртача узунлиги  
 $\overline{T}_{кун}$  - бир ишчининг ўртача иш кунлари.

### XI.3. Қурилишда меҳнат унумдорлиги динамикасини статистик ўрганиши

Меҳнат унумдорлиги динамикаси индекслар ёрдамида статистик ўрганилади.

1. Меҳнат унумдорлигининг натурал усули асосида меҳнат унумдорлигининг ўртача даражаси индекси ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \text{а)} & \text{ индивидуал индекс } I = \frac{W}{W'} \\ & \text{ ўзгарувчан таркибли индекслар } I^0 = \sum_{111}^0 W T / \sum_{000}^0 : \sum_{111}^0 W T / \sum_{000}^0 \end{aligned}$$

$$\text{Доимий таркибли } I = \sum_{111}^1 W T / \sum_{101}^1 : \sum_{111}^1 W T / \sum_{101}^1$$

Бу индекс ишчилар сони ёки сарфланган иш вақти ўзгармаган ҳолда меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгаришини күрсатади.

2. Меҳнат усули асосида меҳнат унумдорлиги мейёрини бажариш ва ишчилар меҳнат унумдорлиги динамикаси күрсаткычлари ҳисобланади.

а) Агар бир ишчи бир турдаги ишни бажарса, меҳнат унумдорлиги мейёрини бажариши қуйидагича аниқланади :

$$i_t = t_H : t_x$$

б) турли ишларни бажарувчи ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги мейёрини бажариши қуйидагича аниқланади.

$$I = \sum_{xH} q_t / \sum_{xx} q_t$$

$q_*$  - ҳақиқатда бажарылған иш;

$T_*$  - ҳақиқатда сарфланған иш вакті.

Мәннат унумдорлиги динамикасини ўрганиш учун агрегат индекс күлланади.

$$I_{\text{агр}} = \frac{\sum q_* t_*}{\sum q_1 t_1},$$

Бу агрегат индекснинг маңрахы жорий даврда бажарылған курилиш ишлари учун сарфланған умумий вакт ҳажмини ифодаласа, суръети жорий даврдаги ишларни бажарып учун базис давр мәннат талабчанлығы бүйінча қаңчы вакт сарфланғанлыгыни күрсатади.

Индекснинг суръети билан маңрахининг айримаси маңсулот унумдорлиги орынши (камайиши) натижасыда тежалған (оптика сарфланған) вакт ҳажмини анықлаты имконини беради.

$$\vartheta = \sum q_1 t_0 - \sum q_1 t_1$$

3) Қиймат усули асосида қүйидеги индекс ҳисобланади:

$$I_{\text{үзг-}} = \frac{\sum q_1 P_{cm}}{\sum T_1} = \frac{\sum q_0 P_{cm}}{\sum T_0} = \bar{W}_1 : \bar{W}_0$$

$q_0, q_1$  - базис ва ҳисобот даврларыда бажарылған ишларнинг натурал ҳажми;

$T_0, T_1$  - шу даврлардаги ишчиларнинг ўртача рүйхатдаги сони;  
 $P_{cm}$  - смета бағоси.

Бұнда, иккى даврдаги мәннат унумдорлигининг ўртача даражалари солишишириләде ва унинг ҳажмига иккита омил бир вактнинг ўзизда таъсир күрсатади:

а) айрим олинған ишчилар мәннат унумдорлиги ўзгариши даражасы уни ҳисоблаш учун доимий таркибдаги индекс ҳисобланади.

$$I_{\text{доим}} = \frac{\sum \left( \frac{q_1 P_{cm}}{T_1} + \frac{q_0 P_{cm}}{T_0} \right) \cdot T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum i_w T_1}{\sum T_1}$$

б) жорий даврда базис даврига нисбатан із берган тузилма ўзгаришлари таъсирини күриш учун тузилма силжишлари индекси ҳисобланади:

$$I_{\text{стР}} = I_{\text{үзг}} \div I_{\text{доим}}$$

Бажарилган иш ҳажми, мөхнат унумдорлиги ва ишчилар сони орасидаги бөгланиши.

$$I_d = I_w \cdot I_t$$

$$\Delta q_i = (W_1 - W_0) T_1 + (T_1 - T_0) W_0$$

а) экстенсив омил, яъни жорий даврда базис даврга нисбатан ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига, бажарилган ишлар ҳажмининг қанчага ўзгарганини кўрсатади:

$$\Delta q_i = (T_1 - T_0) W_0$$

б) Интенсив омил, даврлар орасида мөхнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши ҳисобига, ишлар ҳажмининг қанчага ўзгарганини кўрсатади:

$$\Delta q_i = (W_1 - W_0) T_1$$

Мисол.

Қўйидаги маълумотлар асосида динамика кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. (Ўзбекистон қурилиш-монтаж тапкилотларининг мисолида).

36-жадвал

ҚМТ	Бажарилган ишлар ҳажми (млн. сўм)		Курилишда банд бўлган ходимларнинг ўртacha ғиблик сони (минг кешни)		Бир ходимнинг мөхнат унумдорлиги даражаси (минг сўм)		
	1998й	1999й	1998 й	1999 й	1998 й	1999 й	
	q <sub>0</sub> P <sub>сн</sub>	q <sub>1</sub> P <sub>сн</sub>	T <sub>0</sub>	T <sub>1</sub>	W <sub>0</sub>	W <sub>1</sub>	
1	1791	1524	220,1	188,4	8,137	8,889	0,994
2	1280	1632	192,8	218,9	6,950	7,455	1,073
3	1226	1028	112,6	108,0	20,355	9,518	0,919
<b>Жами</b>	<b>4297</b>	<b>4184</b>	<b>525,5</b>	<b>515,3</b>	<b>8,119</b>	<b>8,177</b>	

$$I_{\text{узваручсан}} = \frac{\sum q_1 P_{\text{сн}} + \sum q_0 P_{\text{сн}}}{\sum T_1} = \bar{W}_1 + \bar{W}_0 = \frac{4184}{5153} + \frac{4297}{5255} = 8,119 + 8,177 = 0,993 \text{ ёки } 99,3\%$$

Демак, 1999 йилда мөхнат унумдорлигининг ўртacha даражаси 1998 йилга нисбатан 0,7 % га камайган.

$$I_{\text{дин}}$$

$$= \frac{\sum \left( \frac{q_1 P_{\text{сн}} + q_0 P_{\text{сн}}}{T_1} \right) \cdot T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum q_1 T_1}{\sum T_1} = \frac{0,994 \cdot 1884 + 1,073 \cdot 2189 + 0,919 \cdot 1080}{5153} = 1,012 \text{ ёки } 101,2\%$$

Доимий таркибдаги индексни бошқача йўл билан ҳам ҳисоблаш мумкин.

$$I_{\text{дин}} = \frac{\sum W_1 T_1 + \sum W_0 T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum W_0 T_1} = \frac{4184}{8,137 \cdot 188,4 + 6,95 \cdot 218,9 + 108,0 \cdot 10,355} = 1,012 \text{ ёки } 101,2\%$$

Демак, жорий даврда базис даврига нисбатан айрим олинган ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги 1,2 % га ошган.

$$I_{\text{стр. силж}} = I_{\text{узгн}} \div I_{\text{доим}} = 0,993 \div 1,012 = 0,981 \text{ ёки } 98,1\%$$

Тузилма силжицилари натижасида меҳнат унумдорлиги 1,9 %га камайган.

$$I_q = \frac{I_w \cdot I_T}{100} = \frac{101,2 \cdot 98,1}{100} = 99,3\%$$

Бажарилган ишлар ҳажмининг камайишига ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги бўйича юз берган ўзгаришлар таъсир этган:

$$\Delta q = 4184 - 4297 = -113 \text{ млн сўм}$$

$$\Delta q_r = (T_1 - T_0) W_0 = (515,3 - 525,5) 8,119 = -82,81 \text{ млн сўм}$$

$$\Delta q_w = (W_1 - W_0) T_1 = (8,177 - 8,119) 515,3 = -29,89 \text{ млн сўм}$$

$$\Delta q = \Delta q_r + \Delta q_w = (-82,81) + (-29,89) = -113 \text{ млн сўм}$$

Демак, жорий даврда базис даврига нисбатан ишчилар сонининг 10,2 минг кишига камайиши ҳисобига бажарилган ишлар ҳажми 82,81 млн. сўмга камайган, меҳнат унумдорлиги даражаси 0,058 минг сўмга ошган бўлсада, бу омил ҳисобига бажарилган ишлар ҳажми 29,89 млн. сўмга камайган.

Меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақи ўртасидаги боғланиши. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ортиши ишловчиларга боғликдир.

Бинобарин, меҳнат унумдорлигининг ортиши билан ўртача иш ҳақи ҳам ортиши керак, ваҳоланки, меҳнат унумдорлигининг ортиши билан иш ҳақининг ортиши орасида маълум нисбат бўлиши шарт. Бу умумий иқтисодий қонундир. Бу қонун талабига биноан, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан тезроқ амалга ошади.

Агар меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақи даражасининг ўсиш суръатлари баробар бўлса, демак, меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида тежалган ижтимоий меҳнат бутунлай ишлаб чиқариш қатнашчилари иш ҳақининг даражасини ошириш учун сафарбар қилинган бўлса, у вақтда жамият, давлатга тежалган ижтимоий меҳнатнинг ҳеч қандай қисми қолдирмаган.

Агар меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи даражасининг ўсиш суръатларидан паст бўлса, у пайтда меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида тежалган ижтимоий меҳнат ҳам, шунингдек, жамият жамғариш фондининг

бир қисми ҳам мөхнаткашларнинг ўртача иш ҳақи даражасини кўпайтириш учун сарф қилинган бўлади.

Мөхнат унумдорлигини ошириш омилларини икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурух, ўз ичига курилишни техник даражасини ошириш омилларини олади яъни:

- илмий техника тараққиёти ютуқларини тармоқда қўллаш тадбирлари;

- қўл мөхнатини қисқартириб, механизация даражасини ошириш курилиш ишларини комплекс механизациялаш;

- самарадорлиги юқори бўлган курилиш материаллари ва конструкцияларини қўллашни кенгайтириш ва бошқа тадбирлар.

Иккинчи гурух ўз ичига курилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш омилларини олади яъни:

- иш вақтини йукотишини камайтириш;

- мөхнатни илмий ташкил қилиш;

- колектив ва бригада пудратини қўллаш;

- ишчилар унумсизлигини қисқартириш;

- бошқаришни такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар.

## Қисқача холосалар

Курилишда меҳнат унумдорлиги киши меҳнатидан маълум вақт бирлиги ичида қандайдир міндордаги истеъмол қийматини яратиш қобилиятидір. Меҳнат унумдорлиги даражаси ва кишилар меҳнатини сарфлаш билан истеъмол қиймати ҳажмини ошириш мүмкін. У курилишдаги иқтисодий фаолияттнинг муҳим сифат күрсаткичи ҳисобланади. Бозор шароиттада факт мөхнат унумдорлигини күтариш йўли билан иш ҳажмини ошириш мүмкін.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Курилишда меҳнат унумдорлигига қандай эришилади?
2. Статистиканинг вазифалари нималардан иборат?
3. Меҳнат унумдорлиги қандай усууллар ёрдамида ҳисобланади?
4. Меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг нечта усули бор?
5. Нима учун индекс усулида ҳисобланади?

## Асосий адабиётлар

1. Абдурахмонов М.А. Курилиш статистикаси - Ўкув кўлланма Т.: 2003.
2. Шодиев Х., Хамраев М. Молия статистикаси. - Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительство. М., 1998.

## XXII боб

### ҚУРИЛИШДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ СТАТИСТИКАСИ

#### XXII.1. Қурилишда маҳсулот таннархи ҳакида тушунча

Маҳсулот таннархи пул шаклида ифодаланган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ харажатлардир. Маҳсулот таннархи корхоналар ва бирлашмаларнинг иш самарадорларини белгиловчи кўрсаткич. Ҳалқ хўжалиги соҳаларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи харажат айрим элементларининг ўзаро нисбати маҳсулот таннархининг тузилишини ташкил қиласди. Ишлаб чиқариш таннархи цехнинг маҳсулот таннархини ва умумзавод чиқимларини ўз ичига олади. Айрим корхоналар харажатларни ифодалаб, якка бўлиши, шунингдек тармоқларда маҳсулот тайёрлашга кетган ўртача харажатларни белгиловчи тармоқнинг ўртача таннархи маҳсулотнинг уштуржи баҳосини ўрнатиш учун асос бўлади.

Таннархнинг камайиши моддийлашган меҳнат иқтисодиди ифодалайди, фойданинг кўпайишини таъминлайди, улгуржи ва чакана баҳоларнинг камайиши имкониятларини келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиб бориши билан таннархнинг камайиши муҳим аҳамият касб этмоқда ва катта самара бермоқда.

Таннархни камайтиришнинг асосий йўллари: меҳнатни ташкил қилиш усусларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш кучлари ва жамғармаларидан фойдаланишини яхшилаш, ҳар бир иш жойида, бўлимларда моддий манбаларни тежаш, бошқариш ва хизмат қўрсатиш харажатларини камайтириш ҳамда йўқотиш. Ишлаб чиқаришдан ташқари сарфланадиган харажатларни қисқартириш.

1. Зарар бўлган ишлаб чиқариш харажатлари даражаси ва динамикасини аниқлаш.
2. Таннарх даражасининг таркиби ва динамикасини ўрганиш.
3. Таннарх таркибини таҳдил қилиш ва унинг даражасига таъсир этувчи омилларни статистик баҳолаш.

#### XXII.2. Қурилиш таннархи турлари ва унинг таркибини статистик ўрганиш

Қурилиш маҳсулоти таннархини ўрганишда гурухлаш усулидан кенг фойдаланамиз. Маҳсулот таннархи иқтисодий элементлар ва калкуляция моддалари бўйича гурухланади. Иқти-

содий элементлар бўйича харажатларни гурухлашда уларни ишлаб чиқариш, маҳсулот қийматини яратиш жараёнларида қатнашиш ролига эътибор берилади. Шунга биноан буюмлашган меҳнат харажатлари, алоҳида жонли меҳнат харажатлари алоҳида кўрсатилади.

- A. Буюмлашган меҳнат харажатлари
- I. Айланма фондлар.
  - 1. Хомашё ва материаллар.
  - 2. Ёрдамчи материаллари.
  - 3. Ёқилғи.
  - 4. Ишлаб чиқариш хизматлари учун тўловлар.
- II. Асосий фондлар.
  - 1. Амортизация.
  - 2. Тез эскирувчи асосий ускуналарнинг амортизацияси.

B. Жонли меҳнат харажатлари:

- 1. Асосий ва қўшимча иш ҳақи.
- 2. Меҳнат ҳақи.
- B. Соф даромаддан ажратмалар.
- 1. Ижтимоий сугурта фондига ажратмалар.
- 2. Мутахассислар (кадрлар) тайёрлаши учун харажатлар.
- 3. Уй-жой ва коммунал хўжаликда кўрилган зарарни қоплаш.
- 4. Қўшимча маҳсулот харажатларидан тўланадиган ва маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар (қурилиш маҳсулоти таннархини иқтисодий таркиби).

Ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилиш учун қанча нарса ишлатилгани ва нима учун ишлатилганини билиш лозим. Бу вазифаларни, харажатларни калкуляциян моддалари бўйича гурухлаш амалга оширилади. Калкуляциян моддалари бўйича қурилиш таннархи тўғри ва комплекс (бильвосита) харажатларга бўлинади. Тўғри харажатлар тўғридан-тўғри маҳсулотларга қилинган харажатлардир. Комплекс харажатлар эса бутун ишлаб чиқаришга тегишли бўлиб, улар одатда тўғри харажатларнинг маҳсулот таннархи салмоғига қараб тақсимланади.

Курилиш таннархига таркиби калкуляция моддалари бўйича қуидагилар киради:

I. Тўғри харажатлар

- 1. Хомашё ва матириаллар.
- 2. Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар.
- 3. Чиқиндиilar.
- 4. Турли шаклдаги ёқилғи.
- 5. Барча турдаги электр энергияси.
- 6. Ишчиларнинг асосий иш ҳақи.

## II. Комплекс харажатлар

1. Ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи.
2. Ижтимоий сугуртага ажратмалар.
3. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш харажатлари.
4. Ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатлари.
5. Умумзех харажатлари.
6. Умумкорхона харажатлари.
7. Сифатеиз маҳсулотларни йўқотиши.
8. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.
9. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар.

### XXII.3. Курилиши таннархи даражаси ва динамикасининг статистик кўрсаткичлари

Маъдумки, таннарх динамикасини таҳдил қилишда жуда кўп хил ва турли туман индекслар тизимидан фойдаланиши мумкин. Лекин буларнинг ичида муҳимлари қўйидагилардан иборат:

1. Алоҳида индекс буладан бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган курилиш корхоналари ёки маҳсулотнинг айрим турлари бўйича динамикасини ҳисоблашда фойдаланилиши мумкин.

$$Z_{\text{дин}} = Z_1 / Z_0$$

$Z_1$ -жорий давр курилиш маҳсулоти таннархи.  $Z_0$ - базис давр курилиш маҳсулоти таннархи.

2. Режа бажарилиши индекси:

$$I_{\text{режа}} = Z_1 / Z_p$$

$Z_p$  курилиш маҳсулоти таннархининг режа бажарилиши.

3. Режа топширилган индекс:

$$Z_{\text{дин}} = Z_p / Z_0$$

Бир хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи курилиш корхоналари бўйича таққослама товар маҳсулоти индекслари ҳисобланади. Такқослама товар маҳсулотига ҳам базис, ҳисобот давридаги ишлаб чиқарилган курилиш маҳсулоти дейилади. Бу курилиш маҳсулоти бўйича қўйидаги умумий индекслари ҳисобланади:

$$I_{\text{дин}} = \sum_{i=1}^n q_i / \sum_{i=0}^n q_i$$

Хақиқатда тежалган миқдор:

$$\bar{Z} = \sum_{\text{жак}} q / \sum_{\text{жак}} Z$$

2. Режа бажарилиши индекси:

$$I = \sum p q / \sum p$$

Режадан ортиқча тежалган миқдор:

$$\bar{Z} = \sum_{\text{р.б}} p q - \sum_{\text{р.б}} Z$$

3. Режа топшыриғи индекси:

$$I = \sum p q / \sum p$$

Режалаштирилган иқтисод суммасы:

$$\bar{Z} = \sum_{\text{реж.}} p q - \sum_{\text{реж.}} Z$$

4. Ызгарувчан таркибли индекс:

$$I_{\text{узд.}} = \sum_{\text{узд.}} q / \sum_{\text{узд.}} q : \sum_{\text{оим.}} q / \sum_{\text{оим.}} q = Z / Z$$

Маълумки, бу индексга бир вақтда 2 та омил таъсир кўрсатади.

а) Айрим олинган курилиш корхоналаридағи маҳсулот таннархининг ўзгариши.

б) Жорий даврда ва базис даврга нисбатан юз берган тизим ўзгариши.

Бу омилларнинг таъсирини ўрганиш учун қуидаги доимий таркибли индекси ҳисобланади:

$$y_{\text{доим.}} = \frac{\sum Z_1 \cdot q_1}{\sum Z_0 \cdot q_1}$$

Бу омилларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида тузилма-сининг силжишли индекси ҳисобланади.

$$I_{\text{стр}} = I_{\text{доим.}} \cdot I_{\text{доим.}}$$

### 37-жадвал

Бу формулалар асосида қуидаги мисолни кўриб чиқамиз.

Корхоналар	1998 йил		1999 йил	
	Маҳсулот миқдори Q	Маҳсулот таннахи Z	Маҳсулот миқдори q	Маҳсулот таннахи Z
1	400	10	850	9
2	600	13	650	11

Топиши керак.

- 1) Индивидуал индекс.
- 2) Ўзгарувчан таркибли индекс.
- 3) Доимий таркибли индекс.
- 4) Тузилманинг силжишили индекси.

Ечиш: Индивидуал индекс.

$$1) i_Z = \frac{Z_1}{Z_0} = \frac{9}{10} = 0,9$$

$$2) i_Z = \frac{Z_1}{Z_0} = \frac{11}{13} = 0,77$$

### 1. Ўзгарувчан таркибли индекс.

$$I_{yz} = \frac{\sum Z_1 q_1 : \sum Z_0 q_0}{\sum q_1 : \sum q_0} = \frac{9 \cdot 850 + 11 \cdot 650}{850 + 650} : \frac{10 \cdot 400 + 13 \cdot 600}{400 + 600} = \frac{14800}{1500} : \frac{11800}{1500} = 9,86 : 1,18 = 0,92 \text{ ёки } 92,0\%$$

Доимий таркибли индекс.

$$I_{doim} = \frac{\sum Z_1 q_1}{\sum Z_0 q_1} = \frac{9 \cdot 850 + 11 \cdot 650}{10 \cdot 850 + 13 \cdot 600} = \frac{14800}{16950} = 0,873 \text{ ёки } 87,3\%$$

Тузилманинг силжишили индекси.

$$I_{myz} = I_{yz} : I_{doim}$$

$$\text{Ик} = \sum q_1 t_1 - \sum q_1 t_0 = 14800 - 16950 = -2150$$

Курилиш танинрхи даражасига жуда кўп омиллар таъсир этади. Асосий омилларга куйидагилар киради.

1. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
  2. Хомашё, материал;
  3. Ёқилги ва электр энергияларидан оқилона фойдаланиш;
  4. Ишлиб чиқарища ҳар хил браклар ва йўқотишларни бартараф қилиш;
  5. Меҳнат сарфлари ва бошқарув харажатларини камайтириш;
  6. Асосий фондлардан самарали фойдаланиш.
- Курилиш танинрхи даражасига таъсир этувчи омилларни статистик индекслар ёрдамида баҳолаш учун куйидаги кўрсаткичлар кўлланилади.
1. Моддий харажатлар индекси;

2. Маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган моддий харажатлар индекси;

3. Баҳо индекси.

1-омил: моддий харажатлар индекси қўйидагича ҳисобланади:

$$I_{\text{мж}} = \frac{\sum h_1 P_1 q_1}{\sum h_0 P_0 q_1}$$

2-омил: маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган моддий харажатлар индекси қўйидагича ҳисобланади:

$$I_{\text{мб}} = \frac{\sum h_1 P_0 q_1}{\sum h_0 P_0 q_1}$$

3-омил: баҳо индекси қўйидагича ҳисобланди:

$$I_p = \frac{\sum h_1 P_1 q_1}{\sum h_1 P_0 q_1}$$

$$I_{\text{харажсан}} = I_{\text{мб}} \cdot I_p = \frac{\sum h_1 P_1 q_1}{\sum h_0 P_0 q_1} = \frac{\sum h_1 P_0 q_1}{\sum h_0 P_0 q_1} \cdot \frac{\sum h_1 P_0 q_1}{\sum h_1 P_0 q_1}$$

Бу ерда:  $h_1$  ва  $h_0$  – даврлар бўйича маҳсулот бирлиги сарф қилинган моддий ҳаракат.

$P_1$  ва  $P_0$  – давр бўйича моддий харажатларнинг биринчи баҳоси.

$q$  - ҳисобот давридаги моддий харажатлар бирлиги.

Курилиш таннахри даражасига бу омиллардан ташқари ишчи кучи сарфи ҳам таъсир этади. Бу таъсирни аниқлаш учун қўйидаги ҳисоблардан фойдаланади.

$$I = I_t \cdot I_u = \left( \frac{T_1}{q_1} \div \frac{T_0}{q_0} \right) \cdot \left( \frac{\Phi_1}{T_1} \div \frac{\Phi_0}{T_0} \right)$$

Бу ерда:  $T_1$  ва  $T_0$  – жорий ва базис даврлар бўйича иш вақти сарфлари.

$\Phi_1$  ва  $\Phi_0$  – жорий ва базис даврлар бўйича иш ҳақи фондлари.

## **Қисқача холосалар**

Таннарх статистикаси вазифаларини аниқлаштириш курилишда маҳсулот таннархига таъсир этувчи омилларни чукур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир. Курилишда маҳсулотни режалаштириш ҳажмини бажариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдори ўтган йилги сарфлардан тамомланган ишлаб чиқариш киймати шаклида ва жорий сарфларидан келгуси йил маҳсулотлари учун бўладиган харажатларни чиқариб ташлашдан иборат. Маҳсулот таннархини камайтириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий фондердан самарали фойдаланиш керак, материал сарфларини камайтириш ва ишлаб чиқаришда тежкамкорликка қаттиқ риоя қилиши зарурдир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Курилишда маҳсулот таннархининг шакли қандай тузилади?
2. Курилиш таннархининг нечта тури бор?
3. Курилиш таннархи асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Нима учун таннарх динамикасини аниқлашда индекс усулидан фойдаланади?
5. Курилиш таннархига қандай омиллар таъсир этади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Курилиш статистикаси. - Ўқув кўлланма. -Т.: 2003.
2. Шодиев Х., Хамраев М. Молия статистикаси. - Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительство. М., 1998.

## XXIII боб

### ҚУРИЛИШДА МЕХНАТ ПРЕДМЕТИ СТАТИСТИКАСИ

#### XXIII.1. Мехнат предмети статистикасининг вазифаси

Курилишда меҳнат предметларига конструкция, деталлар ёқилғи, электр энергияси ва бошқа элементлар киради, булар ишлаб чиқариш жараёнида айланма фондлар шаклида иштирок этади. Курилишни материал ва ёқилғи энергетика ресурслари билан таъминлаш кўп омилларга боғлиқ. Булардан энг муҳими қурилиш ишлаб чиқариш учун энг зарур бўлган материал ва ёқилгини узлуксиз етказиб туриш хисобланади.

Курилиш статистикаси, таъминот ва меҳнат предметларидан фойдаланиши соҳасида қўйидаги вазифаларни очади:

- қурилиш ташкилотларидаги материалларнинг таркиби ва ҳажмини ўрганиши; материалларнинг етказилиши ва сарфланниши ўрганиши; қурилиш ишлаб чиқаришининг материаллар билан таъминланishiiga тавсиф бериш;

- материалларнинг ҳолати ва ҳаракатига ҳар томонлама баҳо беришда материаллар балансидан фойдаланилади. Баланс икки қисмдан иборат бўлади: ресурслар ва материалларнинг танқислиги. Улар муҳим қурилиш материаллари учун натура шаклида тузилади, масалан, цементта, металлга, шифер ва ҳоказоларга.

Балансга доир мисол келтирамиз, қурилиш корхонасига апрель ойида қабул қилинган ва сарфланган шиферлар ҳақида қўйдагича маълумот берилган:

*38-жадвал*

#### Қурилиш материаллари баланси

Ресурслар	Минг дона шартли плита	Таҳсизланниши	Минг дона шартли плита
1. Давр бошидаги қолдиқ.	900	1. Давр мобайнида жами сарфланган	2240
2. Жами қабул қилинган шу жумладаи:	2300	а) кучлари билан қурилиш пайванд ишлари	2100
а) давлат фондидан	1770	б) ёрдамчи ишлаб чиқаришга берган	
б) нодавлат фонддан		в) бошқа ташкилотларга берган	140
в) ёрдамчи ишлаб чиқаришидан		2. давр охиридаги қолдиқ.	960
г) бошқа ташкилотлар олган	530		
<b>Жами:</b>	<b>3200</b>	<b>Жами:</b>	<b>3200</b>

Материаллар етказишнинг ўртача частотаси кўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Z = \frac{T_n}{n-1}$$

Бу ерда,  $T$  - календарь даврнинг давомийлиги;  $n$ - ҳисоб давридаги материаллар етказиш сони.

Етказилган материалнинг ҳақиқий ўртача ҳажми эса кўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\bar{M} = \frac{\sum M}{n}$$

Бу ерда,  $M$ - ҳисоб даврида етказилган материал ҳажми.

Мисол келтирамиз, қурилиш корхонаси сентябрь ойида кўйидаги ҳажмларда блоклар қабул қылган: (донада)

2 сентябрда – 140, сентябрда – 84, 11 сентябрда – 28, 18 сентябрда – 162, 29 сентябрда – 76.

Режа бўйича етказишлар сони- 6 та, етказишлар орасидаги интервал – 5 кун. Мисолимизда давр мобайнида барча етказишлар давомийлиги:

$$30-2=28 \text{ кун}$$

сентябрь ойида 5 марта материал етказилган. Бу ерда ўртача етказишлар частотаси:

$$Z = \frac{28}{5-1} = 7 \text{ кун}$$

Материаллар етказишнинг ўртача ҳажми,

$$\bar{M} = \frac{140+84+28+162+76}{5} = 98 \text{ дона}$$

## XXIII.2. Материалларнинг ҳажми ва таркибини статистик ўрганиш

Материалларнинг ишлаб чиқаришида фойдаланишини ўрганиш, меъёр бўйича сарфланишини таҳдил қилиш меҳнат предмети статистикасининг муҳим вазифаларидан биридир, шунингдек у материаллар ҳаракатига тавсиф ҳам беради.

Қурилишдаги барча меҳнат предметлари ишлаб чиқариши жараёнида тақсимланиши бўйича З гурӯхга бўлинади:

- 1) Ускуналар учун асбоб-анжомлар.
- 2) Материаллар

### 3) Камбаҳоли ва тез эскирувчи предметлар

Ускуналар учун асбоб-анжомлар, булар ишчилар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида ўрнатиладиган ва тузатиладиган воситалардир. Масалан, буларга токарлик, фрезерлик, ўювчи ва бошқа металга ишлов берадиган дасттоҳлар киради.

Материаллар, булар тайёр маҳсулот шаклига ўтадиган ёки уларни тайёрлашда қатнашадиган предмет хисобланади материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган вазифасига қараб, асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади.

1) Асосий материалларга, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи ва тайёр маҳсулот таркибига кирувчи меҳнат предметлари киради, масалан, блоклар, панеллар, ёғоч материаллари, шифер ва ҳоказолар.

Асосий материаллар иккى гурӯхга бўлинади:

а) одий курилиш материаллари, улар курилишда ҳар доим кўлланадиган материаллар, масалан, қум, тош, гипс, цемент, ёғоч, металл ва ҳоказо;

б) курилиш деталлари, конструкциялар, буларга индустрималь кўринишда кўлланиладиган йирик кўриниши элементлари киради, девор блоклар, панеллар ва ҳоказо киради.

2) ёрдамчи материаллар, курилиш ташкилотларининг мъёрл ишлаши учун хизмат қиласи, масалан, мойловчи материаллар, ёкилғи, портловчии моддалар ва ҳоказо.

Камбаҳоли ва тез эскирувчи предметлар, булар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат предмети шаклида эмас, кўпроқ ресурс вазифасини бажаради. Хисоботда ва статистикада бу гурӯхга куйидаги предметлар киради:

инструментлар, хўжалик инвентарлари, маҳсус кийимлар ва бошқа предметлар, хизмат муддатидан қаъти назар баҳоси 1500 сўмдан кам бўлган, уларнинг баҳосидан қати назар бир йилдан кам хизмат қилган предметлар.

Курилиш ташкилотларида материаллар ҳисоби натура ва пул шаклида олиб борилади. Хисобот натурада олиб борилгандага ўлчов бирлиги қилиб оғирлик, узунлик, майдон ва ҳажмдан фойдаланилади. Пул шаклида эса режали-ҳисоб баҳосида ва смета тузилаётганда келишилган баҳодан фойдаланилади.

### XXIII.3. Курилиши ишлаб чиқаришини материаллар билан таъминлаш кўрсаткичи

Курилиши ишлаб чиқаришини материаллар билан узлуксиз таъминлаш туришга, материалларни ритмли ва комплекс ҳолда етказиш оркали эришилади. Шунинг учун курилиш таш-

килотларини материаллар билан таъминлапи даражасини ўрганиши статистиканинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Материал ресурсларининг захираси режалаштирилётган қурилиш пайванд ишларининг ҳажми ва таркибига қараб ўрнатилади.

Материал етказиб бериш режасининг бажарилши кўрсаткичи индекс усули ёрдамида ҳисобланилади ва қўйидаги формула орқали аниқланилади:

$$J = \frac{\sum MxP}{\sum MP}$$

бу ерда:  $Mx$  ва  $M$ -ҳисобот даврида ва режа бўйича етказилган материал.

Р- материалларнинг смета ёки режали-ҳисоб баҳолари. Ҳисобот даврида материал етказиб бериш режасининг бажарилишини аниқлаб, материалларнинг комплектлиги ҳақида билдишимиз мумкин.

Ҳисобот давридаги ишлаб чиқаришнинг материаллар билан таъминоти материал таъминоти режасини бажариши ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Ҳисобот даврида режа бажарилган бўлиши, ошириб бажарилган бўлиши ҳам мумкин ёки давр мобайнида материалларнинг етишмаслиги туфайли режа бажарилмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун давр мобайнида ишлаб чиқаришни материаллар билан таъминлашни текшираётганда фақат етказилган материалларнинг сонигагина эътибор бермай уларнинг куни ҳамда шу материаларнинг суткалик сарфи ни ҳам ҳисобга олиш керак.

Жадвалда материалларни шартномага асосан етказиб бериш кўрсаткичлари берилган.

### 39-жадвал

Материаллар номи	Ўлчов бирлиги	Етказилган материаллар ҳажми			Режа бўйича етказиш % да (гр.3:гр.2) 100
		Режа бўйича жами, гр	Шартномага асосан етказувчилар томонидан таъминлаш (гр.3)	Шартномага асосан таъминланмаган (гр.2-гр.3)	
Ёроҷ	$m^3$	3100	3100		100,0
Шифер	дона	8400	6800	1600	81,0
Балка	т	1260	840	420	66,7

Мисолимиизда, шифер ва балка етказиб бериш шартномаси тўлиқ бажарилмаган. Қурилиш ишлаб чиқаришни материаллар билан таъминлаш ҳақида тўлиқ маълумотта эга бўлиш

учун аввал ҳар кунлик курилиш-пайванд ишларини бажариш учун сарфланадиган материал ҳажмини аниқлаб олишимиз керак. Масалан, курилиш-монтаж ишларини бажариш учун сарфланадиган суткалик талаб 16 минг дона гишт бўлсин. Курилиш майдонида ҳисобот даврининг охирида 96 минг дона бўлган, у ҳолда келгуси ҳисобот даврида курилиш ташкилоти бор йўғи 6 кун гишт билан таъминланади. (96:16)

Айтайлик, сентябрь ойида девор блокларидан режа бўйича 6000 дона етказилиши керак, уларнинг ўргача суткалик сарфи 200 дона (6000:30).

Ҳақиқатда сентябрь ойида 7200 дона блок етказилди, бу материал билан таъминлаш ( $7200:6000=120$ ) % га бажарилган.

Фақат бу кўрсаткич билан курилиш ташкилотини сентябрь ойида девор блоклари билан таъминлаши ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бу ҳақда жавоб олиш учун, материалларнинг ўз вақтида курилиш ташкилотларига етказилганлитиги ҳам ҳисобга олиш керак. Шунга боғлиқ жадвални кўриб чиқамиз.

Сентябрь ойида корхона материалларининг етказилиши ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

#### 40-жадвал

Кўрсаткичлар	1 сентябр-даги миқдори	Девор блокларнинг сентябрь ойида етказилган кунлари					Сентябрь ойида таъминланга и сарфи
		3	11	16	24	29	
Девор блокларнинг сони, дона Қабул қилинган материалларнинг оидаги куни Ҳисобот ойида етказилган материаллар сони	600 3 600	1200 6 1200	1400 7 1400	800 4 800	1800 7 1400	2000 27 5400	

Курилиш ташкилоти суткалик сарфи 200 дона бўлса, 1 сентябрдаги қолдик материаллар курилиш ташкилотини 3 кун иш билан таъминлади, ( $600:200$ ) бу 3 сентябргача. Биринчи девор блоклар 3 сентябрда қабул қилинган, бу корхона 6 кун иш билан таъминлаган, ( $1200:200$ ) яъни 9 сентябргача. 10 сентябрда корхонада блок бўлмаган. 11 сентябрда қабул қилинган блоклар корхонани 7 кун иш билан таъминлаган, 11-дан то 17

сентябрғача. 16 сентябрда қабул қилингандар блоклар уни 4 кун иш билан таъминлаган, 21-сентябрғача. 22-23 сентябрларда корхонада блок бўлмаган. 24 сентябрда қабул қилингандар блоклар корхонани иш билан ойнинг охиригача таъминлаган, 7 кун. Охирги қабул қилингандар блоклар корхонанинг блоклар билан узлуксиз таъминлашга етмас эди. Шунда қилиб ҳисобот даврида корхона 27 кун материал билан таъминланган. Бошқача қилиб айтганимизда, сентябрь ойида корхонага керак бўлган 600 дона девор блокдан, ҳақиқатда ўз вақтида 5400 донаси етказилган. Демак, курилишни ишлаб чиқариш материаллар билан таъминлаш.

$$(5400:6000) \cdot 100 = 90\% \text{ га бажарилган.}$$

Агар, ҳар бир курилиш маҳсулоти учун сарфланадиган материал сарфи бизга маълум бўлса, материалларнинг ўз вақтида етказилмаганлиги туфайли бажарилмай қолган иш ҳажмини аниқлассимиз мумкин. Айтайлик, мисолимизда 1 м<sup>3</sup> девор учун 2 дона блок сарфлансан. У холда, ҳисобот ойида бажарилмаган иш ҳажми материалларининг етишмаслиги туфайли;

$$(6000 - 5400) : 2 = 300 \text{ куб метрни ташкил этади.}$$

## **Қисқача холосалар**

Курилишда меҳнат предметларини аниқлаш ва такомиллаштириш, материалларнинг ҳажми ва таркибини янада чукурроқ ўрганиш, ишлаб чиқариши таъминлаш кўрсаткичларини кенгайтириш каби масалалар қурилиш меҳнат предмети статистикасида ўрганилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Курилишда меҳнат предмети нималардан иборат?
2. Материалларнинг таркиби ва ҳажми қандай аниқланади?
3. Курилишда меҳнат предметлари қандай тақсимланади?
4. Материал етказиб бериш режаси қай йўсинда аниқланади?
5. Материал етказиб бериш режасининг бажарилиши кўрсаткичлари қандай аниқланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Курилиш статистикаси Ўқув қўлланма. — 2003.
2. Шодиев Х., Ҳамраев М. Молия статистикаси. Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительство. М., 1998.

## XXIV бөб

### ЛОЙИХА ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ СТАТИСТИКАСИ

#### XXIV.1. Лойиха қидирув фаолиятининг обьекти ва статистика ташкилотларининг лойиха қидирув фаолиятида мухимлиги

Курилишда янги корхоналар биноларни лойихалаштириши капитал курилишнинг мухим вазифаси ҳисобланади. Капитал курилиш статистикаси лойиха қидирув фаолиятини ўзининг мухим обьекти сифатида ўрганади. Ўз навбатида бу тармоқ таркибида иш жараёни ва натижасидан қидирув ва лойиха сметга фаолиятини ажратиб кўрсатиш мумкин. Лойиха қидирув фаолияти статистикаси қўйидаги мухим вазифаларни ўз ичига олади:

Лойиха қидирув ташкилотлари таркиби, сони материал техника базаси, лойиха қидирув ташкилотлари маҳсулот ҳажмини аниқлаши, лойиха қидирув маҳсулоти режаси бажарилишига баҳо бериш. Лойиха қидирув ташкилотларидаги ишчилар ва меҳнат ресурслари таркибини ўрганиш, лойиха қидирув маҳсулоти таннархи ва молиявии ҳолатини ўрганиш.

Лойиха қидирув фаолияти капитал курилиши учун лойихалаштириши ва қидирув ташкилоти бўлиб ҳисобланади. Лойиха қидирув фаолияти қўйидаги кўринишларда бўлади:

1.Лойихалаштиришнинг асосий вазифаси курилиш лойихаларини ишлаб чиқишидан иборат.

2. Қидирув вазифаси муҳандислик қидирув ишларини олиб бориш.

3.Лойиха қидирув ташкилотларининг вазифаси қидирув ва лойихалаштириш ишларини комплекс олиб бориш.

Лойиха қидирув ташкилотларининг тармоқлар йўналиши бўйича таркибида алоҳида майда тармоқлари мавжуд. Масалан, химия ва металлургия корхоналарини лойихалаштириш. Қишлоқ хўжалиги, турар жой бинолари, ва маданий обьектлар ва ҳоказолар.

Технологик йўналиши бўйича лойихалаштириш институтлари. Масалан, архитектура-курилиши, саноат технологик, сувиссиқлиқ таъминоти ва ҳоказо.

Тармоқ ва технологик йўналишлар амалиётда бир қанча гурӯҳ шаклида бўлади.

1.Гурӯҳ ташкилотлари лойиха қидирув тармоқлари. Халқ хўжалигининг қайси бир тармогида корхоналар лойихасининг технологик қисмини бажарувчи.

Масштаби бўйича булар йирик ташкилотлар ҳисобланади, уларнинг таркибида бир қанча филиаллари ва унга бўйсинувчи

ташкилотлари бўлади.

2. Гурух-курилишга тааллукли бўлган лойиҳалаштириш ташкилотлари бундай ташкилотлар таркибида худудлари чегараланган лойиҳалаштириши ташкилотлари, саноатлараро боғлашини таъминлайди.

3. Гурух ташкилотлари халқ хўжалигидаги худудлар бўйича комплекс ишларни олиб боради.

Лойиҳа қидирув ташкилотларининг куйидаги турлари мавжуд: Давлат; Кооператив; Умумий.

Лойиҳа қидирув ташкилотлари статистик кузатишнинг обьекти ҳисобланади. Уларнинг фаолиятини сводкалаш ва гуруҳлашда таҳдил қилиб кўриш мумкин.

#### XXIV.2. Лойиҳа маҳсулоти ва унинг тайёрланиши түғрисида тушунча

Лойиҳа маҳсулоти статистикасининг асосий вазифасига куйидагилар киради: ҳар бир лойиҳа ва қидирув ташкилотлари бўйича маҳсулот ҳажмини аниқлаш жами: вазирликлар, тармоқлар бўйича ва ҳоказо;

Лойиҳа маҳсулоти бўйича режа бажарилишига баҳо бериш ва таҳдил қилиш;

Лойиҳа маҳсулоти ҳажми динамикасига тавсиф бериш ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳдил қилиш: Яратилаёттан лойиҳасининг сифати ва техник ҳолатини ўрганиш, лойиҳа маҳсулоти ҳақида тўғри маълумот олиш учун

1. Лойиҳа маҳсулоти таркибини аниқлаш.

2. Лойиҳа маҳсулотига аниқ таъриф бериш.

3. Лойиҳа маҳсулотининг тайёрлов ҳолатини ўрганиш.

4. Лойиҳа маҳсулоти ҳажмини ўлчаш усулларини топиш.

5. Лойиҳа маҳсулотининг натурал тузилишини кўриб чиқамиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек ўрганилаёттан тармоқдаги қидирув ишлари ва мустақил лойиҳа ишларни ўз ичига олади. Қурилиш жойи ҳақида қидирув фаолиятида маҳсулот учун муҳандис-техник маълумотларга эга бўлади, яъни янги корхона, бино, иншиоотларни лойиҳасини қайта ишлаш учун. Келажакда қурилиш жойидаги қидирув ишлари таркибида дала ишлари ажрабиб туради. Қурилишнинг аниқ жойи учун метрологик, геологик, топографик гидрологик шароитларини ҳисобга олиш шарт.

Лойиҳа ишлари қидирув лойиҳа фаолияти якуний маҳсулотнинг лойиҳасини яратиш билан туталланади. Лойиҳада техник ҳужжатлар комплексини акс эттирилади. Ишлаб чиқариш комплекслари ва алоҳида обьектлар ҳамда қурилишнинг смета баҳоси ҳақидаги иқтисодий ҳужжатлар ва уларнинг иқтисодий

ҳолатини акс эттиради. Лойиҳалаптириши амалиёти индивидуал ва кўп хилли лойиҳага бўлинади. Индивидуал лойиҳалар бир марта кўлланишга мўлжалланади ва одатда капитал кўйилмалар ҳисобига молиялаштирилади. Кўп хилли лойиҳалар кўп марта кўллашга мўлжалланади ва аниқ курилиш билан алоҳида бўлмайди. Булар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Лойиҳа хужжатлари таркибида бир қанчада мустақил хужжатлар бўлади:

Лойиҳанинг технологик қисми (маҳсулотнинг технологик жараёни, ишлаб чиқариш ва бошқа анжомларга ва ҳоказо тавсиф беради);

Лойиҳанинг курилиш қисми (бинолар ва иншоотларнинг ўлчами, сув таъминотининг чизмалари, электр таъминоти ва ҳоказо);

#### XXIV.3. Лойиҳа маҳсулотлари ҳажмини ҳисобловчи кўрсаткичлар тизими

Лойиҳанинг иқтисодий қисми (курилишнинг техник иқтисодий кўрсаткичи ва келажакда обьектларнинг эксплуатацияси, курилишидаги смета). Лойиҳанинг иқтисодий қисмидаги курилишдаги смета муҳим хужжат ҳисбланади. Бунда лойиҳалаштириладиган ва келажакдаги курилиш корхоналарининг смета баҳоси, бино ва иншоотлари курилишининг баҳоси аниқланади.

Смета баҳосини тўғри аниқлаш капитал курилишини яратиши ва режалаштириш учун муҳим ҳисбланади. Юқорида хисобланган лойиҳа маҳсулотлари қўйидагиларга боғлиқ. 1-материал баҳолар, ишчилар томонидан ташкилотларда олиб борилган ишлар. 2-маҳсулот лойиҳа ва қидирук ишларининг якуни ҳисбланади. 3-ҳисобимизда кўрсатилганидек бу тўғри натижадир, у лойиҳанинг яратиш билан якупланади. 4-фойдали натижажа, лойиҳа маҳсулоти ўрнатилган техник ҳолатга жавоб беради. Лойиҳа маҳсулотнинг ҳажмини аниқ ҳисбланиш учун унинг тайёр маҳсулотдаги барча ҳолатларини ҳисобга олиш керак.

Бу мақсадда маҳсулотнинг қўйидаги турлари ҳисобга олиниади.

Лойиҳанинг туталланмаган қисми - туталланмаган лойиҳа ва қидирук ишларининг ҳажми билан характерланади.

Лойиҳа маҳсулотининг тайёрлиги тўғрисида билишимиз учун қўйидаги чизмани келтирамиз:

ЛОЙИҲА МАҲСУЛОТИ	
Туталланган лойиҳа ва ишлар	Туталланмаган лойиҳа ва ишлар
Лойиҳа ва ишларининг	Лойиҳа ва ишларининг
Туталланмаган қисми	туталланган қисми
Туталланмаган қисм ва бошқа ишлар	Лойиҳанинг туталланмаган қисми

## **Қисқача хуносалар**

Янги иншоотларни лойиҳалаштириш лойиҳа қидирув фаолиятининг асоси ҳисобланади. Лойиҳа қидирув фаолияти кўринишлари, лойиҳанинг технологик қисмини таомиллаштириш, смета баҳосини тўғри аниқлаш каби масалалар лойиҳа қидирув фаолияти статистикасида ўрганилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Лойиҳа-қидирув фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
2. Лойиҳа маҳсулоти нима?
3. Лойиҳа-қидирув фаолияти статистикаси вазифалари нималардан иборат?
4. Лойиҳа маҳсулоти тўғрисида маълумот олиш учун нималарга эътибор берилади?
5. Самара баҳоси қандай усуllibар ёрдамида тўғри аниқланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдураҳмонов М.А. Қурилиш статистикаси. - Ўқув кўлланма 2003.
2. Шодиев Х., Ҳамраев М. Молия статистикаси. - Т., 2002.
3. Устинов А. Статистика капитального строительства. М., 1998.

## XXV боб

### ҚУРИЛИШДА ТАРМОҚЛАРАРО БАЛАНСНИНГ МАТРИЦАЛЫ МОДЕЛИ

#### XXV.1. Тұла мәннат харажатлари ва тұла фонд талаб коэффициентларини ҳисоблаш

Матрицали модел тармоқлараро баланс усулининг такомилаштирилган усулидир. Бу моделни құллаб иқтисодиёт ри-вожланитишнинг күп вариантының ҳисоб-китобларини амалга ошириш, оптимал тармоқлараро алоқанды такомилаштириш ва му-воғиқлаштириш мүмкін. Тармоқлараро баланс матрицали модельнинг тузилиши ва мазмуны назарий жиҳатдан бўлимлар тавсияномаси (хусусий), чизикли тенгламалар тизими кўринишида асосий боғланишлар орқали баён этилган. Матрицали моделлар асосида ёттан асосий муносабатлар ялпи ва првард маҳсулот ўртасидаги боғланишлардир. Бу боғланиш қўйидаги кўринишида бўлади:

$$X_i = \sum_{j=1}^n a_{ij} X_j + y_i; \quad i = \overline{1, u}$$

Бу ерда:  $X_i$ ,  $Y_i$  – i тармоқдаги ялпи ва првард маҳсулот;  $a_{ij}$  – i ишлаб чиқарувчи тармоқнинг j истеъмолчи тармоққа сарфлаган бевосита моддий харажатлар коэффициенти.

Моддий харажатлар коэффициенти матрицали моделларда мухим роль ўйнайди. Тармоқлар ўртасида бевосита технологик моддий харажат коэффициентлари қўйидагича ҳисобланади.  $a_{ij} = x_j / x_i$  у ерда тармоқлараро оқимлар  $x_j$  к  $a_{ij}$   $x_i$  орқали топади.

Тұла харажат коэффициентлари матрицаси ҳисобланган  $a = \{a_{ij}\}$  матрицаси (бевосита моддий харажат коэффициентлари ёрдамида) қўйидаги ифодалар орқали ҳисобланади:

$$A = \{a_{ij}\} = (E - a)$$

Бу ерда:  $A$ ,  $a$  - тұла ва бевосита моддий харажат коэффициенти матрицалари. Тұла моддий харажатлар коэффициенти матрицаси ёрдамида режалантан пировард маҳсулотнинг турли хил вариантлари учун ялпи маҳсулотни ҳисоблаш мүмкін:

$$X = A^{-1} Y$$

Тармоқ даражасидаги ялпи маҳсулотнинг қиймат тартиби:

$$X_j = \sum_{i=1}^n a_{ij} X_i + V_j + m_j; \quad j = \overline{1, n}, \quad i = \overline{1, n}$$

Бу ерда:

$V_j$  -  $j$  - истеъмол қилувчи тармоқнинг меҳнат ҳақи;

$m_j$  -  $j$  - тармоқнинг соф даромади.

$V_j + m_j$  -  $j$  - тармоқнинг соф маҳсулоти  $j$  - тармоқнинг соф маҳсулоти кўринишлар тенгламалар тизими ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$V_j + m_j = x_j - \sum_{i=1}^n a_{ij} \cdot x_i$$

Пировард маҳсулот ( $y$ ) берилганда, тўла ва бевосита харажат коэффициентлари, ялпи ва соф маҳсулот ҳажмини тажрибада масалалар ечиши орқали ўрганиш мумкин. Маҳсулотнинг бир бирликка сарфланган жонли меҳнат харажатлари коэффициентлари истеъмол қилувчи тармоқнинг ялпи маҳсулоти билан сарфланган умумий меҳнат харажатлари нисбатидан келиб чиқади.

$$t_i = \frac{L_j}{x_j}$$

Бу ерда:  $L_j$  - истеъмол қилувчи тармоқнинг умумий меҳнат харажатлари;

$x_j$  - тармоқда бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган жонли меҳнат харажатлари коэффициентлари. Тўла меҳнат харажат коэффициентлари кўринишида бўлади.

$$T_j = \sum_{i=1}^n a_{ij} T_i + t_j \quad \text{ёки} \quad T_j = \sum_{i=1}^n A_{ij} \cdot t_i$$

Бевосита фонд коэффициентлари  $j$  - истеъмол қилувчи тармоқнинг ялпи маҳсулот ҳажми асосий фондларнинг умумий харажатларига бўлиб топилиди ва қўйидаги кўринишида бўлади:

$$f_j = \frac{\Phi}{x_j}$$

Бу ерда:  $\Phi$  -  $j$  - тармоқ асосий фондларнинг умумий дарожаси;  $f_j$  -  $j$  - тармоғи;  $f_j$  -  $j$  - тармоқ бевосита фонд талаби.

лилти коэффициентлари. Тұла фонд талабилиги коэффициентлари қүйидагича аниқланады:

$$F_j = \sum_{i=1}^n a_{ij} F_i + f_j, \quad j=1, \dots, n \quad i=1, \dots, n \quad \text{ёки} \quad F_j = \sum_{i=1}^n A_{ij} f_i$$

Юқоридаги формуулаларға ассоан масалалар ечамиз.

1-масала. Халқ хұжалигининг тармоқлараро ҳисобот баланси (1-масала) ва режа давридаги пировард маҳсулот ҳажми.

#### 40-жадвал

Ишлаб чықарувчи тармоқлар	Истеъмол қилувчи тармоқлар			Маҳсулот (минг сүм)	
	1	2	3	Пировард Мах-т	Ялпи Мах-т
1	36	44	9	11	100
2	20	11	0	79	110
3	10	22	18	40	90
Асосий и/ч фондларининг қиймати ёки бағоси, (минг сүм).	200	275	135		
Мехнат харажатлари, киши-соат.	150	220	99		
Ялпи маҳсулот, (минг сүм).	100	110	90		

Берилған:  $Y_{\text{рек}} = (80, 20, 60)$ . Шулар асосида қүйидагилар ҳисоблансии:

1. Бевосита ва тұла мөддий харажатларнинг коэффициентлари топилсін ва уларнинг иқтисодий мөхияти аниқлансан.
2. Пировард маҳсулот ҳажми маълум бўлганда режаланган даврда ишлаб чықарилган ялпи маҳсулот ҳажмини аниқланг.
3. Тармоқларнинг соғ маҳсулот ҳажмини аниқлаш.
4. Маҳсулот бир бирлигининг бевосита ва тұла фонд талабилиги сер- меҳнатлилиги коэффициентларини аниқлаш.
5. Маҳсулот бир бирлигининг бевосита ва тұла фонд талабилиги коэффициентларини аниқлаш.
6. Тегишли тармоқларда маҳсулот ишлаб чықарилиши учун зарур бўлган меҳнат ва асосий ишлаб чықариши фондларининг мөкденини аниқлаш.
7. Режалаптириладиган даврдаги тармоқлараро баланс тузилсін. Бевосита ва тұла мөддий харажати коэффициентларини ҳисоблаш:

а) Бевосита моддий харажат коэффициентларини ҳисоблаш қуйидагича аниқланади:

$$a_{11} = X_1/X_1 = 36/100 = 0,3; \quad a_{21} = X_2/X_1 = 20/100 = 0,2;$$

$$a_{31} = X_1/X_1 = 10/100 = 0,1; \quad a_{12} = X_1/X_2 = 44/110 = 0,4;$$

$$a_{22} = X_2/X_2 = 11/110 = 0,1; \quad a_{32} = X_2/X_2 = 22/110 = 0,2;$$

$$a_{13} = X_1/X_3 = 9/90 = 0,1; \quad a_{23} = X_2/X_3 = 0/90 = 0;$$

$$a_{33} = X_3/X_3 = 18/90 = 0,2;$$

Натижада бевосита моддий харажат коэффициентларини матрица кўринишсида қуйидагича ифодалап мумкин:

$$a = \begin{pmatrix} 0,3 & 0,4 & 0,1 \\ 0,2 & 0,1 & 0 \\ 0,1 & 0,2 & 0,2 \end{pmatrix}$$

б) Тўла моддий харажат коэффициентларини ҳисоблаш. Тўла моддий харажат коэффициентларини аниқлашда кўлинча тескари матрица ва Жордано - Гаусс усуслари кўлланилади. Шунинг учун берилган масаланинг тўла моддий харажат коэффициентларини аниқлашда икки хил усусли қўллаймиз:

### 1. Тескари матрица усули

Биринчи усул билан тўла моддий харажат коэффициентларини аниқлаш учун юкорида топилган  $a = \{a_{ij}\}$  матрицага асосан  $A = (E-a)^{-1}$  матрицининг элементларини топиш керак. Бунинг учун оддин  $(E-a)$  матрица элементларининг қўйматларини топинг сўнгра  $(E-a)$  - нинг детерминантини ҳисоблаймиз.

Ечиш:

$$E-a = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 1 \end{pmatrix} - \begin{pmatrix} 0,3 & 0,4 & 0,1 \\ 0,2 & 0,1 & 0 \\ 0,1 & 0,2 & 0,2 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0,7 & -0,4 & -0,1 \\ -0,2 & 0,9 & 0 \\ -0,1 & -0,2 & 0,8 \end{pmatrix};$$

Энди  $(E-a)$  – детерминантни ҳисоблаймиз.

$$|\Delta| = /E-a/ = 0,7(-1) \begin{vmatrix} 0,9 & 0 \\ -0,2 & 0,8 \end{vmatrix} - 0,4(-1) \begin{vmatrix} 0,2 & 0 \\ 0,1 & 0,8 \end{vmatrix} - 0,1(-1) \begin{vmatrix} -0,2 & 0,9 \\ -0,1 & -0,2 \end{vmatrix} = 0,7 \cdot 0,72 - 0,4$$

$$0,16 \cdot 0,1 \cdot 0,13 = 0,504 - 0,064 - 0,013 = 0,504 - 0,077 = 0,427;$$

$$|\Delta| = /E-a/ = 0,427 \text{ бўлади.}$$

Демак, /E-a/ матрицанинг барча элементларини топиш учун алгебраик тўлдурувчиларни хисоблаймиз ва уни  $T_{ij}$  билан белгилаймиз.

$$T_{11} = (-1) \begin{vmatrix} 0,9 & 0 \\ -0,2 & 0,8 \end{vmatrix} = 0,72; \quad T_{12} = /-1/ \begin{vmatrix} -0,2 & 0 \\ -0,1 & 0,8 \end{vmatrix} = 0,16$$

$$T_{13} = (-1) \begin{vmatrix} -0,2 & 0,9 \\ -0,1 & -0,2 \end{vmatrix} = 0,04 + 0,04 = 0,13;$$

$$T_{21} = (-1) \begin{vmatrix} -0,4 & -0,1 \\ -0,2 & 0,8 \end{vmatrix} = 0,32 + 0,02 = 0,34;$$

$$T_{22} = (-1) \begin{vmatrix} 0,7 & -0,1 \\ -0 & 0,8 \end{vmatrix} = 0,56 - 0,01 = 0,55;$$

$$T_{31} = (-1) \begin{vmatrix} -0,4 & -0,1 \\ 0,9 & 0 \end{vmatrix} = 0,09;$$

$$T_{31} = (-1) \begin{vmatrix} -0,4 & -0,1 \\ 0,9 & 0 \end{vmatrix} = 0,09;$$

$$T_{32} = (-1) \begin{vmatrix} 0,7 & -0,1 \\ -0,2 & 0 \end{vmatrix} = 0,02;$$

$$T_{33} = (-1) \begin{vmatrix} 0,7 & -0,4 \\ -0,2 & 0,9 \end{vmatrix} = 0,63 - 0,08 = 0,55;$$

Хисоблаб чиқылған алгебраик түлдірүвчиларни матрица күринишида Т орқали ифодалаймиз:

$$T = \begin{pmatrix} 0,72 & 0,16 & 0,13 \\ 0,34 & 0,55 & 0,18 \\ 0,09 & 0,02 & 0,55 \end{pmatrix}$$

Хосил бўлган ( $T$ ) матрицани транспонлаймиз.

$$(E - a) = \begin{pmatrix} 0,72 & 0,34 & 0,09 \\ 0,16 & 0,55 & 0,18 \\ 0,13 & 0,02 & 0,55 \end{pmatrix}$$

Натижада шу формулага асосан.

$A = (E - a) = |1 / E - a| \cdot (E - a)^{-1}$  тескари бўлган матрица элементларининг қийматларини топамиз.

$$A = 1/0,427 \begin{pmatrix} 0,72 & 0,34 & 0,09 \\ 0,16 & 0,55 & 0,02 \\ 0,13 & 0,18 & 0,55 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1,686 & 0,796 & 0,2107 \\ 0,3747 & 1,2880 & 0,0486 \\ 0,3044 & 0,4215 & 1,2880 \end{pmatrix}$$

$$\text{натижада, } A = (E - a)^{-1} = \begin{pmatrix} 1,686 & 0,796 & 0,2107 \\ 0,3747 & 1,2880 & 0,0468 \\ 0,3044 & 0,4215 & 1,2880 \end{pmatrix}$$

куринишидаги матрица хосил булади.

Топилган ( $A$ ) матрица элементлари қийматлари тўла моддий харажат коэффициентларининг тескари матрица усули билан аниқланади.

II Жорданоо Гаусс Усули.

Тўла моддий харажат коэффициентларини иккинчи усул Жордано Гаусс усули билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидагиларни берамиз.

$\bar{X} = a\bar{X} + y; E\bar{X} = a\bar{X} = y;$

$$(E - a) X = y; X = (E - a)^{-1} y; A = (E - a)^{-1};$$

$$(E - a | E) = \left( \begin{array}{ccc|ccc} 0,7 & 0,4 & -0,1 & 1 & 1 & 0 \\ -0,2 & 0,9 & 0 & 0 & 1 & 0 \\ -0,1 & -0,2 & 0,8 & 0 & 0 & 1 \end{array} \right) \quad \left( \begin{array}{ccc|ccc} 1 & -0,571 & -0,143 & 1,428 & 0 & 0 \\ 0 & 0,786 & -0,29 & 0,286 & 1 & 0 \\ 0 & -0,257 & 0,786 & 0,143 & 0 & 1 \end{array} \right)$$

$$\begin{array}{|c c c|c c c|} \hline 1 & 0 & -0,164 & 1,636 & 0,726 & 0 \\ 0 & 1 & -0,037 & 0,364 & 1,272 & 0 \\ 0 & 0 & 0,776 & 0,2362 & 0,327 & 1 \\ \hline \end{array} \quad \begin{array}{|c c c|c c c|} \hline 1 & 0 & 0 & 1,6858 & 0,7956 & 0,211 \\ 0 & 1 & 0 & 0,3752 & 0,2876 & 0,0468 \\ 0 & 0 & 1 & 0,3041 & 0,421 & 1,288 \\ \hline \end{array}$$

$$A = \{A_{ij}\} = (E - a)^{-1} = (1,686)$$

Шундай қилиб, тұла моддий ҳаражат коэффициентларининг матрицасини қуидагиша ифодалаймиз:

$$A = \{A_{ij}\} = (E - a)^{-1} = \begin{pmatrix} 1,686 & 0,796 & 0,21 \\ 0,375 & 1,288 & 0,047 \\ 0,3041 & 0,421 & 1,288 \end{pmatrix}$$

Демек, холоса қилиб айтганимизда иккі хил усул билан топылған  $A = (E - a)$  матрица элементларининг қыйматлари бир бирлік маҳсулотни ишлаб чықариши керак ва тақсимлаш учун сарфланған тұла моддий ҳаражатлардир.

$A = \{A_{ij}\}$  ва  $a = \{a_{ii}\}$  матрицаларини таққослаганда  $a = \{a_{ii}\}$  матрицаның ҳамма элементлари  $A = \{A_{ij}\}$  матрицаның элементларидан фарқылаб, бирдан кичиклиги ва  $a = \{a_{ii}\}$  матрицадаги  $a_{23}$  элементи нолға тең ( $a_{23} = 0$ ) (2-тармоқ маҳсулоти 3-тармоқда истеъмол қилинмайды), тұла моддий ҳаражатлар  $A = \{A_{ij}\}$  матрицасыда эса нолға тенг элементтің ішкелегига пировард маҳсулотини ишлаб чықариш учун 3-тармоқда бошқа тармоқ маҳсулотлар ишлатилишига эътибор бериш керак.

2. Берилған пировард маҳсулот  $Y_i$  бүйінча ҳисобот даврида тармоқнинг ялпы ишлаб чықариш ҳажми  $X_i$  - ни аниклаш.

$X_i$  - ни аниклашда (1.1) күренишидеги тармоқлараро балансда маҳсулотларни ишлаб чықариш ва тақсимлашынг чизикли күренишидеги иқтисодий математик модели ёки (1.2) орқали ифодаловчы тармоқлараро балансда маҳсулотларни ишлаб чықариш ва тақсимлашынг матрица күренишидеги модели ишлатылади.

(1.1) га асосан қуидаги тенгламалар тизимини тузамиз:

$$\begin{cases} X_1 = 0,7X_1 + 0,4X_2 + 0,1X_3 + 80 \\ X_2 = 0,2X_1 + 0,1X_2 + 0X_3 + 20 \\ X_3 = 0,1X_1 + 0,2X_2 + 0,8X_3 + 60 \end{cases}$$

Тузилган тенгламалар тизимида пировард маҳсулотни тенгламанинг ўнг томонида қолдириб, тенгламалар тизими куийдаги кўрининишини ёзамиш:

Тузилган тенгламалар тизими ялпи маҳсулотни топиши учун Гаусс, Крамер, Жордан-Гаусс ва бошқа усувларни ҳам кўллаш мумкин.

а) Крамер усули бўйича ечиш:

Крамер усули бўйича ечиш учун тенгламалар тизимининг детерминантларини топамиш:

$$|\Delta| = \begin{vmatrix} 0,7 & -0,4 & -0,1 \\ -0,2 & 0,9 & 0 \\ -0,1 & -0,2 & -0,8 \end{vmatrix}; \quad |\Delta_1| = \begin{vmatrix} 80 & -0,4 & -0,1 \\ 20 & 0,9 & 0 \\ 60 & -0,2 & 0,8 \end{vmatrix}$$

$$|\Delta_2| = \begin{vmatrix} 0,7 & 80 & -0,1 \\ -0,2 & 20 & 0 \\ -0,1 & 60 & 0,8 \end{vmatrix}; \quad |\Delta_3| = \begin{vmatrix} 0,7 & -0,4 & 80 \\ -0,2 & 0,9 & 20 \\ -0,1 & -0,2 & 60 \end{vmatrix};$$

Топилган  $|\Delta|$ ,  $|\Delta_1|$ ,  $|\Delta_2|$  ва  $|\Delta_3|$  ларини ечамиш:

$$|\Delta| = (-1)0,7 \begin{vmatrix} 0,9 & 0 \\ -0,2 & 0,8 \end{vmatrix} - 0,4(-1) \begin{vmatrix} -0,2 & 0 \\ -0,1 & 0,8 \end{vmatrix} - 0,1(-1) \begin{vmatrix} -0,2 & 0,9 \\ 0,1 & -0,2 \end{vmatrix} = \\ = 0,7 \cdot 0,72 - 0,4 \cdot 0,16 - 0,1 \cdot 0,13 = 0,427$$

$$|\Delta_1| = \begin{vmatrix} 80 & -0,4 & -0,1 \\ 20 & 0,9 & 0 \\ 60 & -0,2 & 0,8 \end{vmatrix} = 69,8; \quad |\Delta_2| = \begin{vmatrix} 0,7 & 80 & -0,1 \\ -0,2 & 20 & 0 \\ -0,1 & 60 & 0,8 \end{vmatrix} = 25,0$$

$$|\Delta_3| = \begin{vmatrix} 0,7 & -0,4 & 80 \\ -0,2 & 0,9 & 20 \\ -0,1 & -0,2 & 80 \end{vmatrix} = 47 \quad X_1 = |\Delta_1|/|\Delta|, \quad X_2 = |\Delta_2|/|\Delta|, \quad X_3 = |\Delta_3|/|\Delta|$$

Демак, Крамер формуласига асосан ялпи маҳсулотнинг ҳажмини топамиш:

$$X_1 = 163,466; \quad X_2 = 58,50; \quad X_3 = 1100$$

б). Агар (1.2) тенгламадан ва  $X_i = \sum A_{ij} X_j$ ,  $i=j$  формуладан фойдалансак, куйидаги натижани оламиш.

$$X = \begin{pmatrix} 1,686 & 0,796 & 0,211 \\ 0,375 & 1,288 & 0,047 \\ 0,304 & 0,421 & 1,288 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} 80 \\ 20 \\ 60 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 163,466 \\ 58,5 \\ 110,0 \end{pmatrix}$$

*Екінші*  $X_1 = 1,68680 + 0,79620 + 0,21160 = 134,8 + 15,92 + 12,66 = 163,5$

$$X_2 = 0,37580 + 1,28820 + 0,04760 = 30 + 25,76 + 2,82 = 58,5$$

$$X_3 = 0,30480 + 0,42120 + 1,28860 = 24,32 + 8,42 + 77,28 = 110,0$$

Хүлоса қилиб айтганда, юқоридаги усуллар ёрдамида тоғылған ялпи маҳсулотларнинг ҳажми бир - бирига тенгdir.

$$X_1 = 163,5; \quad X_2 = 58,5; \quad X_3 = 110,0.$$

3. Тармоқлараро соғ маҳсулот ҳажмини аниқлаймиз:  
Соғ маҳсулот биринчи тармоқ учун:

$$V_1 + m_1 = X_1 - \sum a_{ij} X_j = 163,5 - (0,3 \cdot 163,5 + 0,2 \cdot 163,5 + 0,1 \cdot 163,5) = 65,4$$

Иккинчи тармоқ учун:

$$V_2 + m_2 = X_2 - \sum a_{ij} X_j = 58,5 - 0,4 \cdot 163,5 + 0,1 \cdot 163,5 + 0,2 \cdot 110,0 = 17,6$$

Үчинчи тармоқ учун:

$$V_3 + m_3 = X_3 - \sum a_{ij} X_j = 110,0 - (0,1 \cdot 163,5 + 0,2 \cdot 58,5 + 0,3 \cdot 110,0) = 77$$

4. Маҳсулот бир бирлигининг бевосита ва тұла күпмек-натлилік коэффициентларини аниқлаймиз:

a) бевосита күпмекнатлилік коэффициентлари:

$$t_1 = L/X_1 = 150/100 = 1,5; \quad t_2 = L_2/X_2 = 220/110 = 2,0; \quad t_3 = L_3/X_3 = 99/90 = 1,1$$

б) тұла күпмекнатлилік коэффициентлари (1,4) ва (1,5) тенгламалар тизимләри ёрдамида аниқланиши мүмкін.  
(1,4) - тенгламалар тизимини тузамиз.

$$\begin{cases} T_1 = 0,3T_1 + 0,2T_2 + 0,1T_3 + 1,5 \\ T_2 = 0,4T_1 + 0,1T_2 + 0,2T_3 + 2,0 \\ T_3 = 0,1T_1 + 0T_2 + 0,2T_3 + 1,1 \end{cases}$$

Бу тизимни ечиб, ҳар бир тармоқнинг тўла кўпмехнатли-  
лик коэффициентларини ҳосил қиласиз:

$$T_1 = t_1 A_1; T_2 = t_2 A_2; T_3 = T_3 A_3$$

Тўла моддий харажатлар матрицасидан фойдаланиб, меҳ-  
натнинг тўла харажат коэффициентларини ҳисоблаймиз:

$$T_j = t \cdot A = (1; 5; 2; 1; 1) \begin{pmatrix} 1,686 & 0,796 & 0,211 \\ 0,375 & 0,796 & 0,211 \\ 0,304 & 0,421 & 1,288 \end{pmatrix} = (3,613 \ 4,233 \ 1,827)$$

5. Тармоқлар маҳсулот бир бирлигининг тўғри фонд ва  
тўла фонд талаблилиги коэффициентларини аниқлаш:

а) тўғри фонд талаблилиги коэффициентлари қўйидагича  
аниқланади:

$$f_1 = \phi/x_1 = 200/100 = 2,0; f_2 = \phi/x_2 = 275/110 = 2,5; f_3 = \phi/x_3, \\ 135/90 = 1,5$$

б) тўла фонд талаблилиги коэффициентларини (1,6) (1,7)  
тенгламалар тизимлар ёрдамида ҳисоблаймиз. (1,6) тенглама-  
лар тизимини тузамиз:

$$\begin{cases} F_1 = 0,3F_1 + 0,2F_2 + 0,1F_3 + 2,0 \\ F_2 = 0,4F_1 + 0,1F_2 + 0,2F_3 + 2,5 \\ F_3 = 0,1F_1 + 0F_2 + 0,2F_3 + 1,5 \end{cases}$$

Тизимни ечиб қўйидаги натижани оламиз:

$$F_1 = 4,76 \quad F_2 = 5,44 \quad F_3 = 1,47$$

(1.7) тенгликни қўллаб қўйидаги ҳисоблашни амалга  
оширамиз:

$$F = f \cdot A = (2,0; 2,5; 1,5) \begin{pmatrix} 1,686 & 0,796 & 0,211 \\ 0,375 & 1,288 & 0,047 \\ 0,304 & 0,421 & 1,288 \end{pmatrix} = (4,756; 5,443; 3,471);$$

6. Тегишли тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш учун  
зарур бўлган меҳнат ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг  
миқдорини аниқлаш:

а) ялпи ишлаб чиқарилга мутаносиб бўлган меҳнат ха-  
ражатлари ҳажмини тармоқлар бўйича мос равишда аниқлаш:

$$L_1 = t_1 X_1 = 1.5 \cdot 163.5 = 245.25$$

$$L_2 = t_2 X_2 = 2.0 \cdot 58.5 = 117.0$$

$$L_3 = t_3 X_3 = 1.11 \cdot 10.0 = 121.0$$

б) асосий фондлар ҳажманини аниқлаш:

$$\Phi_1 = f_1 X_1 = 2 \cdot 163.5 = 327.0$$

$$\Phi_2 = f_2 X_2 = 2.5 \cdot 58.5 = 146.25$$

$$\Phi_3 = f_3 X_3 = 1.5 \cdot 110.0 = 165.0$$

7. Режали тармоқлараро баланснинг оқимларини аниқлаш қўйидаги  $X_j = a_{ij} / X_i$  формула билан аниқланади, агар  $i$  қўй бўлганда:

## XXV.2. Тармоқлараро режали баланс тузиш

**41-жадвал**

Ишлаб чиқариш тармоқлар	Истеъмол қўлиучи тармоқлар			Махсулот (минг сўм)	
	1	2	3	Пировард маҳсулот	Яшни маҳсулот
1	49,0	23,4	11	80	163,5
2	32,7	5,8	0	20	58,5
3	16,3	11,7	22	60	110,0
Соф маҳсулот, минг сўм	65,4	17,6	77	-	-
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматлари (баҳоси), минг сўм.	327,0	14,6	165,0	-	-
Мезнат харжатлари, минг киши-соат.	245,25	117,0	121,0	-	-
<b>Ялпли маҳсулот, минг сўм.</b>	<b>163,4</b>	<b>58,5</b>	<b>110</b>	-	-

Матрицали моделлари натурал ва қиймат ифодасида. Улар ёрдамида қурилиш корхоналарининг сифат ва ҳажм фаолияти кўрсатилади ҳамда аниқланади. Матрицали модельда берилган корхона учун характерли бўлган ишлаб чиқариш тузилмаси акс эттирилади: асосий ва ёрдамчи цехлар улар томонидан ишлаб чиқариладиган оралиқ ва пировард маҳсулот. Матрицали моделини тузишда, тузилиши жиҳатидан матрицали қурилиш техник-молия режаси тизимиға мос келадиган меъёрий моделлар асос ҳисобланади.

Назарий курсда матрицали қурилиш техника-молия режаси тузилиши ва бўлимлар характеристикаси ўргатилади. Қурилиш техник-молия режасини тузишида товар маҳсулотининг ишлаб чиқариш режаси ҳамда турли харажат меъёри боплангич маълумот бўлиб хизмат қиласи.

Курилиш техник-молия режасининг матрициали моделида корхона бўлимлар (цехлар, участкалар ва бошқалар) тармоқла-  
раро баланс тармоқлари сингари маълум бир ўринни эгаллайди.

$$X_i = \sum_{j=1}^n a_{ij} X_j + Y_i, \quad i = \overline{1, n} \quad (1.8)$$

Бу ерда:  $i$ -кўриб чиқилаётган бўлим томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турининг индекси (маҳсулот деганда, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар, деталлар, ярим тайёр маҳсулотларни тушунамиз);  $j$  -бошқа бў-  
лимлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури индек-  
си;  $n$  -маҳсулот турлари сони;  $a_{ij}$  -бошқа бўлимда - маҳсулот-  
нинг бир бирлигини ишлаб чиқариши учун керак бўлган  $i$  -маҳ-  
сулотнинг харажат меъёри;  $Y_i$  - $i$  -турдаги товар (пировард)  
маҳсулотини ишлаб чиқариш режаси (ёрдамчи цехлар ёки со-  
тиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи цехлар  
учун у кўпинча нолга тенг);

$X_i$  -  $i$  -турдаги маҳсулотни берилган корхона бўлими томо-  
нидан ишлаб чиқариши режаси;

$X_j$  - $j$  -ярим тайёр маҳсулотда ишлатилаётган  $j$  -турдаги  
маҳсулотнинг ишлаб чиқариши режаси.

$X_i$  -маҳсулот ҳажмини аниқлаш учун тармоқнинг ялпи  
маҳсулотини топишда (1- амалий машғулотта қаралсин) керакли  
юқоридаги ҳисоб - китобларга ўхшаш амалларда ишлатилади.

Курилиш техник-молия режаси матрициали модельнинг З-  
бўлимида  $D$ ,  $T$  ва  $F$  матрицаларини ҳисоблаш зарур.

$D$  - корхона бўлимлари бўйича ташқаридан келган кўйида-  
ги моддий ресурсларнинг келиши ва тақсимланишини кўрсатади:

- хомашё; асосий ва ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳ-  
сулотлар, бутловчи маҳсулотлар ва деталлар, ёқилғи, электр энер-  
гияси ва курилиш хизматлари;

$T$  - тўла меҳнат матрицаси. Унда корхона бўлимлари ора-  
лиғида ишчиларнинг асосий касб ва малака гуруҳлари бўйича  
жонли меҳнат коэффициентлари акс эттирилади;

$F$  - тўла фонд матрицаси. Бу матрица корхона бўлимлари  
оралиғида асбоб-ускуналар асосий груҳларининг машина вақт  
сафларини (харажатларини) ўз ичига олади.

$D$ ,  $T$  ва  $F$  матрица элементларини ҳисоблаш қўйидагича  
амалга оширилади:

$$D_e = \sum_{j=1}^n d_{ej} X_j + Y_i, \quad I = \overline{1, n} \quad (1.9)$$

ёки матрицали кўринишида  $D = d x$

Бу ерда:  $I$  - моддий ресурс тури индекси;  $m$  -моддий ресурсларнинг умумий сони;

$d_{ij}$  -  $j$  маҳсулотнинг бир бирлигига сарфланадиган  $I$  турдаги моддий ресурсларнинг харажат мөъёри;  $D_e$  -  $I$ -турдаги моддий ресурсларнинг умумий миқдори.

$$Tq = Tq = \sum_{j=1}^n t_{qj} \cdot X_j, q = \overline{1, S} \quad (1.10)$$

ёки матрицавий кўринишида

$$T = t x$$

Бу ерда:  $q$  берилган касб-малака гурухининг меҳнат харажатлари индекси;  $S$  -малакали ишчилар гурухларининг умумий сони;  $t_{qj}$  -  $j$ -турдаги маҳсулотнинг бир бирлигига  $q$  -турдаги жонли меҳнат харажатлари;

$T_2$  - корхона ишлаб чиқариши керак бўлган бутун маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш учун  $q$  -турдаги жонли меҳнат сарфининг (харажатининг) умумий миқдори;

$$F_r = \sum_{j=1}^n f_{rj} X_j, r = \overline{1, k} \quad (1.11)$$

ёки матрицавий кўринишида

$$P = f X$$

Бу ерда:  $r$  - асбоб-ускуналар гурухи индекси;  $k$  - асбоб ускуналарнинг сони;  $F_r$  - қурилиш корхоналарининг бутун маҳсулотини ишлаб чиқаришга соғ бўлган  $r$  - гурух асбоб-ускуналарининг машина-қурилиш харажатлари ёки миқдори;  $f_{rj}$  -  $j$  маҳсулот турининг  $r$  -грухи асбоб-ускуналарнинг фонд ҳажми.

Масала. Иккита асосий ва ёрдамчи цеждан ташкил топган қурилиш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун режа даврига қўйидагилар берилган: а —тўғри моддий харажат коэффициентлари матрицаси.

$$a = \begin{pmatrix} 0,15 & 0,10 & 0,05 & 0,08 \\ 0,20 & 0,30 & 0,10 & 0,50 \\ 0,30 & 0,50 & 0,40 & 0,22 \\ 0,10 & 0,15 & 0,20 & 0,30 \end{pmatrix}$$

Товар (пировард) маҳсулотни ишлаб чиқариш:

$$Y_i = \begin{pmatrix} 8,5 \\ 15,0 \\ 0 \end{pmatrix}$$

$d$  -маҳсулотнинг бир бирликка сарф бўлган икки хил хомашё ва моддий харажат коэффициентлари матрицаси.

$$d = \begin{pmatrix} 2,0 & 1,5 & 0,8 & 0,1 \\ 1,0 & 0,8 & 0,3 & 0,5 \end{pmatrix}$$

$t$  -икки касб-малака гурухлари оралигида маҳсулотнинг бир бирлигига сарфланадиган гурух ишчиларининг иш вақти харажатларининг матрицаси.

$$t = \begin{pmatrix} 2,7 & 3,2 & 3,8 & 4,0 \\ 1,0 & 4,0 & 1,5 & 2,0 \end{pmatrix}$$

Икки гурух асбоб-ускуналарининг маҳсулот бир бирлигига машина вақт харажатларининг матрицаси.

$$f = \begin{pmatrix} 2,5 & 1,3 & 2,0 & 2,8 \\ 1,0 & 1,5 & 1,8 & 1,3 \end{pmatrix}$$

Талаб: режа даври учун цехларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, цехлараро маҳсулот оқими ва цехларнинг хомашё, материаллар, асбоб-ускуналар, ишчи кучига бўлган режа эҳтиёжи ҳисоблансин ва корхона курилиш техник молия режасининг матрицали модели тузилсин (биринчи учта бўлим тулдирилсин).

### XXV.3. Ялпи маҳсулот ҳажмини аниқлиш

Ялпи маҳсулот ҳажмини аниқлаш учун (1.8) формуладан фойдаланиб, куйидаги тентгламалар тизимини тузамиш:

$$\begin{cases} X_1 = 0,15x_1 + 0,10x_2 + 0,05x_3 + 0,06x_4 + 8,5 \\ X_2 = 0,20x_1 + 0,30x_2 + 0,10x_3 + 0,50x_4 + 15,0 \\ X_3 = 0,30x_1 + 0,50x_2 + 0,40x_3 + 0,22x_4 + 0 \\ X_4 = 0,10x_1 + 0,15x_2 + 0,20x_3 + 0,30x_4 + 0 \end{cases}$$

$$\begin{cases} 0,85x_1 - 0,10x_2 - 0,05x_3 + 0,08x_4 = 8,5 \\ -0,20x_1 - 0,70x_2 - 0,10x_3 - 0,50x_4 = 15,0 \\ -0,30x_1 - 0,50x_2 - 0,60x_3 - 0,30x_4 = 0 \\ -0,10x_1 - 0,15x_2 - 0,20x_3 - 0,70x_4 = 0 \end{cases}$$

Тузилган тенгламалар тизимиidan ялпі маҳсулотни топиш  
учун исталған үсүлни күллаб аниклаш мүмкін: Масалан A=(E-a)-1  
ёки (E-a)/E/A үсүллари.

Ечиш:

$$\left( \begin{array}{cccc|cccccc} 0,85 & -0,10 & -0,05 & -0,80 & 1 & 0 & 0 & 0 & 8,5 \\ -0,20 & -0,70 & 0,10 & -0,50 & 0 & 1 & 0 & 0 & 15,0 \\ -0,30 & -0,50 & 0,60 & -0,22 & 0 & 0 & 1 & 0 & 0 \\ -0,10 & -0,15 & -0,20 & 0,70 & 0 & 0 & 0 & 1 & 0 \end{array} \right)$$

$$\left( \begin{array}{cccc|cccccc} 1 & -0,1176 & -0,058 & -0,0941 & 1,1765 & 0 & 0 & 0 & 10 \\ 0 & 0,6765 & -0,1118 & -0,5118 & 0,2353 & 1 & 0 & 0 & 17 \\ 0 & -0,5353 & 0,5824 & -0,2482 & 0,3529 & 0 & 1 & 0 & 3 \\ 0 & -0,1618 & -0,2059 & 0,6906 & 0,1176 & 0 & 0 & 1 & 1 \end{array} \right)$$

$$\left( \begin{array}{cccc|cccccc} 1 & 0 & -0,0782 & -0,1843 & 1,2140 & 0,1738 & 0 & 0 & 12,9552 \\ 0 & 1 & -0,1653 & -0,7669 & 0,3478 & 1,4782 & 0 & 0 & 25,1293 \\ 0 & 0 & 0,4939 & -0,6587 & 0,5391 & 0,7913 & 1 & 0 & 16,4517 \\ 0 & 0 & 0,2326 & 0,5665 & 0,1739 & 0,2392 & 0 & 1 & 5,06591 \end{array} \right)$$

$$\left( \begin{array}{cccc|ccccc} 1 & 0 & 0 & 0 & -0,2886 & 1,2993 & 0,2991 & 0,1583 & 0 & 15,56 \\ 0 & 1 & 0 & 0 & -0,9874 & 0,5282 & 1,7430 & 0,3347 & 0 & 30,6354 \\ 0 & 0 & 1 & 0 & -1,3337 & 1,0915 & 1,6021 & 2,0247 & 0 & 33,3098 \\ 0 & 0 & 0 & 1 & 0,2563 & 0,4278 & 0,6052 & 0,4709 & 1 & 12,8138 \end{array} \right)$$

$$\left( \begin{array}{cccc|ccccc} 1 & 0 & 0 & 0 & 1,7810 & 0,9806 & 0,6885 & 1,1260 & 29,998 \\ 0 & 1 & 0 & 0 & 2,1763 & 4,0745 & 2,1488 & 3,8525 & 80,004 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 3,3176 & 4,7514 & 4,4751 & 5,2037 & 99,998 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 1,6691 & 2,3613 & 1,8373 & 3,9017 & 49,995 \end{array} \right)$$

Натижада ялпи маҳсулотлар қуийдагича бўлади:

$$X_1=29,998=30; \quad X_2=80; \quad X_3=100; \quad X_4=49,995=50$$

2. Цехлараро маҳсулот оқимларини қуийдаги формула  
( $X_{ij}=O_{ij}$ .  $X_j$  бунда:  $X_j=X_i$ , агар  $i=j$  бўлса) билан аниқланади:

$$\begin{aligned} X_{11}=0,16 \cdot 30,0=4,5; \quad X_{21}=6,0; \quad X_{31}=9,0; \quad X_{41}=3,0 \\ X_{12}=8,0; \quad X_{22}=24,0; \quad X_{32}=40; \quad X_{42}=12,0 \\ X_{13}=5,0; \quad X_{23}=10,0; \quad X_{33}=40; \quad X_{43}=20,0 \\ X_{14}=4,0; \quad X_{24}=25,0; \quad X_{34}=11; \quad X_{44}=15,0 \end{aligned}$$

3. Цехлар бўйича моддий ресурсларга бўлган истеъмолни аниқланди. Ҳисоблаш учун (1.9) тенгламага нисбатан аниқланади:

$$D = dx = \begin{pmatrix} 2,0 & 1,5 & 0,8 & 0,4 \\ 1,0 & 0,8 & 0,3 & 0,5 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} 30 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 80 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 100 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 50 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 60 & 120 & 80 & 20 \\ 30 & 64 & 30 & 25 \end{pmatrix}$$

Бутун ялпи маҳсулот ҳажмига сарфланадиган биринчи турдаги маҳсулотнинг миқдори мос равишда шу бирликларга тенг.

$$D_1=60+120+80+20=280 \text{ бирлик};$$

$$D_2 = 30 + 64 + 30 + 25 = 149 \text{ бирлик.}$$

4. Ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш. Ҳисоблаш (1.10) га нисбатан аниқланади.

$$T = t \cdot x = \begin{pmatrix} 2,7 & 3,2 & 3,8 & 4,0 \\ 1,0 & 4,0 & 1,5 & 2,0 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} 30 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 80 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 100 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 50 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 81 & 256 & 380 & 20 \\ 30 & 320 & 150 & 100 \end{pmatrix}$$

Ялпи маҳсулотнинг бутун ҳажмига биринчи ва иккинчи турдаги меҳнат харажатлари сони.

$T_1 = 81 + 256 + 380 + 20 = 737$  бирлик.  $T_2 = 30 + 320 + 150 + 100 = 600$  бирлик.

5. Тегишли гурӯжларнинг асбоб-ускуналарига бўлган талабни аниқлаш.

Ҳисоблаш учун (1.11)-ифодани аниқлаймиз:

$$F = f \cdot x = \begin{pmatrix} 2,5 & 1,3 & 2,0 & 2,8 \\ 1,0 & 1,5 & 1,8 & 1,3 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} 30 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 80 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 100 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 50 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 75 & 104 & 200 & 140 \\ 30 & 120 & 180 & 65 \end{pmatrix}$$

Корхона ялпи маҳсулотининг бутун ҳажмига сарфланадиган биринчи ва иккинчи гурӯҳ асбоб-ускуналарнинг ишлаши учун керак бўлган машина курилишларининг сони:

$= 75 + 104 + 200 + 140 = 519$  бирлик.  $= 30 + 120 + 180 + 65 = 395$  бирликни ташкил қиласди.

Юқоридаги топилгандарга асосан режа даврига матрицали моделини тузамиз.

## 6. Режа даврига матрицали модели.

**42-жадвал**

Ишлаб чиқариш бўлимлари маҳсулоти	Истеъмол қилувчи бўлимлар маҳсулоти				Маҳсулот, минг сўм	
	Асосий ишлаб чиқариш	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	Пировар д товар	Ялни маҳсулот		
	П <sub>1</sub>	П <sub>2</sub>	П <sub>3</sub>	П <sub>4</sub>		
Асосий ишлаб чиқариш П <sub>1</sub> П <sub>2</sub>	4,5 6,0	8,0 24,0	5,0 10,0	4,0 25,0	8,5 15	30,0 80,0
Ёрдамчи ишлаб чиқариш В <sub>1</sub> В <sub>2</sub>	9,0 3,0	40,0 12,0	40,0 20,0	11,0 15,0	0 0	100,0 50,0
Хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва хоказо. С <sub>1</sub> =Д <sub>1</sub> С <sub>2</sub> =Д <sub>2</sub>	60 30	120 64	80 30	20 25	- -	- -
Мехнат харажатлари. Р <sub>1</sub> Р <sub>2</sub>	81 30	256 320	380 150	20 100	- -	- -
Асбоб-ускуна харажатлари О <sub>1</sub> О <sub>2</sub>	75 30	104 120	200 180	140 65	- -	- -

Масала.

Режали даврга тўртта цехдан иборат бўлган қурилиш корхонаси учун қуйидаги матрицалар берилган:

а-тўғри моддий харажат коэффициентларининг матрицаси

$$a = \begin{pmatrix} 0 & 0 & 0,1 & 0,2 \\ 0 & 0 & 0,2 & 0,3 \\ 0 & 0 & 0 & 0,4 \\ 0 & 0 & 0 & 0 \end{pmatrix}$$

d-бир бирлик маҳсулотдаги хомашё ва материаллар харажатлари меъёrlари.

$$d = \begin{pmatrix} 0,1 & 0,2 & 0,3 & 0,3 \\ 0,2 & 0,2 & 0,2 & 0,1 \\ 0,3 & 0,1 & 0,4 & 0,2 \end{pmatrix}$$

f- бир бирлик маҳсулотта техника турлари бўйича сарфланадиган вақт.

$$f = \begin{pmatrix} 0,7 & 0,5 & 0,3 & 0,6 \\ 0,5 & 0,4 & 0,3 & 0,1 \\ 0,3 & 0,2 & 0,5 & 0,4 \end{pmatrix}$$

t-бир бирлик маҳсулотта маълум ишчилар гуруҳи томонидан сарфланадиган иш вақти.

$$t = \begin{pmatrix} 0,2 & 0,1 & 0,3 & 0,5 \\ 0,4 & 0,3 & 0,1 & 0,2 \end{pmatrix}$$

Корхонанинг асосий цехларида ишлаб чиқариладиган товар маҳсулотлари режаси  $Y_1=1000$ ;  $Y_2=4000$ ;  $Y_3=0$ ;  $Y_4=0$ . Режа даврига цехларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ва цехлараро маҳсулот оқимларини топиш керак. Цехларнинг хомапе, материаллар, асбоб-ускуналар ва иш кучига бўлган истеъмол талаблари ҳисобланади.

## **Қисқача холосалар**

Амалиётда баланс модели ҳар бир ифода қилинувчи маҳсулот миқдори, алоҳида ишлаб чиқариш иқтисодий объекти, маҳсулотта бўлган эҳтиёжи орасидаги тенглик талабини тенглама тартиби кўриннишида ифодалайди.

Иқтисодий тизим ўзаро алоқадор тармоқлар йигиндисидир. У ҳамма моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ўз ичига олиш мумкин. Тармоқлараро баланслар мамлакат иқтисодиётидан ташқари барча ҳудудлар орасида ишлаб чиқариш алоқалари ва ҳудудлараро балансларда таърифланиши мумкин.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Тармоқлараро баланс деганда нимани тушунасиз?
2. Баланс жадвали элементлари орасида қандай асосий муносабатлар мавжуд?
3. Чизиқли баланс модели ёрдамида қандай масалалар ечилади?
4. Тўла ва билвосита харажатлар коэффициенти нима?

### **Асосий адабиётлар**

1. Шодиев Т., Қўчқоров А. Ишлаб чиқаришни тежалаштиришда математик усуллар. - Т., 1995.
2. Халқ хўжалигини режалаштиришда иқтисодий-математик моделларнинг татбиқи. - Т., ТДИУ, 1991.
3. Абдурахмонов М. А. Статистик моделлаптириш ва прогностаптириш. Маъruzалар матнлари. - Т., ТДИУ, 2003.
4. Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. - Т., 2003.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари: Ер, хусусий-лаштириш, ижара ҳақида. - Т., 1994.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни: Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида. - Т., 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. - Т., 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., 1996
5. Каримов И.А. 15 февраль 2000 йил. Олий Мажлисда сўзлаган нутки.
6. Абдуганиев А. Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти. (Дарслик). - Т., 1995.
7. Абдуллев Ё. Статистика назарияси. - Т., 2003.
8. Абдураҳмонов М.А. Қишлоқ ҳўжалиги статистикаси. Т., 2003.
9. Абдураҳмонов М.А. Курилиш статистикаси. - Т., 2003
10. Абдураҳмонов М.А. Статистик моделлаштириш ва проғнозлаштириш. Маърузалар матнлари. – Т.: ТДИУ, 2003.
11. Набиев Х.Н., Абдураҳмонов М.А. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси. Маъруза матнлари. – Т.: ТДИУ, 2000
12. Гуломов С.С., Алимов Р.Х. ва бошқалар Микроиқти sodиёт. - Т., 2001.
13. Устинов А. Статистика капитального строительства. М., 1988.
14. Шодиев Х., Ҳамроев М., Молия статистикаси. - Т., 2002
15. Каримов Ф. Капитал қурилиши иқтисодиёти асослари - Т., 1992.
16. Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. - Т., 2003.
17. Питер Фон Дер Липпе. Экономическая статистика Учебник. Перевод с нем. Издатель: Федеральное статистическое управление Германии. 1995.
18. В.М.Гальперин, С.М.Игнатьев, В.И.Моргунов. Микрос экономика. Т.І, -Санкт-Петербург Экономическая школа, 1994.
19. Экономика и статистика фирм. Учебное пособие. Под Ред. Проф. Ильеновой С.Д. - М., Финансы и статистика, 1996.
20. Ҳамдамов. К., Маҳамадалиев. У. Микроиқтисод асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
21. Э.Эгамбердиев. Микроиқтисодиёт асослари. Т

Ўқитувчи, 1995.

22. А.Улмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. - Т. Мехнат, 1995.
23. Максимова. В.Ф. Микроэкономика. - Учебник. М,1996.
24. Малые предприятия. Учет, налоги и отчетность. - М.: ИНФРА. 1996.
25. Справочник директора предприятия. (Под ред. М.Г.Лапусты). - М.: ИНФРА. 1996.
26. Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлигидан олинган маълумотлар.
27. Экономика и статистика. - Т., 1999.
28. Статистика рынка товаров и услуг. Учебник. Под.ред.- М.Беляевского. - М.: Финансы и статистика, 1995.
29. «Давлат миллий статистикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1993. 7 - сон.
30. Ўзбекистон иқтисодий йўналишлари, 1999-2002 йиллар.
31. С.С. Фуломов ва бошқалар. Микроиқтисодиёт. - Т., 2001.
32. Зоҳидова Х. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. - Т., 1980.
33. Статистика сельского хозяйства. - М., 1990.
34. Журавлева М. Практикум по статистике сельского хозяйства. - М., 1990.
35. Гузолов А. Статистика сельского хозяйства. 1985.
36. Макроиқтисодий статистика. - Т., 2000.
37. Новиков М.М., Теслюк И.Е.. Макроэкономическая статистика, Часть I и II. Учебное пособие, Изд. БГЭУ, Минск, 1996.
38. Ефимова М.Р., Петросова Е.Б., Румянцев В.Н., Общая теория статистики, Учебник - М. Инфра, 1996.
39. Теория статистики, Под. Ред. проф. Шмойловой Р.А. Финансы и статистика, - М.,1996.
40. Чижова Л.П. практикум по социально-экономической статистике. - М., 2003.
41. Экономическая статистика. под.ред. Иванова Ю.Учебник. - М., 1999.
42. Методологические положения по статистике. Вып.3. М., Госкомстат России. 2000.
43. Современные международные классификации по статистике труда. - М., 1994.
44. Курс социально-экономической статистики. Под.ред. Назирова М. - М., 2002.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
<b>I боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ СТАТИСТИКАСИНинг ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, УСУЛИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....</b>	<b>7</b>
I.1. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикаси ва унинг бошқа ижтимо- ий фанлар билан алоқаси.....	7
I.2. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикасининг ўрганиш обьекти ва қузағаш бирликлари.....	7
I.3. Ишлаб чиқариш тармоқлари статистикасининг предмети, усули ва вазифалари.....	9
Қисқача хуносалар.....	11
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	11
Асосий адабиётлар.....	11
<b>II боб. САНОАТ МАҲСУЛОТИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>12</b>
II.1. Саноат маҳсулоти ҳақида түшүнчә ва унинг тайёр бўлиш жара- ёни.....	12
II.2. Саноат маҳсулоти ҳажмини аниқлаш усуллари.....	13
II.3. Саноат маҳсулоти ҳажмини аниқловчи қиймат кўрсаткичлари тизими.....	13
Қисқача хуносалар.....	18
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	18
Асосий адабиётлар.....	18
<b>III боб. САНОАТ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>19</b>
III.1. Корхона ходимларининг сони ва таркиби статистикаси.....	19
III.2. Ишчи кучи ҳаракати статистикаси.....	20
III.3. Иш вақти баланси ва унинг статистикаси таҳлили.....	21
Қисқача хуносалар.....	24
Назорат ва мұхокама утун саволлар.....	24
Асосий адабиётлар.....	24
<b>IV боб. САНОАТДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ...</b>	<b>25</b>
IV.1. Меҳнат унумдорлиги ва уни ўстириш омиллари.....	25
IV.2. Меҳнат унумдорлигини аниқлаш усуллари.....	26
IV.3. Меҳнат унумдорлиги индекслари.....	27
IV.4. Меҳнат унумдорлиги ва иш вақти.....	28
Қисқача хуносалар.....	29
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	29
Асосий адабиётлар.....	29
<b>V боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ АОСОИЙ ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>30</b>
V.1. Асосий фонdlар ҳақида түшүнчә ва статистика вазифалари..	30

V.2. Асосий фондларнинг туркумланиши.....	30
V.3. Асосий фондларни баҳолаш.....	32
V.4. Асосий фондлар эскириши, амортизация суммаси ва мөъери..	32
Қисқача хулосалар.....	40
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	40
Асосий адабиётлар.....	40
<b>VI боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>41</b>
VI.1. Ишлаб чиқариш ускуналари ва уларнинг туркумланиши....	41
VI.2. Ускуналарни ҳолати ва сонини характерловчи кўрсаткичлар...	41
VI.3. Ускуналардан фойдаланишини характерловчи сифат кўрсаткичлари тизими.....	43
Қисқача хулосалар.....	46
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	46
Асосий адабиётлар.....	46
<b>VII боб. ҚУВВАТЛИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАР СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>47</b>
VII.1. Ўзбекистон Республикаси энергетика хўжалиги ва бу соҳадаги-статистика вазифалари.....	47
VII.2. Энергетик ускуналар туркумланиши ва уларнинг йигиндинсини аниқлаш.....	47
VII.3. Энергетик баланслар.....	49
Қисқача хулосалар.....	51
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	51
Асосий адабиётлар.....	51
<b>VIII боб. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ.....</b>	<b>52</b>
VIII.1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва статистикасининг ислоҳоти.....	52
VIII.2. Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби.....	53
VIII.3. Фойда кўрсаткичлари.....	59
VIII.4. Рентабеллик кўрсаткичлари.....	62
VIII.5. Молиявий коэффицентлар.....	69
Қисқача хулосалар.....	72
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	72
Асосий адабиётлар.....	72
<b>IX боб. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЯРОҚЛИ ЕРЛАР СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>73</b>
IX.1. Ер статистикасининг вазифалари.....	73
IX.2. Яроқли ерлар таснифи.....	74
IX.3. Ердан фойдаланиш ва яроқли ерлар ҳақидаги маълумотлар таҳ-	

ЛИЛИ.....	74
Қисқача хулосалар.....	77
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	77
Асосий адабиётлар.....	77
 Х боб. ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ВА КҮП ЙИЛЛИК ЭКИНЛАР СТАТИСТИКАСИ.....	78
Х.1. Экин майдонлари статистикаси.....	78
Х.2. Күп йиллик экинлар ҳақыда түшүнчә.....	80
Х.3. Экин майдонлари ва күп йиллик экинларнинг статистик таҳлили.....	81
Қисқача хулосалар.....	83
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	83
Асосий адабиётлар.....	83
 XI боб. ҲОСИЛ ВА ҲОСИЛДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ.....	84
XI.1. Ҳосил ва ҳосилдорлик ҳақыда түшүнчә ва бу соҳада статистиканинг вазифаси.....	84
XI.2. Ҳосил ва ҳосилдорлик күрсаткичлари.....	84
XI.3. Ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик режали бажарыш ҳақыдаги маълумотларнинг иқтисодий-статистик таҳлили.....	87
Қисқача хулосалар.....	90
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	90
Асосий адабиётлар.....	90
 XII боб. ЧОРВАЧИЛИК СТАТИСТИКАСИ.....	91
XII.1. Чорва молларининг сони ва таркибий күрсаткичлари.....	91
XII.2. Подани тұлдериши күрсаткичлари ва пода айланмаси.....	96
XII.3. Чорва молларининг маҳсулдорлиги күрсаткичлари.....	102
Қисқача хулосалар.....	109
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	109
Асосий адабиётлар.....	109
 XIII боб. ЕМ-ХАШАК МАНБАИ СТАТИСТИКАСИ.....	110
XIII.1. Ем-хашак манбай ва статистикасининг вазифалари.....	110
XIII.2. Ем-хашак манбай ва унинг турлари.....	110
XIII.3. Ем-хашак тұргисидаги маълумотлар ва уларнинг иқтисодий статистик таҳлили.....	112
Қисқача хулосалар.....	116
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	116
Асосий адабиётлар.....	116
 XIV боб. ҚИШЛОҚ ХҰЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ СТАТИСТИКАСИ.....	117
XIV.1. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳақыда түшүнчә ва статистиканинг вазифалари.....	117

XIV.2. Асосий фондларнинг баҳоланиши.....	117
XIV.3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш статистикаси.....	122
Қисқача хуносалар.....	130
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	130
Асосий адабиётлар.....	130
<b>XV боб. Қишлоқ хўжалигининг меҳнат ресурслари, меҳнат ўнумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш статистикаси.....</b>	<b>131</b>
XV.1. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари.....	131
XV.2. Қишлоқ хўжалигига меҳнат ўнумдорлиги кўрсаткичлари...	133
XV.3. Қишлоқ хўжалигига меҳнат ўнумдорлигининг статистик таҳлили.....	135
Қисқача хуносалар.....	141
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	141
Асосий адабиётлар.....	141
<b>XVI боб. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи статистикаси.....</b>	<b>142</b>
XVI.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи статистикаси..	142
XVI.2. Маҳсулот таннархининг тизими.....	143
XVI.3. Маҳсулот таннархининг иқтисодий статистик таҳлили....	144
Қисқача хуносалар.....	146
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	146
Асосий адабиётлар.....	146
<b>XVII боб. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари статистикаси.....</b>	<b>147</b>
XVII.1. Қишлоқ хўжалики маҳсулотлари ҳақида тушунча.....	147
XVII.2. Деҳқончилик маҳсулотлари статистикаси.....	148
XVII.3. Чорвачилик маҳсулотлари статистикаси.....	150
Қисқача хуносалар.....	153
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	153
Асосий адабиётлар.....	153
<b>XVIII боб. Қурилишда инвестиция бозори статистикаси..</b>	<b>154</b>
XVIII.1. Инвестиция тушунчаси.....	154
XVIII.2. Инвестиция статистикаси кўрсаткичлар тизими.....	154
XVIII.3. Инвестиция хатарини баҳолаш.....	157
Қисқача хуносалар.....	162
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	162
Асосий адабиётлар.....	162
<b>XIX боб. Инвестиция самарадорлигининг статистик кўрсаткичлари.....</b>	<b>163</b>

<b>XIX.1.</b> Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.....	163
<b>XIX.2.</b> Ҳиссали капитал кўйилмаларни ҳисоблаш.....	164
<b>XIX.3.</b> Капитал кўйилмалар қонганиш муддатини аниқлаш.....	166
Қисқача хулосалар.....	170
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	170
Асосий адабиётлар.....	170
<b>XX боб. ҚУРИЛИШДА ИШЧИ КУЧИ ВА ИШ ВАҚТИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	171
<b>XX.1.</b> Курилишда меҳнат ресурсларининг сони ва тузилишини характерлаш.....	171
<b>XX.2.</b> Курилишда ходимлар сони ва курилишда ишлаб чиқаришини ишчилар билан таъминланишини статистик ўрганиш.....	172
<b>XX.3.</b> Иш вакти ҳисоби ва ундан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш.....	175
Қисқача хулосалар.....	177
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	177
Асосий адабиётлар.....	177
<b>XXI боб. ҚУРИЛИШДА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	178
<b>XXI.1.</b> Курилишда меҳнат унумдорлигининг аҳамияти ва уни ўрганишда статистиканинг вазифалари.....	178
<b>XXI.2.</b> Меҳнат унумдорлиги даражаларини ҳисоблаш усуулари...	178
<b>XXI.3.</b> Курилишда меҳнат унумдорлиги динамикасини статистик ўрганиш.....	180
Қисқача хулосалар.....	185
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	185
Асосий адабиётлар.....	185
<b>XXII боб. ҚУРИЛИШДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	186
<b>XXII.1.</b> Курилишда маҳсулот таннархи ҳақида тушунча.....	186
<b>XXII.2.</b> Курилиш таннархи турлари ва унинг таркибини статистик ўрганиш.....	186
<b>XXII.3.</b> Курилиш таннархи даражаси ва динамикасининг статистик кўрсаткичлари.....	186
Қисқача хулосалар.....	192
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	192
Асосий адабиётлар.....	192
<b>XXIII боб. ҚУРИЛИШДА МЕХНАТ ПРЕДМЕТИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	193
<b>XXIII.1.</b> Меҳнат предмети статистикасининг вазифаси.....	193
<b>XXIII.2.</b> Материалларнинг ҳажми ва таркибини статистик ўрганиш.....	194

<b>XXIII.3. Курилиш ишлаб чиқаришини материаллар билан таъминлаш кўрсаткичи.....</b>	<b>195</b>
Қисқача хуросалар.....	199
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	199
Асосий адабиётлар.....	199
<b>XXIV боб. ЛОЙИХА ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ СТАТИСТИКАСИ.....</b>	<b>200</b>
XXIV.1. Лойиха қидирув фаолиятининг обьекти ва статистика ташкилотларининг лойиха қидирув фаолиятида муҳимлиги.....	200
XXIV.2. Лойиха маҳсулоти ва унинг тайёрланиши тўғрисида тушунча.....	201
XXIV.3. Лойиха маҳсулотлари ҳажмини ҳисобловчи кўрсаткичлар тизими.....	202
Қисқача хуросалар.....	203
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	203
Асосий адабиётлар.....	203
<b>XXV боб. КУРИЛИЩДА ТАРМОҚЛАРАРО БАЛАНСНИНГ МАРИЦАЛИ МОДЕЛИ.....</b>	<b>204</b>
XXV.1. Тўла меҳнат харажатлари ва тўла фонд талаб коэффициентларини ҳисоблаш.....	204
XXV.2. Тармоқлараро режали баланс тузиш.....	214
XXV.3. Ялпига маҳсулот ҳажмини аниқлиш.....	217
Қисқача хуросалар.....	223
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	223
Асосий адабиётлар.....	223
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>224</b>

## CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
<b>PART I. OBJECT, SUBJECT, METHOD AND TASKS OF THE COURSE “STATISTICS OF BRANCHES OF MANUFACTURE”.....</b>	
I.1.Statistics of branches manufacture and its relation with other social courses.....	7
I.2. Object of study and units of research of statistics of branches of manufacture.....	7
Brief conclusions.....	11
Questions for discussion and control.....	11
Main literature.....	11
<b>PART II. STATISTICS OF INDUSTRIAL PRODUCTS.....</b>	
II.1. Concept of industrial products and its preparation process.....	12
II.2. Methods of indicating the volume of industrial products.....	13
II.3. Indicators system of the volume.....	13
Brief conclusions.....	18
Questions for discussion and control.....	18
Main literature.....	18
<b>PART III. STATISTICS OF INDUSTRIAL MANPOWER.....</b>	
III.1. Statistics of structure and number of staff of an enterprise.....	19
III.2. Statistics of manpower activity.....	20
III.3. Balance of work time and analysis of its statistics.....	21
Brief conclusions.....	24
Questions for discussion and control.....	24
Main literature.....	24
<b>PART IV. STATISTICS OF LABOR INDUSTRY EFFICIENCY.....</b>	
IV.1. Labor efficiency and factors of its increase.....	25
IV.2. Methods of calculating the efficiency of labor.....	26
IV.3. Indexes of efficiency of labor.....	27
IV.4. Efficiency of labor and work time.....	28
Brief conclusions.....	29
Questions for discussion and control.....	29
Main literature.....	29
<b>PART-V. STATISTICS OF MAIN (FIXED) FUND OF PRODUCTION BRANCHES .....</b>	
V.1. Concept of main funds and tasks of statistics.....	30
V.2. Classification of main funds.....	30
V.3. Evaluation of main funds.....	32
V.4. Aging of main funds, norms and the sum of depreciation.....	32
Brief conclusions.....	40
Questions for discussion and control.....	40

Main literature.....	40
<b>PART-VI. STATISTICS OF MACHINERY AND TOOLS OF MANUFACTURE.....</b>	<b>41</b>
VI.1. Tools of manufacture and its classification.....	41
VI.2. Indicators characterizing conditions and quantity of tools.....	41
VI.3. Qualitative indicators of tools use.....	43
Brief conclusions.....	46
Questions for discussion and control.....	46
Main literature.....	46
<b>PATR VII. STATISTICS OF POWERFUL MACHINERY AND TOOLS....</b>	<b>47</b>
VII.1. Energy household of Republic Uzbekistan and tasks of statistics in this area.....	47
VII.2. Divisions of energy tools and calculation of their sum.....	47
VII.3. Energy balances.....	49
Brief conclusions.....	51
Questions for discussion and control.....	51
Main literature.....	51
<b>PART VIII. COST PRICE AND INDICATORS OF FINANCIAL RESULTS..</b>	<b>52</b>
VIII.1. Reforms of accounting and statistics in Republic of Uzbekistan.....	52
VIII.2. Expenses structure of manufacture and the sales which are included in cost price of production.....	53
VIII.3. Indicators of profit.....	59
VIII.4. Parameters of profitability.....	62
VIII.5. Financial coefficients.....	69
Brief conclusions.....	72
Questions for discussion and control.....	72
Main literature.....	72
<b>PART IX. STATISTICS OF LAND USE AND USEFUL LANDS.....</b>	<b>73</b>
IX.1. Tasks of land statistics.....	73
IX.2. Classification of useful lands.....	74
IX.3. Analysis of information of land usage and useful lands.....	74
Brief conclusions.....	77
Questions for discussion and control.....	77
Main literature.....	77
<b>PART X. STATISTICS OF FERTILE LANDS AND LONG-TERM CROPS..</b>	<b>78</b>
X.1. Statistics of fertile lands.....	78
X.2. Concept of long-term crops.....	80
X.3. The statistical analysis of fertile lands and long-term crops.....	81
Brief conclusions.....	83
Questions for discussion and control.....	83
Main literature.....	83

<b>PART XI. STATISTICS OF YIELD AND PRODUCTIVITY.....</b>	<b>84</b>
XI.1. Concept of yield and productivity and tasks of statistics in this area.....	84
XI.2. Indicators of yield and productivity.....	84
XI.3. Economic and statistical analysis of information about gross product and performance of the plan of productivity.....	87
Brief conclusions.....	90
Questions for discussion and control.....	90
Main literature.....	90
<b>PART XII. STATISTICS OF CATTLE-BREEDING.....</b>	<b>91</b>
XII.1. Parameters of quantity and structure of cattles.....	91
XII.2. Indicators of completing the herd and turnover of the herd .....	96
XII.3. Efficiency indicator of cattle breeding.....	102
Brief conclusions.....	109
Questions for discussion and control.....	109
Main literature.....	109
<b>PART XIII. STATISTICS OF HAY SOURCE.....</b>	<b>110</b>
XIII.1. Source of hay and tasks of its statistics.....	110
XIII.2. Source of hay and it types.....	110
XIII.3. Information about hay and their economic-statistical analysis....	112
Brief conclusions.....	116
Questions for discussion and control.....	116
Main literature.....	116
<b>PART XIV. STATISTICS OF A FIXED CAPITAL AND MECHANIZATION OF AGRICULTURE.....</b>	<b>117</b>
XIV.1. Concept of the basic production funds and tasks of statistics....	117
XIV.2. Estimation of a fixed capital.....	117
XIV.3. Statistics of mechanization and electrification of agriculture....	122
Brief conclusions.....	130
Questions for discussion and control.....	130
Main literature.....	130
<b>PART XV. STATISTICS OF WORK EFFICIENCY, PAYMENT AND MANPOWER OF AN AGRICULTURE.....</b>	<b>131</b>
XV.1. Manpower of agriculture.....	131
XV.2. Parameters of efficiency of labor in agriculture.....	133
XV.3. Statistical analysis of efficiency of labor in agriculture.....	135
Brief conclusions.....	141
Questions for discussion and control .....	141
Main literature.....	141
<b>PART XVI. STATISTICS OF COST OF AGRICULTURAL PRODUCTS..</b>	<b>142</b>
XVI.1. Statistics of cost of agricultural products.....	142
XVI.2. Structure of cost of a product.....	143

XVI.3. Economic and statistical analysis of cost of a product.....	144
Brief conclusions.....	146
Questions for discussion and control.....	146
Main literature.....	146
<b>PART XVII. STATISTICS OF AGRICULTURAL PRODUCTS.....</b>	<b>147</b>
XVII.1. Concept of agricultural products.....	147
XVII.2. Statistics of peasantry products.....	148
XVII.3. Statistics of cattle breeding.....	150
Brief conclusions.....	153
Questions for discussion and control.....	153
Main literature.....	153
<b>PART XVIII. STATISTICS OF INVESTMENT MARKET IN CONSTRUCTION.....</b>	<b>154</b>
XVIII.1. Concept of investment.....	154
XVIII.2. System of indicators of statistics of investment.....	154
XVIII.3. Evaluation of investment risk.....	157
Brief conclusions.....	162
Questions for discussion and control.....	162
Main literature.....	162
<b>PART XIX. STATISTICAL INDICATORS OF EFFICIENCY OF INVESTMENT.....</b>	<b>163</b>
XIX.1. Parameters of total economic efficiency.....	163
XIX.2. Calculation of shared capital investment.....	164
XIX.3. Indication of recovery time of capital investments.....	166
Brief conclusions.....	170
Questions for discussion and control.....	170
Main literature.....	170
<b>PART XX. STATISTICS OF MANPOWER AND WORK TIME IN CONSTRUCTION.....</b>	<b>171</b>
XX.1. Expression of quantity and structure of manpower in construction.....	171
XX.2. Statistical study of provision of production with workers and amount of staff in construction.....	172
XX.3. Calculation of work time and indication of its usage.....	175
Brief conclusions.....	177
Questions for discussion and control.....	177
Main literature.....	177
<b>PART XXI. STATISTICS OF LABOR EFFICIENCY IN CONSTRUCTION.....</b>	<b>178</b>
XXI.1. Essence of labor efficiency in construction and tasks of statistics in learning it.....	178
XXI.2. Methods of calculating the degree of labor efficiency .....	178

<b>XXI.3. Statistical study of dynamics of labor efficiency in construction...</b>	<b>180</b>
Brief conclusions.....	185
Questions for discussion and control.....	185
Main literature.....	185
<b>PART XXII. STATISTICS OF COST IN CONSTRUCTION.....</b>	<b>186</b>
XXII.1. Concept of cost in construction.....	186
XXII.2. Statistical study of types of cost and its structure.....	186
XXII.3. Statistical indicators of degree and dynamic of cost of construction.....	186
Brief conclusions.....	192
Questions for discussion and control.....	192
Main literature.....	192
<b>PART XXIII. STATISTICS OF A SUBJECT OF WORK IN CONSTRUCTION.....</b>	<b>193</b>
XXIII.1. Tasks of statistics of a subject of work.....	193
XXIII.2. Statistical study of volume structure of materials.....	194
XXIII.3. Parameter of supply by industrial materials in construction.....	195
Brief conclusions.....	199
Questions for discussion and control.....	199
Main literature.....	199
<b>PART XXIV. STATISTICS OF PROJECT-RESEARCH ACTIVITY....</b>	<b>200</b>
XXIV.1. Object of project-research activity and importance of statistical offices in project-research activities.....	200
XXIV.2. Product of project and its preparation.....	201
XXIV.3. System of indicators of calculating the volume of products of project.....	202
Brief conclusions.....	203
Questions for discussion and control.....	203
Main literature.....	203
<b>PART XXV. MODEL OF MATRIX OF INTER BRANCH BALANCE IN CONSTRUCTION.....</b>	<b>204</b>
XXV.1. Calculation of coefficients of full labor expenses and full demand for funds.....	204
XXV.2. Making inter branch planned balance.....	214
XXV.3. Indicating the volume of gross product.....	217
Brief conclusions.....	223
Questions for discussion and control.....	223
Main literature.....	223
<b>LIST OF THE BIBLIOGRAPHY.....</b>	<b>224</b>

*1—Илова.*

Қишлоқ хұжалығи маңсулотлари бүйіч ашылаб чиқарып җажмлари, минг тонна (1994-2001 й.й.)

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2000 6 ой	2001 6 ой
Пахта	3938	3934	3350	3641	3206	3600	3002	0	0
Дон	2467	3215	3549	3775,6	4147,7	4331,2	3915,7	2815,9	3413,9
Шоли	498	328	445	386	346	421	155	0	0
Картошка	567	440	490	692	691	658	723	298	350
Сабзавот	2975	2713	2481	2384	2404	2680	2386	488	531
Мева	555	602	585	548	544	489	691	150	166
Ұзум	353	621	474	512	336	344	609	9	10
Гүшт	827	853	854	801	809	822	841	388	395
Сут	3732	3665	3390	3406	3495	3543	3636	1605	1633
Тухум, млн.дона	1574	1232	1057	1075	1165	1240	1253	574	579
Жүн	25	20	15	15	16	16	16	7	8

*2—Илова.*

Экін майдонлари, минг.га (1990-2001 й.й.)

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2000 6 ой	2001 6 ой
Пахта	1540	1492,8	1487,3	1513,1	1531,6	1517,4	1443,7	1444,5	1452,7
Дон	1522,2	1656,6	1740,5	1837,6	1686,7	1723,1	1611,9	1355,8	1182,4
Шоли	167,1	165,9	185,2	195,2	148,4	162,4	129,8	131,8	34,1
Картошка	53	45,9	44,3	57,6	54,7	48,4	52	52,2	50,2
Сабзавот	156,9	149,6	131	128,7	127,3	138,5	130,4	129,9	128,2

**3—Илова.**

**Ҳосилдорлик, тонна/ га; 1990-2000 й.й.**

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
<b>Пахта</b>	<b>2,56</b>	<b>2,64</b>	<b>2,24</b>	<b>2,41</b>	<b>2,09</b>	<b>2,37</b>	<b>2,18</b>
<b>Дон</b>	<b>1,4</b>	<b>2</b>	<b>2,1</b>	<b>2,1</b>	<b>2,6</b>	<b>2,5</b>	<b>2,7</b>
<b>Шоли</b>	<b>3</b>	<b>2</b>	<b>2,4</b>	<b>2,8</b>	<b>2,4</b>	<b>2,55</b>	<b>2,39</b>
<b>Картошка</b>	<b>10,7</b>	<b>9,6</b>	<b>11,6</b>	<b>11,2</b>	<b>12,1</b>	<b>12,48</b>	<b>12,79</b>
<b>Сабзавот</b>	<b>19</b>	<b>18,1</b>	<b>19,1</b>	<b>17,5</b>	<b>18,8</b>	<b>17,51</b>	<b>17,31</b>
<b>Мева</b>	<b>3,9</b>	<b>4,4</b>	<b>4,6</b>	<b>4,2</b>	<b>4</b>	<b>3,7</b>	<b>....</b>
<b>Узум</b>	<b>3,8</b>	<b>6,5</b>	<b>5</b>	<b>5,3</b>	<b>3,5</b>	<b>3,4</b>	<b>....</b>

**4—Илова.**

**Чорва моллари сони, минг бош, 1994-2000 й.й.**

	Жамкы					Уй-хўжаликлиари ва фермер хўжаликлиари				
	Интиҳо моллари моллар	Сигирлар	Отлар	Кўн ма зчилиар	Парранда	Интиҳо моллари моллар	Сигирлар	Отлар	Кўн ма зчилиар	Парранда
1994	5483,3	2336,9	144,8	10059,3	19616,7					
1995	5203,5	2286,4	150,0	9322,3	13372,9	4052,5	1928,2	89,0	5126,0	6567,5
1996	5102,5	2234,2	147,4	8229,1	12669,2	4200,1	1934,4	95,0	5063,4	7514,7
1997	5196,4	2281,3	148,8	8586,7	12279,2	4247,5	1971,0	92,9	5452,9	7313,2
1998	5225,2	2290,2	148,5	8697,9	13934,9	4549,7	2070,4	105,7	5630,9	8117,7
1999	5281,8	2310,0	148,4	8863,6	14521,3	4661,9	2105,8	108,9	5988,2	8648,0
2000	5334,4	2344,6	146,1	8933,1	14416,2	4791,5	2165,0	110,4	6217,1	9348,4

*5—Илова.*

Хўжаликдаги чорва моллари бон сони ва маҳсулдорликни ўзгаришининг ялии чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсири таҳтили

Махсулот турлари	Чорва моллари (бон)	Маҳсулдорлик, (кг.)	Ялии маҳсулот . (ц)			Ялии маҳсулотнинг ўзгаркиши . (ц)		
			Режа бўйича	Ҳаҷми-китта	Режа бўйича	Шартли этини маҳсулот (ҳаҷми китра бон сони ва режадаги маҳсулдорлик бўйича)	Жами	Чорва бон сони ҳисобига
1	2	3	4	5	6(2x4)	7(3x5)	8(3x4)	9(7.6)
1.Сут	460	445	2500	2757	11500	12286	11125	766
2.барча эндеги кора моллар	880	1055	152.2	138	1340	1456	1606	116
3.Жуп	1809	1909	2,1	2,2	38	42	40	4
								266
								-150
								2
								2

**НАБИЕВ ХАМИДУЛЛА**  
**АБДУРАҲМОНОВ МИРЗАТИЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ  
СТАТИСТИКАСИ**

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Адабиёт жамғармаси директори  
Курбонмурод Жумаев  
Техник мухарир ва мусаввир:  
Акбарали Мамасолиев.  
Муҳаррир – М. Ваҳобова;  
Техник муҳаррир – Ш.Тожиев;  
Мусахих – Ж.Йўлдошев;  
Компьютерда саҳифаловчи - Гаффоров С.А.

Интернетдаги расмий сайтимиз: [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)  
Электрон почта манзили: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга руҳсат этилд  
20.01.2004 й. Қоғоз формати 60x84  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма усулид  
босилди. Нашр босма тобоби 15. Нусхаси 500.

Буюргма № 164

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси  
нашриёти. 7000000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«Тагаққијот ПСН» матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-6.



**НАБИЕВ Хамидулла Набиевич** — «Статистика» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган таълим ходими. У З та монография, 60 дан ортиқ илмий мақола, 6 та дарслик ва ўкув қўлланмалар муаллифи.

**Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Миллӣ ҳисоблар тизими асосида миллӣ иқтисодий интенсивлаштириши баҳолаш методологияси».**

**АБДУРАХМОНОВ Мирзатилла Абдуллаевич** — «Статистика» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. У 4 та ўкув қўлланма ва 25 тадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

**Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият самарадорлигини статистик баҳолаш методологиясини тақомиллаштириш».**

